7-18

Ошиқ Эркин

# ҚЎЙМАДИНГИЗ,
# ҚЎЙМАДИНГИЗ

Уз2
Э-68

*Ўшиқ Эркин*

# ҚЎЙМАДИНГИЗ, ҚЎЙМАДИНГИЗ

*Шеърлар ва достонлар*

Ўз2
Э 78

*Китоб муаллиф ҳисобидан чоп этилди.*



*ҒАЗАЛЛАР*

## ҚЎЙМАДИНГИЗ, ҚЎЙМАДИНГИЗ

**Гаплашайлик юринг бир деб, қўймадингиз, қўймадингиз,**
**Гўзал суҳбат қуринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

**Қўймадингиз бу таклифни неча жондин қилиб изҳор,**
**Висол гаштин суринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

**Атр бўйлар тараб гулшан, наводан яйрасин диллар,**
**Қандингизни уринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

**Неки ғам бор, неки ҳасрат чиқиб кетсин кўнгиллардан,**
**Йўлни боғга буринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

**Неча сўз бердингиз, жоним, кўнгилли бир саёҳатга,**
**Ваъдангизда туринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

**Ошиқ Эркин, юринг, қўрқманг, садоқатли муҳаббатда**
**Жавлонимни кўринг бир деб, қўймадингиз,**
**қўймадингиз.**

## ИЛТИЖО

Ҳимматингдан баҳраманд этгил мени, эй дилрабо,
Бошим осмонларга етгай айласанг комим раво.

Бир иложин қил, висолингдан тўйиб баҳра олай,
Тобакай йўлингда саргардон кезай мен бенаво.

Тарк этар чеҳраи олим заъфаронлик шиддати,
Туҳфа айлаб бўсалар, лаълинг ила қилсанг даво.

Яшнатиб оғушларим, наврўзи олам бўл менга,
Кел, ўзинг бағримни яйрат мисли хуш боди сабо.

Куйлатиб ишқ мадҳини булбулнавоз этдинг тилим,
Кўрмамиш бу чархи дун сендек гўзал ҳурилико.

Бебаҳо ҳусну малоҳатларни сен соҳибисан,
Ошиқ Эркинингга йўқдир сендан ўзга муддао.

## НАРГИСЛАРИНГ, Э, ШЎХ...

Наргисларинг, э шўх, шаҳло, шаҳло, шаҳло
Оҳу кўзлардан ҳам аъло, аъло, аъло.

Жононалар ичра раъноси кўп, аммо
Баридан ҳам ўзинг раъно, раъно, раъно.

Ором берар дилга ширингуфторлигинг,
Ҳар сўзингда дурри маъно, маъно, маъно.

Шамшодни лол айлар сарви қаддинг, жоним,
Бунча бўлурми ёр зебо, зебо, зебо.

Ошуфталар этди ҳусни малоҳатинг,
Қайдан бўла қолдим шайдо, шайдо, шайдо.

Ғайрат камарини ечма, Ошиқ Эркин,
Бўлмагунча дилдор лайло, лайло, лайло.

## СЕН КАБИ, САРВИНОЗИМ...

Сен каби, сарвинозим, хуршиди жаҳон қайда,
Бир офати жон қайда, гулғунча даҳон қайда?

Озод этмадинг бошим ғам бирла нолалардан,
Ишқ ичра менинг янглиғ ҳоли паришон қайда?

Сарв ила хиромонлар бандаси жамолингни,
Сен каби лоларухсор, сарви хиромон қайда?

Рўйи заминга лаълинг бахш этмиш нурафшонлик,
Лаълинг каби яна бир лаъли дурафшон қайда?

Жонон кулишларингнинг қурбони ширин жоним,
Гулчеҳра юзинг янглиғ гулбарги хандон қайда?

Оламда бор жавоҳир садқаси сақоғингнинг,
Олам аро мунингдек зулфи занахдон қайда?

Ойдек яхши бир дилбар топди деб, Ошиқ Эркин,
Ер ўпиб онт ичарман, келтиринг, Қуръон қайда?

## БОШҚА-БОШҚА

Ҳар дилни боғи ўзга, бўстони бошқа-бошқа,
Ҳар гулни нози айри, ҳайрони бошқа-бошқа.

Бу ҳайрон чархидунда осмон ҳам гарчи бирдир,
Парвоздаги ҳар қушнинг осмони бошқа-бошқа.

Минг турли ранг, жилода жавлон урар муҳаббат,
Севгида ҳар юракнинг жавлони бошқа-бошқа.

Ишқ деган тилсим ичра ҳар кимда турфа санъат,
Вафо бобида аммо виждони бошқа-бошқа.

Ҳур кўнгуллар йўлидур кўкнинг ҳам ипак йўли,
Бахт топмагай бу йўлда имони бошқа-бошқа.

Бири мулкда ғанийдур, бирин бори фақат сўз,
Дастурхоннинг, шул боис, имкони бошқа-бошқа.

Минглаб аҳли ушшоқнинг мадҳида минг тарона,
Ашъори ўзгачаю, достони бошқа-бошқа.

Орому файзи ўзга ҳар саҳронинг, сабабким,
Оҳулари бўлакча, жайрони бошқа-бошқа.

Кўпмиллатли жаҳоннинг минг муқом ҳаёт тарзи,
Айши, сафоси ўзга, даврони бошқа-бошқа.

Бирдир номи қуёшнинг барча тилларда, аммо
Ҳар қитъанинг ой бирла рахшони бошқа-бошқа.

Ҳар гулга битта шеър ёз, зероким, Ошиқ Эркин,
Ҳар дилни ўз булбули — хушхони бошқа-бошқа.

## СЕВДИМ ДЕГАН БИР СЎЗНИ...

Кечиргил мени, эркам, бош қўйдим оёқингга,
Севдим деган бир сўзни айтай деб қулоқингга.

Минг ўлиб хижолатдан, асло тик боқолмасман
Боққан сойи куйдирган ул икки қароқингга.

Неча ой, неча йиллар орзу этиб яшарман
Етса деб ташна лаблар қирмизранг дудоқингга.

Мардона ҳимматингдан мақсадга етганим шу —
Лаб қўйсам галма-галдан ҳар икки ёноқингга.

Кўз тегмасун илойим, эй кўзларим зиёси,
Кўзларни ўйнатувчи, оромбахш сақоқингга.

Токайгача чидайдур бечора Ошиқ Эркин,
"Мен ҳам" деган бир сўзни эшитмай, фироқингга.

## ЎН САККИЗ ЁШЛИ ДИЛБАР

Ўн саккиз ёшли дилбар кезар севги боғинда,
Бундайин ҳур йўқ ҳатто Бадахшоннинг тоғинда.

Оламга янги келган янглиғ бўлурсан ётсанг,
Ўн саккиз минг оламни тарк этиб, қучоғинда.

Бир кўрса хижил ўлғай кўклардан боқиб рахшон,
Дилни қилиб нурафшон, нур ўйнар ёноғинда.

Ўлик жонга жон берган булоқми дейсан меҳри,
Минг яшар бир чўмилган меҳрининг булоғинда.

Хизматда турса арзир унга ҳури Кашмирнинг,
Бир жаҳон лаззат, ҳай-ҳай, бор унинг дудоғинда.

Жонон сақоқларига садқа жону жаҳоним,
Бир етса ойлаб оғзим ўйноқлар сақоғинда.

Гулдек йигитга менгзар, дўстларим, Ошиқ Эркин,
Қучиб гулдайин маҳваш ёниб юрган чоғинда.

## СИЗГА

Оғуш тўла гулимнинг энг дилрабоси сизга,
Дурдона муҳаббатнинг нозик адоси бизга.

То абад сизга бўлсин гулшанни тўтиёси,
Куз келмай ҳазон бўлган ул мубталоси бизга.

Сизга кулсин чечаклар яшнатиб чаманларни,
Ул лолазорнинг басдур мискин навоси бизга.

Дилрабо насимларнинг зебоси сизга бўлсин,
Анбар бўйингиз сочган боди сабоси бизга.

Бир умр сизга, жоним, ишқ ичра таманнолар,
Ул қора мужгонларнинг тиғи балоси бизга.

Вафонинг сизга бўлсин бахшида кимиёси,
Севгида бор ситамнинг аччиқ мазоси бизга.

Тиларман, Ошиқ Эркин, эҳсон сизга буюрсин,
Армонли муҳаббатнинг олий жазоси бизга.

## "ЛАЗГИ"ГА ТУШ, "ЛАЗГИ"ГА

Дилларни шод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га,
Элни обод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Аму каби чайқалиб, ором олсин кўнгиллар,
Ёшликни ёд этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Ким бўлса гар паришон, яйрасин ўйнаб-ўйнаб,
Ғамдан озод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Чиқиб кетсин юракдан андуҳ ила аламлар,
Ором бунёд этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Гулдан гўзал сарвлар файзидир даврамизнинг,
Ўзни Фарҳод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Кўз-кўз қилиб базмда беш кетган бўйимизни
Ўйнаб шамшод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Хоразм "Лазги"си бу, кенгроқ олиб даврани,
Элни дилшод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Омон-омон замон бу, дориломон замон бу,
Тўйлар мурод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

Ўзинг ҳам гуллатиб қўй даврани, Ошиқ Эркин,
Дўстларни шод этайлик, "Лазги"га туш, "Лазги"га.

## ВИСОЛИ ШИРИН ИШҚНИНГ

Севги демасман асло элга таралмагунча,
Афсонаси қўшиқдай буткул яралмагунча.

Дарду бало, ҳижрони куйдирди дема зинҳор,
Шифо истаб табибга минг йўл қаралмагунча.

Севги эшикларидан қувилмоқ азал одат,
Боргил, борганинг яхши қўрқиб боролмагунча.

Гоҳ наво, гоҳ ғами бор, гоҳ даво, гоҳ алами —
Тағин кўп йўл босурсан ваъда ололмагунча.

Чекинма, Ошиқ Эркин, висоли ширин ишқнинг,
Қийинчилик қўйнига қўлинг сололмагунча.

2-65

## ЛОЛА БЎЛИБ ЁНАРСАН

Лола бўлиб ёнарсан, эркам, кўзларингга кўзим тушганда
Яшнаб, яна бўлурсан кўркам, кўзларингга кўзим
тушганда.

Чақнаб кетар юлдузлар мисол, гавҳарлари порлаб
ёнарлар,
Дилим яйраб, бўлурман хуррам кўзларингга кўзим
тушганда.

Нигоҳларинг нури вужудим ял-ял ёқиб зиёга чулғар,
Бўлурсан сен яна муҳтарам кўзларингга кўзим
тушганда.

Тордир, санам, осмону фалак юрак тўла қувончларимга,
Қолмас дилда заррача ҳам ғам кўзларингга кўзим
тушганда.

Талпинурман оғушинг сари сармаст бўлиб назокатингдан,
Бахтим чечак очадур ҳар дам кўзларингга кўзим
тушганда.

Ошиқ Эркин, ёнар кўзларинг севар ёринг малоҳатидан,
Дардларимга бўлурсан малҳам кўзларингга кўзим
тушганда.

## ЭЙ ЁНОҚЛАРИ БОЛИМ

Эй ёноқлари болим,
шамсиқамар ҳилолим,
Чеҳраси чўғим, олим,
сийми-тани ҳалолим,
Не куйга солиб қўйдинг,
сочлари толим-толим,
Ёмон бўлди зор кутиб
йўлингда яхши ҳолим,
Юрак-бағрим доғ этмай
юрак-бағринг очиб кел,
Кўзга сурай изларинг,
мушки анбар сочиб кел,
Зор юрмагил сен унда,
зор кутмайин мен бунда.

Соғинтирмай кел тезроқ,
умринг зиёда бўлсин,
Қуёш кулиб чиққандай
олам зиёга тўлсин,
Алвон лаб очсин ғунча,
чечаклар хандон кулсин,
Ағёрларим лол қолсин —
сени мен билан кўрсин,
Юрак-бағрим доғ этмай,
юрак-бағринг очиб кел,
Кўзга сурай изларинг,
мушки анбар сочиб кел,
Зор юрмагил сен унда,
зор кутмайин мен бунда.

Муҳаббатсизлар билмас:
муҳаббат катта бойлик,
Умри-гунинг қилурман
севгим билан чиройлик,
Ёниқ меҳрим бор ахир
қилмоққа ҳотамтойлик,
"Вафо" деган чаманда
қўл ушлашиб юрайлик.
Юрак-бағрим доғ этмай
юрак-бағринг очиб кел,
Кўзга сурай изларинг,
мушки анбар сочиб кел,
Зор юрмагил сен унда,
зор кутмайин мен бунда.

Ошиқ Эркинга, жоним,
ўзинг бебаҳо давлат,
Дўстлар аро шод юриб,
ёнингда тўкай савлат,
Ушбу жаҳонда йўқдур
бағрингдан бўлак жаннат,
Умрим машъали бўлгин,
мардона кўрсат ҳиммат,
Юрак-бағрим доғ этмай,
юрак-бағринг очиб кел.
Кўзга сурай изларинг,
мушки анбар сочиб кел,
Зор юрмагил сен унда,
зор кутмайин мен бунда.

## СЕНИНГ ИШҚИНГДА

Бошим осмон, жоним, сенинг ишқингда,
Байроқдур имоним сенинг ишқингда.

Қўшиққа айланди фидойи севгим,
Эй гулбадан хоним, сенинг ишқингда.

Умрлик баҳра олди жисму жоним,
Меҳр бор, райҳоним, сенинг ишқингда.

Қуёшга етказдинг ишқим туғини,
Бари нур, раҳшоним, сенинг ишқингда.

Барқ урди баҳорлар сенинг ишқингдан,
Яшнади бўстоним сенинг ишқингда.

Ажаб ҳайронадур Ошиқ Эркининг,
Ишқимдан ҳайроним, сенинг ишқингда.

## КЎНГЛИНГГА МАЛОЛ ОЛМА

Қалбингга қулоқ солдим, кўнглингга малол олма,
Мен сени севиб қолдим, кўнглингга малол олма.

Йўқ эрканин севганинг, олма ёноқли эркам,
Синглингдан билиб олдим, кўнглингга малол олма.

Гулдек гўзал жамолинг ларза солиб юракка,
Ишқинг торини чолдим, кўнглингга малол олма.

Ҳар кўрганимга сўйлаб чин дилдан севганимни,
На ҳоридим, на толдим, кўнглингга малол олма.

Жаҳонга сиғмас яйраб ғазалхон Ошиқ Эркин.
Мастона севиб қолдим, кўнглингга малол олма.

## ИШҚИ БОР ЮРАГИМДА

Нигоримнинг сафоли ишқи бор юрагимда
Умидбахшу наволи ишқи бор юрагимда.

Роҳат ато этар ул сурурли кўнгилларга,
Илҳомчию иболи ишқи бор юрагимда.

Ял-ял ёниб, товланиб оташ солар дилимга,
Хосиятли, ҳаёли ишқи бор юрагимда.

Олтин кокилларидан бўйлар сочар муаттар,
Нодир, ажиб ҳаволи ишқи бор юрагимда.

Изҳори дил қилиб ул яшнатди ҳаётимни,
Меҳри ёниқ, шифоли ишқи бор юрагимда.

Гулгун малоҳатидан туғёнда Ошиқ Эркин,
Атр бўйли, сафоли ишқи бор юрагимда.

## БИР ҲИКМАТ БОР МУҲАББАТДА

Сеҳрловчи бир ҳикмат бор муҳаббатда,
Бахтиёрдур ким вафодор муҳаббатда.

Муҳаббатнинг ўзи шоён тароватдур,
Садоқатли иқболга ёр муҳаббатда.

Сафоли гул билан яшнар севги боғи,
Ҳушинг олар қуёшрухсор муҳаббатда.

Беғубор ишқ илҳомидур юракларнинг,
Оромижон илҳом бисёр муҳаббатда.

Муҳаббатли кўнгилларга садқа жоним,
Юлдуз эрур кўзи хумор муҳаббатда.

Булбул гулга хушторлиги билан бийрон,
Ошиқ Эркин шакаргуфтор муҳаббатда.

# ЎЗИМ САДҚАНГ БЎЛАЙ

Жоним керакми? Ол! Жононга тегма,
Имоним маним ул, имонга тегма.

Тилло этиб сочсин юлдузларини,
Офтобим — каҳкашон осмонга тегма.

Ўзим садқанг бўлай, тортгил қўлингни,
Менинг ғунча севгим — бўстонга тегма.

Малакдир ул турфа гуллар ичинда,
Ҳам ризвон, ҳам ҳуру ғилмонга тегма.

Сармаст этсин ошиғини хуш бўйдан,
Боғимдаги атр райҳонга тегма.

Ошиқ Эркин бахти, муҳаббати ул,
Тарғунча ниҳолим — жайронга тегма.

## ДИЛНИ ЁҚАР ДИЛБАРИМ

Дилни ёқар дилбарим тиллога дўна-дўна,
Суманбарим, гавҳарим тиллога дўна-дўна.

Шоҳи либос эгнида, товус каби товланиб,
Ҳушинг олар анварим тиллога дўна-дўна.

На олтин, на кумушнинг мис каби қадри йўқдир,
Мафтун этар анбарим тиллога дўна-дўна.

Зарҳал билан ёзилмиш муҳаббатимиз мадҳи,
Нурга тўлар дафтарим тиллога дўна-дўна.

Дурафшон жамолидан нур тарар кўнгилларга,
Парвоздадир пайкарим тиллога дўна-дўна.

Муҳаббатинг саройин забт этмиш Ошиқ Эркин,
Юракдаги ҳулкарим тиллога дўна-дўна.

## КЎНГИЛ КУЙЛАСА

Яйрагай эл бир умр яйраб агар дил куйласа,
Турфаранг боғу чаман бағрида булбул куйласа.

Яхшидур офтоб мудом гулшанга сочса нурини,
Чайқалиб, айлаб хиром нур қўйнида гул куйласа.

Субҳи содиқ жилвасидан қолса тонг гулғунчалар,
Лолагун ишқимни лола, тонгда сунбул куйласа.

Куйласа хандон кулиб, атрин тараб райҳону сарв,
Мавж уриб тошса вужуд, мастона кўнгул куйласа.

Хуш эсиб эрка сабо тўзғитса сунбул зулфини,
Белига юз чулғаниб, севгимни кокил куйласа.

Севгимиз шаъни битилган куй, қўшиқ бўлмас адо,
Бир неча юз йил демай, йўқ, неча минг йил куйласа.

Ошиқ Эркинга кулиб боқди буюк даврон қизи,
Яйрамайми шеърларим милёнта сингил куйласа.

## ЧЕҲРАСИ ОЛ ЙЎЛИҚСА

*Жамол Камолга*

Ўйнар лабингда кулгу лаблари бол йўлиқса,
Тошар юзингда ёғду чеҳраси ол йўлиқса.

Севги домига тушган бўлмай қолмас паришон,
Гар мард эсанг мадад бер ошуфтаҳол йўлиқса.

Солғай юракка ғавғо қуюқ сурмали қошлар,
Бахтингни кулгани шу — қоши ҳилол йўлиқса.

Мастона яйрагайсан ҳузурли бўсалардан,
Гулгун ёноқ, суманбар, лаъли зулол йўлиқса.

Шофиркон тарапиннан чиққан навниҳол деб бил,
Хуш фазилат, хуш қилиқ, тоза ниҳол йўлиқса.

Дийдорин кўриш бирла таскин топмас кўнгиллар,
Маҳшаргача ёр эттил тўтимақол йўлиқса.

Ёр жамоли камолга етибди, Ошиқ Эркин,
Суюнчи бер Бухорда Жамол Камол йўлиқса.

## САОДАТГА МУШАРРАФМАН

Юрагимда сенга, дилбар, муҳаббат қанчадан-қанча,
Меҳрим нурига йўғрилган садоқат қанчадан-қанча.

Товусдек силкиниб ўтсанг хиромон бу чаман ичра,
Қолиб кетгувчи боғ бўйлаб тароват қанчадан-қанча.

Сенинг васфинг тараннумдир неча шеър, неча достонда,
Ўқиб ҳайронларинг олган фароғат қанчадан-қанча.

Латофатда, малоҳатда, назокатда тенгинг йўқдир,
Сеҳрловчи яна сенда каромат қанчадан-қанча.

Сенинг васфингни куйлашдек саодатга мушаррафман,
Ҳамиша ёш юрагимда матонат қанчадан-қанча.

Кўк узра порлаган офтоб юраги аҳли ушшоқнинг,
Севиб-севган юракларда ҳарорат қанчадан-қанча.

Муҳаббат, Ошиқ Эркинга мудомо йўлчи юлдузсан,
Сенинг-ла топганим давлат, саодат қанчадан-қанча.

## КУЙЛАРМАН ЎЛГУНИМЧА

Мадҳингни, она юртим, куйларман ўлгунимча,
Ҳаволаниб, шавқ ила сўйларман ўлгунимча.

Хумор-хумор боқарман ҳуснингта, чиройингта,
Зийнат ато этмоқни ўйларман ўлгунимча.

Дилкушо кучогингда яйрар қавму қардошим,
Шодона давраларда ўйнарман ўлгунимча.

Осмон қадар юксалган безавол камолингни
Бахтим-саодатимга бўйларман ўлгунимча.

Меҳнат шарофатидур бу тенгсиз фаровонлик,
Ҳар кун базм, ҳар кун тўй-тўйларман ўлгунимча.

Гулгун ҳаёт майидан сархушдир Ошиқ Эркин,
Иқболингни, диёрим, куйларман ўлгунимча.

## ЮРАГИМГА ЧЎҒ ТАШЛАБ

Юрагимга чўғ ташлаб, кетиб қолдинг қаёна,
Шундан буён ҳажрингда куярман ёна-ёна.

Парвонаман, нигорим, бир кўрсам деб жамолинг,
Ёмон бўлмасди юрсам васлингга қона-қона.

Муҳаббатим гулшанин булбулдек ошиён эт,
*Порлаб иқбол қуёши, яшнаб кетсин пешона.*

Лаблар тўла болингдан оловлансин вужудим,
Бўса завқидан яйраб сайр этайлик мастона.

Икки кўзим тўрт бўлиб пойларман йўлларингни,
Тўкмасам деб қўрқаман кўз ёшим дона-дона.

Қуёш бўлиб ёниб чиқ, лол қолсин париваплар,
Сунбул зулфи торингни ўрганда шона-шона.

Ишонгил, Ошиқ Эркин, кулиб келар баҳоринг,
Дил яйратар бу ташриф бўлғай бахтдан нишона.

## СОҒИНГАНМАН ЖАМОЛИНГ

Соғинганман жамолинг, гал буёна, гал, гал буёна,
Қўмсаб шўх лабда болинг, гал буёна, гал, гал буёна.

Уч кунлик ойни кўрсам сенинг қошингму дерман,
Соғиндим қўш ҳилолинг, гал буёна, гал, гал буёна.

Юракларим ёқиб сен нечун мендан қочурсен,
Йўқ-ку менга малолинг, гал буёна, гал, гал буёна.

Таърифга тилим ожиз, ўлгудай соғинганман
Ой юзда кумуш холинг, гал буёна, гал, гал буёна.

Дилга ғурур, кўзга нур, танга сурур бағишлар
Сенинг чеҳраи олинг, гал буёна, гал, гал буёна.

Вафо билан безайдур севгисин Ошиқ Эркин,
Соғинганман висолинг, гал буёна, гал, гал буёна.

## СЕНДАН ЎЗГА

Менга, менинг кераклим, даркормас сендан ўзга,
Ўзингдан ўзга ҳеч ким кўринмас ушбу кўзга.

Дилоромим сен менинг, дил оромим сен менинг,
Ахир инонмоқ лозим юракдан чиққан сўзга.

Маҳкам боғланган энди бизнинг оташ юраклар,
Муборак бўлсин, эркам, хуш етганинг наврўзга.

Қундуз зулфи торингнинг алмашмам бир толасин
Юз дилбар, юз дилнавоз, юз мингта дилафрўзга.

Севишган барча дилда қўшиқ бўлгай севгимиз
Уланиб шўх наволар "Бузрук" билан "Феруз"га.

Васлингга етобилмай парвона Ошиқ Эркин,
Ўзингдан ўзга ҳеч ким кўринмас асло кўзга.

## СЕНИ СОҒИНГАНИМДА

Хаёлимда бўларсан пайдо,
барно, сени соғинганимда,
Ва бўларман яна ҳам шайдо,
барно, сени соғинганимда.

Сўзлашарман юлдузлар билан
тимсол этиб қора кўзларинг,
Ором қайда, фароғат қайда,
барно, сени соғинганимда.

Шод кутарман тонгни, қуёшни,
талпинурман вaслингга бедор,
Бўлсин элга ишқим ҳувайдо,
барно, сени соғинганимда.

Хуш овозинг андозасидур
булбулларнинг ёниқ нағмаси,
Пайдо бўлар дилда сувайдо,
барно, сени соғинганимда.

Юрагимда қулф урар баҳор,
хандон кулар қирмиз чечаклар,
Сутдек тошар қалбимда наво,
барно, сени соғинганимда.

Руҳиямни эркалар сенинг
сарв гулдек қадди камолинг,
Топиларми дардимга даво,
барно, сени соғинганимда.

Ўзгаларга кўрмасман раво,
офтоб бўлиб кулсин иқболинг,
Ҳар гал сени топмоқ муддао,
ҳар гал сени соғинганимда.

Ошиқ Эркин бахт тилар сенга,
саодатни нақд тилар сенга,
Яйраб қўшиқ битай доимо,
барно, *сени соғинганимда.*

## ВАФО РАСМИ

Вафо расми на қилсин беҳаёда,
Дилраболик бўлурми бевафода?!

Наводан яйрагай содиқ юраклар,
Кўнгил маҳзун азалдан бенавода.

Садоқатдан нишон йўқдир, нишон йўқ,
Ўзин осмон билган ҳуриликода.

Ибони билмаган қадрин ҳам билмас,
Иффат бўлмас беибо дилрабода.

Яхши фазилатдан топилмас асар,
Минг йил ахтарсангиз ҳам беибода.

Вафо туғин баланд тут, Ошиқ Эркин,
Қадрлар шунда эл ҳаддан зиёда.

## ЖОНОН КУЛИБ

Қулф урди дил осмон кулиб,
Мисли малак жонон кулиб.

Ҳижронима чек қўйди ой,
Ороланиб, хандон кулиб.

Руҳим маним кўкда бу дам,
Қаҳ-қаҳ уриб, чандон кулиб.

Юлдуз фалакда каҳкашон,
Ҳайратдадур бўстон кулиб.

Ҳуснингга сунбул рашк этар,
Роҳатдадур райҳон кулиб.

Жилва этарсан жон олиб,
Ушшоқларинг ҳайрон кулиб.

*Лол айла Ошиқ Эркининг,*
Чарх уриб, сингилжон, кулиб.

## РОМ ЭТДИ ДИЛОРОМИМ

Мафтун айлади-қўйди жонона хиром айлаб,
Товлаб нозик белларни, туркона хиром айлаб.

Оҳиста сузиб кўзни, қиймириб қиё боқди,
Ҳайроним ибо бирла мастона хиром айлаб.

Чарх уриб кабутардай шод этди кўнгилларни,
Қошларни қоқиб яйраб, бир дона хиром айлаб.

Оҳанги "Тановар"ни жўр айлади машшоқлар,
Ром этди диломим дурдона хиром айлаб.

Элимдан олмиш маҳваш бу хуш фазилатларни,
Кўргузиб такаллумлар, шарқона хиром айлаб.

Бир кеча Ошиқ Эркин базмида бўлиб меҳмон,
Жононим, ўйин тушгил дўстона хиром айлаб.

## ОЛДИНГ ҚАРОРИМНИ МЕНИ

Олдинг қароримни мени қошу кўзингни ўйнатиб,
Дил мулкига ғавғо солиб, гоҳи ўзингни ўйнатиб.

Ишва билан гаплар отиб ақлимни ҳайрон айладинг,
Лутфингга минг маъно бериб, ҳар бир сўзингни ўйнатиб.

Эркам, қайрилма қошларинг учди қалдирғочлар бўлиб,
Жодуладинг имо билан ойдай юзингни ўйнатиб.

Ялдо тунидай қоп-қора зулфинг кўзимга тўтиё,
Шайдо этарсан боқса ким, қўш қундузингни ўйнатиб.

Бечора Ошиқ Эркининг сиғмас фалакка сайр этиб,
Кўк тоқида, маҳваш, сенинг бахт юлдузингни ўйнатиб.

## НОМАЛАР БИТДИНГ РАВОН

Деб экансан ҳолатимдан қўй тўрамни эш этиб,
Кўкка етганмиш бошинг эшитганимни эшитиб.

Билганимни билмасин дебсан, бу пинҳонлик нечун?
Билмасам гар билганинг юрмоқдаман не иш этиб?

Номалар битдинг равон, етсун дея тайёрада,
Соғинмадингиз деб мени, соғинганингни пеш этиб.

Хеш этибсиз деб битибсан менга сен бегонани,
Кўр бўлай юрган эсам бегоналарни хеш этиб.

Меҳру ҳиммат айлагай ҳардам зимистон қишни ёз,
Қўймагил, эркам, менга ёзни зимистон қиш этиб.

Ошиқ Эркин "воҳ" демас, ошиқлигининг ҳурмати,
Кипригинг ҳар торини бағрига санчсанг ниш этиб.

## БОҒ САЙРИДА

Юрганингда товланиб,
товус каби одим отиб,
Лол қолур гулшанда гуллар
завқ ила бош иргғотиб.

Туртишурлар бир-бирини
бўй тараб райҳонлар,
Нозланиб эсган сабодан
чайқалиб, ҳар ён ётиб.

Бундайин гул кўрмаганмиз,
деб ёниб куй куйлашар,
Ҳар бутоқда неча булбул
бир-бирига сўз қотиб.

Хушнаво оҳанг тараб
мадҳингни куйлар, дилбарим,
Тўргаю мусичалар
учиб-қўниб, терга ботиб.

Турфа гуллар рашк этар
гулгун қуёш рухсоринга,
Тўтиларнинг нечаси
қолгай изингдан гап сотиб.

Боғ аро кўксимга сен
бош қўйсанг, Ошиқ Эркининг
Барча душман устидан
хандон кулар қотиб-қотиб.

## ЎЙНАБ-ЎЙНАБ

Олди ихтиёримни жонона ўйнаб-ўйнаб,
Чертди юрак торимни мастона ўйнаб-ўйнаб.

Гулшан аро бериб файз, товус каби товланди,
Ҳам қилди ақлу ҳушдан бегона ўйнаб-ўйнаб.

Сийналари силкиниб, ёқди кўзим беомон,
Шафқат қилмади, қилди сўзона ўйнаб-ўйнаб.

Дилбар рақсида жодур ҳар нози, таманноси,
Айлар сени бир боқиб парвона, ўйнаб-ўйнаб.

Ял-ял ёниб чиқса гар қалқиб олар давралар,
Олқишлагай Андижон, Фарғона ўйнаб-ўйнаб.

Яйрагил, Ошиқ Эркин, дарё бўлиб чайқалиб,
Гуллат даврани сен ҳам мардона ўйнаб-ўйнаб.

## СУЛУВСАНКИ, СЕНГА, ДИЛБАР...

Сулувсанки, сенга, дилбар, талабгор бениҳоят кўп,
Азиз жонини бахш этмоққа тайёр бениҳоят кўп.

Азиз тутгил азиз жонинг, кўп ошиқда меҳр оздур,
Муҳаббат гулшани ичра зиёнкор бениҳоят кўп.

Умид қилма уларда сен меҳр-шафқатни бисёр деб,
Раҳмсизлар ҳисобсиздур ва бисёр-бениҳоят кўп.

Қарор топмоқ мурод этсанг вафо илгини маҳкам тут,
Бул чаман ёрлари ичра беқарор бениҳоят кўп.

Ширин тил кўп, шакаргуфтор бўлиб бергай дила озор,
Шу боис эҳтиёт даркор — дилозор бениҳоят кўп.

Садоқат мадҳини куйларда Ошиқ Эркининг тинмас,
Сенга деб тузди девон, ёзиб ашъор бениҳоят кўп.

## ГУЛДЕК ГЎЗАЛ ДИЛДОРИ КЎП

Сайр этарга ҳур Ватаннинг
боғи кўп, гулзори кўп,
Ҳар бири пайкарга тенг
жонон қуёшрухсори кўп.

Ҳуш олур обод чаманда
турфа гуллар бўй тараб,
Ҳар хиёбонин, кўринг,
гулдек гўзал дилдори кўп.

Бундайин бўстонни очун
ичра кўрган бормикин?
Куйласа булбулга жўр
хушхон, шакаргуфтори кўп.

Бахтиёрдур аҳли ишқ
туркона ҳиммати билан,
Ҳар юракнинг жилвасоз
алёри кўп, гулёри кўп.

Неча достон этса арзир
ўзбегимнинг васфини,
Барчанинг юрт шаънига
раҳмат тўла изҳори кўп.

Чин муҳаббат, чин вафоли
эл омон бўлсин деган
Ошиқ Эркиннинг юрагида
қўшиқ, ашъори кўп.

## ДАВРИМ ШИРИНЛАРИ

Куйлай дея дилдорлигинг бағоят,
Мен ҳам қўлга қалам олдим ниҳоят.

Ширин чиройи ҳам, Лайли ҳусни ҳам
Эртакларда тўқилган бир ривоят.

Сени кўрса эди озар Низомий,
Қилгай эди ўзгача бир ҳикоят.

Устоз Хусрав Деҳлавий кўрса якбор,
Тилин тишлаб, қолур лол бениҳоят.

Жамолинг шавқига қонмасди Жомий,
Хитоб айлаб: "Бу не қомат-сироят?"

Мадҳингга Қутб ҳам дур сўз тополмай,
Айларди чин ожизликдан шикоят.

Ширин таърифидан кечгай Навоий,
Бир кўрса бас, жунбушга тушиб ғоят.

Тавсифига қалам ожиз, гўзал ёр
Насиб этгай муносиб ёрга шояд.

Паризодим, ёмон кўздан, худойим,
Ўзинг қилғил қанотингда ҳимоят.

Бор бўлсин деб бизни Ширин, камина
Кеча-кундуз ўқир минг бора оят.

Ошиқ Эркин, давринг ширинларини
Янги достон этиш сенга иноят.

## МЕҲРИБОНИНГ БЎЛСА ДЎСТ

Хуш кечар умринг сени
чин меҳрибонинг бўлса дўст,
Чин қадрдону чин улфат,
соябонинг бўлса дўст.

Дўст эмас ул тушганида
бошга иш юрса қочиб,
Бор ёмон-яхши кунингда
посбонинг бўлса дўст.

Бўлса дўст шамъи шабистон,
дардга дармон беғараз,
Нақди имон бўлса дўст,
жону жаҳонинг бўлса дўст.

Нурли осмон бўлса бошда
дур сочиб хуршиднамо,
Жавҳари жонинг сенинг,
меҳри рахшонинг бўлса дўст.

Ҳар қадамда бўлса қалқон
дўст учун мардонавор,
Сақласа шаънингнию,
марду майдонинг бўлса дўст.

Ошиқ Эркин, бошга тож эт
ундайин мард дўстни сен,
Меҳрибони бўл унинг,
меҳри уммонинг бўлса дўст.

# ДУНЁ НЕ ҲОЖАТ?

Дунё ўзинг, менга дунё не ҳожат?
Дарёдек меҳринг бас, дарё не ҳожат?

Тупроққа сочилган менинг насибам,
Кўкдаги ул юлдуз — Зуҳро не ҳожат?

Мен сенсиз найларман кайфу сафони,
Ошиққа дилдорсиз сафо не ҳожат?

Навосиз юракнинг ноласи бисёр,
Маликам ноласоз наво не ҳожат?

Сен юрган боғларнинг ҳавоси бошқа,
Ўзга бўстондаги ҳаво не ҳожат?

Хуршидисан Ошиқ Эркин дилининг,
Унга бўлак офтоб, зиё не ҳожат?

## ЮРТДАН БАҲОРИ КЕТМАС

Аҳли ҳамжиҳат элнинг юртдан баҳори кетмас,
Ҳимматли эрса тоғлар чўққидан қори кетмас.

Садоқатингни, дилбар, номус каби ардоқла,
Дарз кетса бас, умрбод дилдан ғубори кетмас.

Парвонаси бўлиб юр бир умр яхшиларнинг,
Яхшиларнинг юракдан имону ори кетмас.

Бошига кўтаргай эл доим фидойи мардни,
Марднинг маҳшар қадарлик қатордан нори кетмас.

Бир-бир ўтар жаҳондан ҳофизу ғазалхон ҳам,
Талқини қолур мангу, қўлинда тори кетмас.

Бахш айла, Ошиқ Эркин, халқингга ҳаётингни,
Эл қўлласа ўлгунча белнинг мадори кетмас.

## ЕТИБ БИЛМАС

Қуёш янглиғ садоқатда менга Фарҳод етиб билмас,
Қилса ҳамки юз йил доду минг йил фарёд, етиб билмас.

Ким айтур ўзмаган шогирдни шогирд деб муаллимдан,
Аён бу: яхши шогирдга азал устод етиб билмас.

Нигорим сувратини ой каби кўнглимга нақш этдим,
Бунинг янглиғ маҳоратда менга Беҳзод етиб билмас.

Ҳақиқатдур, етиб бўлмас жононга қийнамай жонни,
Агар-чи етмоқ истар ким, билинг, бедод етиб билмас.

Садоқат йўлидан гар ким чекинса унда ҳиммат йўқ,
Висолга ул ишончини этиб барбод, етиб билмас.

Жаҳонга Хоразмдин жар солибдур Ошиқ Эркин, бил,
Унга меҳру вафода аҳли Чин, Бағдод етиб билмас.

# КЎРОЛМАС

Шундайлар бор ҳаётда: ютуқ-шонинг кўролмас,
Тўкин-сочин дастурхон, ширмой нонинг кўролмас.

Ҳасад қилар погона ўсиб қолсанг агарда,
Юзда илиқ табассум, шўх хандонинг кўролмас.

Кимга агар юракдан қилсанг бирор яхшилик,
Зил кетар ич-ичидан, бул эҳсонинг кўролмас.

Заҳмат чекиб туну кун ҳосил бунёд этарсан,
У-чи, куяр туну кун, бой хирмонинг кўролмас.

Чиқмаса дер уйидан асло шодон қаҳқаҳа,
На дўсту на тўй-ҳашам, на меҳмонинг кўролмас.

Узоқ бўл, Ошиқ Эркин, ундайлардан юр йироқ,
Дўст эрса-да, алҳазар, гар жавлонинг кўролмас.

## КИМ ХУШЛАМАС

Бўлса ёр нозикниҳол, ким хушламас,
Дилбару зебо жамол, ким хушламас?!

Кун билан нурлар талашса чеҳраси,
Бўлса хуш, рухсори ол, ким хушламас?!

Кўзлари жонингга ўтлар ёқсалар,
Сўзлари гар бўлса бол, ким хушламас?!

Маҳвашинг бўлса агар лутфи ширин,
Ҳам сарв, ширинзулол, ким хушламас?!

Юзлари ёғду таратса тинмайин,
Дур эса қоши ҳилол, ким хушламас?!

Ошиқ Эркин яхши ёр садқасидур,
Яхшини, сенга савол: ким хушламас?!

## КИМ ХУШЛАМАС

Бўлса ёр нозикниҳол, ким хушламас,
Дилбару зебо жамол, ким хушламас?!

Кун билан нурлар талашса чеҳраси,
Бўлса хуш, рухсори ол, ким хушламас?!

Кўзлари жонингга ўтлар ёқсалар,
Сўзлари гар бўлса бол, ким хушламас?!

Маҳвашинг бўлса агар лутфи ширин,
Ҳам сарв, ширинзулол, ким хушламас?!

Юзлари ёғду таратса тинмайин,
Дур эса қоши ҳилол, ким хушламас?!

Ошиқ Эркин яхши ёр садқасидур,
Яхшини, сенга савол: ким хушламас?!

# КЎРОЛМАС

Шундайлар бор ҳаётда: ютуқ-шонинг кўролмас,
Тўкин-сочин дастурхон, ширмой нонинг кўролмас.

Ҳасад қилар поғона ўсиб қолсанг агарда,
Юзда илиқ табассум, шўх хандонинг кўролмас.

Кимга агар юракдан қилсанг бирор яхшилик,
Зил кетар ич-ичидан, бул эҳсонинг кўролмас.

Заҳмат чекиб туну кун ҳосил бунёд этарсан,
У-чи, куяр туну кун, бой хирмонинг кўролмас.

Чиқмаса дер уйидан асло шодон қаҳқаҳа,
На дўсту на тўй-ҳашам, на меҳмонинг кўролмас.

Узоқ бўл, Ошиқ Эркин, ундайлардан юр йироқ,
Дўст эрса-да, алҳазар, гар жавлонинг кўролмас.

## КИМ ХУШЛАМАС

Бўлса ёр нозикниҳол, ким хушламас,
Дилбару зебо жамол, ким хушламас?!

Кун билан нурлар талашса чеҳраси,
Бўлса хуш, рухсори ол, ким хушламас?!

Кўзлари жонингга ўтлар ёқсалар,
Сўзлари гар бўлса бол, ким хушламас?!

Маҳвашинг бўлса агар лутфи ширин,
Ҳам сарв, ширинзулол, ким хушламас?!

Юзлари ёғду таратса тинмайин,
Дур эса қоши ҳилол, ким хушламас?!

Ошиқ Эркин яхши ёр садқасидур,
Яхшини, сенга савол: ким хушламас?!

## БИР КЎРИБ СЕНИ, ЭРКАМ

Бир кўриб сени, эркам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас,
Меҳр бахш этиб маҳкам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Хандон келиб баҳордай дилга оташ солурсан,
Ҳуснинг мисоли кўклам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Бебаҳосен чиройда, хушлатофат, хушсуврат,
Фазлу карамда кўркам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Ҳеч гапмас танда жонлар Амудай тошса қайнаб,
Хушдир сен бирла ҳар дам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Сиғмай кетиб томирга, жунбушга келар қонлар,
Мафтун сенга қуёш ҳам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Шод юрдинг, Ошиқ Эркин, ҳеч гап бўлмас, укам, деб,
Ачомлаб сени, укам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

## МЕҲРИНГНИ ОФТОБ АЙЛАГИЛ

Ярқ этиб уйғонса гар севгига қалбда эҳтиёж,
Ҳулкарим, ҳар сония топгай сенинг ишинг ривож.

Қил фидо жононга жон, қаттиқ қучиб мастона сев,
Севги йўлида магар заҳмат чекиб топсанг илож.

Тер тўкиб ёр йўлида меҳрингни офтоб айлагил,
Қанча кўп ошса меҳр, шунча кам кетгай хирож.

Тўғри сўз, ширинзабон бўл, кожлик асло қилмагил,
Кулмагай бахти ул ошиқнинг агарким бўлса кож.

Тоза қалб, тоза садоқат, тоза виждон, ор билан
Севги бўстонига кирсанг яшнатар йўлинг сирож.

Ошиқ Эркин, сенга чин ошиқлик иқболи етар,
Энг буюк бахтинг шудир, даркормас ўзга тахту тож.

## БИР КЎРИБ СЕНИ, ЭРКАМ

Бир кўриб сени, эркам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас,
Меҳр бахш этиб маҳкам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Хандон келиб баҳордай дилга оташ солурсан,
Ҳуснинг мисоли кўклам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Бебаҳосен чиройда, хушлатофат, хушсуврат,
Фазлу карамда кўркам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Ҳеч гапмас танда жонлар Амудай тошса қайнаб,
Хушдир сен бирла ҳар дам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Сиғмай кетиб томирга, жунбушга келар қонлар,
Мафтун сенга қуёш ҳам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Шод юрдинг, Ошиқ Эркин, ҳеч гап бўлмас, укам, деб,
Ачомлаб сени, укам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

## МЕҲРИНГНИ ОФТОБ АЙЛАГИЛ

Ярқ этиб уйғонса гар севгига қалбда эҳтиёж,
Ҳулкарим, ҳар сония топгай сенинг ишинг ривож.

Қил фидо жононга жон, қаттиқ қучиб мастона сев,
Севги йўлида магар заҳмат чекиб топсанг илож.

Тер тўкиб ёр йўлида меҳрингни офтоб айлагил,
Қанча кўп ошса меҳр, шунча кам кетгай хирож.

Тўғри сўз, ширинзабон бўл, кожлик асло қилмагил,
Кулмагай бахти ул ошиқнинг агарким бўлса кож.

Тоза қалб, тоза садоқат, тоза виждон, ор билан
Севги бўстонига кирсанг яшнатар йўлинг сирож.

Ошиқ Эркин, сенга чин ошиқлик иқболи етар,
Энг буюк бахтинг шудир, даркормас ўзга тахту тож.

## БИР КЎРИБ СЕНИ, ЭРКАМ

Бир кўриб сени, эркам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас,
Меҳр бахш этиб маҳкам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Хандон келиб баҳордай дилга оташ солурсан,
Ҳуснинг мисоли кўклам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Бебаҳосен чиройда, хушлатофат, хушсуврат,
Фазлу карамда кўркам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Ҳеч гапмас танда жонлар Амудай тошса қайнаб,
Хушдир сен бирла ҳар дам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Сиғмай кетиб томирга, жунбушга келар қонлар,
Мафтун сенга қуёш ҳам — севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

Шод юрдинг, Ошиқ Эркин, ҳеч гап бўлмас, укам, деб,
Ачомлаб сени, укам, севиб қолмоқ ҳеч гапмас.

## МЕҲРИНГНИ ОФТОБ АЙЛАГИЛ

Ярқ этиб уйғонса гар севгига қалбда эҳтиёж,
Ҳулкарим, ҳар сония топгай сенинг ишинг ривож.

Қил фидо жононга жон, қаттиқ қучиб мастона сев,
Севги йўлида магар заҳмат чекиб топсанг илож.

Тер тўкиб ёр йўлида меҳрингни офтоб айлагил,
Қанча кўп ошса меҳр, шунча кам кетгай хирож.

Тўғри сўз, ширинзабон бўл, кожлик асло қилмагил,
Кулмагай бахти ул ошиқнинг агарким бўлса кож.

Тоза қалб, тоза садоқат, тоза виждон, ор билан
Севги бўстонига кирсанг яшнатар йўлинг сирож.

Ошиқ Эркин, сенга чин ошиқлик иқболи етар,
Энг буюк бахтинг шудир, даркормас ўзга тахту тож.

## ҚОШИМГА КЕЛГИЛ

Қошимга келгил, эй бўйлари шамшод,
Бўлайлик айшу фароғат била шод.

Чекканим ғам-аламлар бўлсин унут,
Сарин еллар эсиб, яйрайин озод.

Чароғон айлагил мулки дилимни,
Висолингдан қувонтиргил умрбод.

Раҳматлар ёғилар бошингга элдан,
Ишқим саройини айласанг обод.

Нолон юрагимнинг офтоби бўлгин,
Ҳайрону лол қолсин бари паризод.

Келиб Ошиқ Эркин бағрини яшнат,
Чекинсин кўксидан нолаю фарёд.

## УМИД

Ишқ тўла дилдан йироқ кетма, умид,
Бир нафас кўнглимни тарк этма, умид.

Ғунча ёримга мени етказмасанг,
Сен умидга ҳеч қачон етма, умид.

Ҳиммат эт, етказ муродимга мени,
Баднилтнинг ёнидан ўтма, умид.

Тама қилма яхши кун бадфеълдин,
Яхшилик ёлғончидан кутма, умид.

Бевафо зотига сен қўл силтаб ўт,
Ноумиднинг баридан тутма, умид.

Ошиқ Эркиннинг умиди ёр эрур,
Сен унинг қалбини тарк этма, умид.

## КЕЛСИН, МАРҲАБО, ДЕБСИЗ

Ёқиб сизга таклифим, келсин, марҳабо, дебсиз,
Вафоли ёр севгиси юракка даво, дебсиз.

Сиғмай қолдим жаҳонга, тенгсиз лутфу карам бу,
Қувонмайми, ҳар сўзи ишқ тўла наво, дебсиз.

Ишқим қабул этибсиз, қанотланди севинчлар,
Мен ҳам сизни юракдан севаман, ҳово[1], дебсиз.

Қувват эрур дилимга оташ муҳаббатингиз,
Жойлар эдим дилимга келтирса сабо, дебсиз.

Ёниқ меҳримдан мен ҳам вафо шаъмин ёқарман,
Содиқ ошиғизорим гар кўрса раво, дебсиз.

Бахтини, Ошиқ Эркин, бағримдан топар, келсин,
Муҳаббат тўла дилда қолсин, марҳабо, дебсиз.

---

[1] Ҳ о в о — "ҳа" дегани.

## СОҒ БЎЛСАНГИЗ

Катта давлатдур менга,
сарви равон, соғ бўлсангиз,
Эй, дилим хуршидию
нури жаҳон, соғ бўлсангиз.

Гуллатурлар қоши ёлар
хушнаво ишқ боғини,
Яшнагай умрим менинг,
қоши камон, соғ бўлсангиз.

Меҳрингиз илҳом бериб,
осмондадур бошим мудом,
Мисли уммон мавжланур
жисмимда жон, соғ бўлсангиз.

Соғлиги қадрини билмас
соғлигида нечалар,
Тенги йўқ бахтим будир:
ҳар дам, ҳар он соғ бўлсангиз.

Сиз билан хуш давру даврон
сурмасам тўлмас дилим,
Қанча юксак эрса ҳам
ошгум довон, соғ бўлсангиз.

Ошиқ Эркин бир умр
сизга саломатлик тилар,
Сиз билан бахтин топиб,
бўлгай омон, соғ бўлсангиз.

## ЭЛНИ НУРАФШОН АЙЛАНГИЗ

Меҳрингиздан нур сочиб элни зарафшон айлангиз,
Яшнасин руҳим равон, дилни нурафшон айлангиз.

Айлангиз ҳимматни мўл, кўкларда лол қолсин қуёш
Севги йўлида юракни меҳри рахшон айлангиз.

Нозланиб пешвоз чиқишсин нозли гулларнинг бари,
Ёр сари яйраб юриб, гулшанда жавлон айлангиз.

Чеҳрангиз офтобидан ҳар дамда нур эмсин чаман,
Шод этиб ҳар дилни бир хуршиди тобон айлангиз.

Умрингиз бахшида айланг дилдаги дилдор учун,
Севги мулкини вафо бирла чароғон айлангиз.

Ошиқ Эркин бир умр бир яхши ёр парвонаси,
Яхши ёрнинг, яхшилар, шаънини достон айлангиз.

## ҲАЗРАТИ ИНСОН АЗИЗ

Бу гўзал, гулгун ҳаётда ҳазрати инсон азиз,
Ҳазрати инсон учун доим гўзал бўстон азиз.

Боғ азиз, гулзор азиз ўйнаб-кулиб юрмоқ учун,
Сержило юлдузли кўк, нур тўла осмон азиз.

Ҳар бир уйда шўх гурунг, ҳар бир уй тўйхонадур,
Даврада мезбон азиздир, туз азиз, меҳмон азиз.

Лаҳза мангуликка тенгдир, бебаҳодур сония,
Ҳар нафас, ҳар дам азиздир, ҳар қулай имкон азиз.

Она табиат мурувввати нурафшонлик бари,
Дориломон эл азиздир, бахтиёр даврон азиз.

Ҳазрати инсон буюкдир, Ошиқ Эркин, тоғ қадар,
Бил, унинг шаъни битилган шеър азиз, достон азиз.

## КЕЛИШГАНСИЗ

Ҳусида бебаҳосиз, эй кўзи шаҳло,
келишгансиз,
Баҳо гар қўймоқ эрсам нархингиз аъло,
келишгансиз.

Тополмас чеҳрангиздан зарра нуқсон
неча бир ҳайъат,
Келолмас сизга тенг Ширин, неча Лайло,
келишгансиз.

Не деб таърифу тавсиф этмайин,
мадҳим келишмайдур,
Сабабким, йўқ чиройда сизга тенг раъно,
келишгансиз.

Сарвларга қиёс қилдим қаду бўйни,
ғалат қилдим,
Шармдан юз яширди бор сарв, барно,
келишгансиз.

Неча ҳулкар, неча пайкар, неча дилбарнинг
ақли лол,
Сўзи қанду навотму деб ва пурмаъно,
келишгансиз.

Азизим, Ошиқ Эркин мақтови тоза
юракдандир,
Гўзалсиз, моҳитобонсиз, дуру доно,
келишгансиз.

## БАХТИМГА СИЗ БОР ЭКАНСИЗ

Бахтимга сиз бор экансиз,
Энг яхши дилдор экансиз.

Беш ўтдингиз синовлардан,
Садоқатли ёр экансиз.

Кўзингиздай шўх кўз йўқдир,
Кўзлари хумор экансиз.

Кўргандай бўлдим наврўзни,
Дурмуши баҳор экансиз,

Назокатда бебаҳосиз,
Жоним, беғубор экансиз.

Парвоздадир Ошиқ Эркин,
Бахтимга сиз бор экансиз.

## АСАЛ ҚИЗЛАР

Асал қизлар, менинг сизга
юракдан ҳурматим чексиз,
Самимий олқишим, мақтовларим,
ҳам иззатим чексиз.

Муҳаббат мулкининг сизлар эрурсиз
чин шаҳаншоҳи,
Садоқатли пари-пайкар эса ким
раҳматим чексиз.

Вафодор нозанинлар бирла ободдур
кўнгул шаҳри,
Ёниқ меҳри дилим изҳорига куч,
ғайратим чексиз.

Висолингиз буюк орзу,
азиз армон эрур дилда,
Насиб этса етурман деб,
юракда ҳимматим чексиз.

Билурман: баҳра топгайман
ширин лутфу такаллумдан,
Ишончим шул сабабданким,
журъатим, қудратим чексиз.

Вафодан ўзга мундоғ бир
тузук важ[1] йўқдир илгимда,
Ўзим бир мулк эрурман,
Ошиқ Эркин, давлатим чексиз.

---

[1] Важ — нарса

## НЕ БАЛО ҚАТТИҚ БУ ҚИШ

Не бало қаттиқ бу қиш, олди чидам-бардошимиз,
Тийғи заҳридан зириллар дўсту ёр, қардошимиз.

Ўт каби иссиқ баданга ёқа ё енгдан кириб,
Чимчилар нишлар сочиб, кўздин оқизиб ёшимиз.

Йўл топиб пўстин тагидан ҳам тили танлар ялар,
Қалтирармиз барчамиз титраб ичу тошимиз.

Увлар оч қолган шағалдай, бераҳм аччиқ ели,
Бермайин дош аччиғига кўзни босур қошимиз.

Қаҳратон ушбу совуқнинг дастидан дод демаган,
Қолмади эл ичра мутлоқ битта кекса-ёшимиз.

Бир зиёфат бергудек бўлдик ёронлар жамлашиб,
Бу совуқдан гар саломат чиқса калла-бошимиз.

Ошиқ Эркин, қайтмаса қиш шаштидан, лозим ўлур
Ёлвориб Қўшмон отамиздан ўтин сўрошимиз.

*1968*

## СИЗ БИЛМАЙСИЗ

Сизни жондан суйганимни сиз билмайсиз,
Ишқингизда куйганимни сиз билмайсиз.

Муҳаббатнинг гаштли сеҳрин дилга жойлаб,
Сизга меҳр қўйганимни сиз билмайсиз.

Шайдо кўнглим самоларда учиб-қўниб,
Ширин бир завқ туйганимни сиз билмайсиз.

Изингиздан Мажнун каби хумор боқиб,
Васлингиздан тўйганимни сиз билмайсиз.

Ошиқ Эркин қувонч истар муҳаббатдан,
Сизни дилдан суйганимни сиз билмайсиз.

## КЕЧАР

Нечалар бор паст кетиб, покиза виждондан кечар,
Чарх уриб нафси йўлида ҳатто имондан кечар.

Кўзлари ёнгай уларнинг гавҳару дур кўрсалар,
Унутиб ўзни шу он жон ила жонондан кечар.

Беҳаёларни кўрингким, гул босиб орсиз кўзин,
Ўғрини афзал билиб, бир яхши инсондан кечар.

Оқибат фарёд эрур элга вафосизлар иши,
Айтингизким, қайси булбул турфа бўстондан кечар.

Кўргани аччиқ ситам жону жаҳондин ўтса гар,
Бунга бир кўпдир мисол — ҳаттоки эл хондан кечар.

Тийрадур, бил, Ошиқ Эркин, ундайин инсон куни,
Ким агар инсофни еб, феруза осмондан кечар.

## МУҲАББАТДА ҚУЁШДИРЛАР

Муҳаббатда қуёшдирлар садоқатпеша дилбарлар,
Вафода устивор ёрлар, ҳаёваш, лаъли шаккарлар.

Садоқатдан қурилган севги қасрин умри боқийдур,
Чароғон айлаюрлар они доим содиқ ҳулкарлар.

Садоқат илгидан тутган санамларга фидодур жон,
Уларга туҳфа этсанг ҳам ҳануз оз неча кишварлар.

Вафоли маҳвашини қайси ошиқ бошга тож этмас,
Билингким, нархи бир пулдур қадр бой берса
гавҳарлар.

Тутолмаслар сарв қаддин чаман ичра алифдек тик,
Вафосизлик балосидин неча хуршиди анварлар.

Муҳаббат лаззатидан баҳра топгай Ошиқ Эркиндек,
Вафо кўшкини обод айлаган энг уста заргарлар.

## ЮРТИМ КАБИ МУҚАДДАС

Юртим каби муқаддас кўнглимдаги санобар,
Минг йил муқаддам ўтган Лайло билан баробар.

Ҳуши учиб саросар ҳайрона қолур Мажнун,
Бир кўрса бунинг янглиғ бошдин оёғи лобар.

Кўрдим деса агар ким тиллони — ғалат мутлоқ,
Маъданни тилло дер ул, тилло — бизнинг суманбар.

Ажабланманг, ҳулкарим бир йўл ўтиб хиромон,
Вафо боғида юз йил гар сочса мушки анбар.

Юзи қароға қолгай азал юзи қаролик,
Таъзимда яхши ёрга ҳаттоки кўкда анвар.

Меҳригиёси бордур ишқингни, Ошиқ Эркин,
Муҳаббат қуёшидан жумла башар мунаввар.

## БЕШ КЕТАР

Нигоримни ҳайрондур созини эшитганлар,
Қаймоқ каби лаззатли розини эшитганлар.

Гул ҳуснини кўрсам деб йўлига чиқар бешак,
Жон олғувчи, маъсума нозини эшитганлар.

Докторми олиб қўйган сўнгакларини, билмам,
Кўрмакка келар зўр деб бозини эшитганлар

Базмига талпинурлар ул маҳваши дилбарнинг,
Гулларга тўлиб кетган ёзини эшитганлар.

Жон бирла эшитмоқни орзу этишар дилдан,
Жонон қўшиқларининг озини эшитганлар.

Ҳайратдан, Ошиқ Эркин, беш кетар нигоримнинг
Қаймоқ каби лаззатли розини эшитганлар.

## СИЗНИ СЕВМАСАМ АГАР

Бўлмас дилим мунаввар сизни севмасам агар,
Еган-ичганим заҳар сизни севмасам агар.

Мажнун бўларман баттар, кўча-кўйда дарбадар,
Меҳрибоним, жон қадар сизни севмасам агар.

Мунча эрта кун ботар, деймам қачон тонг отар,
Одимда минг хавф-хатар сизни севмасам агар.

Порлаб чиқмаса магар жонон қуёш — жилвагар,
Ёқмайди ҳатто шакар сизни севмасам агар.

Кўчангиздан ўтсам гар жовдирайман ҳар сафар,
Нохуш барча хушхабар сизни севмасам агар.

Ошиқ Эркин, бор самар мағлубликка баробар,
Ўлганим шу, санобар, сизни севмасам агар.

## МАҚСАДИМ — ВИСОЛИНГДИР

Ошиқ юрак малҳами — гулчеҳраи олингдир,
Орзуйим — сенга етмоқ, муродим — висолингдир.

Ҳажрингда неча ёнсам роҳатда шунча жоним,
Ўт ёққан жисму жона маржон каби холингдир.

Нур сочиб висолингдан келсанг ёришар шомим,
Куйган бу жонга дармон лаблардаги болингдир.

Кулиб, адаб сақларман тилсиз ёлингларингда,
Эркам, қатлим қотили ул қадди ниҳолингдир.

Тийғи мужгонларингдан соғ жойи йўқ дилимнинг,
Қўш камонлаб тиғ тортган ул икки ҳилолингдир.

Ошиқ Эркинни ёлғиз ўзингсан муддаоси,
Ёлғиз жонига малҳам, ёр, меҳри зилолингдир.

## ЖОНОН КЕЗАР

Гул каби ороланиб гулшанда бир жонон кезар,
Кўнглида ишқ лаззати бисёр унинг — кўнглим сезар.

Ғунчаларга меҳри дил изҳор этар одимда бир,
Ранг олиб гулғунчалар гулгун ёноқларни безар.

Белини обод этиб, ерлар ўпар қирқ кокили,
Сочларин ҳар толаси тилло баробар симу зар.

Бутрашиб шохларда қушлар шеър тўқурлар шаънига,
Боғ аро кўнгилки бор, яйраб боқиб кўнгил ёзар.

Онт ичарман, ой жамолини кўрик қилсанг агар
Дилбарим гулгун ёниб, минг бир гўзалдан ҳам ўзар.

Ошиқ Эркин севгида ўктам йигитлар шоҳидур,
Шўх санамлар шоҳи бирла боғда ул мағрур кезар.

## ҚИЗЛАР, ЮРИНГЛАР

Боғларни кезиб гул терамиз, қизлар, юринглар,
Чеҳраси қуёш, шаҳло қора кўзлар, юринглар.

Жаннат каби яшнаб кетадир сиз кирган боғлар,
Эй, лолаёноқ, буғдоймағиз юзлар, юринглар.

Малоҳати сизлар билан гулистонларнинг,
Боғимда фақат гулгун ёниб сизлар юринглар.

Гулшанни кезиб ширин-ширин суҳбат қурайлик,
Ошиққа ёқар сизлар юрган излар, юринглар.

Дардлашсак агар баҳра олар кўнгил кўнгилдан,
Туғёнга келар дилда ажиб ҳислар, юринглар.

*Илҳомлар ато айлаш учун Ошиқ Эркинга*
Боғларни кезиб гул терамиз, қизлар, юринглар.

## ЖОНОНЛАР СЎЗЛАСИНЛАР

Мажнуншиор севгимни жононлар сўзласинлар,
Лаблари дуру қоши камонлар сўзласинлар.

Ўйнаб-кулиб юракдан меҳримни берганимни
Хуш бўйлар сочиб ҳар ён райҳонлар сўзласинлар.

Гулчеҳра қуёшим деб, достон этиб кўк қадар,
Юлдузлар ошиёни — осмонлар сўзласинлар.

Ҳар ғунча, ҳар чечакнинг тилинда қўшиқ номи,
Дўстларга эҳтиромим бўстонлар сўзласинлар.

Маҳвашим жамолидан нурафшондир юраклар,
Бундай меҳрни меҳри рахшонлар сўзласинлар.

Ўзинг ҳам қуёшдирсан севгида, *Ошиқ Эркин*,
Севгингни садоқатли инсонлар сўзласинлар.

## МЕНИ ОШИҒИ ЗОР ЭТГАН

Мени ошиғи зор этган сенинг гулгун жамолинг, ёр,
Ҳусн мулкида яктою гўзал қадди камолинг, ёр.

Кўриб шан бўйларинг ҳайрон қолибдур сарв
ила шамшод,
Қиёс этмам қийиқ ойга сенинг қоши ҳилолинг, ёр.

Ажабмас ғунча юз очса кўриб ул лаъли хандонинг,
Берур гулзорга андоза ўшал гул ҳусни олинг, ёр.

Йил ошган бода янглиғ гар симирсам сархуш
этган чин,
Вафо майига тўлган ёқуту ол лабда болинг, ёр.

Этар гар чашми фаттонинг табассум бир назар бирла,
Унга ҳам зийнату ҳам зеб ёноқда инжу холинг, ёр.

Ошиқ Эркин сенга бадлик раво кўрмас, ишон, эркам,
Бўлурман қарриган чоғ ҳам хумор севгувчи
чолинг, ёр.

## ЯХШИ ДЎСТ ТОПСАМ

Тож этардим бошима бир яхши дўст топсам агар,
Яхши бир дўст бошининг садқаси бўлсин симу зар.

Яхши дўст бирла умр обод, нурафшондур ҳаёт,
Ҳимматин бисёр этиб, умрингни ул чин дўст безар.

Давралар файзи, чиройи, тўй-ҳашамлар кўркидир,
Яхши дўст устод каби яхшилар ичра мўътабар.

Яхши дўстга сен мудом жонинг фидо қилсанг-да оз,
Яхши деб бўлгайми, айт, гар бўлса дўстинг ҳийлагар?

Ҳатто душманингни ҳам нопок дўстдан сақласин,
Бир куни мағрур бошинг ёлғончи дўст ерга эгар.

Яхши бир дўст танлар эрсанг сен уни юз йил сина,
Ошиқ Эркин айтганин қилган киши кўрмас зарар.

## ОЛАМДА БИР

Сен каби, эй маҳлиқо, оламда бир,
Дилрабо, ҳурилиқо оламда бир.

Севги боғин булбулигўёсисан,
Андалиби хушнаво оламда бир.

Йўқ сенинг лаъли зулолингга қиёс,
Бўсаси дардга даво оламда бир.

Нағмасозу хушкалом, лутфи ширин,
Сўзлари нашъу наво оламда бир.

Чулғанур бўйнимга зулфинг торлари,
Кокили боли ҳумо оламда бир.

Чеҳраси гул, кўз қора, қўллар хино,
Дийдам узра тўтиё оламда бир.

Ошиқ Эркин, қандинг ургил, сен каби
Чин вафога ошино оламда бир.

## ДИЛДОР ЁҚАР

Ошиқ дилга дилнавоз дилдор ёқар,
Хушфазилат, хушқилиқ, хуш ёр ёқар.

Жонга малҳам ишва бирла жон олиб,
Чеҳраси гул, ўзи ой дийдор ёқар.

Ёр билан ўйнаб-кулиб сайр этгали
Мисли бир боғи Эрам гулзор ёқар.

Ҳажрида куйган юракка чўғ отиб,
Жабрини бисёр этиб, бисёр ёқар

Сирларин пинҳона сақлаб, беҳисоб
Куйдирар рашк ўтида, ошкор ёқар.

Ошиқ Эркин нурга талпингай мудом,
Тоабад унга қуёшрухсор ёқар.

## НУРЛИ ЭСА ЮРАКЛАР

Садоқат саройи бўлмас мунаввар,
Юраклар нур тараб ёнмаса агар.

Муҳаббатли юракка садқа жонлар,
Унга тенг келмагай хуршиди анвар.

Зиёбахш қалблардан нур олур қуёш,
Меҳрли дил офтоб билан баробар.

Ишқ тўла кўнгилга интилар ой ҳам,
Ойга интилгандек сарву санобар.

Дилларга севгидек беролмас сурур
На олтин, на кумуш, на дур, на гавҳар.

Ошиқ Эркин, нурлат жону жаҳонинг,
Иқболга етарсан шунда муқаррар.

## ЁР КЕЛДИЛАР

Оч қучоғинг, яйрагил, кўксин очиб ёр келдилар,
Лоладек ял-ял ёниб хуршиди рахшон келдилар.

Нур сочиб, чархи гардунни нурафшонлар қилиб,
Қилгали ошиғига меҳрини изҳор келдилар.

Келдилар лутфу карам эҳсонини сероб этиб,
Марҳамат бисёр этиб ул моҳи рухсор келдилар.

Белларин ўн бор ўраб бир неча ўрим сочлари,
Хуш олиб ёқут либосда аҳдида бор келдилар.

Беҳушу ҳам лол эдим лик лайливаш ҳижронида,
Меҳрибонлик кўрсатиб, қилгали хушёр келдилар.

Соддадил, эй Ошиқ Эркин, пурситам ёринг сени
Васлига қилмоқ учун қаттиқ гирифтор, келдилар.

## БУЛБУЛГА ЎХШАР

Овозинг, нозанин, булбулга ўхшар,
Қундуз кокилларинг сунбулга ўхшар.

Сени ҳеч гўзалга ўхшатиб бўлмас,
Ҳуснинг ўхшаши йўқ бир гулга ўхшар.

Шириндан садоқат дарсин олибсан,
Қалбинг наво тўла кўнгилга ўхшар.

Нурланар юрагим кулгуларингдан,
Қаҳқаҳанг хуш ёқар ғулғулга ўхшар.

Муҳаббат қаритмас Ошиқ Эркинни,
Умри қўшиқ ёзиб, Жамбулга ўхшар.

## ЎЙЛАТАДУР

Паришонман мени доим қоши ҳилол ўйлатадур,
Шайдо этиб жамолига соҳибжамол ўйлатадур.

Қоп-қора кўзларин кўриб яширгай кўзларин оҳу,
Нурлар сочиб чеҳрасидан чеҳраси ол ўйлатадур.

Олиб ширин хаёлимни, ўзимда ихтиёр йўқдир,
Ширин-ширин хаёл суриб, ширин хаёл ўйлатадур.

Шаҳди шакар, лаъли рангин, садаф каби тишлари дур,
Ўзи гулу сочи сунбул, лаблари бол ўйлатадур.

Париваш аҳлида йўқдир маҳвашда бор паривашлик,
Тили, ҳай-ҳай, қанду асал, тўтимақол ўйлатадур.

Ҳоли паришон бўлибсан, Ошиқ Эркин, ўйлай-ўйлай,
Токайгача сени дилдор паришонҳол ўйлатадур.

## НОПОК ЭРСА ЁН ҚЎШНИ

Бошга нопок қўшнидан
тошдек маломатлар ёғар,
Турфа тухмат, турфа бўҳтон,
турфа офатлар ёғар.

Қингир эрса, устига боз
бадқилиқ, феъли ёмон,
Кунда бир ёмғир каби
қийлу қиёматлар ёғар.

Кимки дастурхон тўла
нонингни еб, ғийбат қилар,
Ундай улфатдан, билинг,
бошга касофатлар ёғар.

Баъзи бир ён қўшнилар
ўлгудек кулфат конидур,
Ундайин "кон"дан мудом
турли надоматлар ёғар.

Дўст бўлиб, душманнинг ишин
қилса ундан алҳазар,
Бўйла дўстдан ғам билан
боғлиқ аломатлар ёғар.

Ошиқ Эркин, сен унинг
душманига соғлиқ тила,
Тинч юрарсан бир умр,
ундан шарофатлар ёғар.

## ЁР КЕЛСАЛАР

Чарх урай мажнуншиор соҳибжамол ёр келсалар,
Дарё бўлиб тошгай дилим хуршидрухсор келсалар.

Йўлларига дур сочай гавҳар босиб келса магар,
Зери по айлай кўзим ул аҳдида бор келсалар.

Бил, менинг ноламча йўқдур аҳли ушшоқ ноласи,
Мавжланур жисмимда жоним шўхи дилдор келсалар.

Лутфу эҳсондин бошим етгай феруза кўк қадар,
Шум рақибларни қилиб лол, қилмайин ор келсалар.

Қалбим ичра бир умр офтоб макон тутгай, инон,
Кўксим узра балқигай ой тоза рухсор келсалар.

Ўксима, қўй, Ошиқ Эркин, келмади кўрмоққа деб,
Беҳушу ҳам лол қолурсан кўзи хуммор келсалар.

# КЕЛИНГ АХИР

Хандон кулиб мен томон, дилдорим, келинг ахир,
Гулдай хуш латофатли дийдорим, келинг ахир.

Неча қувонтирдингиз соғиндим юракдан деб,
Рост бўлса гар бу сўзлар, ғамхорим, келинг ахир.

Хиром этар сарвлар бош қўйиб йўлингизга,
Ой 'юзли, ой боқишли гулнорим, келинг ахир.

Дилларни сарҳуш этган ажиб моҳи талъатсиз,
Юракдаги хуршиди анворим, келинг ахир.

Камалак меҳрингиздан баҳраманд этинг келиб,
Қадрдонларга меҳри бисёрим, келинг ахир.

Ларза солиб қўйибсиз Ошиқ Эркин дилига,
Сизга аталган менинг ашъорим, келинг ахир.

## ҲАЙРОНА КУЙЛАГИЛ

Ҳайрона куйлагил, севги боғининг
Хушхон булбуллари ҳайрон қолсинлар.

Олтин давронимиз — ёшлик чоғининг
Зебо сунбуллари ҳайрон қолсинлар.

Сарвлар силкиниб, шўх хиром этсин,
Чаманнинг гуллари ҳайрон қолсинлар.

Ишқим овозаси кўкларга етсин,
Нигорим диллари ҳайрон қолсинлар.

Дарё бўлиб куйла, севишганларнинг
Шайдо кўнгиллари ҳайрон қолсинлар.

Севгисин улуғла Ошиқ Эркиннинг,
Муҳаббат эллари ҳайрон қолсинлар.

## СЕВГИ БУЮК ДУРДОНАДИР

Севгисиз кўнгил саройи файзи йўқ, ғамхонадир,
Севгисиз кўнгилга бахт ҳам, шодлик ҳам бегонадир.

Севгидан тошган юрак дарё бўлиб тўлқинланар,
Ундайин дилда азал севги буюк дурдонадир.

Чин вафо бирла безанса ишқ деган гавҳар агар,
Бир умр яйраб юрак ишқ лаззатига қонадир.

Севгида машъал бўлиб ёнган юракка садқа жон,
Соҳиби Фарҳод унинг, меҳри-да Фарҳодонадир.

Нурли севгидан чароғон бўлса бахт нур узра нур,
Ишқ-муҳаббатда мудом нурли кўнгил шоҳонадир.

Бахтиёрсан, Ошиқ Эркин, ёрга чин севгинг билан,
Ёринг ҳам меҳру садоқатларга ёр жононадир.

## ХАБАР КЕЛТИР

Эй, боди сабо, дилбар ёримдан хабар келтир,
Интиқ хабарим кутган зоримдан хабар келтир.

Муштоқ эканим унга тез бор-да, хабар бергил,
Зув боргину зув қайтгин — норимдан хабар келтир.

Сарин ел қанотида етказгил саломимни,
Бир сўзлию ваъдада боримдан хабар келтир.

Наволар тараб дилхуш хуш айла унинг кўнглин,
Кокиллари мушк-анбар торимдан хабар келтир.

Ор-номуси бисёр деб етказ унга тавсифим,
Келгил, менинг номусу оримдан хабар келтир.

Ушбу хушхабардан ул таскину хабар топсин,
Сен зор Ошиқ Эркинга зоримдан хабар келтир.

## САЙРОНА ЧИҚМИШ

Зеболаниб, гулдек ёна чиқмиш,
Нозик баданим сайрона чиқмиш.

Дарё каби мавж уриб муҳаббат,
Ишқим ўтида ҳайрона чиқмиш.

Боғларга зиё тараб юзидан
Иқболи сари парвона чиқмиш.

Кокили сочиб хуш мушки анбар,
Гул сайрига ул мастона чиқмиш.

Олқишлаб уни бутун Хоразм,
Сурхону Тошкент, Фарғона чиқмиш.

Чек йўқдир менинг саодатимга,
Оҳу малагим бўстона чиқмиш.

Пешвозга қучоқ оч, Ошиқ Эркин,
Бахтинг сен томон дўстона чиқмиш.

## ОСОН ДЕМАНГИЗ...

Осон демангиз, азизларим, шона етишмоқ,
Заҳмат чекмайин кичкина бир кона етишмоқ.

Баҳри таъвил илмини кўп ўрганур ғаввос,
Истар эса гавҳар тўла уммона етишмоқ.

Эртаю кеч тер тўкадур ҳазрати деҳқон,
Мақсуди унинг тоғ каби хирмона етишмоқ.

Меҳнат қилакўр, бахту шараф калитин иш бил,
Гар истар эсанг қаймоқли ширмона етишмоқ.

Мушкул эканин барчасидин, бил, Ошиқ Эркин,
Жонингни фидо айламай жонона етишмоқ.

## ТАСДИҚ

Менинг кўнглимни нағма
бирла ишғол айладинг, тасдиқ,
Хуш олдинг, бир қарашда
турфа беҳол айладинг, тасдиқ.

Тополмай қолдим олдингда
деюрга битта олқиш сўз,
Шакаргуфтор тилимни
эй пари, лол айладинг, тасдиқ.

Салом айлаб меҳр бирла,
шакарлар тўкдилар лаблар,
Гулим, шаккар тилингни
тенги йўқ бол айладинг, тасдиқ.

Камоли эҳтиром бирла тошиб,
ергача бош эгдим,
Эгилмаган алиф қаддимни
сен дол айладинг, тасдиқ.

Не янглиғ хуш латофатсан,
кўриб жунбушга келди жон,
Ёқиб гулхан вужудимда,
ажаб ҳол айладинг, тасдиқ.

Баҳра олсин Ошиқ Эркин
висолингдан кулиб, яйраб,
Уни бечораҳол Мажнунга
тимсол айладинг, тасдиқ.

## АЖАБ САРВИРАВОНСАН

Бермоқдаман юракни, қилма юзи қаролик,
Аён бўлди эл-юртга ишқингда мубталолик.

Муҳаббатим чамандур, дилим сайроқи булбул,
Менинг янглиғ кўнгил кам ишқ ичра хушнаволик.

Ажаб сарвиравонсан, назокатда беназир,
Ҳиммат қил, бўлай мен ҳам доно бир дилраболик.

Муҳаббат ёш танламас, тик боқ маломатларга,
Севгиси йўқ, агар ким деса буни хатолик.

Дўлона топмагайсан тоғларга чиқмагунча,
Қийналмай ким бўлибдур гул чеҳра, қоши ёлик.

Қувонгил, Ошиқ Эркин, келмиш фармони олий,
Бахтингни қутламишлар тамомий осиёлик.

## ЮРАГИМ СЕНГА БОҒЛАНГАН

Юрагим сенга боғланган, дилором, билмай ўлдирдинг,
Қуёшдай ўтли меҳримни кўзингга илмай ўлдирдинг.

Висолинг шуъласидан мен олай баҳра дедим ҳар гал,
Висолингдан ва лек ҳар гал баҳраманд қилмай
ўлдирдинг

Париваш, даври-давронингда шод кулмоқ мурод этдим,
Қилиб шод муддаийларни, мени бир кулмай ўлдирдинг.

Узун киприкларинг ништар қилиб кўксим нишон этдинг,
Солиб чандиқ юрагимга, дилимни тилмай ўлдирдинг.

Қанот боғлаб, қилиб парвоз, висолинг сори интилдим,
Сен эрса мен томон, жоним, бир одим жилмай
ўлдирдинг.

Садоқат бобида машҳур жаҳонга Ошиқ Эркин, бил,
Уни муддатидан олдин қаритдинг, ўлмай ўлдирдинг.

## ПАРВОНАСИ БЎЛСАМ ЖОНОНАЛАРНИНГ

Парвонаси бўлсам жононаларнинг,
Мудом ҳайронаси парвоналарнинг.

Мастона яйрасам, ўйнасам-кулсам
Саодатин куйлаб мастоналарнинг.

Дурдона меҳримдан сархуш айласам,
Жону дили бўлсам дурдоналарнинг.

Ҳайрона севгимдан лол этсам ял-ял,
Завқ олсам васлидан ҳайроналарнинг.

Бегонага ишқим раво кўрмасман,
Садоқати йўқдир бегоналарнинг.

Мардонага садқа жон, Ошиқ Эркин,
Азал шайдосиман мардоналарнинг.

## ЁРИМ, ЁНИМДА ЮРСАНГ

Юз бергай ажиб ҳоллар, ёрим, ёнимда юрсанг,
Хандон эсар шамоллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

Рашк этиб ёмон кўзлар, гулшан аро кетар ўт,
Ёнар чеҳраси оллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

Ғунча даҳонинг кўриб ёқа чок этар ғунча,
Лол қолар гулжамоллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

Завқ берар сарвларга сарви равон бўйларинг,
Куяр қоши ҳилоллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

Кўрмоққа чиқар гулгун яшнаб чаманда бор гул,
Лаблардан оқар боллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

Йўлингда, Ошиқ Эркин, силкиниб хиром айлар,
Сунбулу мажнунтоллар, ёрим, ёнимда юрсанг.

## БИР КЕЛИНГ

Йўлингизда термулиб тўрт бўлди кўзлар,
бир келинг,
Интизорлик эздию сарғайди юзлар,
бир келинг.

Бир келинг бўшатгали ҳасрат тўла
кўнглимни сиз,
Ким кўриб ғийбатли сўз сўзласа сўзлар,
бир келинг.

Тонг қадар ҳамроз бўлиб ором олай
дийдордан,
Қолдириб пойи қадамдан нурли излар,
бир келинг.

Менга лутф бисёр этиб, лол айлангиз
ағёрни,
Лоқал ҳол сўргали жонона қизлар,
бир келинг.

Ошиқ Эркин бир умр бир яхши ёр
парвонаси,
Барча ёрдан яхши деб ул сизни излар,
бир келинг.

## ШАҲЛОСИСАН ЖАҲОННИНГ

Шаҳло кўзли нигорим, шаҳлосисан жаҳоннинг,
Ҳусни-чиройи олий лайлосисан жаҳоннинг.

Ҳавасланиб боқурлар ҳуснингга лайливашлар,
Чаманларни яшнатган раънosисан жаҳоннинг.

Садқа бўлсин жаҳоним гулгун малоҳатингга,
Садоқатда қуёшу аълосисан жаҳоннинг.

Саломлари ёқимли, каломлари ёқимли,
Паривашлар ичинда доносисан жаҳоннинг.

То барҳаёт эканман бахшида сенга жоним,
Офтоб юзли жононим, жоносисан жаҳоннинг.

Ошиқ Эркинни, эркам, вaслингдан баҳраманд эт,
Юрагимда порлаган зуҳросисан жаҳоннинг.

## БИР КЕЛИБ КЕТСАНГ

Дарё бўлиб тошардим кунда бир келиб кетсанг,
Менсиз нечукдирсиз, деб ҳолимни билиб кетсанг.

Кўзларинг учи бирла қиймириб қараб ял-ял,
Нур тараб ёноқлардан, бир бора кулиб кетсанг.

Сен олиб қароримни, эркам, беқарор этма,
Мажнунга менгзатурсан беқарор қилиб кетсанг.

Озору ситам бирла сабримни синаб юрмай,
Бир йўли, йўқ демасман, бағримни тилиб кетсанг.

Серишва хиёбонлар, кўчаларни тўлдириб,
Оғажон, бормусиз, деб ҳолимни билиб кетсанг.

Розиман, Ошиқ Эркин, гар дўнсам садоқатдан
Бечора Насимийдек теримни шилиб кетсанг.

## ДУРДОНА ЭТИБ ҚЎЙДИНГ

Ҳажрингда мени буткул ҳайрона этиб қўйдинг,
Адашган оҳу янглиғ сайрона этиб қўйдинг.

Тутқундаги қушлардек ҳар ён талпинур кўнглим,
Илгингдан шароб ичмай мастона этиб қўйдинг.

Меҳру мурувватингдан тобора кетиб зийнат,
Муҳаббат саройини ғамхона этиб қўйдинг.

Кўрай деб висолингни дам урдим эшигингда,
Қоронғу кўчаларда гирёна этиб қўйдинг.

Интилиб шафақларга, тийра шомга дуч келдим,
Юракда сирларингни пинҳона этиб қўйдинг.

Куйсанг-да, Ошиқ Эркин, ҳижрону ғам ўтиға,
Дилдорни олий сафда дурдона этиб қўйдинг.

## РАҲМАТ, ЭРКАМ

Севгимни элга достонлар этдинг,
Оппоқ бошимни осмонлар этдинг.

Дарёдай тошди дилда қувончим,
Туғёнларимни уммонлар этдинг.

Гуллаб-яшнади кўнгил каъбаси,
Вафо боғини бўстонлар этдинг.

Завқ олди яйраб жону жаҳоним,
Ёниқ табассум эҳсонлар этдинг.

Товусдек хиром этдинг боғимда,
Оҳудек яйраб, жавлонлар этдинг.

Ошиқ Эркин дер: минг раҳмат, эркам,
Душманларимни ҳайронлар этдинг.

## ВИСОЛ

Ҳар замон орзу этарман
дардга деб дармон висол,
Лек ушалмас мақсуди дил,
дилдаги армон висол.

Бир кўрарманми дедим
лаблари шаккарни мен,
Бўлмади кўрмоқ насиб,
қилди кўп ҳайрон висол.

Гоҳ ривоятлар қилурлар
бебаҳо деб ҳар дами,
Лек гаҳи мафтун кўнгилни
айлагай вайрон висол.

Турса гар аҳдида эркам
мен учун тенгсиз у кун,
Кўргузиб ҳиммат, қулига
айлагай эҳсон висол.

Кўк қадар овоза айлаб
куйлайин булбулнавоз,
Завқи-шавқи хуш ғазал,
шаъни шўх достон висол.

Баҳра топгайман қачон
орзуларим рўёб бўлиб,
Ошиқ Эркинга бўлурми
қучгали имкон висол?

## ВАТАН МАДҲИЯСИ

Ватан мадҳиясин куйлайин мен ҳам
Меҳрим оҳангларин торга этиб жам.

Орзуйим ҳар парда камалак бўлсин,
Ипак садоларга белансин олам.

Шайдолигим достон этай гулзорда
Барча булбуллари бўлсинлар хуррам.

Наврўз чечаклари бош чайқаб турсин,
Сокин ранг тўкканда қўлимда қалам.

Обод диёр аро қолмасин асло
Шеърдан, ғазалдан бебаҳра одам.

Муаззам Ватанда, эй Ошиқ Эркин,
Умрингни этолган девон муаззам.

## КЕЛ, ЖОНИМ, САДҚА БЎЛСИН

Кел, жоним, садқа бўлсин сенга ўзимни жоним,
На жоним, на имоним, ҳаттоки хонумоним.

Сенсиз менга фалак тор, осмоним зимистондур,
Тийрадур икки олам, қоронғудир жаҳоним.

Юз тутгай хазонларга неча кўркам чаманлар,
Хуршид каби очиб юз гар чиқмаса рахшоним.

Садпора юракларга нурлар сочар ёноқдан,
Ул тўти зарнигорим, чеҳраси нурафшоним.

Ноз бирла асир айлаб, ким боқса олар жонин,
Майлига, олса олсин — шунга ўзимни жоним.

Ошиқ Эркин интизор, юрак-бағри ўт-шарор,
Ёнса деб оғушимда шул лаъли дурафшоним.

## ЮРАКДАН СЕВГАНИМНИ...

Юракдан севганимни билмаслигингни билдим,
Билсанг-да, кўзларингга илмаслигингни билдим.

Орзуладим висолинг, жононим, келурсан деб,
Ҳижронимда куйсин деб, келмаслигингни билдим.

Билдимки, садоқатнинг ноёблигин билибсан,
Дўстликка бевафолик қилмаслигингни билдим.

Одобда таърифингни кўкларга чиқармиш эл,
Беҳуда баъзилардек кулмаслигингни билдим.

Билгил, вафоли сенга бир умр Ошиқ Эркин,
Бедард, бемеҳрларга элмаслигингни билдим.

## ЖОН ТОПДИ

Боғ сайрига гулгун ясаниб чиқмаса жоним,
Жоним чиқажак, йўқ бунга заррача гумоним.

Кўрганда куяр ҳуснини гулчеҳра қуёш ҳам,
Гул чеҳрасидан ўт сочар ул хуршид рахшоним.

Гулларни кўринг: тик боқа олмай уялурлар,
Лолага дўнар ҳиммат ила бир боқса хоним.

Куйганлар билур, куйик ўтин ёмон озори,
Суйканса ёмон панд берур озори ёмоним.

Ҳажрида онинг неча бағир қон бўлибдур,
Дод этдим мен ҳам неча қотиб бағирда қоним.

Озорини тоқат била енгдинг, Ошиқ Эркин,
Жон топди жафосидин онинг озурда жоним.

## ҲАР САФАР СЕНИ КЎРСАМ

Жунбушга келар жоним ҳар сафар сени кўрсам,
Ишқ элига султоним, ҳар'сафар сени кўрсам.

Тандин олиб қўйибсан орому қароримни,
Нурга тўлар осмоним ҳар сафар сени кўрсам.

Таъқиб этиб борурман изингдан ўғрин-ўғрин,
Яйраб жону жаҳоним ҳар сафар сени кўрсам.

Ишқимни писанд этмас парвойипалаксан сен,
Унут бўлар ҳижроним ҳар сафар сени кўрсам.

Айтмоққа битта сўзни дов бермайди юрагим,
Эй, лаъли дурахшоним, ҳар сафар сени кўрсам.

Авжи етиб фалакка, сиғмайдур Ошиқ Эркин,
Бу жаҳона туғёним, ҳар сафар сени кўрсам.

## ЁНИМДА ЮРСАНГ, ЭРКАМ

Яйрагай жисму жоним ёнимда юрсанг, эркам,
Нурга тўлар осмоним ёнимда юрсанг, эркам.

Мавж урар ажиб бир ҳис жавлонга шай юракда,
Сен манбаи жавлоним, ёнимда юрсанг, эркам.

Рақсга тушар хиромон кўк тоқида юлдузлар,
Ой бўлар хиромоним ёнимда юрсанг, эркам.

Чаманда эрка булбул куйлар севгимиз мадҳин,
Яшнаб кетар бўстоним ёнимда юрсанг, эркам.

Ноз уйқудин уйғониб таъзимга чиқар булбул,
Йўқ бунга ҳеч гумоним ёнимда юрсанг, эркам.

Унут бўлар чекканим, Ошиқ Эркин, аламлар,
Қолмас дилда армоним, ёнимда юрсанг, эркам.

## ОНА ХАЛҚИМ

Омон сақла тилингни, она халқим,
Туширма унга доғ, мардона халқим.

Дур бирла жавоҳир сенинг ҳар сўзинг,
Ҳар каломи ғазал, дурдона, халқим.

Сенинг сўзинг била очунда машҳур
Навоийдек бобом, эй доно халқим.

Сўзинг ҳар нуқтасида мингта маъни,
Ҳар маънинг бир китоб, фарзона халқим.

Бебаҳо бир гажак ҳусни хатинг ҳам,
Тегизма унга гард, ҳайрона халқим.

Бек бўл сен ўзингта, эй Ошиқ Эркин,
Юқтирма зарра доғ имона, халқим.

## ХУШ КЕЛДИНГ

Муштоқ эдим васлингга, хуш келдинг, жонажоним,
Қувонтириб ташрифдан, хуш келдинг, меҳрибоним.

Бош устига қадаминг, кўзга тўтиё айлай
Чангу ғуборларини, хуш келдинг, қадрдоним.

Лутфу карамларингдан осмон этдинг бошимни,
Юрагимга нур сочиб, хуш келдинг, дурафшоним.

Қуёш бўлиб кирдинг сен, ёришиб кетди қалбим,
Менинг офтобмалагим, хуш келдинг, нурафшоним.

Кўзингдаги сеҳрдан сармастдур Ошиқ Эркин,
Илҳомбахш эй малагим, хуш келдинг, шоҳсултоним.

## АЗИЗИМ

Келгин, соғинмадингми азизингни, азизим,
Тўтиё этай кўзга мен изингни, азизим.

Садоқатим боғида кутмоқдаман интизор,
Бир кўрмоққа муштоқман ой юзингни, азизим.

Кунда бир кўрмагунча тарқамайдур хуморим,
Жондан севиб қолибман юлдузингни, азизим.

Бир умр сизнингман деб яшнатдинг қучоғимни,
Хуш ёқтирдим юракка шул сўзингни, азизим.

Кўзим қарочуғида жо этдим жамолингни,
Соғинмай туролмайман мен кўзингни, азизим.

Ошиқ Эркин кўзлари йўлингда нигорондур,
Асраб юр ёмон кўздан сен ўзингни, азизим.

## ЁР ТАНЛАДИМ

Мен париваплар ичидан яхши дилдор танладим,
Чеҳраси гул, сочи сунбул, бир гўзал ёр танладим.

Хуш назокатлар ила ақлимни ҳайрон этди ул,
Бўйлари шамшодга монанд лола рухсор танладим.

Чеҳраси олин кўриб лаб очди жонон ғунчалар,
Ғунчани лол айлаган гулғунча дийдор танладим.

Мен унинг оҳу кўзин юлдузми деб қилдим қиёс,
Хуш ҳирому хуш фазилат, кўзи хуммор танладим.

Чин муҳаббатда вафоли ёрга мен муштоқ эдим,
Меҳри офтобдай ёниқ, содиқ вафодор танладим.

Куйлагил, эй Ошиқ Эркин сен муҳаббат васфини,
Шўх қўшиқ қилмоққа девонимдан ашъор танладим.

## ЧИН МУҲАББАТДАН НИШОНДУР

Бил, дилоромим, ўзингсан дард ҳам, дармон ҳам,
Сен-ла кезсам дилда қолмас зард ҳам, армон ҳам.

Вослингга етмоқ умиди ўтлуғ орзумдир менинг,
Хоҳ инон, хоҳ йўқ, будир ёр рост ҳам, ёлғон ҳам.

Мен нетай сенсиз бу жонни ҳам бўлак жононани,
Сен ўзингсан ҳурдан ортиқ жон ҳам, жонон ҳам.

Истамам ҳар нечаки бор дуру сийму зарни,
Менга йўқдир сендан ўзга лаъл ҳам, маржон ҳам.

Чин муҳаббатдан нишондур дилдаги оҳим ўти,
Йўқ десанг тутгувси бир кун оҳ ҳам, афғон ҳам.

Кел, вафо бўстонини обод этайлик иккимиз,
Чин вафодор, Ошиқ Эркин, шеър ҳам, достон ҳам.

## ШАКАРГА ТЎЛСА ОҒЗИМ

Вослинг тилаб туну-кун ушбудир менинг орзум;
Тилинг тегиб тилимга, шакарга тўлса оғзим.

Кечиб йўғу боримдан бир бўса илинжида
Токайгача камина ҳасрат чекмоғим лозим?

Хумор-хумор чопарман ҳар тонгда ҳузурингга,
Ҳар гал югурганимда еғолма ҳатто тозим.

Қошингга кирай десам қўйишмас, эшигингда
Белини ушлаб доим юрар беш-ўн мулозим.

Эл ичра менинг достон муҳаббатим ардоқлаб,
Ёмон бўлмасди бўлсанг рўзғор ичинда қозим.

Ошиқ Эркин дилинда жо айлагил дилингни,
Гулчеҳралар султони, ушбудир сенга розим.

Васлинг тилаб туну кун ушбудир менинг орзум,
Тилим тегиб тилингга, шакарга тўлса оғзим.

## ҲАР КЎРГАНИМ БИР БАЙРАМ

Сени, гул юзли эркам, ҳар кўрганим бир байрам,
Ўт кетган жисму жоним яйрар кўзим тушган дам.

Поёни бўлмас асло дилда шодликларимнинг,
Кўрганим сойи ҳуснинг бўлурман беҳад хуррам.

Чароғон бўлиб кетар тундай қоронғу кўнглим,
Ғам тўла эҳзонимга ҳар гал сен қўйсанг қадам.

Етмасми фалакларга оппоқ оқарган бошим,
Қалбимни макон этса сенинг каби муҳтарам?!

Гулдек сарв бўйингни яйраб оғушга олсам,
Қайғуларим даф бўлиб, тарк этар руҳимни ғам.

Висол сари талпинар миннатдор Ошиқ Эркин,
Сени, гул юзли эркам, ҳар кўрганим бир байрам.

## ХУШ КЎРДИМ

Сарвим, асалдай ширин мақолингни хуш кўрдим,
Қундуз каби чақнаган ҳилолингни хуш кўрдим.

Оҳу каби дириллаб оғушларим тўлдирдинг,
Хуш боққан кўзларингни, жамолингни хуш кўрдим.

Висолингга етқизган саболарга ташаккур,
Мастона соғинтирган висолингни хуш кўрдим.

Атр бўйлар уфириб, ўйнаб-кулинг, шамоллар,
Бағримга ола келган шамолингни хуш кўрдим.

Хаёллар суриб ширин, лолдирсан бўсалардан,
Кўкларни сайр эттирган хаёлингни хуш кўрдим.

Гулшанни ҳам ол этдинг меҳрингдан, Ошиқ Эркин,
Яйраб сурганинг айшу камолингни хуш кўрдим.

## МЕНИНГ ЮРТИМ

Жаннат каби жаннатмакон менинг юртим,
Шаъни минглаб дилда достон менинг юртим.

Ҳатто чаман андоз олур жамолидан,
Латофатда тенгсиз бўстон менинг юртим.

Йўқдир кўрку чиройга бой бундай диёр,
Қардошига меҳри уммон менинг юртим.

Меҳмонига ҳатто жонин қилур тортиқ,
Бағри кенг-у сердастурхон менинг юртим.

Фаровонлик макон тутмиш қучоғида,
Бунёдкору марди-майдон менинг юртим.

Ошиқ Эркин илҳом олур ўз юртидан,
Гўзал маҳваш каби жонон менинг юртим.

## БАХШИДА БЎЛСИН СЕНГА

Бахшида бўлсин сенга, эй даблари мазалим[1],
Севгимиз улуғланган энг ажойиб ғазалим.

Шаънингни шарафлаган оромбахш қўшиқ бўлсин,
Машъал бўлиб ёритсин юракларни, гўзалим.

Мардона донг таратгил садоқатда, меҳрда,
Вафоли бир дилдорга ялчимаган азалим.

Еткур роҳат-фароғат жонимга жамолингдан,
Лаъли шакарборим бўл, бўл новвотим, асалим.

Маржон этгил бўйнимга қирқ ўрим кокилингни,
Менинг сарв бўйлигим, эй зулфи мусалсалим.

Ёниб куйлар бир умр бахтингни Ошиқ Эркин,
Муҳаббат улуғланган қўшиқ бўлар ғазалим.

---

1 Мазалим — шириним.

## БЎЛСАНГ МЕНГА МУЯССАР...

Бўлсанг менга муяссар бошингдан айланурман,
Ўн етти баҳор кўрган ёшингдан айланурман.

Ойинага боқиб шод ихлос-ла сурма қўйган
Қундуз каби жилвагар қошингдан айланурман.

Бўлсам азиз меҳмонинг, отмайин кетса тонглар,
Баҳам кўрганим нон-туз, ошингдан айланурман.

Меҳринг ила сочиб нур, кўрсатсанг такаллумлар,
Жоним, қуёш янглиғ дурпошингдан айланурман.

Севинч ёшига, ҳай-ҳай, тўлиб кетса қароғлар,
Бағримга қучиб маҳкам, ёшингдан айланурман.

## КЎЗЛАРИНГ МУШТОҚИМАН

Кел, ёниб боқ кўзларимга, кўзларинг муштоқиман,
Ҳар бири жонимга малҳам сўзларинг муштоқиман.

Лоладек алвон юзимда сарғариб юз қолмади,
Мен сенинг чеҳраи олинг — юзларинг муштоқиман.

Нури кетган кўзларимга суртайин тупроғларин,
Сен босиб ўтган муборак изларинг муштоқиман.

Сипқорай жон деб, етиргил маҳвашим, шарбат менга —
Жонга дармон лаблари қирмизларинг муштоқиман.

Бир умр ўргансам арзир сен билан ишқ дарсини,
Ишқда уйқусиз кеча, кундузларинг муштоқиман.

Кўкдаги юлдуз бари оҳим ягратган чўғ эрур,
Мен сенинг ой юздаги юлдузларинг муштоқиман.

Ошиқ Эркин интизордур кўргаливаслинг сени,
Қоп-қора қошли нигор, қундузларинг муштоқиман.

## СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Маҳвашим, ҳаммадан ҳам сени яхши кўраман,
Шайдолигим кўр баҳам, сени яхши кўраман.

Қуёшнинг тафтидан ҳам ҳароратли севгимни
Изҳор этиб дамба-дам сени яхши кўраман.

Мушарраф эт, нигорим, ғунча муҳаббатингга,
Бўлгин умримга ҳамдам, сени яхши кўраман.

Сенга бахшида ишқим, ўтли иштиёқимдан
Чекинмасман бир қадам, сени яхши кўраман.

Бахтим-баҳорим бўлгин, жону жаҳоним бўлгин,
Айлагил мени хуррам, сени яхши кўраман.

Ошиқ Эркинга ўзинг ҳаёт ато айладинг,
Эркам, энди чинакам сени яхши кўраман.

## ДАРЁГА ТАЛПИНУРМАН

Дарё каби тошиб дил бўстона талпинурман,
Ҳар кўнгил, ҳар юракка дўстона талпинурман.

Меҳригиё муҳаббат нурлар тарар юракка,
Вафо деган саодат — жонона талпинурман.

Умрим бўйи фалакдан орзуладим мурувват,
Сахийқалб, мурувватли инсона талпинурман.

Ҳаёт каби гўзалдир садоқатли муҳаббат,
Қўшиқ бўлиб қолай деб достона талпинурман.

Сув ичар қониб-қониб доим кўнгил кўнгилдан,
Мудом тошқин юракка — уммона талпинурман.

Завқим баҳам кўрай деб ғазалхон Ошиқ Эркин
Ҳар кўнгил, ҳар юракка дўстона талпинурман.

## КЎЗ ТЕГМАСИН

Мунча ҳам дурдонасан, соҳибжамол, кўз тегмасин,
Сарвиқад, сарвиравон, ҳам баркамол, кўз тегмасин.

Оҳу кўз, олма ёноқ, бодомқовоқ, қирмиз дудоқ,
Дур сақоқ, киприги ўқ, қоши ҳилол, кўз тегмасин.

Кўкда юлдуз, сувда қундуз, бир малаксиймосан, эй
Лаъли ёқут, хипча бел, рухсори ол, кўз тегмасин.

Сенга тенг келмас чиройда дилраболар нечаси,
Жисми ҳур, сийми тани нурдай ҳалол, кўз тегмасин.

Эй, менга ширин зулол, тўти мақол, хуш навниҳол,
Келмагай мақтовларим зарра малол, кўз тегмасин.

Ошиқ Эркиннинг ҳаётин бол каби лаззатли қил,
Лаблари шаҳду шакар, тиллари бол, кўз тегмасин.

## ФАРЗАНД ШИРИН

Мақтама болингни, қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин,
Йиғган ул молингни қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин.

Мевасиз бўлса дарахт,
бил, беҳаловат сояси,
Ям-яшил толингни қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин.

Найлайин феруза кўкни,
найлайин ҳулкарни мен,
Кўкда ҳилолингни қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин.

Бахтлиман деб урма дам
тирноққа зорлар олдида,
Бу қийлу қолингни қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин.

Ошиқ Эркин, садқа жон
қилгил мудом фарзандга сен,
Ўзга аъмолингни қўй,
фарзанд ширин, фарзанд ширин.

## НОЛА ҚИЛМАС ОШИҚ ЭРКИН

Дўстларим, кўнгил қўйиб севдим дилоромимни мен,
Эл кезарман ёди бирла йўқлаб оромимни мен.

Қочгай уйқу кўзларимдан соғиниб тун кечалар,
Ухламай кундузга бердим кўп ширин шомимни мен.

Қилмангиз айб, аҳли ушшоқ, мен уни Ширин десам,
Севгимиз достон этай Фарҳод қўйиб номимни мен.

Йўқ поёни завқу шавқим, сипқариб сармаст бўлай,
Лаблари болига тўлган лолагун жомимни мен.

Ишқимиз пок чашмасидан баҳра олсин ўзгалар,
Шул эрур истак — сурай жавлон уриб комимни мен.

Нола қилмас Ошиқ Эркин, дил тўла меҳру вафо,
Ёд этарман ҳар қадамда сен дилоромимни мен.

## ЖОНИМ БИЛАН

Сайр этайлик, юр дединг, жоним билан,
Севги гаштин сур дединг, жоним билан.

Яйрайин, дилларда армон қолмасин,
Яхши суҳбат қур дединг, жоним билан.

Бир умр жоним бўлишни истасанг,
Бир сўзингда тур дединг, жоним билан.

Ишқимиз яшнатгали мардона бўл
Қалбим ичра нур дединг, жоним билан.

Сен висол онига хуш етмоқ учун
Дамда жавлон ур дединг, жоним билан.

Ошиқ Эркин, кел муҳаббат боғига,
Севги гаштин сур дединг, жоним билан.

## БАХТИЁРМАН СЕН БИЛАН

Бахтиёрман, дилбарим мен сен билан,
Ол ёноқ, симу зарим, мен сен билан.

Яйратиб, иқболга ёр этдинг мени,
Нурга етдим, ҳулкарим, мен сен билан.

Ларзалар солди юракка севгимиз,
Шоҳсуворман, анварим, мен сен билан.

Сен эрурсан мен билан соҳиби бахт,
Бахтга ёрман, гавҳарим, мен сен билан.

Сур, гулим, ишқда саодат гаштини,
Ҳаз[1] қилойин, пайкарим, мен сен билан.

Ошиқ Эркинни муродига етир,
Шон топай, зулфизарим, мен сен билан.

---

[1] Ҳ а з — мазза.

## МЕҲРИ ДУРАФШОНИМСАН

Қувончимсан, танда ўзинг жонимсан,
Офтобимсан, меҳри дурафшонимсан.

Хандон яшнаб руҳларимни яйратдинг,
Зарнигорим, заргар-зарафшонимсан.

Ялдо туни каби тиниқ кўзларинг,
Ойжамолим, тунлар нурафшонимсан.

Илҳом оларман мен ҳусни олингдан,
Илҳомбахш малагим, ҳурим, шонимсан.

Камалак зиёга тўлдирдинг дилим,
Барқ уриб яшнаган гулистонимсан.

Қуёшисан Ошиқ Эркин қалбининг,
Муҳаббатда шамъи шабистонимсан.

## СЕВИБ СЕНИ ЮРАКДАН

Севиб сени юракдан, афсона бўлмоқ мумкин,
Минг эврилиб, ўргилиб, парвона бўлмоқ мумкин.

Ишқинг йўлида, жоним, мажнун деган ҳам гапми,
Ҳижронда қолиб ҳайрон, девона бўлмоқ мумкин.

Муҳаббатда шарафдур девоналик ҳам асли,
Ҳушинг кетиб, ақлдан бегона бўлмоқ мумкин.

Саодату садоқат яшнатса кўнгилларни,
Умр роҳатда кечиб, фарзона бўлмоқ мумкин.

Чин дилдан бўлмаса гар севикли ёр севгиси,
Озор етиб юракка, ҳайрона бўлмоқ мумкин.

Маҳшаргача улуғла дилдорни, Ошиқ Эркин,
Ишқда вафо туфайли дурдона бўлмоқ мумкин.

## ОЛАМ ГУЛИСТОН БЎЛСИН

Нурлар сочиб, кулиб кел, олам гулистон бўлсин,
Юраклар нурафшону ҳар тараф бўстон бўлсин.

Яшнаб кетсин чаманлар камалак жилолардан,
Дурлар тарасин чеҳранг, хуршиди рахшон бўлсин.

Ҳар дамда намоён эт лаълингдан табассумлар,
Жоним, шоҳсуворингга меҳринг намоён бўлсин.

Сенга боғланган абад дилимнинг ипак тори,
Шайдойи муҳаббатнинг таърифи достон бўлсин.

Нур тўла қуёш бўлсин ишқимиз юракларда,
Саодатли ҳаётдан бошимиз осмон бўлсин.

Келиб шодумон этгил, Ошиқ Эркинни, эркам,
Бир дунё нур сочиб кел, олам гулистон бўлсин.

## ҲАЙРОНИНГ ЭРУРМАН

Эй сарви санобар, сенинг ҳайронинг эрурман,
Васлингга етолмай дили вайронинг эрурман.

Еллар уфириб, айласа зулфингни паришон,
Ҳушим йўқотиб, ақли паришонинг эрурман.

Ҳушёр бўлакўр, элда ҳануз кўп номусулмон,
Имони бутун, танти мусулмонинг эрурман.

Тарк айла жафоларнию, бағримга кулиб кел,
Чексам-да жафо, бир умр хандонинг эрурман.

Минг жоним агар бўлса қилай садқаси жонинг,
Гар дардли эсанг дардингга дармонинг эрурман.

Сен ой деса ой, кун деса кун бир сўзда айтсам,
Мен сенинг Эркининг — ғазалхонинг эрурман.

## ЎЙНАБ КЕЛАМИЗ, ҚИЗЛАРЖОН

Юринг боға сайрона, ўйнаб келамиз, қизларжон,
Элни қилиб ҳайрона, куйлаб келамиз, қизларжон.

Товланиб марғилоний шоҳию атласларда
Гулларга ишқимизни сўйлаб келамиз, қизларжон.

Арғумчоқ учиб шодон, сайр этиб самоларда,
Бир яхши хаёлларни ўйлаб келамиз, қизларжон.

Сиз кулиб кирган боға бир ажиб нур таралгай,
Дилларга меҳримизни жойлаб келамиз, қизларжон.

Мастона кезиб, яйраб, гулгунча бўйимизни
Сарвлар, сунбулларга бўйлаб келамиз, қизларжон.

Юринг, ҳайрона қолсин боғ ичра Ошиқ Эркин,
Шеър қилиб севгимизни, ўйнаб келамиз, қизларжон.

## БАХТИЁРМАН

Бахтиёрдурман сенинг дунёда борлигингдан,
Севги деган сеҳргар иқболга ёрлигингдан.

Ёниқ муҳаббатингдан равшан руҳи жаҳоним,
Гуллаб-яшнагай ишқим гулгун баҳорлигингдан.

Лаъли дураҳшонингга хумор боқар кўзларим,
Осмонда мудом бошим кўзи хуморлигингдан.

Шикаст етказур наввот нархига ширин сўзинг,
Нурафшондур юраклар ширин гуфторлигингдан.

Ой чеҳраси ёришмиш ойдек малоҳатингдан,
Гулшанда қўпар ғавғо тоза рухсорлигингдан.

Йўқ сенинг, Ошиқ Эркин, севмоқдан бўлак ишинг,
Ишқинг — бир умр ёрга ошиғизорлигингдан.

## ҚАРАШЛАРИНГДАН

Жоним тошар жоним ёқиб қарашларингдан,
Завқим ошар завқли боқиб қарашларингдан.

Ўтлар кетар руҳи равонимга фаровон,
Кўзлар ёнар чақмоқ чақиб қарашларингдан.

Дарё бўлиб туғён урар кўнгилда шавқим,
Ҳар кўрганда қошинг қоқиб қарашларингдан.

Сеҳрлайсан ошиғингни, гулим, чакканга
Алвон-алвон гуллар тақиб қарашларингдан.

Кўзларимдан учқун сочиб севинч порлади,
Кўздан севинч ёшинг оқиб қарашларингдан.

Ошиқ Эркин жони нечун ёнмасин, жоним,
Сўзона ул жонин ёқиб қарашларингдан.

## БАХТИЁРСАН

*Қ. га*

Саодат соҳибисан, бахтиёрсан,
Ажойибсан чиройда, яхши ёрсан.

Оразинг бир кўрган бандаси бўлғай,
Дилрабосан, бебаҳо номус-орсан.

Қиёс йўқдир қоматингга, азизам,
Тарғунча, хуш ниҳол, хуш гулбаҳорсан.

Қуёшдурсан париваашлар ичида,
Назокатли, адабли, шўх дилдорсан.

Райҳонлар лол қолур атр бўйингдан,
Илҳомбахш бир малак, чин вафодорсан.

Ошиқ Эркин қўшиқ битди сенга деб,
Чун шаънинг достону ўзинг ашъорсан.

## БОРМИКАН?

Жаҳонда сен каби жонон бормикан?
Ҳуснингга мен каби ҳайрон бормикан?

Кўкимиз мусаффо, ҳеч бир қаёнда
Ферузаранг бундай осмон бормикан?

Маконлар топилар бир навъ яшашга,
Аммо бизнинг каби даврон бормикан?

Тинмай зиё сочар фалакдан офтоб,
Бизнинг меҳримиздай рахшон бормикан?

Дилларга нур тарар бизнинг юраклар,
Сафоли бундайин эҳсон бормикан?

Садоқатда буюксан, Ошиқ Эркин,
Вафода сен каби султон бормикан?

## АРМОН

Дилимда, дилнавозим, қуёш висолинг армон,
Гулшанни ҳам ол этган чеҳраи олинг армон.

Икки ҳинду кўзингга етишмоқ муддаодур,
Уч кунлик ойга мензар икки ҳилолинг армон.

Армондир юрагимда бир ўпмоқ ёноқлардин,
Қилмоққа масту масрур лабларда болинг армон.

Равшан этиб дилимни нур балқиган чеҳрангга
Гулдек бўлиб ярашган ул инжу холинг армон.

Бир умр баҳраманд эт ташна кўнгилни, маҳваш,
Куйган менинг жонимга меҳри зулолинг армон.

Ошиқ Эркиннинг, эркам, ҳосил эт муродини,
Унинг дил каъбасида ҳусни жамолинг армон.

## ҚАЧОНЛАРДАН БУЁН

Билса ҳам ошиқлиғу майлим
қачонлардан буён,
Имтиҳон айлар мени Лайлим
қачонлардан буён.

Мен садоқат боғини кездим
садоқат ахтариб,
Бошланиб эрди бу хил сайлим
қачонлардан буён.

Каҳрабо қилди юзимни
кўзлари чўлпонларим,
Бундайин афтодаҳол зайлим
қачонлардан буён.

Ишқда Мажнунлик тамом
мажнуншиор этди мени,
Тарк этишди ошино-ҳайлим
қачонлардан буён.

Ошиқ Эркин ўзга бир
дилга бориб тутгай макон,
Бу қарор ҳам сен туфайлим
қачонлардан буён.

## КЎЗЛАРНИ ҚАМАШТИРДИ

Эркам, чеҳраи олинг кўзларни қамаштирди,
Икки қундуз ҳилолинг кўзларни қамаштирди.

Бўй тараб сарв янглиғ камолотга етибсан,
Сарв қадди камолинг кўзларни қамаштирди.

Кўриб ҳуши учибдур ман деган жамолларнинг,
Қаймоқ каби жамолинг кўзларни қамаштирди.

Мунча ярашмиш, бай-бай, ёноқда қора ҳолинг,
Сенинг шу нуқра холинг кўзларни қамаштирди.

Ойдай сулув юзингга яйраб ҳеч боқолмайман,
Боққан сойи жамолинг кўзларни қамаштирди.

Қуёшга, Ошиқ Эркин, кўз олмай қараб бўлмас,
Жоним, чеҳраи олинг кўзларни қамаштирди.

## БИЛСАНГ ЭДИ

Юзларинг соғинганим билсанг эди,
Сўзларинг соғинганим билсанг эди.

Кўзларим олдидадур мужгонларинг,
Кўзларинг соғинганим билсанг эди.

Тўтиёдур сен босиб ўтган замин,
Изларинг соғинганим билсанг эди.

Ул шафақранг, лола янглиғ юзлари
Қирмизларинг соғинганим билсанг эди.

Ошиқ Эркинга, маликам, йўлчи ул
Юлдузларинг соғинганим билсанг эди.

## ҲУСН МУЛКИНИ СУЛТОНИ

Дилоромим, менинг дўстлар, ҳусн мулкини султони,
На султони ҳусн мулкин, жаҳон маҳвашларин хони.

Муборак чеҳрасидан дамба-дам гавҳар сочар тинмай,
Унингдек йўқ ҳеч ошиқнинг қамарюз офатижони.

Самарқанду Бухорони берай деб урма лоф, Ҳофиз,
Нигорим қўлларига сув қуёлмас Шероз жонони.

Хасисликда сенингдек ошиғизор кўрмади ўтмиш,
Бунингдек зиқналикка йўл қўярми шоир имони?

Камина икки қўллаб тортиқ этгай икки оламни,
Қиё бир боқса басдур икки олам моҳитобони.

Сенинг, эй Ошиқ Эркин, ҳимматинг Ҳотамдан ҳам устун,
Сахийликда сенга етмас жаҳоннинг бор ғазалхони.

## ОНА ЮРТ ТУПРОҒИ

Олтину дурга қиёс этгум Ватан тупроғини,
Болу шарбатга сувини, минг Эрамга боғини.

Файзиёбу файзнок деб куйласам гар гулшанин,
Дер эдим булбулга маскан унинг сўлу соғини.

Меваси роҳат чунон ҳам, мисли қанд ширинлиги,
Этмагай тарк тотса ким гар лаззати дудоғини.

Тунлари хандон кулиб нурлар сочар юлдузлари,
Наҳри мавжимдир менинг, маъдан деярман тоғини.

Ошиқ Эркинга қучоқ очди ҳаёт шўх куй чалиб,
Хуш соатда бошлади қувноқ ғазал ёзмоғини.

## МЕН СЕНИНГ ЖОНИНГ БЎЛАЙ

Сен менинг жонимни олгин, мен сенинг жонинг бўлай,
Қадди-бўйинг-чун, нигора, дамда қурбонинг бўлай.

Бахтли қисматдур висолга ўртаниб етмоқ азал,
Қилма тарк ҳижрон азобин, маҳваш, ҳайронинг бўлай.

Бу шараф йўлида фарз мендан мурод, сендан карам,
Васлинга етказ, висол кўкида комронинг бўлай.

Мен сенга содиқ вафодор, сен менга сарви равон,
Лутф қилгил, бир умрлик танда дармонинг бўлай.

Сен менга хуршиди тобон, лаъли хандон бўл мудом,
Мен сенга достон битай, содиқ ғазалхонинг бўлай.

Йўлларимда сен гулу райҳон бўлиб қилғил хиром,
Йўлларингда, Ошиқ Эркин, меҳри рахшонинг бўлай.

## БЕБАҲО ГАВҲАРДИР УЛ

Йўқ ҳушим рухсорига парвона бўлгандан бери,
Дилрабо ёди билан мастона бўлгандан бери.

Беомон куйдирди шўх, ўтдир таним, ўтдир таним,
Бахтиёрман ишқида сўзона бўлгандан бери.

Шодланиб аввалда, сўнг лол қолдилар барча рақиб,
Дилбарим лутфин кўриб, ҳайрона бўлгандан бери.

Мунчалар гулгун бу олам, мунчалар зебо, гўзал,
Ошиғи зордан алам бегона бўлгандан бери.

Бебаҳо гавҳардир ул, бошдин оёғи симу зар,
Васлига тенг йўқ нигор дурдона бўлгандан бери.

Ошиқ Эркиннинг боши етти қават осмондадур,
Шўхи жонони унга жонона бўлгандан бери.

## ЎРГУЛСАМ, АЙТ, ЁМОНМИ?

Сарвинозим, ҳилолингдан ўргулсам, айт, ёмонми?
Бодом лабдаги болингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Юракданми севгингиз деб, савол бердинг, айт, нечун,
Жоним, ширин саволингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Қиёс йўқдир жамолингга, чиройингга қиёс йўқ,
Жамолинг, ҳусни олингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Вафо билан яшнатдинг сен меҳрим, муҳаббатимни,
Ёноқда инжу холингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Ҳуморлансин дилим, дилбар, етказ эрка шамолинг,
Наволи, шўх шамолингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Хумор кўзларни ёндирган ниҳолдирсан, маликам,
Сарв қадди ниҳолингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Камолот ёшига етдинг, тасаддуқ сенга минг бор,
Менга манзур камолингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

Фаровон эт ҳимматингдан Ошиқ Эркин умрини,
Жоним, жонбахш жамолингдан ўргулсам, айт, ёмонми?

## СОЗИНГ МУНЧА ЁҚИМЛИ

Яйраб куйладинг, эркам, созинг мунча ёқимли,
Ўйин тушдинг хиромон, бозинг мунча ёқимли.

Товус юришларингдан жилваланур чечаклар,
Сунбулларни лол этган нозинг мунча ёқимли.

Ёз эрур тўрт фасл ҳам меҳринг, назокатингдан,
Тўрт фаслни гуллатган ёзинг мунча ёқимли.

Сархуш қолур булбуллар эшитса овозингни,
Нурли наволар тўла розинг мунча ёқимли.

Уммонларни яшнатган оққушсан, эй, маликам,
Анҳорда оқ таранган гозинг мунча ёқимли.

Озгина мурувват эт, Ошиқ Эркинга, жоним,
Оз бўлса ҳам майлига, озинг мунча ёқимли.

## ҚАЛБИМНИНГ МУДДАОСИ

Васлингдин баҳраланмоқ умримнинг муддаоси,
Баҳраманд юракларнинг шоён эрур сафоси.

Камалакранг жилолар касб этар севги боғи,
Дилхуш тароватларга тўлиб кетса ҳавоси.

Ёқа чок этар бир-бир ғунчалар чаман ичра,
Тарк этмаса туну кун булбулларнинг навоси.

Товуслар хиром этган бўстонни гоҳ бузарлар
Назокатдан бехабар калхатлар истеълоси.

Ҳайрон этмайин қўймас ишқдан саргашта жонни,
Кимгаки дўлошибдур[1] сеҳргар ишқ балоси.

Сармастдур Ошиқ Эркин олийшон муҳаббатдан,
Минг йилга етгай онинг дилдорига вафоси.

---

1 Дўлошибдур — ёр бўлибдур.

## ИЗЛАЙ-ИЗЛАЙ

Топдим сени, гўзал ёр, бўстонни излай-излай,
Қирмиз лабу шаҳло кўз, мужгонни излай-излай.

Меҳринг дарди дилимга малҳам этай дедим мен,
Барбод этиб дамо-дам ҳижронни, излай-излай.

Жавлон уриб етишдим олий саодатларга,
Топдим ой висолингдан дармонни излай-излай.

Топмоғи мушкул ўзга минг йил ахтариб сендек
Қадди бўйи келишган жононни излай-излай.

Чарх уриб учратолмас, йўқдир бунга гумоним,
Ишқингда менинг янглиғ ҳайронни излай-излай.

Сенингдек гулжабин ёр кўрмади Ошиқ Эркин,
Оламга донғи кетган давронни излай-излай.

## АЙ СИЗНИ, СИЗНИ, СИЗНИ

Бир йўқлаб келмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни,
Муштоқман, билмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни.

Учиб келар эдингиз авваллар, энди бизни
Назарга илмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни.

Келурман, деб неча бор ваъда бериб ўзингиз,
Ҳеч вафо қилмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни.

Сизга муҳаббатимнинг қиёси йўқ, аммо сиз
Мен каби севмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни.

Садоқатим қуёшдек ёритса-да жаҳонни,
Меҳримни сезмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни.

Бир кўрсин Ошиқ Эркин ҳусни жамолингизни,
Не сабаб келмаяпсиз, ай сизни, сизни, сизни...

## ЁЗ КУНЛАРИ

Севги сўзин нақш этиб кўнгилга ёз ёз кунлари,
Янграгай шунда ҳаволаб дилда соз ёз кунлари.

Ишқимиз алвон чечакларга белангай бегумон,
Ғунча лаб очгай яна ҳам хушнавоз ёз кунлари.

Меҳрибонлик одатингдан яйрадим куз, қиш, баҳор,
Қилмагил, аммо, гулим, меҳрингни оз ёз кунлари.

Қаҳратонда лутф этиб келсанг агар бўлғуси ёз,
Келмасанг ногоҳ, инон, бўлғай аёз ёз кунлари.

Таклиф этса бўз йигитлар ёр бўлинг деб бир умр,
Қилмангиз, қизлар, сира ҳам эътироз ёз кунлари.

Жисми-жонинг, Ошиқ Эркин, ёндирувчи нур сенинг,
Нурли ишқ қилгай сени кўп сарфароз ёз кунлари.

## ҚЎШИҚ ЭТИБ КУЙЛАРМАН

Қўшиқ этиб куйларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни,
Эллар кезиб сўйларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

Қўшиғимнинг алвон байтлари
қуёш бўлиб сочарлар зиё,
Тонглар бедор ўйларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

Сайёралар лол қолур ҳатто
тошқин дилим наволаридан,
Инон, достон айларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

Юрагимдан заррин нур олиб
чарақлагай сўлим оқшомлар
Дилга мангу жойларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

Сайр этайлик ишқ боғи аро,
вафодорим, бергил қўлингни,
Изҳор этмай найларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

Ошиқ Эркин, юрагинг машъал,
садоқатинг кун каби равшан,
Қайнаб-тошиб куйларман, санам,
сенга ёниқ муҳаббатимни.

## СЕНДАН НЕ КЕТДИ?

Мутрибим, наво қил, сендан не кетди?
Куйлаю сафо қил, сендан не кетди?

Созингдан завқ олай, юракни яйрат,
Бир ажиб ҳаво қил, сендан не кетди?

Дилнавоз куй тарат шўх пардаларда,
Зўр қўшиқ ато қил, сендан не кетди?

Дилингни тор этиб чаларман дединг,
Ваъдангга вафо қил, сендан не кетди?

Кел, куйлагил, ҳофиз, садоқат билан
Ишққа илтижо қил, сендан не кетди?

Ойдек жонон тила Ошиқ Эркинга,
Яхшилаб дуо қил, сендан не кетди?

## САЙРИ БОҒ ҚИЛДИМ ТАМАННО

Сайри боғ қилдим таманно, боғга жонон чиқмади,
Кўп гўзал чиқди ва лек хуршиди рахшон чиқмади.

Неча бор ҳалқумга келди шаҳд этиб чиқмоққа жон,
Кўзларимдан чиқди-ю қон, бизни султон чиқмади.

Дил мулоқотга хумор эрди унинг васфин тилаб,
Елга кетди хуш тилаклар, ул сухандон чиқмади.

Мен ҳавас қилсам висол дамини гулшанлар аро,
Ҳар ҳавасга рў-барў, айт, қанча ҳижрон чиқмади?

Ичга ютдим бор ситамларни, тошиб кетди юрак,
Чиқди жон бўғзимдан, аммо офатижон чиқмади.

Ошиқ Эркин сен мудом даврон сари пешвоз юр,
Не учунким, ҳеч қачон пешвозга даврон чиқмади.

## БАҲОР ҲАЗИЛИ

Қизлар, яшнаб келса ҳар йил март ойи,
Сизларни севаман севганим сойи.

Наврўз жононларга ҳусн улашар,
Кўзларимни ёқар қизлар чиройи.

Сочимга қараманг, оғам, акам денг,
Ёмон аразлайман ким деса: "Дойи"[1].

Яшариб юрибман мадҳингиз куйлаб,
Сизлар қаритмайсиз мени, худойи.

Қувноқ даврангизга учиб борурман,
Тайин қилинса бас учрашув жойи.

Шундай хуш айёмда бир бор бўлса бас
Ошиқ Эркинга ҳам бир бўса пойи[2].

Қизлар, яшнаб келса ҳар йил март ойи,
Сизларни севаман севганим сойи.

---

1 Д о й и — тоға.

2 П о й и — тегиши.

## КЕЛАСИЗМИ?

Шеър базми бўлар бу оқшом, дилдор, келасизми?
Авжига чиқиб янграгай ашъор, келасизми?

Ҳушларни олиб соз жаранглар хуш пардаларда,
Куй сеҳрига бўлмоқ учун хуштор, келасизми?

Торим тараган меҳру вафо наволаридан
Ял-ял очилиб яшнагай гулзор, келасизми?

Меҳримни пойандоз этайин келсангиз, эркам,
Тонгларни бирга кутгали бедор, келасизми?

Шеър базми-ку бир баҳонадур, муҳаббатимни
Мардона туриб айласам изҳор, келасизми?

Бир сизга нисор Ошиқ Эркин жону жаҳони,
Қатъий бу қарор, қатъийдир, дилдор, келасизми?

## ТАЙЁРАДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛ

Булбулнавоз айладим
мадҳинг куйлаб тилимни,
Жоним, булутга кўмма
парвоздаги дилимни.

Мастона сайр этарман
сен бирла фалакларда,
Ҳеч кимга бермагайман
фазода сен гулимни.

Ҳайрона сайратурман
сен учган қанотларда
Оташ муҳаббат отли
шайдойи булбулимни.

Орзуларим ушалгай
ҳақ ўзи этса ҳиммат,
Бир умрлик ёр этсам
сочлари сунбулимни.

Ҳимоятингга олгин,
Ошиқ Эркинни, эркам,
Осон эт ўзинг кўкда
тамомий мушкулимни.

## ЮРИШЛАРИНГ ЁҚАДИ

Эркам, менга нозланиб юришларинг ёқади,
Гулдай очилиб, яйраб кулишларинг ёқади.

Юзинг қуёшми, ойми — боқсам қамашар кўзлар,
Жилоланиб товусдек туришларинг ёқади.

Қоматингга, париваш, тасаддуқ десам жоним,
Эркаланиб лабларинг буришларинг ёқади.

Тошиб кетиб юрагим бир бўса хумор этсам
"Ёмонсиз" деб чаккамга уришларинг ёқади.

Сўзлашиб қолсам агар бир таниш-ла мулойим
Ким эди у, деб ғавғо қуришларинг ёқади.

Ошиқ Эркин қалбининг маликаси бўл, десам
Ширин-ширин хаёллар суришларинг ёқади.

## СЕВГАНИМНИ БИЛАРМИ?

Билмадим, сарвинозим, севганимни биларми?
Қилсам муҳаббат изҳор, бунга парво қиларми?

Тиларман унга дилдан иқболу бахту соғлиқ,
Маҳваши нозук менга, билмам, соғлиқ тиларми?

Кўзларим билан силай қундуз кокилларини,
Менинг ҳайронагинам сочларимни силарми?

Кўзи қароғимдадир ҳар сония жамоли,
Бир ошиғи зорим, деб мени кўзга иларми?

Ошиқ Эркинга орзу яқин қилмоқ арони,
Билмадим, сарвинозим мен томонга жиларми?

## ШОД ЎТКАЗИНГ ВАҚТНИ

Сийлабми ёки сийнаб берган экан бахтни,
Терлар тўкиб меҳнатда, шод ўтказинг вақтни.

Топгани бирла яхши ким қилса гар қаноат,
Ортиғи сари чопган қўлдан берар нақдни.

Талқон этар тоғларни соҳиби ориятлар,
Мақсадга етар ҳар ким қатъий қилса аҳдни.

Билингки, омонатдур беш кунлик бу дунё, деб
Кимки агар қурибди бод устига тахтни.

Висолга етгай албат чин дилдан эса ҳиммат,
Бўш қилмаса бас ошиқ ёр йўлида жаҳдни.

Ҳар сония, ҳар онни қадрлар Ошиқ Эркин,
Меҳнатдан сўнг вақт топиб шод ўтказинг вақтни.

## БАДНОМ БЎЛАР...

Бадном бўлар қилса ким имонни оёқ ости;
Биллур каби покиза виждонни оёқ ости.

Хуш хулқу хуш фазилат кўрки эрур кишининг,
Бад феълли қилур яхши инсонни оёқ ости.

Ёлчимас саодатга агарки қилса ошиқ
Ўринсиз сабаб бирла жононни оёқ ости.

Таралмагай атр бўй севги чаманларидан,
Айласа агар ағёр бўстонни оёқ ости.

Бўлмайин десанг, жоним, оёқ ости ҳеч қачон,
Содиқ бўл, бўлмагайсан ҳеч қачон оёқ ости.

Келиб Ошиқ Эркиндан вафодорлик дарсин ол,
Қилмас ул вафо тўла имонни оёқ ости.

## СЕВГАНИМ БИЛСА БЎЛДИ

Юракдан севганимни севгилим билса бўлди,
Ҳусни жаннат қуёши, сунбулим билса бўлди.

Дилларга ларза солгай муҳаббатим навоси,
Меҳримни хуш наволи булбулим билса бўлди.

Малоҳат мулки ичра соҳибжамоллигини
Латофатли гавҳарим, тар гулим билса бўлди.

Куйлай бериб висолин бурро бўлиб кетганим
Менинг тўти забонлим — бол тилим билса бўлди.

Афсона бўлиб кетса садоқатли севгимиз,
Ишқимни садоқатга бой дилим билса бўлди.

Етмайин қолмагайсан иқболга, Ошиқ Эркин,
Севгимни мушки анбар кокилим билса бўлди.



*МУХАММАСЛАР*

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўнглим санга мубтало бўлуптур,
Ҳажрингда куйиб, адо бўлуптур.
Шамшод қаддим ҳам дуто бўлуптур,
Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қора бало бўлуптур.

Ишқ кайфиятиким, мард қилди,
Кўйингда мени жўмард қилди,
Сўзим барини мисли фард қилди,
Мажмуи давони дард қилди,
Дардингки манго даво бўлуптур.

Таъзимда анга сарв ила райхон,
Васфи юрагим ичинда достон,
Хуршид юзидин мунаввар осмон,
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санго фидо бўлуптур.

Андоза олур чаман ҳаёдин,
Товус тикилур чиқиб уёдин,
Юрса сочилур ўт пошнодин,
Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур.

Булбул каби хуш навоси жоним,
Вaслини сарин сабоси жоним,
Нозик бадану ибоси жоним,
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.

Гар айласа ким умрига қонеъ,
Қилмаса мурод кайфу сафони,
Иқболи онинг бўлмағай оний,
Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлуптур.

Мангу имтиҳондур одати ишқ,
Нурли, хуш умр саодати ишқ,
Ошиқ Эркиннинг ҳидояти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқда биз қўйган қадам аввалгиларга ўхшамас,
Ёрни васф этган қалам аввалгиларга ўхшамас,
Завқли фурсат, шавқли дам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Ёқди ҳижрон беаёв бағрига олса кимни-да,
Етказиб ортиқ фироқ, садпора қилди шумни-да,
Қилди такрор жабрини ошкора этса ким нидо,
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,
Эмди қилса ҳар ситам аввалгиларга ўхшамас.

Дилдаги ишқ захмига асло даво топмас ҳаким,
Демангиз зинҳор-базинҳор бир табибга учрагим,
Тингламас эрди нигоринг ерлар урсанг нечаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,
Хўбликда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Ични дудлар қоплабон, қолди қоронғуда диёр,
Неча хешу ақрабо иззатда бўлди бахтиёр,
Қилмайин қўйди доғи таъзим бажо бир кўп нигор,
Жавридин эрди аламлар эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким бу алам аввалгиларга ўхшамас.

Нечалар етди шу дам кўнгли хумор этса нени,
Неча бўй тиккан қасрнинг кўкка тенг бўйи, эни,
Бул не деб айтсанг-да бас, ёқдирмади даврон сени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким расвои дижам аввалгиларга ўхшамас.

Бўлмасун деб қўрқаман бечора ҳолим танг яна,
Бу ҳаёт дарёсини қопламасун деб санг яна,
Не кечар аҳволотим ишқ этса ҳангу-манг яна,
Кўйининг эҳромидин кўнглумни манъ этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.

Дўст тутинсанг энди бил янги рафиқинг асли ким,
Зоҳиру ботинин ўрган, анбиёси, насли ким,
Ошиқ Эркин келди хуш дам — қайта қурмоқ фасликим,
Эй, Навоий, қилма Жамшиду фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларга ўхшамас.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Неча қилдим васлини жон бирла орзу келмади,
Келди қайғу неча бор, дурмуши ёғду келмади.
Зулфи зар, юзлар қамар, кўзлари жоду келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Йўлларида тўккан ашкимдин кўкарди лолазор,
Қилмади афғонларимга заррача ҳам эътибор,
Отмайин кетди-ку тонглар, олди мендин ихтиёр,
Лаҳза-лаҳза чиқдиму чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю, ул шўху бадхў келмади.

Кетса гар уйқуга кўзлар, сен келиб бизни ўёт,
Деб эдим, тутди ўзин бегоналардек етти ёт,
Толеи паст эрканимдин кулмади менга ҳаёт,
Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлгонда қоронғу келмади.

Қилди маҳваш шул кеча мен зорни ҳижрон бирла ёр,
Битди бор сабр ила тоқат, қолмади танда мадор,
Нола қилдим нотавон, фарёд солиб мажнуншоир,
Ул париваш ҳажриданким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Эй, дили паймонларим армонга тўлдирманг мени,
Гул каби хор айламанг, ғам бирла сўлдирманг мени,
Бир ўлай ўлсам агар, ҳар кеча ўлдирманг мени,
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлдирманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Ул азал котиблари толега чекканда рақам,
Баҳрима тушмиш мени қайғу билан аччиқ ситам,
Кўрганим ёрдин жафолар айлади қаддимни хам,
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлгаким, аввал қадам маъшуққа ўтру келмади.

Ошиқ Эркин янгратиб чал сен муҳаббатнинг куйин,
Нозланиб отмоқдадир бахтинг тонги, яйра, суюн,
Боғлагил мардонавор ҳиммат ила иқбол тўйин,
Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглинг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эл куяр аҳволима ҳажрингда қилсам волалар,
Билмадим, дилдоралар жабрини қайдин олалар,
Кўргузиб ҳар дам ситам ошиқни ўтга солалар,
Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағрумдин эрур парголалар.

Бол томар тилдан мудомо мен уни зевар десам,
Ҳам садоқатда ғаний, бир меҳрибон, чевар десам,
Кўрсатиб ҳар дам вафо, виждон қадар севар десам,
Дур тишингдин донаи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жолалар.

Янграгай дилкаш наво ошиқ кўнгилнинг торидин,
Тушса жунбушга, не тонг, чеккан фиғону зоридин,
Айби гар бўлмас эса кечмас киши ўз ёридин,
Барги гул узра ёпишибдур шакар ҳар соридин,
Ё магар лаълинг уза қайнабдурур табхолалар.

Касратидин бошима шундай балолар эндиким,
Чеҳрасин кўрганда келди еб қўярга андиким,
Телбариб кулганларимдин чекди заҳмат киндиким,
Тола-тола най ўқунг кўксимда гўё синдиким,
Теврулубдур нотавон кўнглимда бир-бир толалар.

Бунчалик кибру ҳаво кўрсатмагай жаннатда ҳур,
Айласа банд, қочингиз, ҳушин жавоҳир бирла дур,
Бундайин маҳваш йигитга номуносиб туҳфадур,
Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно турфадур,
Ким кўрубтур бир қуёш даврида мундоқ холалар.

Келмагай раҳми бировнинг зарра ёнган ҳолима,
Эски урф: чўзмиш ҳама ёрдам қўлини золима,
Мен нечун қайғурмайинким сарнигун иқболима,
Бордилар аҳбобу мен йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолғон ит янглиғки, қилгай нолалар.

Чин муҳаббат боғидин келгай мудом анбар мушк;
Чин вафодур, Ошиқ Эркин, севгида иффатли кўшк,
Бул саройга раҳна солган эл аро расвойи ишқ,
Кўҳи ғам бўлди Навоий, лолалар гулгун сиришк,
Тоғ агар бўлур, бале, ашк ўлғусидур лолалар.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дилга малҳам жилвагарлик дема бир кошиндадур,
Не малоҳат билмам ул, асрори — наққошиндадур,
Айланур ҳар лаҳза бошим, неки сир ошиндадур,
Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Этса гар қошимга ташриф бўлғай ахбоб беқарор,
Тўлғанур сарв зил кетиб, ҳар лаҳза бўлғай шармисор,
Мардуми ошуфталарким, боққай анга интизор,
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ҳусн мулкин сарвари ул, боқса ағёр — ўлдурур,
Бори сунбул ҳилқатин андешадин чун сўлдурур,
Тутма ёқа лайливаш паймонасин гар тўлдурур,
Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Учса учгай ақлу ҳушлар ким анго бўлса дучор,
Чашми гирёнига тонг йўқ, чўлғамиш жисмин шарор,
Майли, кез жумла жаҳонни, учрамас бўйла нигор,
Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эъзид таоло сунъ наққошиндадур.

Меҳри райҳмонлар сочилмиш ёрнинг анвар кўнглидин,
Ишқ булоғи жилва айлар дамда кавсар кўнглидин,
Меҳрибонлик жойе тутмиш анинг зевар кўнглидин,
Тан анга симу ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Даҳр аро, эй, сенча бўлмас, йўқ парирухсор фасиҳ,
Лаъли рангину шакарлаб-бўйла тенгсиз бир малиҳ.
Ул сарв қаддингни дермен кўп сабиҳлардин сабиҳ,
Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Ошиқ Эркин, тўкдинг ул гул ҳасратидин наҳри ашк,
Дийданг узра маҳвашинг маломатидин заҳри ашк,
Тийра кўнглингга инар жароҳатидин даҳри ашк,
То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар качон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Чун тушиб озурда қоним ичра ўт,
Яшнади жону жаҳоним ичра ўт,
Не жаҳоним, устихоним ичра ўт,
Ишқ солди хонумоним ичра ўт
Лаъл оташноки жоним ичра ўт.

Қўймас омон на ширин, на талхни,
На Ҳироту на Гургон, на Балхни,
Куймас дема бу оташда холиқни,
Нега етган ерга ўртар халқни
Бўлмаса оҳу фиғоним ичра ўт.

Ёнар ўтда ким азал бахти қаро,
Ўт кетмай ҳам юрак-бағри минг яро,
Садоқатдан бўлак йўқ бунга чора,
Кўнглим эрмас тандаким ҳажринг аро,
Тушди жисми нотавоним ичра ўт.

Кўриб ҳолим жилва қилди кўкда моҳ,
Қайга чопмай ўт ичинда бари роҳ,
Мисли дўзох бағрин очар ҳатто чоҳ,
Ўтларингнинг касратидин чектим оҳ,
Тушди андин найстоним ичра ўт.

уйди сўнгаклар, ваҳки, ишқ,
куйди сўнгаклар, ваҳки, ишқ,
куйди сўнгаклар, ваҳки, ишқ,
куйди сўнгаклар, ваҳки, ишқ,
ки ниҳоним ичра ўт.

Беҳаловат жонга кўп бўлди жабр,
Чулғади жисмим ёлинг ажабтавр,
Энди бу тандин не ҳаз топгай қабр,
Соқиё, майдин сув урким, солди давр
Жони беному нишоним ичра ўт.

Ошиқ Эркин, бўлган эрсанг ғарқи ишқ
Ўт учун ҳожат эмасдур фарқи ишқ,
Бил, абад ўт бирла яшнар шарҳи ишқ,
Эй Навоий, чун чоқилди барқи ишқ,
Тушди андин хонумоним ичра ўт.

## ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Фараҳбахш бир муҳаббатнинг эрурман лолу ҳайрони,
Мукаммал аҳли ишқ ичра камина шоҳу султони,
Сахий, ҳимматда ҳам тенгсиз, садоқатли ғазалхони,
Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қора холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Нигоро йўлида жавлон уриб қайларга чопмайсан,
Газак истаб хуморланган мисоли ташнаи майсан,
Ичиб улгурмайин ҳушим олиб қўйдинг, гўзал, ай сан,
Сун, эй соқий, майинг охиргача, жаннатда топмассан,
Бу Рукнобод қирғоғиндаги сўлим бир Мусаллони.

Асрларким, мудомо яхшилар унсиз қилур фарёд,
Азаллардин димоғдордур агарчи ёр эрур шамшод
Ситамлар бесаноқ айлаб, такаллумин қилур барбод,
Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,
Кўнгилдан элтдилар сабрим, қилиб туркларча яғмони.

Содиқ эрса ёр агар топгай сенинг ишинг ривож,
Маҳшаргача ҳолинг забун гар эрса ул бадфеълу кож,
Феъли ёмонлардин мудом чет юргали топ бир илож,
Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтож,
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Агар роҳатлар истарсан, рафиқ, жононадин сўзла,
Раво кўрма ёмонлик ёрга, доим яхшилик кўзла,
Ҳаёт боғини яшнат сайр этиб соҳибжамол қиз-ла,
Гапир чолғучидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.

Муҳаббатнинг саройига узоқ йўллар юриб келдим,
Саодатларга етсам деб, жасорат кўргазиб елдим,
Оқибат нолалар қилдим, юрак-бағрим ёмон тилдим,
Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим,
Чиқормиш ишқ номус пардасидин ул Зулайхони.

Ёришгай севги бўстони магар ошиқ дили чўғли,
Вафони дурдек ардоқлар кўпинча камбағал ўғли,
Ҳижил бўлғай дилинг гулгун чаманда юрса бир ўғри,
Ёмон дединг, қувондим мен, худо ҳаққи,
сўзинг тўғри,
Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакархони.

Билар эл, бўлмағай асло, азизлар, бадфеълдан дўст,
Пушаймон қилмағайсиз тутсангиз мардона элдан дўст,
Олур оромни ҳар доим шакаргуфтор тилдан дўст,
Насиҳат тинглағил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст,
Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.

Келиб ишқ аҳлига сен бир насиҳат сўйла, эй Ҳофиз,
Буюкдирсан, фақат яхши тилаклар ўйла, эй Ҳофиз,
Ошиқ Эркинни ҳам қутла ажойиб тўй-ла, эй Ҳофиз,
Ғазал айтдинг-у дур сочдинг, ёқимли куйла,
эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин сурайёни.

## НИЗОМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Қуёш ўзингсан, анвар на даркор,
Сарвар ўзингсан, раҳбар на даркор,
Ўзингдан ўзга заргар на даркор,
Қайдаки сен бор қамар на даркор,
Кимгаки сен ёр, шакар на даркор.

Оғушларимга елдек елурсан,
Жонимда жонинг, яхши билурсан,
Жаҳонни менга жаннат қилурсан,
Ул тунки, ойдек чиқиб келурсан,
Дерларки, бу кеч саҳар на даркор.

Ёқдинг фалакнинг Ғарб ила Шарқин,
Ошиқмас ишқнинг ким қилса таркин,
Севги лазазатин билмас у фарқин,
Ҳуснинг умиди дилимда ёлқин,
Шул дурдин ўзга гуҳар на даркор.

Излаб топарман, майлига, қочгил,
Ёғдуларингни йўлимга сочгил,
Дарё бўлиб кел, қайнагил, тошгил,
Қачондир ахир эшигим очгил,
Йўқса ҳама дардисар на даркор.

Боғим тўла гул, аммо сафо йўқ,
Чарх урар булбул, серзавқ наво йўқ,
Хаста дилимга асло даво йўқ,
Ваъда берурсан, нечун вафо йўқ,
Менинг ғамим шул, дигар на даркор.

Гўзалдир ҳарфнинг "айн"у "шин", "қоф"и,[1]
Лола зайилдур мийнонинг софи,
Ошиқ Эркин ҳам шайдо ҳисоби,
Қулликдан эрур Низомий лофи,
Зулфингдин ўзга камар на даркор.

---

[1] "Айн", "Шин", "Қоф" — ишқ.

## ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Тараҳҳум этди ҳақ, эҳсон яротти,
Муҳаббат хайлига жонон яротти,
Бош узра нур тўла осмон яротти,
Яротқонким тан ичра жон яротти,
Сени кўрклуклар ичра хон яротти.

Гоҳ ошиқни хафаликдин орутти,
Вафо истаб югуртирди, қоритти,
Агар баҳс эрса бу — жонона ютти,
Қуёш янглиғ юзингни чун ёрутти,
Фалакдек бизни саргардон яротти.

Қувонгай кўз кўриб ҳусни камолинг,
Мисоли чўғ ёноқда қора холинг,
Юракларга тузоқ қўймоқ аъмолинг,
Халойиқ қибласи бўлди жамолинг,
Ўшал кунким сени яздон яротти.

Кўриб ҳуснинг юракка ўт ёқилди,
Вужудим ичра чақмоқлар чақилди.
Нигоҳинг ханжари бағримни тилди,
Тўлун ой таъвия сарв узра қилди,
Ой ичра ғунчаи хандон яротти.

Чиройингким, бўстонга жилва қилди,
Жилоланди, осмонга жилва қилди,
Ҳусни олинг достонга жилва қилди,
Жамолингни жаҳонга жилва қилди,
Мени ул сурата ҳайрон яротти.

Азал лол қолдириб кўкнинг ҳилолин,
Намойиш айладинг ишқ қийлу қолин,
Лабинг турганда найлай равза болин,
Эшиттинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яротти.

Чиройингдан баҳра олиб навбаҳор,
Чечакларга ранг улашар бешумор,
Интиқ кўзим пойинг гардигадир зор,
Карим тангри камолин қилса изҳор,
Сен ойни бўйла бенуқсон яротти.

Тилсимларга тўла ҳаёт очуни,
Муҳаббат икки навъ: гўзал ё сунъий,
Вафо қуёш эрур, ардоқла уни,
Зиҳи қодир қул ул, бир қатра суни
Муҳаббат гавҳарингга кон яротти.

Севги дунёсида садоқат — гултож,
Ошиқ Эркин ишқ ила топгай ривож,
Саодатга етгали қил бир илож,
Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,
Тоғи манзурини султон яротти.

## ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Маликам, ошиғинг қайтарма ройин,
Тамоша айлайин ҳуснинг чиройин,
Яйрагум сенга кўз тушгони сойин,
Юзингда кўрдим, эй жон, байрам ойин,
Мунинг шукронаси қурбон бўлойин.

Маним шайдолигим аҳли ишқ билгай,
Меҳрим, муҳаббатим гул очгай, кулгай,
Муддаий бағрини ниш уриб тилгай,
Агар кун туғмаса ҳам ёқту қилгай
Юзинг нури бу дунёнинг саройин.

Ажабланма қўлим белингни қучса,
Ҳисларим чарх уриб кўкларда учса,
Жаҳонда тенгги йўқ ҳур, ақлу ҳушсан,
Гар Афлотун сенинг ишқингга тушса
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Вафоликда мени султон билингиз,
Адо ўлдим, бирор тадбир қилингиз,
Хиром айлаб қучоқларга келингиз,
Шакартек тил била тўти тилингиз
Неча кўп сайд этар жонлар ҳумойин.

Қўлингиздан агар ким шароб ичти,
Васлингиз йўлида боридин кечти,
Сизга хумор боқиб бир жумбоқ ечти:
Саодат бирла бахт иккиси бичти
Бўюнгизга латофатнинг бу қойин.

Эрурсиз тўтиё жаннат қушидек,
Нурафшонсиз фалакнинг ёғдусидек,
Фараҳбахш чеҳрангиз лола тусидек,
Ижозат берсангиз тонг ёқтусидек
Жаҳонга ҳуснингиз човин ёёйин.

Муҳаббат йўлида йиллар қилиб жанг,
Муддаий ҳолини қилиб қўйдим танг,
Ошиқ Эркин шеъри шул боис жаранг,
Сиза теб келди, Хоразмийни асранг
Ким, асрарлар қамуқ шоҳлар гадойин.

## САЙФИ САРОЙИ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Сенга ҳавасда сарву суманбар,
Қайдин келур деб бу мушки анбар,
Лаъли лабингга йўқдур баробар,
Қамар юзингдин бўлур мунаввар,
Шакар сўзингдин келур муқаррар.

Зебо қоматинг ҳуснингга лойиқ,
Кўрган яна дер: "Қараб қолойиқ"
Исмингни яйраб тилга олойиқ,
Кунаш юзингни кўрган халойиқ
Бўлиб турурлар сенга мусаҳҳар.

Тўлиб кетар дил завққа, сурурга,
Чулғар муҳаббат жисмингни нурга,
Кам учрар ошиқ сен каби ҳурга,
Кўнгилга доийм фараҳ берурга
Келиб хаёлинг бўлур мусаввар.

Ҳуснингни мадҳи ушшоқ тилинда,
Васлингни шавқи қайнар дилинда,
Ҳосил бўлиб рашк ҳар бир гулинда,
Туганди умрим фироқ элинда,
Қачон висолинг бўлур муяссар.

Ким кўрса бўлғай ишқ ўти пайдо,
Яйраб, туролмас асло бир жойда,
Ошиқ Эркинга хуш дамлар қайда?
Ўқур сифотинг бу Сайфи шайдо,
Ёзиб дафотир уза муфассар.

## САЙФИ САРОЙИ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Тоза қалб инжу меҳрнинг конидур,
Севгининг булбулнавоз хушхонидур,
Келди ишқ фасли — севилмоқ онидур,
Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур,
Бу замона хўбларининг хонидур.

Пистадек ғунча даҳон, қоши камон,
Наргиси шаҳло, тиши дур, хуш забон,
Сўзлари наввот — закийликдан нишон,
Ёсамин тан, қомати сарви равон,
Зулфи жаннат боғининг райхонидур.

Олдида бир пулчадур тилло қаср,
Мадҳига ожиз эрур назму наср,
Боқса гар банди этар, билмам, на сир,
Ғамзасининг отина олам асир,
Кўзлари даври қамар фаттонидур.

Ўт кетар дилга они кўрган замон,
Ҳусни шайдоси неча бир нотавон,
Тенгги йўқ пайкар десам они, ишон,
Кипригининг ўқина жонлар нишон,
Қоши ёсининг жаҳон қурбонидур.

Ўзи лаъл, бошдин оёғи симу зар,
Ҳоли бад ким мубталоси бўлса гар,
Лутфининг ширинлиги мисли шакар,
Шамс анинг ҳар кун ёқосиндин туғар,
Ул сабабдин бу жаҳон нуронидур.

Юз деган мунча бўлурми лолагун,
Лол қолибдур — ғунчанинг оғзи туғун,
Наздида неки гўзал — ҳоли забун,
Бешласин ушшоқ жонни чун букун,
Кўз қамар юз ҳуснининг давронидур.

•

Ошиқ Эркинни ўзинг жони-тани,
Ул каби ишқ йўлида чин мард қани?
То ҳаётмен бўл вафолим сан мани,
Кўргали Сайфи Саройи қул ани
Ҳақ таоло сунъининг ҳайронидур.

## ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Висолимга мени жонон етишти,
Парирўю гули хандон етишти,
Мурод ҳосил бўлиб, эҳсон етишти,
Манго жонон лабидин жон етишти,
Дили пурдард учун дармон етишти.

Юрагим риштаси пайваста эрди,
Унинг ёди билан вобаста эрди,
Камолот ёшида — навраста эрди,
Шикаста баста кўнглим хаста эрди,
Иложин қилгали Луқмон етишти.

Қаҳр бисёр бўлиб қоши қарода,
Мени қўймиш эди мотамсарода,
Меҳр кутдим, ғолиб келди ирода,
Чу Яъқуби ҳазин бўлган арода
Малактак Юсуфи Канъон етишти.

Бир тилсим сеҳр бор гул чеҳраликда,
Меҳр кўпдир муҳаббатда маликда,
Ором қайда юраклар хираликда,
Қолибдур эрди кўнглим тийраликда,
Ки ногаҳон моҳи тобон етишти.

Чунон эзган эди ҳижрони, дарди,
Кўзимга тўтиёдур пойи гарди,
Назокатлар ила ул салом берди,
Кўнгилда хори ғам ўрнабдур эрди,
Ки лутф айлаб гули хандон етишти.

Биз каби ишқда йўқдир Зуҳра-Тоҳир,
Садоқат бобида устоду моҳир,
Муҳаббат юлдузи барқ урди охир,
Рақиби муддаий қошинда зоҳир
Етишмади, вале пинҳон етишти.

Кел, эй, агёр юрагин догла, Ҳофиз,
Ошиқ Эркин ила дил чогла, Ҳофиз,
Суриб даврон кўзи қарог-ла, Ҳофиз,
Камар қуллуқ қилурга богла, Ҳофиз,
Чу ҳолингни сўрар султон етишти.

## САККОКИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Вафодордур азал ошиқни жони,
Неки жони, бахти, шарафу шони,
Шуни онглаб, унинг бўл меҳрибони,
Билурсенким, кечар дунёйи фоний,
Қулингга қилмағил жавру жафони.

Яхшилик кўп қилдим, тупроққа қординг,
Ҳар ғал зуғум бирла юракни ёрдинг.
Бешафқат бу йўлда на толдинг, хординг,
Басе кўп ваъдалар қилдинг — бординг,
Кел эмди ваъдага қилғил вафони.

Қолиб ҳижронлара, ўртанмагай дил,
Садоқатни мудом сен Каъба деб бил,
Фан этмагил қийнамоқни, ташлагил,
Вафову ҳусн ичинда юз яшогил,
Ижобат қил илоҳий бу дуони.

Ошиғи шайдолик — соф севги демак,
Гумроҳдир чин ишққа ким келтирса шак,
Ҳаёт содиқ ёрни улуғлар бешак,
Агар бўлса бало хубларни севмак,
Қабул қилдим бу йўлда минг балони.

Ошиқ Эркин муҳаббат бирла масрур,
Қуёшдир севгиси — элга сочар нур,
Доимо яхшилик яхшидан қайтур,
Закоте бер лабунгдин десам айтур,
Қавинг, кетсин бу Саккокий гадони.

## САККОКИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқ гулшанининг эсди сабоси,
Бахш этди фараҳ дилга навоси,
Дилдор ила хуш чаман ҳавоси,
Ким эрмас ул ойнинг мубталоси,
Ёлғиз менга йўқ анинг балоси.

Дийдамга шифо пойини гарди,
Қилгумдир адо не эрса шарти,
Лойиқдир унга йигитни марди,
Тушди бу заиф жонимга дарди,
Ўлмакдин азин йўқ ул давоси.

Овоза бўлибдур ишқим элга,
Айланди кўзим ёшлари селга,
Илдим йўлида камарни белга,
Бергуси ғариб бошимни елга,
Рухсорау зулфининг ҳавоси.

Юрсам йўқ ажаб куйида масрур,
Кўкракни кериб, бонг уриб мағрур,
Меҳри дили монанди қуёшдур,
Ким кўрса анинг кўзини айтур:
Не турфа эрур бу турк болоси.

Ёр бирла гўзалдир ошиёнинг,
Жонимда сафоси қоши ёнинг,
Тенгсиз малаги ул Осиёнинг,
Туркона ир ирлагунча онинг
Куйдирди мани алай-булоси.

Эй шўх санамим, жон сенга қурбон,
Йўқдир сенга мен каби меҳрибон,
Маҳшаргача бўл вафоли жонон,
Ойина сенинг юзинг кўрибон
Лоф урса юзинда йўқ сафоси.

Йўқдир, Ошиқ Эркин, ёра тўймоқ,
Враслингни осон шайдоси бўлмоқ,
Ҳижронда қолиб, гул каби сўлмоқ,
Дарду ғаму ранжу мену ўлмоқ
Саккокийга бўлди жон ғизоси.

## ЛУТФИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ёқдинг, чеварим, хоҳи нон, хоҳи нонма,
Тенгсиз лобарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Чин зулфи зарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Сенсан северим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Васлингни тилаб эртаю кеч қанча чекай "оҳ",
Ишқинг йўлида айлама зинҳор мени гумроҳ,
Етмасми сенга ерлар уриб қилганим оҳ-воҳ,
Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ғам тоши етар кунда қошимга эшикингдин,
Иғво отилур ичу тошимга эшикингдин,
Раҳме келмагай кўзда ёшимга эшикингдин,
Ҳаттоки, қилич келса бошимга эшикингдин,
Йўқдир гузарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Кўйингда фироқ баҳрини жавлон уриб ўтсам,
Андуҳ ила ғам кулбасини тарк эта кетсам,
Бахтим шу менинг: мақсудима сен била етсам,
Усрук кўзинг ашқолима гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Сенсиз бу жаҳон саҳнасининг эни ҳам энсиз,
Файзи не эрур сенга Исо дамини менсиз,
Не чоғли гўзал бахтимиздан қолса ёруғ из,
Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз
Нури басарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Йўқдир ҳунарим севгида ўзга иши бирла,
Дил борки, гўзал ўз баҳору ёз, қиши бирла,
Бошига келиб қўнгани ҳумой қуши бирла,
Ой юзинга кўз солгали ўзга киши бирла
Йўқдир назарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

Ошиқ Эркининг севгисини ҳаддин оширди,
Меҳрини булоқ айлади, қайнатди, тоширди,
Бахт базмига ҳиммат била дўстларни шоширди,
Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй, *сийминбарим*, хоҳи *инон*, хоҳи *инонма*.

## ЖОМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Сернавомен ишқ аталган фанда ман,
Ҳусни олийга эрурман банда ман,
Сайри боғ этсам ажиб масканда ман,
Ошиқу бечораву афкандаман,
Бедилу бедину беёр анда ман.

Қилмангиз айб нола чексам устма-уст,
Йўқ маним ҳолим сўраргa битта дўст,
Қайси бир маъшуқда бўлмас каму кўст,
Еб-ичиш ошиқлара эрмас дуруст,
Емагу ичмакни қилдим канда ман.

Қанча соз ёр эркалаб очса қучоқ,
От ўзинг жонона бағрига шу чоқ,
Ташнага ором берур тошқин булоқ,
Кўзларим йўлда, вужудимдир қулоқ,
Мақдамингга интизор ўлганда ман.

Кўп буюкдир ким вафода бўлса бек,
Сен садоқат боғига хуш гуллар эк,
Ишқда бад ишдин мудом дастингни чек[1],
Сен чиқиб кетдинг қўлимдин косадек,
Қонли дил — май косаси, афканда ман.

Келмагай тенг бол зулолин қандига,
Нур яширдим зулфининг ҳар бандига,
Бердим эркимни муҳаббат ҳаддига,
Юз ўгирмишман санобар қаддига,
Қоматининг шавқидин гулшанда ман.

---

1 Чек — торт.

Ошиқ Эркин, куйлама бешавқ, ҳазин,
Пири комилга етир ишқ жилвасин,
Куй бўлиб келтирсин ёрнинг муждасин,
Жомий, мендин кутма тоат саждасин,
Бутга бошимни эгиб турганда ман.

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бахтиёрдурман, маним жоним санамнинг жонидур,
Жон қадар жонимдаги имон унинг имонидур,
Тенгги йўқдир деб ҳуснда эл ҳама ҳайронидур,
Ул паривашким, малоҳат мулкининг султонидур,
Ҳукм онинг ҳукмидур, фармон онинг фармонидур.

Қаҳрамонликдур иши ким бўлса гар ошнойи ишқ,
Бебаҳо гавҳарга дўнмиш дилбар хоки пойи ишқ,
Зарра бир гард юқмаган шайдо юракдир жойи ишқ,
Сурди Мажнун навбатин, эмди манам расвойи ишқ,
Тўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидур.

Бевафо ёрни кўрингким, то абад дийдаси қон,
Чин садоқатпеша бергай ёр учун ҳар лаҳза жон,
Қилмагай пок эрса қалби бевафолик ҳеч қачон,
Лаҳза-лаҳза кўнглим удиндин шарарлардир чиқон,
Қатра-қатра кўз тўкан сонминг сиришким қонидур.

Бадмеҳрликнинг сира ҳам кўчасидан ўтмангиз,
Дил бериб ўзгага асло дилни ғашлаб кетмангиз,
Шул сўзим ағёрлара ҳам: ҳеч муродга етмангиз,
Чоклар жисмимда тиғи ишқдин, айб этмангиз,
Ким, жунун гулзорининг бунлар гули хандонидур.

Ошиқ Эркин, ҳулкаринг нур бахш этар достонинга,
Оташин гуллар, чечаклар файз эрур бўстонинга,
Минг шукур, етдинг қувончдан ёш тўкиш имконинга,
Эй Фузулий, ўла ким раҳм эда ёр афғонинга,
Оғлағил зор ончаким, зор оғломоқ имконидур.

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Манго ул нозаниним тири пайкон ўлдигин билмаз,
Отиб новак дилимга номусулмон ўлдигин билмаз,
Ёниқ меҳрим анго мулки Сулаймон ўлдигин билмаз,
Фиғонким, бағримининг ул лоларуҳ қон ўлдигин билмаз,
Жигар парколасинда доғи пинҳон ўлдигин билмаз.

Азал роҳат туярман мен жафоли ёрни жаврида,
Куйиб кул бўлмоғинг ростдур париваш дами ҳоврида,
Унга ҳамхона бўлса ким кўкаргай лола қабринда,
Ҳабибим кўнглими жамъ айламаз рухсори даврида,
Магар зулфи каби ҳолим паришон ўлдигин билмаз.

Олурман завқ нигорим бўйнига қўлларни солмоқдин,
Муножотни наво оҳангида оҳиста чолмоқдин,
Гуландомим била яйраб, чаманда мангу қолмоқдин,
Қилур тахсир эдиб, бир лутф ҳар дам кўнглим
олмоқдин,
Вафо расмин сонур душвор, осон ўлдигин билмаз.

Сеҳрли бўса шавқидин азал махмур ўлан ошиқ,
Нигори илтифотидин мудом маъмур ўлан ошиқ,
Вафони туғ эдиб қўлда, эла машҳур ўлан ошиқ,
Гўзаллар давлати васлин билиб, мағрур ўлан ошиқ,
Нишоти васлда андуҳи ҳижрон ўлдигин билмаз.

Садоқатпешалик бирла дароз бўлғай сенинг дастинг,
Кўнгуллар ҳамоҳанг эрса кўза тушмас баланд-пастинг,
Бад ўлма, фош ўлар бир кун ҳаётда ёлғону ростинг,
Дили садпорадин бедард кесмаз ғамзаи мастинг,
На ғофил подишоҳдур, мулки вайрон ўлдигин билмаз.

Мудом бир яхшига бадъфеъл, ёмон ёр учрагай, ёҳу,
Азал-аввал асал ошга бани агёр қўшар оғу,
Қаён бормоғини билмаз агар ёлғиз эса оҳу,
Сонур зоҳид, ўзун ҳоли хаёлиндин, ғалатдир бу,
Бу ҳайрон ўлдигиндандирки, ҳайрон ўлдигин билмаз.

Узоқ юр, Ошиқ Эркин, душманинг панд йўлини пойлар,
Гоҳо энг яхши дўстинг ҳам кўзингни жойига жойлар,
Қуруқ туҳмат билан ул яхши номинг эл аро лойлар,
Фузулий хастая душман сўзила дўст жавр айлар,
Зиҳи сода, муораз қавли бўҳтон ўлдигин билмаз.

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Муҳаббат бир майи хушким, они сен зор ўландан сўр,
Ёниб маҳваш итобидин, оташ рухсор ўландан сўр,
Етолмасдан висолига кўзи хунбор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Фидо бўлдим деб ишқингда сени, беҳуда лоф урма,
Ҳавас айлаб муқаддас севгини мажнуншиор юрма,
Кўзингга берма оройиш, қўй эркам, сурмалар сурма,
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандин ўзгадин сўрма,
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Ишқ сиррин ечолмасдан фиғон чекмиш неча бир дил,
Менингдек тоза ошиққа ўзинг ўргат, тараҳҳум қил,
Мурувват отли хислат борлигини билмагай жоҳил,
Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Зиё кутма билиб-билмай, хабарсиз сўз деганлардан,
Кулар эл сўрса ким буғдой ера арпа эканлардан,
Тикиб кўз, кутсанг ҳам юз йил қамиш унмас
еканлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Йўлингда чеҳраолудман, менинг эй чеҳраси олим,
Сенингдек йўқ бу оламда шакарқанд, лаблари болим,
Надин кўзларга илмассан эгилган бу қади долим,
Ғамингдан шамтак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландан сўр.

Менинг ғунчаёноқ ёрим, кўриб билсанг-да аҳволим
Демадинг бир: "Фиғон чекма кўйимда бунчалар,
чолим",
Сенга эҳсон садоқат деб аталган давлатим-молим,
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Вафодан бехабар севмас юракдан ёрни астойдил,
Ўйламай қилмагил, дилдор, кўнгил шишасини чил-чил,
Ошиқ Эркиннинг меҳрини ҳамиша сен қуёш деб бил,
Муҳаббат лаззатидан бехабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқ ғамининг турфасин ишқ ичра зора ёзмишлар,
Дафи ғамға на бир тадбир ва на бир чора ёзмишлар,
Равийлар ошуғ-мошуғни дили садпора ёзмишлар,
Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар,
Бу мазмун ила хатт ул сахфаи рухсора ёзмишлар.

Садоқатли юракларда садо бергай юрак зарбим,
Тўтиё айламишлар кўзларига зарра ҳар ғардим,
Муҳаббатдан хабарсизлар на билсин дилдаги дардим,
Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдуб мардум,
Ғуборила баёзи дийдаи хунбора ёзмишлар.

Қилур ошиқ эса чин ҳар итобин боб-боб, эй гул,
Ёниб мадҳу сано этмиш шитобин боб-боб, эй гул,
Тошиб, зарҳал илан битмиш хитобин боб-боб, эй гул,
Гулистони сари кўйинг китобин боб-боб, эй гул,
Хати райҳон ила жадвал чекиб, гулзора ёзмишлар,

Улуғдир буркаган шуҳратлара шайдойилиғ касбин,
Гўзал шарҳ айламак фарздур баёзларда вафо расмин,
Ёноқлардин олиб бўса, топарлар лабларим таскин,
Икки сатр айлаюб ул икки майгун лаъллар васфин,
Кўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора ёзмишлар.

Азал тоза юракларда буюк имон бўлур шаксиз,
Буюк имонлилар ишқда мудом султон бўлур шаксиз,
Қиёматлик икки дил соҳиби даврон бўлур шаксиз,
Кириб бутхоная қилсанг такаллум жон бўлур шаксиз,
Мусаввирлар на суратким, дару девора ёзмишлар.

Китобларда улашмишлар бу тақдири азал сўзи:
Кима васлу, кима ҳижрон, кима ёз, кима наврўзи,
Кима рўйи сиёлиқни, кима содиқ дилафрўзи,
Муҳаррирлар ёзанда ҳар кима оламда бир рўзи,
Менга ҳар кун дили садпорадин бир пора ёзмишлар.

Илоҳим, Ошиқ Эркин шаънига юқтирмагил ҳеч гард,
Садоқатпешаликда кам бу дунёда унингдек мард,
Муҳаббат назмида битмиш бари сўзи мисоли фард,
Ёзанда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард,
Фузулий одини гўрким, сари туммора ёзмишлар.

## ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй малак, инжитма, ҳайронинг керакмасму санго,
Ишқда лол этдинг-ку, қурбонинг керакмасму санго,
Пуржафо, ғамдийда султонинг керакмасму санго,
Ғамзасин севдинг кўнгул, жонинг керакмасму санго,
Тиға урдинг, жисми урёнинг керакмасму санго.

Ҳасратингдин сарғойиб, кўнглум тўла нола, фироғ,
Зарра ҳам ёрушмагай тийра дилим ёқсанг чироғ,
Мавж уриб тошди булоқдек инжа ёшларга қароғ,
Оташин оҳим-ла айларсан манго таклифи боғ,
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмасму санго.

Демагил мени қувиб эшикларингдин "Эй, тур",
Ҳиммат айлаб сен ўзинг армонли мақсадга етур,
Яхши ёр ошуғига ҳар дам қадрдонлик этур,
Ела берма доғидуб ҳар ён, аёқлардин кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмасму санго.

Ғам чекиб озурдамен, топмас шифо дардга табиб,
Топмадим олам қезиб жонимга малҳам бир ҳабиб,
Соз эрур гар боғ аро чаҳ-чаҳ этур шўх андалиб,
Эй камонабрў, рақиба верма ғамзангдин насиб,
Ўқ отарсан доша, пайконинг керакмасму санго.

Эй фалак, тингла маним жон ўртаган дилхоҳими,
Сен нурафшон айлагил мастона юрган роҳими,
Кўклара етгай бошим кўкдан етирсанг моҳими,
Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмасму санго.

Ошиқ Эркин, нолалар қилдинг узоқ, мажнуншиор,
Ишқ ўдина санингдек бағри куйган қайда бор,
Хун юраклар қонидин ер юзи бўлғай лолазор,
Тут алимким, ашк селобина йўқдур эътибор,
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмасму санго?

## БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Менинг кўк тоқига етган туганмас оҳу зорим бор,
Сенинг тийри камонингдин қадалган дилда хорим бор,
На жисмимда шарорим бор, на танда бир мадорим бор,
Қора зулфинг фироқида паришон рўзигорим бор,
Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Уюб қошин камон қилди, аниқ кўксим нишон қилди,
Шакар тўккан тилини моҳ чунон аччиқ забон қилди,
Менга тарк айлабон меҳрин, ўзин номеҳрибон қилди,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, ман ондин бир сўрорим бор.

Балокашмен, ўзим тортай оғир неки ситам бўлса,
Ўзимдин ўзга ким артгай кўзим селобу нам бўлса,
Қани озори кам бўлса, такаллум дам-бадам бўлса,
Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек гамғусорим бор.

Наҳот айбим эрур, билмам, севиб қолган эсам жовид,
Каминангиз садоқатда тенги йўқ барқарор — собит,
Нигорим меҳрини ишқим била мен айладим зобит,
Агар муслихмен, ар муфсид ва гар ошиқмен, ар обид,
На ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим бор.

Сенга, эй Ошиқ Эркин, ғам ружў айлар ўнгу сўлдин,
Чидайбер барига бардам, бир одим чиқма ҳақ йўлдин,
Ажойиб бахт чиқиб пешвоз, тавозе-ла тутар қўлдин,
Фиғоним ошди булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим бор.

## АМИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

*Қўлга олибон машъалу шамни,*
Сайрон этиб Ҳинду Чин, Ажамни,
Топдим сени, ўт олди танамни,
Қошингга тегузмагил қаламни,
Бу хат ила бузмагил рақамни.

Ишқинг-ла тушиб бошимға савдо,
Кўнглим ичида қўпорди ғавғо,
Севдим сени мен эсам-да порсо,
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо
Бир кўрмади сен каби санамни.

Бегонани сен садқаси кетгил,
Бахтинг очилиб, муродга етгил,
Гуллар тўла бўстонимга келгил,
Ошиқларингга тараҳҳум этгил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Кулмасми санам иқболи кулса,
Мастона дили меҳрга тўлса,
Бир яхшини меҳрибони бўлса,
Нақши қадаминг муяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.

Йўқ эрди чеки дарди саримнинг,
Келди хати сунбули таримнинг,
Ул туҳфасидур менга каримнинг,
Кўнглим қуши тойири ҳаримнинг,
Сайд этма кабутари ҳарамни.

Доғларда қолиб кўп лола гуллар,
Йўлингда хиром этар сунбуллар,
Чах-чах уриб сайрашур булбуллар,
То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфингдин аюрма печу хамни.

Кўрмади сенингдек неча хоқон,
Сон неча шаҳаншоҳу, неча хон,
Лаълингни қиёси йўқдур, эй жон,
Лаълинг ғамидин кўзум тўкар қон,
Беҳуда кечурмагил бу дамни.

Ишқинг била сарғардиму сўлдим,
Ғам-ғуссаву зардоб ила тўлдим,
Васлингга етолмай неча ўлдим,
Йўлингда ғубори роҳ бўлдим,
Бошимга етурмадинг қадамни.

Пойингда сени агар-чи ермен,
Ошиқлар ичинда мисли шермен,
Токай, гўзалим, ғамингни ермен,
Сен ёрдин ўзга кимга дермен
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бўлсанг на қилур меҳрни кони,
Содиқни ўзинг тан ила жони,
Ҳасратни фароғ этса-да оний
Бир коса шароби арғувоний
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Эй, Ошиқ Эркин, қандингни ур сен,
Севги кўкида ўзинг-да нурсен,
Элингни будир баҳоси: ҳурсен,
Иқлими вафо Амиридурсен,
Эй шаҳ, бу гадога қил карамни.

## НОЗИМАХОНИМ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Нигорим, сарви равоним, қаёнсан,
Тиниқ, феруза осмоним, қаёнсан,
Жамоли тилда достоним, қаёнсан,
Қизил гул, боғу бўстоним, қаёнсан,
Фидодур сенга бу жоним, қаёнсан?

Лабинг монандимас ширапаз қанди,
Кўрган бешак бўлур ҳуснингга банди,
На банди — бўлғай ул шайдову танти,
Қарору сабру оромим туганди,
Ушалмай қолган армоним, қаёнсан?

Исминг зарҳал ила дилга битилди,
Ҳузурингда тилим неча тутилди,
Неки ҳасрат — бари ичга ютилди,
Ғаму дардларга дармонлар йитилди,
Йўқолган тоғу ҳижроним, қаёнсан?

Кўрмадим мен сенинг янглиғ очунда,
Ҳатто ҳурларга кон Чину Мочинда,
Қарорим бил, қолғуси ўз кучинда,
Агар ётсам ўлуб тупроқ ичинда,
Топилмас аҳду паймоним, қаёнсан?

Камол топиб кундан-кунга чиройинг,
Тўтиё айлагайман кўзга пойинг,
Ғаминг бирла бўлиб қолдим адойинг,
Ҳама ошиқлар ўлди юз гадойинг,
Юзи гул, сунбул афшоним, қаёнсан?

Ошиқ Эркинни сен кўксини тилмай,
Юзингдан нур сочиб мастона жилмай,
Юрак тошмас ахир ўйнамай-кулмай,
Келибтур эшикингга, Нозиманг, ҳай
Севинтир они, султоним, қаёнсан?

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Чиқмасам, ҳурилиқо, ўтлуғ қучоқингдин сенинг,
Етса роҳат жонима кўзу қароқингдин сенинг,
Кам эрур эврулса минг бошдин-оёқингдин сенинг,
Э, менинг комим будур ўпсам ёноқингдин сенинг
Гаҳ кўзу қошингдину гоҳи қапоқингдин сенинг.

Нотавонлик кўйида лозимми мажнун юрмагим,
Хастаман ишқинг йўлида, топ шифосин, эй ҳаким,
Дардга дармон истаюб ёлғиз ўзингга учрагим,
Меҳрибонлик кўргузиб келгин қучоғим ичраким,
Гаҳ ўпай лаълингдину гоҳи сақоқингдин сенинг.

Ўзгадин шавқ истамам, бир сен қувончим матлаи,
Кўнглимнинг мулки ичинда бебаҳо симу зари,
Неки бор дуру жавоҳир — сенга тенг эрмас бари,
Кавсару ҳайвон зулолин истамон, гар қатраи
Етса ногоҳ шарбати ширин дудоқингдин сенинг.

Меҳри дил бердим сенга минглар ичидан сайлабон,
Раҳмат айтиб сен юракка чўғми қўйдинг жойлабон,
Энди тинч қўймам сени ҳар дам йўлингни пойлабон,
Эл висолинг бодасини дам-бадам нўш айлабон,
Ваҳки, ман ҳар дам ютарман қон фироқингдин сенинг.

Сен юрагин ҳадя этган ошиғинг бошин сила,
Жисминг ичра жон бўлай мен, сен менинг жоним тила,

Маҳвашим, коминг ушалгай мен каби ёринг била,
Гаҳ-гаҳи нетти келиб таскин етурсанг васл ила,
Ўт ёнар кўнглимда тун-кун иштиёқингдин сенинг.

Дил бериб аввал, недин охирда кўзга илмадинг,
Яхшилик минг бора қилдим, ҳеч бирини билмадинг,
Ваъдани барбод этиб, кулдирмадинг, кулдирмадинг,
Тун кеча келгум дебон кўп ваъда айлаб келмадинг,
Тушти ўт жонимға бу ёлғон васоқингдин сенинг.

Бахтлидур ким ишқини мангу кўнгилга жойласа,
Ҳам ёниқ дил риштасин ошиқ юрак-ла бойласа,
Ошиқ Эркинни дема мард ўзга бир ёр сайласа,
Огаҳийнинг орзуси будирки, бўса айласа
Ҳам лаби лаълингдину ҳам ол янгоқингдин сенинг.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Юрагимни айлаб аввал макон оҳиста-оҳиста,
Оқибат унга кўп қилди зиён оҳиста-оҳиста,
Бугун озорини айлай баён оҳиста-оҳиста,
Менга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста,
Чекиб тиғини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Менинг равшан қароғимга қоронғу бўлди дунёлар,
Фароғат бермайин қўйди кўнгилга ўзга зеболар,
Мурувват айла, жоно деб, неча қилдим таманнолар,
Жафоси зўридин икки кўзимдин оқди дарёлар,
Ки қолгай остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Дедим бир йўл: "Сулувлар сарвари, йўлига бир
жилмай!
Уюрди қошини бадтар, дилим хун айлади кулмай,
Паришон этди ҳолимни кўзига зарра ҳам илмай,
Улусга айлаган зулмин кўриб ондин ҳазар қилмай,
Қолиб чекдим жафосин мен ёмон оҳиста-оҳиста.

Ҳаёти заққум ошиқнинг агар паймонаси тўлса,
Қадр топгайми алвон гул оқибат сарғайиб-сўлса,
Оғирдир кўп вафо аҳли, билинг, ўлмай туриб ўлса,
Бўлур ҳажрида зиндон гар менинг манзилгоҳим бўлса
Гулистон, балки гулзори жинон оҳиста-оҳиста.

Зиёлар қолмади зарра юракда ёнган ул шамдин,
Бўлибдур жилғалар пайдо кўзимдин оққан ул намдин,
Жудо айлаб ёноқлардин, айирди бизни хуш таъмдин,
Тўло бир жом тут лутф айлаб, эй соқийки, бу ғамдин
Қутулгайман ичиб мен нотавон оҳиста-оҳиста.

Мазах бўлмай десанг нодон қўлида, берма кўнглингни,
Увол бўлма фирибгарлик йўлида, берма кўнглингни,
Макр бисёр чаманнинг сумбулида, берма кўнглингни,
Вафо йўқ даҳр боғининг гулида, берма кўнглингни,
Букун тонгла кетар, э боғбон, оҳиста-оҳиста.

Бирор осуда дам йўқ Ошиқ Эркиннинг куни ичра,
Фиғону ноласи кўпдир унинг ҳар бир уни ичра,
Ҳарорат қолмади зарра совиб қолган хуни ичра,
Эмас гардунда раъд овозиким, ҳижрон туни ичра,
Эрур ул Огаҳий чеккан фиғон оҳиста-оҳиста.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Азал садпора иқболим, дариғо, кулмай ўлтурди,
Адо ўлғон менинг сабру қарорим ўлмай ўлтурди,
Нигорим ишқ уйи остонасидин жилмай ўлтурди,
Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди,
Вафо қатлимға қилғон ваъдасиға қилмай ўлтурди.

Ёниб, зинҳор билолмасман қачон кулгайдир иқболим,
Неча муддатки тарк этмиш мурувват чеҳраи олим,
Бу навъ дарс бермиш унга, билмадим мен, қайси бир золим,
Олиб кўнглимни кетди, сўнг келиб бир сўрмади ҳолим,
Тариқи дилработлик шеъвасини билмай ўлтурди.

Дилимни ҳаддидин ортиқ муҳаббатларга тўлдирдим,
Унга деб терганим гулларни кўксим узра сўлдирдим,
Оқибат ишқи-ла ёнган оташ кўнглимни ўлдирдим,
Ман онинг интизорин тортибон то субҳ ўлтирдим,
Мани ул муддаийлар базмидин айрилмай ўлтурди.

Чекинмасман қадам асло унинг ишқида роҳимдин[1],
Ажаб озурдадур жоним, ўзим қуйган тузоқимдин,
Нетай, тонглар отиб келмас хабар гулчеҳра моҳимдин,
Қочиб уйқу кўзимдин, барча олам ёнди оҳимдин,
Тағофил бирла бу ҳолим кўзига илмай ўлтурди.

---

1 Роҳ — йўл

Дедим: нўш айлама кўп бодадин ёр, эс-ҳушинг оғар,
Бошингга бир куни нафрат тоши дўлдек бўлиб ёғар,
Асар қолмас муҳаббатдин дилингни босса гар моғар,
Тузиб ағёр ила суҳбат, ичиб тонг отгуча соғар,
Мани сармасликдин бир нафас ойилмай ўлтурди.

Недин, ай, шунчалар мушкул ғанимлардин узоқ бўлмоқ,
Садоқат аҳлига мерос қадимдан сарғайиб-сўлмоқ,
Висол оғушида яйраб, насиб бир этмади кулмоқ,
Муродим эрди онинг тиғи заҳмидин қатл ўлмоқ,
Фиғонким, қатлима тиғи дами тортилмай ўлтурди.

Бориб арзим қаён айтай азалдин шул эса манглай,
Кима ҳасратларим сўйлаб, кима дардим баён айлай,
Чекиб афғон фироқидин, куйиб токайгача "вой"лай,
Ҳаётим боиси эрди сўзи, фарёдким, найлай,
Ики ширин лаби бир нуқтага очилмай ўлтурди.

Дариғ гар тутмаса меҳрин, ризомен барча шартига,
Нигорон этмаса басдур кўзимни пойи гардига,
Билинг, кам учрагай маъшуқ менингдек дали мардига,
Топар эрдим висолидин даво ҳижрон дардига,
Бу дардимга бу оқшом ул даво топилмай ўлтурди.

Нигоро Ошиқ Эркинга агар кўрсатмаса бўйким,
Куйинма, нола бас қилгил, тутоқиб сурмагил ўйким,
Вафоли бир бўлак ёр топ, сен онинг васлидин тўйким,
Шаҳи одилга дод айлай қўлидин, Огаҳий, қўйким,
Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бўл манго маҳшар қадар ғамхор, қурбонинг бўлай,
Этмагил истакларим инкор, қурбонинг бўлай,
Мен сенинг садқанг бўлай, зинҳор қурбонинг бўлай.
Ийд эрур, кулбамга кел, эй ёр, қурбонинг бўлай,
Ийд субҳи янглиғ оч рухсор, қурбонинг бўлай.

Даста-даста арғувон гуллар тутарман қўлинга,
Лолалар яшнаб чиқар юрганда ўнгу сўлинга,
Эркалаб попук тақай ул мушки хуш сунбулинга,
Кел баҳона ийд расмин айлабонким, йўлинга
Нақди жонимни қилиб исор, қурбонинг бўлай.

Қувнашиб гулғунчалар, парвона бўлсин жон санго,
Қутлабон бўлғоли келдик бир кеча меҳмон санго,
Маҳвашим келгин ёниб, йўлдош эрур имон санго,
Восили дийдоринг ўлгой бўлгон эл қурбон санго,
Қил мани ҳам восили дидор, қурбонинг бўлай.

Дилдаги мақсудима сен бирла шод етгумдурур,
Қайга борсанг чарх уриб, мен-да шитоб кетгумдурур,
Сен била бахтим кулиб, туғён урар дилда сурур,
Мақдамингга йўқу боримни нисор этгумдурур,
Кулбама келмакдин этма ор, қурбонинг бўлай.

Сен била, бахтим будир, юрсам агар даврон суриб,
Гоҳи лаб, гоҳи ёноқ, гоҳи дўдоқингдин сўриб,
Йўқ ажаб гар юрса ошиқ дамда қандини уриб,
Истарам қурбонинг ўлмоқ жилваи қаддинг кўруб,
Қил хиром, э сарви хуш рафтор, қурбонинг бўлай.

Кокилингни ташлаб ҳар ён, Лайлидек юрма қочиб,
Йўлларинг равшан этарман нақди жонимни сочиб,
Қўрқамен бўлғайму деб гап гарчи кетсам опқочиб,
Шодлиғ бирла келиб хуршид янглиғ юз очиб,
Тийра шомим айла пуранвор, қурбонинг бўлай.

Ошиқ Эркиннинг букун кайфияти кўп чоқ эрур,
Олий устоз руҳидин йўли мудомо оқ эрур,
Бир умр илҳомчиси шеъру ғазал, ушшоқ эрур,
Огаҳий қурбонинг ўлмоққа басе муштоқ эрур,
Келгил, они айла миннатдор, қурбонинг бўлай.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Талпинурман ҳар нафас садбарги райҳоним сари,
Лаъли рангин, бўйи хуш, озода бўстоним сари,
Мискин умрим машъали — шамъи шабистоним сари,
Э сабо, букун бориб, албатта, жононим сари,
Арз қил юз дарду ғам юз қўйганин жоним сари.

Тинглагай ошиқни ким ишқ тўлқин урса қонида,
Зарра жон қолмапти деб айт жоннисоринг жонида,
Бир хабар олсин келиб гар бўлса нур имонида,
Зарра янглиғ изтиробимни шаби ҳижронида
Қил аён айлаб ҳаво хуршиди тобоним сари.

Ҳажрида кўкка чиқардим мен дилимнинг воласин,
Тингламас арзимни ул осмон қадар етган сасин,
Ишқ йўлида дард чеккан бормикин мендек ҳазин,
Фурқатида булбулосо зор кўнглим ноласин
Еткур афғону гирев айлаб гулистоним сари.

Тез бориб англатгил унга чин вафо моҳиятин,
Урмасин ерларга зинҳор севгининг қадриятин,
Қўймайин айтсин юракда неки бўлса ниятин,
Дардидан ҳар дам ўларга етганим кайфиятин
Айтгил бир-бир бориб Исойи давроним сари.

Кимга мен арз айлайин йўқ эрса ўзга суйганим,
Куйида жавлон уриб, йўқ бир висолга тўйганим,
Эслай олмасмен нигоримдан меҳрлар туйганим,
Ғам туни ҳажр ўтига парвона янглиғ куйганим
Айла равшан азм этиб шамъи шабистоним сари.

Унга сен аввал салом айтиб, саломатлик тила,
Меҳрибонлик кўргазиб, қундуз каби бошин сила,
Ногаҳон қаттиқ елиб етказмагил озор дила,
Қолғонин сўздин тилимнинг айт гўёлиғ била,
Юз қўюб ёри адо фаҳму суҳандоним сари.

Ошиқ Эркиндин эшитгил бир нақл, эй танти ёр,
Ойнинг ўн беши қоронғу, ярми нурли бешумор,
Гар анинг тенг ярми ўтмиш — қилма энди интизор,
Огаҳий йўлингда айлар нақди жонини нисор,
Гар десанг ҳолин бориб даргоҳи султоним сари.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Чеҳрангни десам қизил қиёмат,
Кўнглим чамани топар фароғат,
Хушдир сен ила айласа роҳат,
Эй хисрави кишвари малоҳат,
Айлар сенга хублар итоат.

Ишқингда ёниб эл бари ҳайрон,
Ҳижронда қолиб, диллари вайрон,
Бағрингни кулиб оч менга, жонон,
Кофир кўзинг қилди қосиди жон,
Имонима куфри зулфинг офат.

Қилдинг мени хаста, вей, париваш,
Минг хасрата дучор, ҳей, париваш,
Қайси бирисини дей, париваш,
Ишқингда кўнгулни, эй, париваш,
Чок айлади ханжари маломат.

Офтоб юзидин пардасин олсун,
Ҳуснингни кўриб ҳайрона қолсун,
Чеҳранг олидин гуллар уёлсун,
Кўз чеҳрае асфарима солсун,
Ким истаса ишқдин аломат.

Дилдорга вафо маним тариқим,
Маҳвашнинг ўзи дуру ақиқим,
Меҳрибоним, ғамхору шафиқим,
Сенсиз ғаму дардцур рафиқим,
Қилсанг не бўлур менга рафоқат.

Бўлғайми олиб дур уруғ экмай,
Маржон этибон терингни тўкмай,
Севсанг агар ёр олдида чўкмай
Васл истама, ҳажр ранжи чекмай,
Ким комини топди бериёзат.

Эркин, сани ўлдурур қади сарв,
Бир гул каби сўлдурур қади сарв,
Бағрингни-ку тўлдурур қади сарв,
Ёрнинг юзи гулдурур, қади сарв,
Комил санга сарвигул не ҳожат.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Жононим менга айлаб оромижон табассум,
Ёлқинли бир меҳрдан берди нишон табассум,
Ошуфта муҳаббатлар айлаб баён табассум,
То қилди боғ аро ул ғунча даҳон табассум,
Кўнглимдек этди ғунча бағрини қон табассум.

Мастона табассумни мард борми яхши кўрмас,
Ёрга атаб чамандин хушбўй гулни ким термас,
Жонини қўшиб, яйраб жононасига бермас,
Сирри даҳонинг андоқ мубҳамки, мумкин эрмас —
Билмак чу бўлмас эрса, гар таржимон табассум.

Ғунча даҳон, дур ёноқ азал ошиқни жони,
Сарви равон, суманбар, лола — гулларни хони,
Яйрагайсан сунбулга кўзлар тушган замони,
Ташбиҳ этай не янглиғ лаъли лабингга они,
Ким, борму ғунчаларда гавҳарфишон табассум.

Дилдорни бўсасидур боғ ичра гулфом янглиғ,
Нўш айламак муроди покизадур ком янглиғ,
Топмассан ҳеч қаёндан асал бу ошом янглиғ,
Ушшоқ чашми гирён мажлисда жом янглиғ,
Мийнодек этмас эрса лаълинг аён табассум.

Исмингни битганимда гул иси келар хатдин,
Тўлқин каби ошурман васлингни тилаб ҳаддин,
Айирмагил илойим ўзинг мени сиҳатдин,
Кўрмакка лабларингдин йўқ майли бу жиҳатдин
Ким, тўтиё аларнинг жисмида жон табассум.

Кирганда яшнатурсан бағримни мисли райҳон,
Борми чаманда бир гул зулфинг каби дурафшон,
Бошдин оёқ ўзингсан қалбда хуршиди рахшон,
Йиғлаб бўлурсан охир ер мағрибинда пинҳон,
Машриқда неча қилсанг хуршидсон табассум.

Гар келса, Ошиқ Эркин, гул бўйи дафтарингдин,
Сафоли марҳамат бу дил ичра гавҳарингдин,
Чеккан аламларингни даф айлагил сарингдин,
Комил шифои дарди жонбахш лабларингдин,
Гавҳарфишон такаллум, мўъжаз баён табассум.

## ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Энди ишқ ўти юракда — олди авж илҳомимиз,
Севгимиз достон бўлиб, тилларга тушди номимиз,
Соғиниб танларда зарра йўқ эди оромимиз,
Ул қуёш очиб юзин қилди мунаввар шомимиз,
Қолмади жону кўнгилда заррадек армонимиз.

Гар тиларсан ганж илоҳийдан, мудом кўпни тила,
Ошиғи содиқ эсанг афтодалар бошин сила,
Ишқда тантилик қилиб этма мурувват жоҳила,
Эй сабо, куйи сари қилсанг гузар, одоб ила
Ул парилар шоҳига етказ бизинг пайғомимиз.

Теккизиб лаб, дилбарим, жомимни ширин айлагил,
Лола янглиғ тоза гулфомимни ширин айлагил,
Гул каби иффатли ошомимни ширин айлагил,
Соқиё, бир жом ила комимни ширин айлагил,
Ўлтуруб зуҳд аҳли бирла талх бўлди комимиз.

Интизор эрдим висолига, соғинчим билмади,
Севгида эрсам-да шоҳ маҳваш кўзига илмади,
Беҳисоб ҳиммат кўриб, бир йўл такаллум қилмади,
Келмакидин ваъда айлаб эрди, ваҳким, келмади,
Гўйиё бўлди пушаймон ваъдадин худкомимиз.

Бас, кўринди нур муҳаббат кўкида жилва тузуб,
Айлади ташрифи боғ лоларухим кўзин сузиб,
Бундайин гул чеҳрадин бўлмас нигоҳларни узуб,

Шукрлиллоҳ, дилбарим лутфу мурувват кўргузуб,
Сунди айлаб лаб-балаб ишрат майидин жомимиз.

Айла бас, эй Ошиқ Эркин шўхлиғу гумроҳлиғ,
Орзу-армонға етиб, бўлдинг ажойиб моҳлиғ,
Сенга ҳам даврон кулиб, бошланди вақти чоғлиғ,
Келгил, эй Феруз, эмди қил манга хамроҳлиғ,
Каъбаи кўйи сари чун боғладук эҳромимиз.

## МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй, менинг оҳу нигоҳлим, пурзиёдур кўзларинг,
Лоф эмас, ялдо туни янглиғ сиёдур кўзларинг,
Боқса ким мафтун этиб, ҳушин олодур кўзларинг,
Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларинг.

Чин юракдан севган эрсам, айт-чи, менда не гуноҳ,
Мендин ўзга ўлгудек борми харидоринг, эй моҳ,
Ой висолингни тилармен мен қулинг шому сабоҳ,
Ошино бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,
Ошиноларга ғараз, ноошинодур кўзларинг.

Бир кўриш бирла билур эл шод киму ношод ким,
Ким қилур нолаю фарёд ишқ йўлида, дод ким,
Ким меҳр бунёд этур диллар аро, барбод ким,
Боқмағай ошиққа саҳван ҳам қиё, фарёдким,
Расму ойини магар жавру жафодур кўзларинг.

Кам эрур юрган вафо расмин умр бўйи тутиб,
Тушмасин бошга, магар тушса кетар жондин ўтиб,
Нурли бахт оқшомимизни интизордурман кутиб,
Оҳуйи Чин кўрдию шаҳлолигингдин қон ютиб,
Рашкдин овворайи дашти Хитодур кўзларинг,

Тутма меҳрингни дариғ, мажнуншиор этма мени,
"Хамса"дай достон этармен, эркам, ишқингни сени,
Ёр бўлай маҳшар қадар деб, қўлларинг бергил, қани,

Наргиси мастингдин узмоқ лозим эрмас дийдани,
Ёки мужгон даврида меҳри гиёдур кўзларинг.

Ошиғизорлар учун орзу санамнинг сийнаси,
Сийнага тенг келмагай минг подишо ганжинаси,
Юз туман олтинга тенг ҳар битта тирноқ хинаси,
Интизор айлаб ўзим ҳам, ажрига ойинаси,
Ўз жамолини кўролмасдан адодур кўзларинг.

Севги бўстонининг, эй, яшнаб очилган лоласи,
Ошиқ Эркинга раҳм қил кўкка чиқмай ноласи.
Бир мусулмон, қўй каби ул ҳам біровнинг боласи,
Қумри сарви қадду, булбул гул юзингнинг воласи,
Мен Муқимийга ҳамиша муддаодур кўзларинг.

## МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Базми жамшид хайлига мастона ҳайрат қилмангиз,
*Соз тузиб носоз ила бисёри ҳиммат қилмангиз,*
Дўст тутиб ағёрни, сўнгида миннат қилмангиз,
Дўстлар, менсиз даме оҳангти ишрат қилмангиз,
Сиз ичиб саҳбо, мени хунгори ҳасрат қилмангиз.

Қанчалар ибратлидур гар қолса элда яхши от,
Келса қўлдин доимо ишқ аҳлига қил илтифот,
Яхшилар даврасида ҳар қатра май оби ҳаёт,
Гар муяссар бўлса бир маҳбуб ила базми нажот,
Менсизин суҳбат тузарга майлу рағбат қилмангиз.

Тонг қадар ўчирмайин базми саодат шаъмини,
Малҳами жон деб ичиб соғар тўла замзамини,
Ёзсангиз тўкиб-сочиб ҳасрат тўла дил комини,
Топсангиз базми висоли анда ёд этмай мени
Зор кўнглимни асири доғи фурқат қилмангиз.

Сир эмасдур, бу ҳаёт лаззатларининг зўри — айш,
Чиқмагил меъёридан, чиқсанг пешона шўри — айш,
Гулбадан, гулчеҳралар аввал-азал сурури — айш,
Мен каби йўқдур арода манқубу махмури — айш,
Кимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

*Ёрга махмурлик этиб рўзу шаб қилманг итоб,*
Ул садоқат пешадур, ҳам рўзигори моҳитоб,
Билмагайсан ёрсиз умрингнинг ўтганин шитоб,

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жаъми нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Ошиқ Эркин, ол хабар ёр-дўстларинг кам-кўстидин,
Илдизи камчил ёғочни ажратар қурт пўстидин,
Одам эрмас кимки йўл солса рафиқи устидин,
Дўст улдирким, ёмон кун юз ўгирмас дўстидин,
Мунис аҳволин кўриб тарки муҳаббат қилмангиз.

## МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Навбаҳор фасли чамандек яшнагай гулзорлар,
Лоладек гулгун ёнурлар шўх, вафоли ёрлар,
Сайри боғ айлаб қилурлар севгисин изҳорлар,
Кўнглима бир гул ғамидин сончилибдур хорлар,
Оҳким, ҳар хордин жонимдадур озорлар.

Ишқ саройининг каминадур тенги йўқ дардкаши,
Тийғи мужгонин қадаб жонини ўртар маҳваши,
Боқса гар ҳушинг олур жоду тўла кўзу қоши,
Айламиш кўнглимни мажнун жилваи лайливаши,
Ким асири ғамзасидурлар пари рухсорлар.

Дилрабо озоридин ҳайрон эрур ер курраси,
Бошларим ҳар ён уриб, битмас пешонам ғурраси,
Ҳар тараф қочмоққа шаймен гар кўринса дурраси,
Турфа айёреки, дин нақдин олурда турраси,
Ўрганурлар ондин ўғрилик ишин таррорлар.

Бўйла зору нолишим, билмам, қачон бўлгай адоқ,
Бўлса бераҳм дилбари, ҳар кимнинг ҳам ҳоли чатоқ,
Ғамларимни бода бирлан ҳам енголмам, оҳ, минг оҳ,
Гардиши чашмимдадур кайфияти даври қадаҳ,
Мен билибдурманки, билмаслар они ҳушёрлар.

Ҳамдам ўлғил, Ошиқ Эркин, дўсту ёрларинг била,
Тобакай афғон чекарсан дам-бадам нола қила,
Сен табиатдан ўзингга ёлбориб шафқат тила,
Мунисо, ағёр агар ҳамсуҳбат ўлса ёр ила,
Бўлма маҳзун, ҳамдами гул бўлғусидур хорлар.

## ФУРҚАТ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Чин муҳаббатдур азал давлатли султоним мени,
Сарвинозлар ичра ул гул бирла райхоним мени,
Чашми фаттоним мени, зулфи зарафшоним мени,
Оҳким раҳм айламас ҳолимга жононим мени,
Куйди бу ҳасрат ўтида куймаган жоним мени.

Тотмадим лаълин уни бағримга маҳкам бир қуча,
Завқ олурман ёди бирлан кенг самоларда уча,
Йўқ ҳаловат заррача на кундузу ва на кеча,
Йиғламайми гўшаи зулмат аро тонг отгуча,
Сўрмаса бир тун келиб шаъми шабистоним мени.

Кимга мен дарди дилимни дод солиб изҳор этай,
Шум фалакни жабридин бошим олиб қайга кетай,
Ҳиммат этгил, гавҳарим, армонли мақсудга етай,
Бошима савдо тушиб, ошуфтаҳол ўлмай нетай,
Жилвагар бўлса ўшал кокилпаришоним мени.

Йўлларин гулларга буркар гул сочиб боғу чаман,
Бир сиёҳ холин ўзи ошиқ учун юз минг туман,
Ишқимиз бузмоққа шаҳд айлар неча бир ёсуман,
Орази гул, зулфи сунбул, кўйлаги барги суман,
Хилқати раъно, бўйи зебо гулистоним мени.

Билмадим боис недурки, дилни дилга бойламас,
Оташин меҳрим мени ҳаргиз юракка жойламас,
Ошиқ эрмас гар жасоратларга ўзни шайламас,

Гарчи ўлдим ишқида бир зарра парво айламас,
Ул тағофулпеша, истеғночи хоқоним мени.

Жон фидодурман, наҳот маҳваш чиқармиш ёдидин,
Мен кўнгил бердим унга, деб: яхшилар зурёдидин,
Донг таратмас эрди Ширин узса дил Фарҳодидин,
Эй, мусулмонлар, икки кофир кўзи бедодидин,
Қолмади жону кўнгилда сабру самоним мени.

Ёр висол гаштин маним-ла сургай эрди кошки,
Яшнатиб ишқим саройин юргай эрди кошки,
Ваъдасида токи маҳшар тургай эрди кошки
Қувлар ондин кўйида ўлтургай эрди кошки,
Остонига тўкилса бир қошиқ қоним мени.

Суйганимни жону дилдан ул пари билмасмиди,
Ё назарга билмадим, бошдин ўзи илмасмиди,
Тоқату сабрим синаб, хандон уриб кулмасмиди,
Дардима бечоралиғдин чорае қилмасмиди,
Бўлса эрди Тошкентда бир қадрдоним мени.

Ой деса ой, кун деса кун Ошиқ Эркин дилбари,
Бергани озорлари кўнглим учун роҳат бари,
Ишқ домидин қутилмас бир умр ёшу қари,
Фурқат, ул маҳваш фироқида етар гардун сари,
Кечадин то субҳ чеккан оҳу афғоним мени.

## АВАЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ўн саккиз бугун ёшинг, э қоши ё, муборак,
Бул ёш ила бўлибсан ҳурилиқо, муборак,
Қалбимда муҳаббатдан чертдинг наво, муборак,
Топмиш камол ҳуснинг, эй маҳлиқо, муборак.
Бермиш бари жаҳонга нуру зиё, муборак.

Бахш айла хазинингга меҳрингни ҳимматини,
Шаҳду шакарга монанд лаълингни қимматини,
Жоно, кўтар юзингдин ўтмишни чимматини,
Қилмиш фузун жамолинг зеб ила зийнатини,
Эй ёр, тоза кийган гулгун қабо муборак.

Ойинаи жамолинг тортинмай айла тортиқ,
Лабташна ошиғингга бахт бўлмас бундан ортиқ,
Ҳимматда устивор бўл, бўлгин фидойи ҳозиқ,
Эй, ишқ хайли ичра меҳру вафода содиқ,
Келмиш юзин очиб ул базминг аро, муборак.

Қутлуғ сенга, нигорим, маъшуқ деган азиз ном,
Тут менга лабларингда, жоно, соғари гулфом,
Ҳайрона этиб қўйдинг ҳуснингга сен қилиб ром,
Ағёру шумни айлаб бул кеча доғу ноком,
Ул шўху шанг қилғон лутфу ато муборак.

Эзгу ниятни дилга зуд жойлабон бу оқшом,
Садоқат ипларини танг бойлабон бу оқшом,
Жавлон урмоққа ўзни кенг шайлабон бу оқшом,
Жавру жафо русумин тарк айлабон бу оқшом,
Ул нозанин тутубдур расми вафо, муборак.

Лол қолди барча ағёр кўкси уза уриб тиғ,
Ҳавасда бахтимизга тамомий осиёлиғ,
Саноқли ахир элда сен каби қоши ёлиғ,
Айёми васл бордур айёми ийд ёнглиғ,
Аҳбоб, бўлғой ул кун доим манго муборак.

Сахий эсамда ишқда бад кўзга келур рашким,
Ёр мадҳин, Ошиқ Эркин, шул ерда айла баским,
Тонг эрмас гулнинг ҳуснин ёниб қилса ҳавас ким,
Шум муддаий юзина солма назар Авазким,
Дийдорин они кўрмак ошиққа номуносиб.

## ТАБИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўнгилни яйратурга маҳвашу осуда дам бўлса,
Сулув, шабнам каби тоза, гўзал хушхулқ, ҳотам бўлса,
Одобда тенгсизу серзавқ, чиройда бокарам бўлса,
Не хушдур фасли гул боғ ичра бир зебо санам бўлса,
Анинг ёнида нўш айларга гулгун жоми жам бўлса.

Ёқиб ўт, лоларанг қилса ёноқларни майи гулфом,
Қувончга тўлса дил қасри, юраклар олсалар ором,
Такаллумлар қилиб ул айласа чўккан кўнгилни ром,
Тутиб гулчеҳра соқийлар бу базм ичра паё-пай жом,
Алардин ҳам нишоти айш ҳосил дам-бадам бўлса.

Кулиб, даврани рақс бирла нурафшон этсалар қизлар,
Хиромон товланиб, гулгун гулоб тутса қамар юзлар,
Нигоҳлар яйраса дилхуш, чароғон ёнсалар кўзлар,
Ўқуб яхши ғазаллар неча хуш овоз ҳофизлар,
Муғанний ҳам бу суҳбат ичра машғули нағам бўлса.

Бунингдай базми Жамшидда бўлмаса зарра бир кам-кўст,
Фаровон яйраса унда қадрдон барча ёру дўст,
Зиёда нўш этиб соғар, ярашмас ташласа ким "пўст",
Париваш дилраболардин олиб бир дам канору бўс,
Аларнинг ҳам иши ушшоқ хайлига хуш карам бўлса.

Бу нав дилкаш гурунгсиз ўтмагай ҳеч ҳафтаю ойим,
Бошим осмон бўлар маҳваш била соз тузганим сойим.

Яшаргайсан дамо-дам бўлса дилбар таъбинга қойим,
Муяссар бўлса туз суҳбат бу нав аҳбоб ила доим
Ки, мундоқ базм маҳв айлар кўнгил ичра не
ғам бўлса.

Бузар даврани бешакким, кириб қолса адоват, кин,
Бунинг янглиғ базмлардин мудом оҳиста қоч, чекин,
Сўнгги ғавғоли эрса — садқаи сар, бўлса-да текин,
Агарчи, мажлис ичра ҳам ўтирсам ёр ила, лекин
Менинг мақсудим улдирким рақиби муттаҳам бўлса.

Базм мадҳини битмоққа, кел эй шоир, қалам йўнгил,
Парилар бирла суҳбатдан ўлинча тўлмагай кўнгил,
Чаман эрса-да ул боғмас гар унга келмаса булбул,
Бу сўзлардин менга не суд ҳосил, эй кўнгилким, ул
Бўлур ҳосил анга ким киссаси мамлу дирам бўлса.

Билингким, Ошиқ Эркин кўкрагин беҳудага кермас,
Уриб мавж куйлай олмас ул санамлар гарчи
шавқ бермас,
Паривашларни достон этмаган шеър яхши навъ
шеърмас,
Табибий, ишқ аро ҳар кимки содиқ бўлса тонг эрмас,
Бу янглиғ базмни топиб азизу муҳтарам бўлса.

## ЧОКАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Жоним ичра бўлинг жон, ўлмагайсиз,
Юзи моҳ, лаъли хандон, ўлмагайсиз,
Топинг энди бир имкон, ўлмагайсиз,
Келинг, эй моҳитобон, ўлмагайсиз
Аё маҳбуби жонон ўлмагайсиз.

Гул яшнагай пари кириб келса боғ,
Ишқ хайлининг бўлиб кетар кўнгли чоғ,
Дил дилдан завқ олиб, яйрагай димоғ,
Рақиби рўсиёларни қилиб доғ
Бўлинг бу кеча меҳмон, ўлмагайсиз.

Кўнгил риштасини тез бойлангизким,
Келарга ўзни албат шайлангизким,
Меҳрни дилга шундай жойлангизким,
Қора кулбамни равшан айлангизким,
Ки бордур тийра зиндон, ўлмагайсиз.

Чаманда сиз ажиб бир гули раъно,
Сулувлардан сулув, барно ва доно,
Ширин сўзингизда оламча маъно,
Висоли базмингиз айлаб таманно
Кўзим ҳар лаҳза гирён, ўлмагайсиз.

Нозанинлар ила хушдир бу гулшан,
Меҳру муҳаббатсиз яшнарми чаман,
Оғушимга ярашуғлик сиймин тан,

Хумориман неча муддат они ман,
Қилинг бир бўса эҳсон, ўлмагайсиз.

Кел, эй маҳваш, камолинг шавқи бирла,
Қилич янглиғ ҳилолинг шавқи бирла,
Бўлай маст лабда болинг шавқи бирла,
Гулистони жамолинг шавқи бирла
Қилурман беҳад афғон, ўлмагайсиз.

Қўйинг, берманг кутинг дебон тасалли,
Висол гашти менга теккан "касаллик",
Ошиқ Эркин сўзи болу асаллик,
Етишдим ўлгали Чокар масаллик,
Келинг бу кеча, жонон, ўлмагайсиз.

## МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Муҳаббат боғининг файзи мудом сўлим ҳаво дерлар,
Вафодор, маҳваши нозик чин ошиққа раво дерлар,
Садоқатли асл ёрни "Юракка марҳабо" дерлар,
Сени Лайлийи раънодек ажойиб дилрабо дерлар,
Мени Мажнуни шайдодек куйингда бир гадо дерлар.

Саодатосо дамларга етиш душвор экан, билсам,
Не бахт, умрим бўйи сен бирла шодон ўйнасам,
кулсам,
Сенинг йўлингга тикдим жон, ризодурман етиб ўлсам,
Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам
Ки ҳарчанди наво қилсам ҳанузам бенаво дерлар.

Нигорим, ой висолингга ҳама ҳам мен каби зорму?
Ўзинг айтгил, муҳаббатнинг садоқат ғазноси торму?
Бу дали ишқ саройинда бари эл сийнаафгорму?
Юриб сўрдим табиблардин: "Бу дардимга даво борму?"
Табиб айтурки, "Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар".

Фиғон чеккай бани ошиқ ситамга дуч келиб, ҳайҳот,
Саодатдин йироқ севги-муҳаббатнинг қўлидин дод,
Ахир, дилбар, кўнгил мулки вафо бирла бўлур обод,
Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан
Фарҳод,
Алар ўтди бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Қиёматлик севишганнинг жаҳондин нечаси ўтди,
Гулим, яхши-ёмон барин қаро ер қаърига ютди,
Фидойи Ошиқ Эркин ҳам садоқат йўлини тутди,
Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртди,
Нидо келдики оламдин кўзига тўтиё дерлар.

## НИҲОНИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Яшнатай деб ғам уйин ёри қадрдон келадур,
Нур тараб, ял-ял ёниб шамъи шабистон келадур,
Сен бугун шод бўл кўнгул, хуршиди тобон келадур,
Хастасин кўргали ул дилбари жонон келадур,
Юзи моҳ, юлдузи ўт, кўзлари чўлпон келадур.

Меҳрин изҳор этгали, Ширин каби жондин суюб,
Меҳрибонлик шевасин жонона жон бирла туюб,
Ҳиммат айлаб, аҳди паймонини бир ерга қўюб,
Сурма тортиб кўзига, қирмизи кўйлакни киюб,
Ўйнатиб ҳанжарини қилгали қурбон келадур.

Тишлари инжу каби, икки ёноғи мисли себ,
Устига устак, бериб ой юзига орою зеб,
Бол бўлиб, биз билмаган гулқанд ширинликму еб,
Сандин ўзга йўқ экан ишқима чин куйгон деб,
Аввалги ваъдасида тургали қочгон келадур.

Илтифотидин қувониб гул сочарман йўлина,
Силсила нурлар тарар офтоб ўнгу ҳам сўлина,
Чарх уриб, меҳру садоқатнинг етай деб мўлина,
Туну кун ҳажрида кезган бу гадосин қўлина
Эмди васлин майидин қилгали эҳсон келадур.

Муштоқ эрдим кўп замон мен гулни бир донасига,
Сабру тоқат бирла етдим ёрни дурдонасига,
Кўрк-чиройда бокарам жононалар жоносига,
Бугина сизга жафо солганин айбонасига
Бул кеча ёлғуз ўзи бўлгали меҳмон келадур.

Эй, фидо бўлсин менинг меҳмонима меҳрим бари,
Кўк қадар етди бошим, чун ёр бахтим сарвари,
Кўзларим порлаб ёнар юрганда дилбар мен сари,
Ҳали ҳам кўнгли аро борму деб ишқим асари,
Рамзи дил олмоқ учун билгали мастон келадур.

Ошиқ Эркиннинг бугун шонлар қучиб, дасти дароз,
Кутди бахтин интизор неча баҳору неча ёз,
Қанча кўп мадҳ айласам мен маҳвашимни шунча оз,
Қиссаи жонни, Ниҳон, мақдама қил пойандоз,
Арзи ҳолингни бугун сўргали султон келадур.

## НИҲОНИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Севгида содиқлигим хуршиди рахшонимға айт,
Ишқ майи мастона этган, лолу ҳайронимга айт,
То абад ёрдир сенга деб, даври-давронимға айт,
Эй сабо, борсанг мени арзимни султонимға айт,
Кўзларингдан ёш тўкиб, дарёйи уммонимға айт.

Этма зоҳир ғамларингни, мард бўлиб сен ичга ют,
Яхши кун келгай муқаррар, дардларинг бўлғай унут,
Нурли иқбол тонгларин мастона орзу бирла кут.
Дилдаги дарду ғамим изҳор этай, ёдингда тут,
Яхши тақдир айласун, садбарги хандонимға айт.

Бир умр ардоқлагай ошиқ сенингдек ёрини,
Тож этар бошга умрбод меҳрибон дилдорини,
Кўрмагай бир дам раво аччиқ ситам, озорини,
Йўл йироқ, ҳажрида ташлаб қўймасин афгорини,
Жаннати васлига олғон ҳуру ғилмонимға айт.

Яшнагай эл навбаҳор ташриф буюрган чоғлар,
Андалиб хонишидин жунбушга келгай боғлар,
Ҳимматин бисёр этур ҳаттоки қаттиқ тоғлар,
Лола янглиғ қат-бақат кўксимда беҳад доғлар,
Қилмасун мунча ситам, ул кўзи чўлпонимға айт.

Дилбарим, жонимдан ҳам ортиқ севиб қолдим сени,
Икки қўлдан эрса қарс, менга сенинг меҳринг қани,
Қаҳрамонлик кўргазиб, бўлгил садоқатда ғани,
Фурқатингда маҳвашинг ҳижрони ёндирди мени,
Ҳар куни бошим уза хуршиди тобонимға айт.

Ошиқи содиқ эмас бегонадин гар қилмас ор,
Айрилиқ чоғи нигоҳин йўлига тикмаса зор,
Ўтга урдим мен ўзимни, ёр сени деб неча бор,
Ошиноеман қадимий, йўлларингга интизор,
На бўлур қилса карам, ул боғу бўстонимға айт.

Келди кўклам боғима — гулларга кўмди навбаҳор,
Мисли алвон ўт ёқиб оламни қилди лолазор,
Чарх уриб яйрай дея, бағрингни қилдим ихтиёр,
Мушку анбар кокулин арқо уза чулғаб нигор,
Бир келиб ҳолим сўраб кетсунки, жононимға айт.

Ошиқ Эркиннинг, санам, сендан узилмайдур кўзи,
Шўх қўшиқ бўлғай сенинг шаънингга айтган ҳар сўзи,
Жоно, қутлуғ чарх уриб келган саодат наврўзи,
Эй Ниҳоний, келгони ор айлагай сандин ўзи,
Зоти билмам ё пари, ул ёри шоҳонимга айт.

## ЭРКИН ВОҲИДОВ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй, менинг садпора халқ —
мозийси армон, ўзбегим,
Ўтмиши гирён, дили хун,
бағри бирён, ўзбегим,
То ҳануз ўзликдин ўзга,
лолу ҳайрон, ўзбегим,
Тарихингдур минг асрлар
ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Миллатимдур кўп қадим,
очунда машҳурдир оти,
Бир замон оламни тутди
Хоразмнинг шуҳрати,
Мисли бир шарбат эди
Жайхун билан Сайхун тотн,
Сўйласин Афросиёбу
сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
битта маржон, ўзбегим.

Наслимиз Одам ато,
момо Ҳаво зурёдидан,
Бул ҳақиқат чиқмагай
асло башарнинг ёдидан,
Доно эл кечмас сира
машҳури олам зотидан —
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фароб авлодидан,

Асли насли балки ўзлуқ,
балки Тархон, ўзбегим.

Катта уммонлар бўлар гар
йиғса тўккан терларин,
Шул она тупроқ учун
жангларга солди шерларин,
Гоҳида ўзли-ўзи
талонлар этди ерларин,
Ўтдилар шўрлик бошингдан
ўйнатиб шамширларин,
Неча хоқон, неча султон,
неча минг хон, ўзбегим.

Тўсдилар дарёларинг,
бағринг ичидан оқди сув,
Чор тарафдан неча босқинчи
сенга солди ғулув,
Неча бор молинг талаб,
бешафқат зарба берди у,
Тоғларинг теграңгда гўё
бўғма аждар бўлдию,
Икки дарё — икки чашманг,
чашми гирён, ўзбегим.

Ўзлигинг айлаб ҳимоят
тушмади қўлдин яроғ,
Тушди тиғ шўрлик бошингга,
қон ила тўлди қароғ,
Уйдилар мазлумларингнинг
бошларидин неча тоғ,
Қайсари Рум найзасидан
бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тиғига
кўкси қалқон, ўзбегим.

Йиғлади ҳолингга маймун,
йиғладинг неча замон,

Қисматинг бўлди сени
          ҳар гал ёмондин ҳам ёмон,
Зарб қадалган найзалар
          қонинг оқизди ҳар томон,
Ёғди тўрт ёндин асрлар
          бошинга тийри камон,
Умри қурбон, мулки толон,
          юрти вайрон, ўзбегим.

Сурмадинг сен от Ажамга,
          Хож сари сен юрмадинг,
Бормадинг мўнғул томон сен,
          сен юнонни урмадинг,
Қамчи сермаб боши узра
          Шомга асло тегмадинг,
Давр зулмига ва лекин
          бир умр бош эгмадинг,
Сен — Муқанна, сарбадорсан,
          эрксевар қон, ўзбегим.

Ғуссалар дол айлади бўйинг,
          алиф қаддингни хам,
Нурга ташна кулбаларни
          ғорат этди ғам-алам,
Неки дин бор, не тариқат —
          барчаси қилди ситам,
Сен на зардушт, сен на буддий,
          сенга не оташ, санам,
Одамийлик фани бирла
          тоза имон, ўзбегим.

Неча даврон ўтди бир-бир,
          қолаберди дил яро,
Кулмади толеи элнинг,
          чун азал бахти қаро,
Ғамга тўлган дил уйидан
          кетмади мунгли наво,

Маърифатнинг шуъласига
талпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
кавкабистон, ўзбегим.

"Ал-жабр" ўргатди бизга
"ноль" рақамнинг сирларин,
"Ер — думолоқ" деб Беруний
мерос этди дафтарин,
Доғда қўйдинг юрт очиб
Колумб деганларнинг барин,
Туздию Мирзо Улуғбек
Кўрогоний жадвалин
Сирли осмон тоқига
илк қўйди нарвон, ўзбегим.

"Ойнаи жаҳон"ни илк
кашф этган ўзбек, оғажон,
Неча бир фан сиррининг
кашшофидур бизнинг макон,
Айт-чи сен менга, ўзинг
не янгилик қилдинг, қачон?
Мир Алишер наърасига
акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
шоҳу султон, ўзбегим.

Минг йил аввал "Байтул ҳикма"
очган ҳам ўзбек нуқул,
Илк китоб ганжхонасин ҳам
сен яратдинг, эй ўғул,
Барисин вайроналар этди
араб бирла мўғул,
Илму шеърда шоҳу султон,
лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
зору нолон, ўзбегим.

Ул маним Кубро бобом
бошинда айланди булут,
Шер Жалолиддин мудом
дилда яшар — бўлмас унут,
Паҳлавон Маҳмуд — ширинсўз,
шеърда Ҳайём эрди худ,
Мирзо Бобур — сен, фироғинг
солди олам ичра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
урди туғён, ўзбегим.

Сен Тўрабекхон — фидоий,
мард Тўмариссан сара,
Эрк учун шердек олишдинг,
эгмадинг бошинг сира,
Не-не Барчин қизлар умри
банди бўлди чодира,
Шеъриятнинг гулшанида
сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
кўмди армон, ўзбегим.

Неча сўз заргарлари
ҳикмат яратдилар муҳим,
Қилмади султони иззат,
сўрмади "Бу доно ким?",
Келди руснинг даври ҳам,
айшини сурди ҳоким,
Йиғлади фурқатда Фурқат,
ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдин Ҳинду Афғон
қилди афғон, ўзбегим.

Лозим эрди ҳолимиз
келгуси авлодга демак,
Хон Абулғозию Мунис
берди ўтмишдан дарак,

Огоҳ этди Огаҳий,
Ёзди Баёний — шеърюрак,
Тарихинг ёзмоққа халқим,
мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
мингта достон, ўзбегим.

Инқилоб нурлар тараб,
элдан чекинди қайғу-ғам,
Яхши бир истак билан
иқбол сари қўйдик қадам,
Кўкдаги бахт йўлида
довонлар ошдик дам-бадам,
Ортда қолди кўҳна тарих,
ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
топди дармон, ўзбегим.

Танти эл қашшоқлигидан
ўлмаса ўлмас экан,
Оғалар қўлдан тутишди,
юртимиз бўлди чаман,
Юз фойиз тўлди муқобил,
номуқобил кўп план,
Бўлди осмонинг чароғон
толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
шуълаафшон, ўзбегим.

Бор экан иқболимиз,
ёғду билан тўлди кўнгул,
Дедилар: "Даврон — сенинг,
бахт оғушида ўйна-кул,
Кутганинг неча асрлар
ҳуррият дегани шул..."
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
сенсан унда битта гул,
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
битта мужгон, ўзбегим.

Шод эрурмиз энди биз
ярим кўнгилни чоғ қилиб,
Қақраган чўлу биёбонларни
буткул боғ қилиб,
Неча миллат бир-біровни
дўст тутиб, ўртоқ қилиб,
Фахр этарман, она халқим,
кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
танти деҳқон, ўзбегим.

Гулласин деб юртимиз
жавлон урармиз тинмайин,
Яйрашиб кулмоқдадирмиз
бахтимиз кулган сайин,
Бошимиз узра мудом
эсмоқда шаббода майин,
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
не учун мадҳ этмайин,
Ўзлигим билмоққа даврим
берди имкон, ўзбегим.

Мен ҳам элга танти дастёр —
халқни бир дилбандиман,
Топганим дўст-ёр учундир,
қўллар очиқ — тантиман,
Шул сабаб юз миллат ичра
тенгҳуқуқ, арзандаман,
Мен буюк юрт ўғлидурман,
мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
содиқ ўғлон, ўзбегим.

Давримиз дориломону
ферузарангдур осмон,
Етмайин қолмас бу қўллар
гар узатсак қай томон,

Шеърда туғ Абдулла Ориф,
бизнинг ҳам шоир Омон,
Менга Пушкин бир жаҳону
менга Байрон бир жаҳон,
Лек, Навоийдек бобом бор,
кўксим осмон, ўзбегим.

Йўқ иложим айтмайин:
бизларда йўқ бағри куюк,
Меҳрибон Ленин эрур
бизга суюклардан суюк,
Дўстлик туфайлидан енгил
бизнинг яғир елкада юк,
Қайга бормай, бошда дўппим,
шуҳратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Ошиқ Эркин, яйра, кул,
халқаро халқинг шуҳрати,
Мавж уриб тошмоқдадир,
доим матонат, қудрати,
Ошаберсин муштарак
эллар ичинда ҳиммати,
Бу қасидам сенга, халқим,
оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
ўзбегим, жон ўзбегим.

## АБДУЛЛА ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Пари-пайкарни доноси иболардан аён бўлғай,
Гўзал боғларни аълоси наволардан аён бўлғай,
Қора кўзларни шаҳлоси зиёлардан аён бўлғай,
Агар ёринг хиром этса, саболардан аён бўлғай,
Такаллуми чаман берган садолардан аён бўлғай.

Вафолиқсен агар чин, ўзга ёрға қош қоқиб бўлмас,
Унинг уммону баҳринда фароғат-ла оқиб бўлмас,
Муҳаббатсиз кўнгилларга умрбод ўт ёқиб бўлмас,
Агар ёринг қуёш бўлса анга асло боқиб бўлмас,
Камолингми, заволинг ё — ситамлардан аён бўлғай.

Чин ошиқлар топар роҳат субуҳи йўқ саҳарлардан,
Камина шавққа тўймасман диёр бўйлаб сафарлардан.
Юрак ишқдан олиб лаззат, тўлиб-тошса зафарлардан,
Агар ёринг ҳусн шоҳи — ўтар бўлса шаҳарлардан
Гузарларда қолиб кетган гадолардан аён бўлғай.

Дилороминг беозордур — дилозор деб отин айтма,
Қуруқ туҳмат қилиб унга, ситамкор деб отин айтма,
Бошингга даст кўтар, аммо ёмон ёр, деб отин айтма,
Агар ёринг жафокордур, жафокор деб отин айтма,
Унинг асли ўзинг чеккан жафолардан аён бўлғай.

Не хуш, ёринг хиром айлаб, висолингдан тўяр бўлса,
Саодатдур ёниб маҳваш дилу жондан суяр бўлса.
Вафони мисли дур айлаб ҳузурингга уяр бўлса,
Агар ёринг садоқат деб сенга кўнгил қўяр бўлса,
Куйиб ағёрларинг, бахти қаролардан аён бўлғай.

Мудом феълингни паст тутгил, ҳеч ҳам осмон
қадар кетма,
Этар бадном азиз номинг, ғурур кўчасидин ўтма,
Магар ағёрлик этгайсан сира мақсудингга етма,
Агар ёринг муҳаббатни ниҳон сақлар, гумон этма,
*У бир ганждур, бироқ ҳадди адолардан аён бўлғай.*

Ғариб дилларни мумтоз айласанг, ғамгин
кўнгилни шод,
Қувониб баҳра олсин деб, меҳрлар айласанг бунёд,
Бўлиб қолсин десанг номим юракларда қўшиқдек ёд,
Агар ёринг бўлиб Ширин, агар ўзни десанг Фарҳод,
Қиёсинг чин ва ё лофдур — вафолардан аён бўлғай.

Иноятлар келур кўкдан заминларга абр бирла,
Ситамлар етказа кўрма ҳилолингга жабр бирла,
Муҳаббатда, Ошиқ Эркин, ғалат юрмоқ кибр бирла,
Агар ошиқсан Абдулла, қаноат қил сабр бирла,
Недур ҳолинг — сенга боққан балолардан аён бўлғай.

## ЭРКИН САМАНДАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Тушсаю дилга сирож куз кунлари,
Ёнсанг ўтда ноилож куз кунлари,
Этмагил феълингни кож куз кунлари,
Бўлса ишқ бошингга тож куз кунлари,
Омадинг топгай ривож куз кунлари.

Қоқса дарчангни муҳаббатнинг куйи,
Севги боғининг будир ширин бўйи,
Даст кўтаргил, этмагил бошинг қуйи,
Бир меҳр истаб заминдек дил уйи
Нурга сезгай эҳтиёж куз кунлари.

Икки қўллаб тут вафонинг илгидан,
Ғам эзар бегона тушсанг кулгидан,
Эҳтиёт бўл севгида сен тулкидан,
Нур каби кулсанг, жамолинг мулкидан
Истамас ким ҳам хирож куз кунлари.

Ҳурсиз ўтган дамни ҳеч ким дам демас,
Гулсиз эрса кузда ким ҳам ғам емас,
Бил, баҳор чеҳранг сари қайтиб кемас,
Асра ҳуснинг шуъласин, кўклам эмас,
Этмагил талон-торож куз кунлари.

Тож бўлай деб, жоно, қундуз бошинга,
Ошиқ Эркин "Балли" дер наққошинга,
Сунбулим, минг ёш қўшилсин ёшингга,
Васл учун келди Самандар қошингга,
Лекин унга топ илож куз кунлари.

## ЭРКИН САМАНДАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Яшнасин деб даври-даврон, қўл бериб, ҳамдамлашиб,
Гоҳида ёлғиз ўзимиз, гоҳи "кўпу кам"лашиб,
Аямай жонлар нисор этдик "азиз ўлкам"лашиб,
Кўҳна олам кўҳнамас, зебо яна кўркамлашиб,
Кекса боши бахт қуёши остида ўктамлашиб.

Кўринг энди турфа гуллар гулшанида ноз этар,
Тўлдириб кўнгилни завққа қувнатар, мумтоз этар,
Ҳар бутоқда неча булбул хуш оҳанг оғоз этар,
Дил қуши сийму самолар қўйнида парвоз этар,
Силкиниб, ўйнаб, ҳаволарни эмиб, хуррамлашиб.

Дориломон кунга етдик, қолмади дилда тугун,
Ой каби яшнар юзимиз, бамисоли лолагун,
Сун, ичайлик, танти соқий, бир пиёла бода сун,
Лолаю гулларга тўлди хонаи хуршид бугун,
Неча дўсту ёру ўртоқ келдилар кўкламлашиб.

Кулди толеим, қувондим ҳамда кўкка етди бош,
Сел бўлиб оққан кўзимда қолмади бир қатра ёш,
Тутганим дўст неча қардош — бири кўзу бири қош,
Титрагай бизнинг садолардан еру юлдуз, қуёш,
Тошдилар дил косасидан куйларим шаҳдамлашиб.

Юрма ғофил, Ошиқ Эркин, қил мудом устодни ёд,
Ушбу кун, ушбу соатлар вақтидур қилмоқ ижод,
Бил, юрак узра эса қўл доимо мушкул кушод,
Боқ, Самандар, севги боғин айлади ободу шод,
Минг қуёшнинг шуъласи бахтнинг кўзида жамлашиб.

## ЭРКИН САМАНДАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқда ақлу ҳушим олғучига айтинг,
Кўнглим ичра яшаб қолғучига айтинг,
Меҳримни торига солғучига айтинг,
Жарангдор куйласин, чалғучига айтинг,
Юпансин бир нафас, қайғучига айтинг.

Кўнглим осмонида ул мисоли ҳулкар,
Юрак мулки аро бир покиза гавҳар,
Ҳусну латофатда минг гўзалга сарвар,
Юборинг тез хабар, келсин кулиб дилбар,
Мулойим сўзласин, борғучига айтинг.

Қувонсин бўйини бўйларимга бўйлаб,
Шаънини эл аро юрмоқдаман сўйлаб,
Хонаи хуршидим яшнатурман тўйлаб,
Агар уйқуда бўлса уйғотинг куйлаб,
Менинг бедорлигим уйқучига айтинг.

Қўрқмасман қанчалар шарт қўйса агар,
Сочарман йўлига бир умр симу зар,
Умрин вафо билан айлайин мунаввар,
Келурда дилбарим ҳар шарпадан қўрқар,
Дадилроқ бўлсин, ул қўрқучига айтинг.

Ўтмоқда тунларим йўлин кутиб, бедор,
Келмайин қолмасин ул базмимга зинҳор,
Кутар Ошиқ Эркин муштоқу интизор,
Самандар устидан ошкор кулар ағёр,
Кулармиз энди биз, кулгучига айтинг.

## ЭРКИН САМАНДАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Икки дил имлосини ёшлар билар,
Имтиҳон, иншосини ёшлар билар,
Маҳваши, лайлосини ёшлар билар,
Энди ишқ савдосини ёшлар билар,
Беадо ғавғосини ёшлар билар.

Гоҳи содда, гоҳ гумонли севгининг,
Гоҳ ажиб, гоҳ ёсуманли севгининг,
Гоҳ тикан, гоҳи чаманли севгининг,
Гоҳ очиқ, гоҳи туманли севгининг,
Кўп чигал дунёсини ёшлар билар.

Баъзилар лол севгининг бозорида,
Баъзилар хуррам қолиб озорида,
Баъзилар бордур — ҳуши хушторида,
Гул кўпу ранг кўп ишқ гулзорида,
Лолаю раъносини ёшлар билар.

Турфа нағмаси билан кўркам-да ишқ,
Кун-бакун парвоздадир ўлкамда ишқ,
Билсангиз кўпда ҳавасу, камда ишқ,
Дилга минг буйруқ берар ҳар дамда ишқ,
Дастхати, имзосини ёшлар билар.

Чопдилар ҳар ён улоқдай бетиним,
Беҳаё дилдорни хуш кўрмас жиним,
Лек, чидайбер, хоҳ укамсан, хоҳ иним,
Севгининг тўлқинлари билмас тиним,
Беқарор дарёсини ёшлар билар.

Қўрқмангиз ёрларни аччиқ қаҳридан,
Кўп даво топган шифобахш заҳридан,
Шошмангиз ўтмоққа дарров баҳридан,
Қайсни қувгандек қувар гоҳ бағридан,
Ул жунун саҳросини ёшлар билар.

Ошиқ Эркин, дўстларинг не деса дер,
Ёшлар ичра келма бўш, қаддингни кер,
Бир сиқиб қўйсин аканг, дастингни бер,
Ёш сезиб ўзни Самандар ёзса шеър,
Сўзининг маъносини ёшлар билар.

## ЯНГИ СУВОРА

Кел, эй маҳваш, қувонтиргил, қуёш ҳуснингни зориман,
Кўйингда нола қилдим кўп, сенинг васлинг хумориман,
Олай бағримга мастона, бўлай бўйнинг тумори ман,
Келиб яшнат қучоғимни, дилингни ипак ториман,
Бўлай токайгача, дилбар, сенинг ишқингни хори ман.

Қадамранжида қилсанг сен кирар нур рўзигоримга,
Қиларман садқа жонимни сенингдек ой нигоримга,
Етай мен ҳам кулиб-яйраб соғинган гулбаҳоримга,
Қулоқ қўйгил тошиб кетган менинг нолаи зоримга,
Неча кунларки муштоқман, жамолинг интизориман.

Сенинг ишқинг ёмон қилди, гирифтор этди ғамларга,
Йўлингда неча дуч келдим неча жабру ситамларга,
Етишмоқ орзу этдим мен саодатосо дамларга,
Ва лекин бўлмади матлаб, қароғим тўлди намларга,
Жафо йўлида сен босган қадамлар хокисориман.

Учиб ағёр сўзига, дилбарим, ҳадсиз хато қилма,
Бериб меҳринг унга, ширин такаллумлар ато қилма,
Эгилма оқибат ерга, алиф қаддинг дуто қилма,
Ўзингни тож ила тахтдан, мени бахтдан жудо қилма,
Садоқатда вафо аҳлин тенги йўқ устивориман.

Отиб кўксим сари тош, ўртасанг, бехонумон этсанг,
Чиқиб оҳим фалакка, завқ тўла бағримни қон этсанг,
Ёқиб ўтларга жонимни, нигорим, хаста жон этсанг,
Менга меҳрингни оз айлаб, рақибни шодумон этсанг
Бўлурман дарз кетиб бахтим фалакнинг ғамгузориман.

Сира ҳам яхши ном қолмас азалдан бевафолардан,
Ўзини кўкда ҳис этган ақлсиз, беҳаёлардан,
Садоқат расмини кутманг, азизлар, бериёлардан,
Жароҳатлар етар дилга хусусан беиболардан,
Билингки, аҳли ошиқлар ичинда беғубориман.

Ўзинг бахтим-баҳорим бўл, умрлик яхши ёрим бўл,
Садоқатда қуёшим бўл, вафода барқарорим бўл,
Менинг олий қувончим бўл, севинчим, номус-орим бўл,
Чаманзор боғу бўстоним, ашъорим, гулузорим бўл,
Камина шундайин бахт соҳиби, ганжинадориман.

Жамолингдан, парирўй, баҳраманд эт Ошиқ Эркинни,
Висолини ўзинг ҳам орзуманд эт Ошиқ Эркинни,
Ҳаётини умрбод болу қанд эт Ошиқ Эркинни,
Аҳли ушшоқлар аро сарбаланд эт Ошиқ Эркинни,
Муҳаббатда вафодорларни пири, шоҳсувориман.

## ҚАДРДОНИМ, ДИЛУЖОНИМ

Жамолинг бир кўрай, ноз айлама, эй шўхи дилдорим,
Қиёматлик қулингдурман, сенга йўқ зарра озорим,
Ўзингдурсан менинг чин меҳрибоним, хуршид дийдорим,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Карам қил, эй пари, кўрсат менга зўр илтифотингни,
Ситамлар кўп қилиб бадга чиқарма яхши отингни,
Такаллумлар ила, қандоқ гўзал эл тутса ёдингни,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Чекиб кўксимга тиғ, сен хуни гирёним равон қилма,
Танимга ларзалар солма, тамом озурдажон қилма,
Мени ҳолим ёмон, боз устига бағримни қон қилма,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Висолинг тоабад жўшқин дилимнинг муддаосидур,
Лабинг жон малҳами, тенгсиз шифо, дардим давосидур,
Сенинг ҳар бир сўзинг бол, мисли булбулнинг
навосидур,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Кел, эй, ором олай, яйрай, жамолингдан қувонтиргил,
Ҳузуримда чарақлаб сен қуёш янглиғ кулиб тургил,
Хиром айлаб товусдек севги боғин тўлдириб юргил,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Ажаб гулгунчасан, тўймай боқиб элнинг кўзи сенда,
Гулим, одимларинг айлаб таъқиб, элнинг кўзи сенда,
Ёниб рашк ўтидин, қошин қоқиб элнинг кўзи сенда,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Садоқатпеша бўл, асло вафо риштасини узма,
Унутма эртани, бадкор ила, қўйгил, базм тузма,
Хушингни кетказиб, гулгун ҳаётингни ўзинг бузма,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Мени дилхастани ҳимматларингдан айлагил мумтоз,
Бўлай сенга, париваш, бир умрлик ҳамдаму ҳамроз,
Севинчимдан ера сиғмай қилай кўкларга мен парвоз,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.

Мурувват айлагил, эркам, сенинг умринг дароз бўлғай,
Рақиблар ўртаниб ичдан, куйиб ҳам сарғайиб-сўлғай,
Илоҳим Ошиқ Эркиннинг дили меҳринг билан тўлғай,
Қадрдоним, дилужоним, ҳамма ёрдан гўзал ёрим,
Дилоромим, гуландомим, менинг лаъли шакарборим.



*МУРАББАЪЛАР*

## ШИРИН ДУДОҚИНГДАН СЕНИНГ

Маҳвашим, жон ўртаган жоду қароқингдан сенинг,
Вой, итобингдан, азобингдан, фироқингдан сенинг,
Завқу шавқим манбаи — бодом қовоқингдан сенинг,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Сўрмайин ҳол, бир йўла ҳолим паришон айладинг,
Ўт қўйиб жонимга сен, ишимни афғон айладинг,
Ғамга сен дучор этиб, мен зорни ҳайрон айладинг,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Мақсадим бордир буюк сендан вафо кўрсам деган,
Лабларингдин шавқ олиб, тонг отқуча сўрсам, деган,
Ҳам садоқат боғида даврон суриб юрсам деган,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Кел, мурувват айлагил, қадди камолинг бир кўрай,
Кўз қамашсин, майлига, хуршид жамолинг бир кўрай,
Ҳар бири кундуз каби қоши ҳилолинг бир кўрай,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Яйрасин кўнглим десанг, булбул наво қилганда кел,
Ёқа чок этганда гуллар — ғунчалар кулганда кел,

Тўрт фасл ҳам ишқ учун гулгун баҳор бўлганда кел,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Яхши хулқ, яхши фазилат, яхши хислат сенда бор,
Ҳам садоқатпеша бўл, ҳимматни ҳам қил касбу кор,
Кенг фалакни қилма, жоним, мубтало ошиққа тор,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

Минг ташаккур, феъли бад агёр дилини доғладинг,
Менга ҳулкар бўлгали нозик белингни боғладинг,
Ошиқ Эркинни суюб ҳам эркалаб, ардоқладинг,
Нор ёноқ, симин сақоқ, ширин дудоқингдан сенинг.

## БУЛБУЛИМ

Нолалар айламак касб ила коринг,
Чаманларни тутар оҳ ила зоринг,
Саҳардан тонг қадар тинмайди торинг,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим?

Дил берганинг очилмаган ғунчами,
Бир ғунчага ҳасратларинг шунчами,
Гўзалликда мисли ойми, кунчами,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим?

Гуллар вафосиздур, наҳот билмасанг,
Хушламаслар улар вафо қилмасанг,
Бунчалар зорланиб, бағринг тилмасанг,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим?

Беҳуда ўртама ўзингни, қушим,
Уйқу элитмасин кўзингни, қушим,
Менга айтақолгин сўзингни, қушим,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим?

Тўйганмикин ё гул нолаларингдан,
Ҳасрату надомат, волаларингдан,
Юрагим лиммо-лим жолаларингдан,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим?

Кўп эса ҳасратинг, қўй, тўкмайин ёш,
Келиб Ошиқ Эркин билан ўртоқлаш,
Бир ғунча деб ер қадар эгмагил бош,
Фиғонингга недур сабаб, булбулим.

## ҚУВОНЧИМ БЎЛ

Йўқдир менинг бир дилрабо юпанчим,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.
Дилга ишқинг тушиб, йўқолди тинчим,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.

Ҳаммага кенг дунё мен учун тордир,
Яхши ёр иқболдир, номусдир, ордир,
Қалбимда ёниқ ишқ, чин вафо бордир,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.

Ишқ саройин саодатдан қурайин,
Сен билан армонсиз ўйнаб-кулайин,
Мен ҳам бахт кўрайин, даврон сурайин,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.

Қуёшим бўл, бемеҳрлик кор этма,
Дилбарим, йўлингда интизор этма,
Ойдай висолингга мени зор этма,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.

Сенинг ишқинг-ла ёнсин Ошиқ Эркин,
Васлинг болига қонсин Ошиқ Эркин,
Бир умрга қувонсин Ошиқ Эркин,
Қувончим бўл, қувончим бўл, қувончим.

## ОЙГУЛ — ЧИРОЙГА БОЙ ГУЛ

Жамолинг кўрган оним ўт тушди жона, жоним,
Шу онда этдим орзу бўлсанг деб жонажоним.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Сенинг ҳуснингга шайдо юртнинг ўба, қалъаси,
Тошҳовуз, Хоразмнинг барча йигит — боласи.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Мен сени гул дейинми, сочи сунбул дейинми,
Овозлари ёқимли, ўзинг булбул дейинми?
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Шайдо бўлдим бир кўриб, яйраб ёнингда юриб,
Армоним йўқ қўйсам мен кокилларинг қирқ ўриб.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Мен учун бир донасан, мастона дурдонасан,
Ёниқ муҳаббатимдан сен ўзинг нишонасан.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Гулчеҳрасан иболи, алвон юзларинг оли,
Ёндирсин лабларимни ёноқларингни боли.

Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Чойинг ичай деб келдим, қутлаб қучай деб келдим,
Мен сени самоларга олиб учай деб келдим.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

Мадҳ этай борлигингни, кўзи хуморлигингни,
Олқишлар Ошиқ Эркин санъатга ёрлигингни.
Қўлингни бергил, ҳой гул, ҳусну чиройга бой гул,
Эй нозанин боқишлим, дилдан жой олган Ойгул.

## СИЗГА ЁЛҒОН, МЕНГА РОСТ

Ҳайрон этиб, ҳушим олиб қўйибсиз,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.
Дилимга ишқ ўтин солиб қўйибсиз,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.

Садоқатли севги — шавкатинг, шонинг,
Вафоли муҳаббат яйратар жонинг,
Сизнинг учун меҳрим дарё, ишонинг,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.

Сизни ўйлаб, қайнаб-тошиб юрибман,
Кўкда учиб, юлдуз ошиб юрибман,
Тенгсиз бахтим сари шошиб юрибман,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.

Гул ҳам мавсумида алвон ранг бўлар,
Кузга етиб-етмай сарғайиб-сўлар,
Йиллар ўтаберса паймона тўлар,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.

Элда достон иккимизнинг муҳаббат,
Чин юракдан севиш, эркам, буюк бахт,
Ошиқ Эркин қалби тўла саховат,
Жоним, бу гап сизга ёлғон, менга рост.

## КЎЗЛАРИНГДА FАМ КЎРГАН КУНИМ

Дилимни тарк этар ҳаловат,
Чаманлардан кетар тароват,
Менинг учун оғир маломат
Кўзларингда ғам кўрган куним.

Парда тортар юзига осмон,
Олам бўлар тундай зимистон,
Кўзларимда жовдирар маржон
Кўзларингда ғам кўрган куним.

Гуллар менга кулиб боқмайди,
Ҳисларим мавж уриб оқмайди,
Булбулнинг ҳам саси ёқмайди
Кўзларингда ғам кўрган куним.

Мунгли бўлиб қолар боғлар ҳам,
Пасайгандай бўлар тоғлар ҳам,
Унутилар хушнуд чоғлар ҳам
Кўзларингда ғам кўрган куним.

Дил қушларим учар осмонга,
Ошиқ Эркин сиғмас жаҳонга,
Алёр айтгум сен бор маконга
Кўзларингда бахт кўрган куним.

## СЕВГИЛИМ

Билмаслар, тескари оқар дарёлар,
Кўкдан қуёш сочмай қўяр зиёлар,
Кўзларимга зимистондур дунёлар,
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Қолмас чаманларда ҳусн, тароват,
Тарк айлагай кўнгилларни ҳаловат,
Одамларда йўқлигидир адолат
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Даврон сурар бекзодалар азалдан,
Бефаҳмлар баҳра топмас ғазалдан,
Кетгани шу лаззат болдан, асалдан,
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Бир гул каби сарғаярман, сўларман,
Ҳижронингда бўлганимча бўларман,
Ғам-ғуссага чидай олмай ўларман,
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Ёмонларга инсоф берсин илоҳим,
Осмону фалакни тутмасин оҳим,
Қоматим хам бўлиб, сингани шохим,
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Бизни айирганни ўзи айрилгай,
Бахт кўрмайин, қанотлари қайрилгай,
Бир умр ногирон бўлгай, майрилгай,
Сени мендан айирсалар, севгилим.

Ҳувиллаб қолгайдур севги чамани,
Сенсиз яшашдан йўқ, қувончим, маъни,
Ошиқ Эркин, ер остинда кўр мани
Сени мендан айирсалар, севгилим.

## ХОРАЗМГА МЕҲМОН БЎЛИБ КЕЛСАНГИЗ

Чин юракдан ўйнаб-кулиб кутармиз,
Совға этиб жонимизни тутармиз,
Яйраб, учиб-қўниб хизмат этармиз,
Хоразмга меҳмон бўлиб келсангиз.

Юртимнинг довруғи қадимдан достон,
Юз неъматга тўлар ёйсак дастурхон,
Хизмат қилган сари бўлармиз шодон,
Хоразмга меҳмон бўлиб келсангиз.

Таъзим қилар сизга гумбаз минорлар,
Асрий кошоналар, азим чинорлар.
Баҳрингизни очур тўкин бозорлар,
Хоразмга меҳмон бўлиб келсангиз.

Бир кунга деб келиб, ҳафта қоларсиз,
Эртакларга яйраб қулоқ соларсиз.
Паҳлавон Маҳмуддан мадад оларсиз,
Хоразмга меҳмон бўлиб келсангиз.

Ошиқ Эркин жавлон урар хизматда,
Бўларсиз, дўстларим, ҳурмат-иззатда.
Қайтиб яна кўп келарсиз албатта,
Хоразмга меҳмон бўлиб келсангиз.

## ОЗАР ҚИЗИГА

Озар элин чўх гўзалсан, гўзали,
Сўзларинг қанд, новвот каби мазали,
Юргил, вафо боғин бирга газали,
Бахтим бўлгин, сени бошга тож этай.

Лолагун чеҳрангга қойил қолмишам,
Гўзларингдан завқу шавқлар олмишам,
Юр, санинг-ла чаманларга бормишам,
Бахтим бўлгин, сени бошга тож этай.

Саодатдан сенга мен тахт тиларман,
Сендан чўх бир гўзал йўқдур, биларман,
Юмшоқ алларим-ла сочинг силарман,
Бахтим бўлгин, сени бошга тож этай.

Қоматингни кўриб ақлим лол бўлди,
Бир оқшомда алиф қаддим дол бўлди,
Севиб қолдим, боқ, юзларим ол бўлди,
Бахтим бўлгин, сени бошга тож этай.

Ошиқ Эркин ноласига қулоқ қўй,
Хаёлингга ҳеч келмасин ёмон ўй.
Ўзбек ўғлонига қўл бер, парирўй,
Бахтим бўлгин, сени бошга тож этай.

## БЕДАВО ДАРД

Муҳаббат — касаллик, оғир, бедаво,
У юракни нишон олар бехато,
Сўнг жону жаҳонинг айлар истило,
Азалдан ошиқни куйдирган дард бу.

Севиб қолган дилга роҳат бегона,
Айлар у мардни ҳам дали-девона,
Ҳасрат ўти қилиб қўяр ҳайрона,
Азалдан ошиқни куйдирган дард бу.

Ишққа чалинганнинг ўтли навоси,
Ором бермас унга жаннат ҳавоси,
Тополмаслар табиблар ҳам давосин,
Азалдан ошиқни куйдирган дард бу.

Севги қалбга тушган чўғга баробар,
Вужудинг куйдирар сарви-санобар,
Бу тилсиз гулхандан олам мунаввар,
Азалдан ошиқни куйдирган дард бу.

Ўт қўяр жаҳонга келтирса рашкин,
Дарё этар кўздан оқизган ашкин,
Ёнганда *шифоси топилса кошки*,
Азалдан ошиқни ёндирган дард бу.

Висол деган бир шифоси бор унинг,
Севги — иқбол, гар вафоси бор унинг.
Чин ёр учун хуш ҳавоси бор унинг.
Азал вафосизни куйдирган дард бу.

Тарк этмасин элни севги деган дард,
Бардош берар озорига фақат мард,
Ошиқ Эркин, юқтирмагил унга гард,
Чин ошиқлар учун яралган дард бу.

## АЙТГАНИНГИЗ КЕЛСИН, ДЎСТЛАРИМ

Юртга тинчлик тилайсиз мудом,
"Хайрли тун" дейсиз ҳар оқшом.
Дейсиз: "Элдан кетмасин ором",
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Бахт тилайсиз, тилайсиз соғлик,
Ҳеч бўлмагай юраклар доғлик,
Деб тилак қилурсиз нечоғлик,
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Ҳар гўшада неки миллат бор,
Дилларида қулф урсин баҳор,
Дейсиз: "Бўлсин бахт-иқболга ёр",
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Омон бўлсин шу она-замин,
Боғлар йўқотмасин хуш таъмин,
Дея тилак қилурсиз амин,
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Осойишта кечсин ой, йиллар,
Асло уруш кўрмасин эллар,
Дейсиз: "Бахтдан яйрасин диллар",
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Дейсиз: "Осмон ёруғ, мусаффо,
Бўлиб турса айни муддао.
Шунда янграр алёр, шўх наво",
Айтганингиз келсин, дўстларим.

Дейсиз: "Дўстлик мангу бор бўлсин,
Бадниятлар хору зор бўлсин,
Барча элга иқбол ёр бўлсин",
Айтганингиз келсин, дўстларим.

"Шод яшайлик оламда мангу,
Йўламагай ҳеч кимга қайғу".
Ошиқ Эркин тилаги ҳам шу,
Айтганингиз келсин, дўстларим.

## ЖАҲОНГА СИҒМАСИН

Жаҳонга сиғмасман дарёдай тошиб,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.
Баланд тоғлардан ҳам ўтарман ошиб,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.

Нигоримга атр гуллар терарман,
Юлдузларни бир-бир олиб берарман,
Бахтим сари қучоқ очиб юрарман,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.

Қувонарман ҳар кўрганда бўйингни,
Нурли орзу ёруғ қилсин ўйингни,
Рози эсанг ўтказайин тўйингни,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.

Сендай соҳибжамол бўлар экан-да,
Жоним, оҳанрабо сеҳр бор сенда,
Юракдан севмоқни қилмасман канда,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.

Севги боғларининг сафоси ўзга,
Саҳро чаман бўлиб кўринар кўзга,
Ошиқ Эркин меҳри тушди сен қизга,
Юрагимнинг жўшган вақти шу кунлар.

## БУ ОҲУ КЎЗЛАР

Бу чеҳра, бу қомат, бу оҳу кўзлар,
Бу ибо, бу ҳаё, бу ширин сўзлар,
Бу дилбар назокат, қирмизи юзлар
Мен билган, мен кўрган ҳеч санамда йўқ.

Бу нозли кулгулар, товус юришлар,
Бу — дилга ўт солиб, мағрур туришлар,
Бу — жонни титратиб, майин кулишлар
Мен билган, мен кўрган ҳеч санамда йўқ.

Бу сарвиравон қад, бу хипча беллар,
Бу — болдан ҳам ширин, шакарқанд тиллар,
Бу меҳру садоқат, бу қайноқ диллар
Мен кўрган, мен билган ҳеч санамда йўқ.

Бундай вафодорлик, бундай кўрк-чирой,
Бундай қуёш боқиш, бундай тўлин ой,
Бундайин хушфеъллик, бундайин ҳумой
Мен билган, мен кўрган ҳеч санамда йўқ.

Бу сақоқ, бу ёноқ, ҳарир дудоқлар,
Бу мужгон, бу киприк, олов қучоқлар,
Бу ўтли сийнаю бодом қовоқлар
Мен билган, мен кўрган ҳеч санамда йўқ.

Ошиқ Эркин мадҳинг юракдан сўзлар,
Мақсади олийдур, бахтингни кўзлар,
Иқболинг олқишлаб ёнсин юлдузлар,
Сенинг бахт-иқболинг ҳеч санамда йўқ.

## БИР ЁР СЕВДИМ

Бир ёр севдим, гуллаб кетди ишларим,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.
Баҳорга айланди кумуш қишларим,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.

Ўзингдирсан менинг бебаҳо ганжим,
Ногаҳонда овунсам гар юпанчим,
Булоқ бўлиб тошди дилда қувончим,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.

Ҳотамийлик, мурувватни ўргатдинг,
Ёру дўстга чин ҳурматни ўргатдинг,
Садоқатни, муҳаббатни ўргатдинг,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.

Сен биландур гўзаллиги дунёнинг,
Мавжланиб оқиши дали дарёнинг,
Жаҳон аро жаҳонлиги зебонинг,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.

Дур кўрмадим ёноқдаги менгингдек,
Шайдо йўқдир, Ошиқ Эркин, сенингдек,
Неча мардни Мажнун этган менингдек,
Севги, сенинг тенгсиз экан қудратинг.

## ЁР, СЕНДАН

Кўкка етар бошим менинг бегумон,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.
Ҳазин булутлардек тарқалар гумон,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

Хуш наволар эсар сўлим боғлардан,
Дарёлар ҳам баҳра олар тоғлардан,
Нишон қолмас кўнгилдаги доғлардан,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

Жону жаҳонимда мавж урар дарё,
Яшариб кўринар кўзимга дунё,
Чекинар аламлар, чекинар рўё,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

Вафодоринг саломат бор, десалар,
Шодланардим қувончга ёр, десалар,
Салом айтди лоларухсор, десалар,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

Ҳамма деса: гўзалликда бебаҳо,
Сени кўрса қилар булбуллар наво,
Оромбахш таралар ҳар эсган сабо,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

Эрта саҳар қушлар қанот қоқсалар,
Кўк бағирлаб бағрим томон оқсалар,
Ошиқ Эркин эшигини қоқсалар,
Қизғин салом келтирсалар ёр, сендан.

## АЙРИЛМАС

Жаннат каби яшнаб турса ошиён,
Булбул гулдан, гул булбулдан айрилмас.
Атр бўй тараса чаманлар ҳар ён,
Гул булбулдан, булбул гулдан айрилмас.

Бир гўзални севиб қолсанг чин дилдан,
Таърифи тушмагай юракдан, тилдан,
Сўраб билгил дунё кўрган оқилдан,
Гул кўнгилдан, кўнгил гулдан айрилмас.

Хуш ёқар ошиққа боғлар ҳавоси,
Кўнглинг дарё этар шавқи, сафоси,
Дилда садо берса дилбар навоси,
Кўнгил гулдан, гул кўнгилдан айрилмас.

Дашту саҳроларда яйрар кийиклар,
Бир умр нолондур бағри куюклар,
Иқболга ёр садоқатда буюклар,
Дил сунбулдан, сунбул дилдан айрилмас.

Меҳрдан яшнаса ишқнинг саройи,
Оро берар гулга ёрнинг чиройи,
Юрак бўлар ноёб севгининг жойи,
Гул юракдан, юрак гулдан айрилмас.

Содиқ ёрга бахш айласанг ҳаётинг,
Сернаво янграгай қўшиқ, баётинг,
Гул каби покиза этсанг муродинг
Кўнгил гулдан, гул кўнгилдан айрилмас.

Айласа ёр умри-кунингни обод,
Ардоқлагин дилдорингни умрбод.
Ошиқ Эркин, гулгун яшнар гул ҳаёт,
Гул кўнгилдан, кўнгил гулдан айрилмас,
Булбул гулдан, гул булбулдан айрилмас.

## МУНЧА ГЎЗАЛ, МУНЧА ГЎЗАЛ

Бир қиз кўрдим париваш лар ичинда,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.
Учрамагай бундай чирой очунда,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.

Барча товус лол қоладур юрсаким,
Кокиллари юз бўладур ўрсаким,
Қоматига беш кетадур кўрса ким,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.

Пари десам париларнинг париси,
Йўл беришар париларнинг бариси,
Мафтун ошиқларнинг ёшу қариси,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.

Хиром этар унга чаманда гуллар,
Сарвлару суманбарлар, сунбуллар,
Чах-чах уриб учиб-қўнар булбуллар,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.

Жону жаҳон фидо унинг бўйига,
Меҳрим тушгай хаёлига, ўйига,
Ошиқ Эркин файз берадур тўйига,
Мунча гўзал, мунча гўзал, вой-бўй.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг деймаи, булбулим бўлсанг деймаи,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг деймаи.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Диллларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг деймак, булбулим бўлсанг деймак,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг деймак.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Диллларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг деймаи, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Диллрга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдоюю хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

# ҚОШУ КЎЗИНГ

Кўз олдимдан кетмас сира
Доим сенинг қошу кўзинг,
Дилларга ўт ёқмоқ учун
Қойим сенинг қошу кўзинг.

Бири ўқдир, бири ханжар,
Куйган юракнинг малҳами,
Севгим кўкида чақнаган
Ойим — сенинг қошу кўзинг.

Бири моҳдир, бири жоду,
Иккисига тенг садқа жон.
Меҳрим қайнаб-тошар, севган
Сойим сенинг қошу кўзинг.

Қошу кўзингни мадҳини
Хандон эшит дуторимдан,
Ёниб куйлар Ошиқ Эркин
Доим сенинг қошу кўзинг.

## ЗОРИМ БОРУ ЗЎРИМ ЙЎҚ

Муштоқман жамолингга, ойдай ҳусни олингга,
Шайдою хумордирман қирмиз лабда болингга.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Сунбулим бўлсанг дейман, булбулим бўлсанг дейман,
Жону дилимдан севган севгилим бўлсанг дейман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Бош эгиб боғда гуллар, бирга яйрасин диллар,
Яйратсин кўзларимни ғунчадек хипча беллар.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Кўкда учиб юрибман, юлдуз қучиб юрибман,
Ойнинг ол лабларидан шарбат ичиб юрибман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Ўзинг осмонда моҳим, етказма кўкка оҳим,
Бирга қўшган бўлсин-да насибамиз илоҳим.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

Содиқ ёринг бўларман, номус-оринг бўларман,
Бир умр, Ошиқ Эркин, вафодоринг бўларман.
Севдим сени, қоракўз, бил, ўзга дилдорим йўқ,
Айтай юракдан чин сўз: зорим бору зўрим йўқ.

## ДАВРИ-ДАВРОН СУРАЙЛИК

Садоқатлар билан безаб ҳаётни,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим.
Ишқ боғида жаранглатиб баётни,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим.

Таъзим этар йўлимизда сунбуллар,
Куйга солар севгимизни булбуллар,
Дарё бўлиб, тўлиб-тошар кўнгиллар,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим.

Дилда оташ муҳаббатим бор менинг,
Дурдай тоза садоқатим бор менинг,
Вафо деган саодатим бор менинг,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим.

Солма қулоқ одамларнинг сўзига,
Агёр улар доим ўзли-ўзига,
Маломатнинг тик қараб юр кўзига,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим.

Чин ошиқлар муҳаббатга ҳақлидур,
"Севги ёш танламас" — элнинг нақлидур,
Ошиқ Эркин сенинг билан бахтлидур,
Даври-даврон сурайлик, юр, севгилим!



*ТЎРТЛИКЛАР*

* * *

**Бир лаҳзагина ҳаёт кечирар томчи шабнам,**
**Унинг беғубор умри ибратлидир чунон ҳам.**
**Ошиқ Эркин, сен ундан тиниқликни ўргангил,**
**Ўрган биллурий софлик, тозаликни чинакам.**

* * *

**Ким Ватанга келтирар наф — доим эл ардоғида,**
**Юртни мардлар асрагай дил ва кўз қароғида.**
**Лоақал бир жуфт чинор эк, гул экиб гулшан ярат,**
**Нурли из қолдиргил, Эркин, гул диёр гулбоғида.**

* * *

**Поёни йўқ она юрт настарин дилим маним,**
**Боболарим руҳи-ла йўғрилган жисми-таним.**
**Уйим остонасидан бошланур, Ошиқ Эркин,**
**Кўзим корачуғида жо бўлган шу Ватаним.**

* * *

Севги завқига, жоним, қонсак бирга қонайлик,
Ё оташ ишқимиздан тонсак бирга тонайлик.
Оловларга сиғинган зардуштийлар наслимиз,
Муҳаббатнинг ўтида ёнсак бирга ёнайлик.

* * *

Қилган бўлса табиатнинг ўзи ҳиммат,
"Оққан дарё оқмай қолмас", бу рост ҳикмат.
Эркин меҳринг оқиб турган бир дарёдир,
Оқмай қолди, десалар, бу — аниқ туҳмат.

* * *

Севгинг бахш эт юраклардан юракларга,
Меҳринг нақш эт юраклардан юракларга,
Муҳаббатинг дарё бўлсин, Ошиқ Эркин,
Мисли Вахш эт юраклардан юракларга.

* * *

Яшамоқнинг қизиғи йўқ элу юртга ёқмасанг
Она-Замин сийнасига гул-чечаклар тақмасанг.
Сира яшаб ўтдим дема, Ошиқ Эркин, ўзинг ҳам,
Юраклардан юракларга дарё бўлиб оқмасанг.

* * *

Ёниб турган ўтдир дилим, яқин йўлама,
Огоҳ қилай: куйишинг бор, хунинг тўламам.
Баҳра олмас эсам дилинг ҳароратидан,
Ўшал соат, Ошиқ Эркин, беун ўламан.

* * *

Кимнинг кучу қудрати бўлса агар зиёда,
Ном қолдирар, шубҳасиз, ғолиб бўлиб дунёда.
Минг йиллик кўҳна тарих, ҳаёт сабоғидур бу,
Тенгмас ахир ўйинда фарзин билан пиёда.

* * *

Эй дарёдил, бўлай дейман наҳрингга муносиб,
Ғаввос бўлайин тўлқинли баҳрингга муносиб.
Меҳру садоқатим булоқ этмасам агар
Майли, бўлайин бир умр қаҳрингга муносиб.

* * *

Кўча-кўйим тўлдириб ҳар ўтганинг бир байрам,
Тўймай боқиб изингдан яйрайман шоду хуррам.
Бир кўрса минг қувониб жаҳонга сиғмас Эркин,
Айт-чи, минг кўриб бир йўл севинарсанми сен ҳам?

* * *

Иккимиз икки олам — сен бошқаю мен бошқа,
Сенга сайр, менга қалам — сен бошқаю мен бошқа.
Яшаш тарзимизда ҳам бўлак-бўлак фалсафа,
Сенга зар, менга алам — сен бошқаю мен бошқа.

* * *

Сенсиз кечган куним кунмас, ишонавер,
Сенсиз ўтган туним тунмас, ишонавер.
Бир дам айро тушсам минг йил каби ҳижрон,
На-да ишлаб ишим унмас, ишонавер.

* * *

Соғиниб тунларни тонгга улайман,
Ҳажрингда хитобим бонгга улайман.
Ноламдан лолалар ёнар осмонда,
Уларни маъюс оҳангга улайман.

* * *

Ҳуснда сенга тенг йўқ: буюклардан буюксан,
Латофатда бокарам — суюклардан суюксан.
Кўриб-билиб юрибман оёқ олишларингни,
Ошиқ Эркин, сен бағри куюклардан куюксан.

* * *

Ёмон кўздан ўзинг сақлан, юрак олгувчилар кўп,
Изинг пойлаб, ҳасад бирла қараб қолгувчилар кўп.
Бирор қулай фурсат пойлар, Ошиқ Эркин, ундайлар
Дўст бўлса-да, эҳтиёт шарт, оёқ чолгувчилар кўп.

* * *

Сен борсан, кўнглим тинч, олам мунаввар,
Бахтим, толеимсан, хуршиду анвар.
Ўзинг йўлчи юлдуз Ошиқ Эркинга,
Муҳаббат аталган эй буюк сарвар!

* * *

Жавоҳирот билан ололмам ҳушинг,
Ёқуту дур билан йўқ асло ишинг.
Сиру синоатин англадим, Эркин,
Ўзи ноёб гавҳар туриш-дурмушинг.

* * *

Ёқмоққа қасд этибсан, ёқишларинг ёқади,
Қошинг гоҳ чимириб, гоҳ қоқишларинг ёқади.
Кўрарга кўзларим йўқ, дейсану ошиғингга,
Ўғрин-ўғрин боқарсан, боқишларинг ёқади.

* * *

Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига,
Дея лоф урар ошнам, ишонмайман сўзига.
Гар рост эса ағёрлар қайдан пайдо бўлишди?
Ушбу савол севгисиз файласуфнинг ўзига!

* * *

Чиройга нон ботириб еб бўлмайди сира ҳам,
Ҳуснига бино қўйган қадрин билмас умрнинг.
Хунук бўлса-да ёринг, ақли бўлсин бокарам,
Ёритар-ку тунларни нури қора кўмирнинг!

* * *

Айладинг, дилдорим, жонимда ватан,
Яйрагай суҳбатингдан жон бирла тан.
Ошиқ Эркин жон чиқар айёмда ҳам
Яйраб дер: "Жонимни сен ол, гулбадан!"

* * *

Юрагимда ўчмас ўт ёқдинг, эй чеҳраси ол,
Дилрабо табассумдан яйраб олди дил ором.
Кўзлар иболи боқди, қушдай учди қўш ҳилол,
Бундай ёниқ қарашни кўрмагандим, дилором!

* * *

Ўзни тутиш, назокат, бу қадар ширин ибо,
Нақадар улуғворлик мужассам бу қоматда.
Чеҳрангдан нур ёғилур, офатижонсан, зебо,
Сендай сулувга етган бахтиёрдур омадда.

* * *

Туйғуларинг теранликда уммон қадар,
Муҳаббатинг юксакликда осмон қадар.
Меҳру садоқатинг эса, Ошиқ Эркин,
Тиниқликда гард юқмаган имон қадар.

* * *

Олам бўлар зимистон кўзларингни яширсанг,
Қора кийинар осмон кўзларингни яширсанг.
Садоқатга тўладир Ошиқ Эркин юраги,
Айт-чи, бўлурми бўстон кўзларингни яширсанг.

* * *

Минг ноз этса-да ҳушим ололмас сендан ўзга,
Ўзинг забт этган дилда қололмас сендан ўзга.
Юрагим торларини ўзинг чалдинг шўх-шўх,
Бундайин завқ-шавқ билан чололмас сендан ўзга.

* * *

Муҳаббатда тоғ каби бахт вафо билан,
Боғдан эсган хуш тароват сафо билан.
Чаманларнинг кўрки эрур хушхон булбул,
Ошиқ Эркин, дил сурури наво билан.

* * *

Бас айла қийноғингни, озоринг етиб ортар,
Бошимга солган ғавғо, "бозор"инг етиб ортар.
Ёмон урдинг, зарбангдан донг қотди ғамли бошим,
Менга хаёлан қурган мозоринг етиб ортар.

* * *

Ўзим севдим, энди ўзим куймоқдаман,
Куйганимни дил-дилимдан туймоқдаман.
Билолмас эканман яхши-ёмонни,
Энди кўзларимни бир-бир ўймоқдаман.

* * *

Жоним, ҳаёт чин муҳаббат билан гўзал,
Умр кўрки соф садоқат билан азал.
Вафо билан сайқал топсин ишқинг, Эркин,
Вафо барҳам топган жойда ўлим афзал.

* * *

Тутгил ўзинг доим ёмон кўздан нари,
Минг бор афзал юрмоқ ёмон сўздан нари.
Ёмон билан тенг келолмас ҳеч ким, Эркин,
Бахтинг эрур бўлса ёмон ўздан нари.

* * *

Ортиқ ишонмагил ўзингга ўзинг,
Бир кун ишонмассан сўзингга ўзинг.
Аччиқ зарбасин еб золим фалакнинг
Ёмон кўринарсан кўзингга ўзинг.

* * *

Элнинг кўзи — ойнаи жаҳон,
Кўриб турар айбингни ҳар он.
Бир бор эгри қадам боссанг бас,
Юртга қилар минг бор намоён.

* * *

Эгри босган қадамни эл билмас дема,
Кўрсатмай босарман, кўзга илмас дема.
Сенда икки кўз бор, элнинг нигоҳи минг,
Минг кўзнинг ҳеч бири парво қилмас дема.

* * *

Хиёнат қилганни эл кечирмайди,
Эл кечирса ҳамки, эр кечирмайди.
Беозор кўзлардан қон бўлиб оққан
Ёш қаърига олар — сел кечирмайди.

* * *

Беору беиболарда диёнат йўқ,
Иккиликдан оғир ва зўр хиёнат йўқ.
Энг ёмони қиёмат, деб қўрқитарлар,
Хиёнатдан даҳшатлироқ қиёмат йўқ.

* * *

Минг айланиб, минг эврилсам қабоқингдан,
Маҳшаргача олмасам лаб ёноқингдан.
Жаннат деганни ким кўрган, Ошиқ Эркин,
Йўқдир, жоним, ўзга жаннат қучоқингдан.

* * *

Дунё, бойликни найлай, менга ўзинг кифоя,
Даркор эмас асал, қанд — ширин сўзинг кифоя.
Оҳуларнинг тимқора кўзларидан недур наф,
Менинг кўзимга ёққан ҳинду кўзинг кифоя.

* * *

Жоним, жону жаҳоним холингга садқа бўлсин,
Эҳсоним бари ҳусну олингга садқа бўлсин.
Икки камон ҳилолинг дилим нишонга олмиш,
Жоним шу икки камон хилолингга садқа бўлсин.

* * *

Зулфингиз ҳар торина минг жон фидо,
Ул юзу қошу кўза имон фидо,
Лаълингиздек лаъл йўқ олам аро,
Ягона қаду қомата жаҳон фидо.

* * *

Саломатлигинг боис, шодликка ёр десинлар,
Тани-жони соппа-соғ, дим[1] бахтиёр десинлар.
Соғлик — хушчақчақликда, яйраб юр, Ошиқ Эркин,
Бир сенда ўн йигитнинг қуввати бор, десинлар.

* * *

Бу дунёнинг бол эса-да лаззати,
Нега керак ўйнамасанг-кулмасанг.
Кўнглингдаги дилдор билан ҳаз этиб,
Нега керак ўйнамасанг-кулмасанг.

---

1 Ди м — жуда.

* * *

Шаҳло кўз дилнавозим, соғ юрганинг ғанимат,
Севги боғида, яйраб, чоғ юрганинг ғанимат.
Ғаниматдир ҳар нафас, ғанимат отган одим,
Бошинг осмонга етиб, тоғ юрганинг ғанимат.

* * *

Муяссар бўлса гар менга муяссар,
Қундузсоч бошидан сочгай эдим зар.
Сарв қоматига бахшида жоним,
Табассуми билан кўнглингни ёзар.

* * *

Нозанинсан, нозанинга нозанин бир ёр муносибдур,
Нозанин ёрга шўху шан нозанин дилдор муносибдур.
Ул ошиқ бахтиёрдур бўлса бир нозанин ёри,
Бахтиёр ёрга тоза нозанин рухсор муносибдур.

* * *

Беғубору пок санам келгай азал минг йилда бир,
Мир Алишер янглиғ устод, зўр ғазал минг йилда бир
Ошиқ Эркиннинг қувончи кўк қадар етди, сарв,
Келгай оламни ёқиб сендек гўзал минг йилда бир.

* * *

Умр ўтиб бормоқдадир, тезлик йўқдир милга[1] тенг,
Унинг шитоб жавлонлари тоғдан оққан селга тенг.
Лекин, маним, Ошиқ Эркин, жонона ёрсиз ўтган
Ҳар куним ўн йил кабидур, ҳар туним юз йилга тен

---

1 Мил — соатнинг мили.

* * *

Ошуфта қараб қолди кеча бир қоракўз,
Кўнглимга-чи, ғам солди кеча бир қоракўз.
Ихтиёринг кетди қўлдан, Ошиқ Эркин,
Ақлу ҳушинг олди кеча бир қоракўз.

* * *

Мастона кулиб, суйди сени бир қорақош,
Ҳайрона қилиб қўйди сени бир қорақош.
Жилва қилиб, сеҳрли бир нигоҳ билан
Бағрингни ёмон ўйди сени бир қорақош.

* * *

Дўстнинг садоқатли бўлгани яхши,
Рақибнинг паймони тўлгани яхши.
Сирингга эҳтиёт бўл, Ошиқ Эркин,
Сир билган душманнинг ўлгани яхши.

* * *

Юрагимни эшиб-эшиб тор қилай дуторингга,
Чақ-чақ булбулларни ҳам зор қилай дуторингга.
Авжи баланд пардаларда янграт куйларинг, Эркин,
Муҳаббатнинг вафо шавқин ёр қилай дуторингга.

* * *

Кел, қушим, паймона тўлгай келмасанг,
Мулки дил вайрона бўлгай келмасанг.
Ошиқ Эркиннинг тугар бардошлари,
Гул каби ҳайрона бўлгай келмасанг.

* * *

Нозли боқиб, ҳушимни олиб кетдинг,
Юрагимга ларзалар солиб кетдинг,
Ўтлар ёқиб Ошиқ Эркин дилида,
Қуёш бўлиб мангуга қолиб кетдинг.

* * *

Бепарвогина юриб, ёнимдан ўтди-кетди,
Хуш ёқса-да димоғи, жонимдан ўтди-кетди.
Дарё бўлиб мавжланиб, тошди дилда қувончим,
Назокатда, чиройда хонимдан ўтди-кетди!

* * *

Жононлар ичинда ўзинг биринчим,
Лаблари асалу тишлари инжим.
Ошиқ Эркин юрагида йўқ, инон,
Сени севишдан бўлак бир илинжим.

* * *

Минглаб дилбар ичидан танлаган эдим сизни,
Тўтиё қилиб кўзга сиз босиб ўтган изни,
Ногаҳонда кетди ўт севгимиз саройига,
Навоий айтган каби: "Ишқ нобуд этди бизни"

* * *

Кўнглим неча замонким, ишқингни мубталоси,
Билмам, мубталоликнинг бўлғайми ҳеч адоси.
Муҳаббатда мен шуни билдимки, Ошиқ Эркин,
Мубтало юракларнинг минг йилгидур нидоси.

* * *

Сиз билмайсиз, бошқачасиз жуда ҳам,
Тошқиндирсиз дарёлар мавжидан ҳам.
Ошиқ Эркин ҳушин олдингиз, сизни
Жондан севган бахтиёрдур чинакам.

* * *

Яна кўрдим, гавҳарим, сен — ўша-ўша;
Қўли гулу чеварим, сен — ўша-ўша.
Сенинг ёдинг билан хуррам Ошиқ Эркин,
Тушимда ҳам севарим, сен — ўша-ўша.

* * *

Гулдан бўса олдим мен,
Қотиб қолдим ҳайратдан.
Ҳисларим булбул бўлиб,
Юрагимни сайратди!

* * *

Табиатнинг ўзи ёр чин ошиқлар хайлига,
Юр, жоним, муҳаббатнинг бир умрлик сайлига.
Розиман ситамларга, Ошиқ Эркин, ҳар йили
Уч юз олтмишу беш кун ёнсам ҳамки майлига!

* * *

Ҳижронида тортмоқдадурман "оҳ"лар,
Бермади далда "баёт", "сегоҳ"лар.
Ором излаб чарх уриш бенаф эрур,
Ороминг олсалар ўтли нигоҳлар.

* * *

Айлагил шаънингни, жоно, эҳтиёт,
Фарз эрур асрамоқ ёно эҳтиёт.
Бўлғуси бир кунда иқбол поймол,
Ким агар бўлмас имоно эҳтиёт.

* * *

Ошинг ҳалол бўлса кўчада ичгил,
Дея ваъз ўқиди енгил уриб дўқ.
Ўз овқатин ўзи бирор марта ҳам
Кўчада еганин кўрган одам йўқ.

* * *

Эл аро бадном бўлар бебурдлик этса кимда-ким,
Ҳам диёнат сарҳадидин ошиб ўтса кимда-ким.
Ошиқ Эркин, тут мудом "инсоф" деганнинг баридан,
Боши етгунча кетар ўзликдин кетса кимда-ким.

* * *

Севгим, сенга, эй хушзабон, ошиб борадур йилма-йил,
Васлинга етмоқ учун шошиб борадур йилма-йил.
Ошиқ Эркиннинг қувончига канора йўқ сира,
Қалби, бил, меҳринг билан тошиб борадур йилма-йил.

* * *

Юрмадим мен асло ғаним қасдида,
Чоҳ қазса ким — ётар ернинг остида.
Ошиқ Эркин, ойдин сенинг йўлларинг,
Чунки доим қўлларинг дил устида.

Роҳат-фароғатни улашган чоқда,
Донолар бўлмаган асло саноқда.
Дунё бунёд бўлиб, энг зўр луқмани
Доимо нодонлар еб келишмоқда.

* * *

Гар тугёнга келиб қўзғалса башар,
Маслаҳатни илм аҳлидан олишар.
Ғолиблик онлари нишонланганда
Аҳли дониш бир четкада қолишар.

* * *

Дафтарни безар "алиф",
"Алиф" китобнинг нақши
Ҳаммасидан, шу қурғур
Каллада бўлса яхши.

* * *

Ўтиб кетмоқда не осуда дамлар,
Бежо қўйилмоқда бир кўп қадамлар.
Чархипалак бўлиб кетар бу дунё,
Боши билан юриб қолса одамлар.

* * *

Қадимда кўп доно юрт, деб ўтишган,
Элига чин дилдан хизмат этишган.
Бугун эса тўқсон тўққиз фойиз мард
Ўзин ўйлайдиган бўлиб кетишган.

Яшаган умрингни сен ўлчамагил йил билан,
Мингта кирсанг ҳам бекор садоқатсиз дил билан.
Фидойи меҳнатинг-ла юртинг ардоғида бўл,
Оз бўлса-да соз умр боқий яшар эл билан.

* * *

Муҳаббат баҳори мавж урди дилда,
Шу боис, ўзгача ҳар тонг, ҳар сабо.
Мен достон этарман ишқингни элда,
Маҳваш, юрагимга келгин, марҳабо!

* * *

Етмиш йил эрк-ҳуқуқ деб
Эй, эзилган Орзиқул,
Яна етмиш йил чидаб,
Яхши кунлар орзу қил.

* * *

Эртаю кеч, жоним, сени ўйлайман,
Сени ёниб севишимни қўймайман.
Ошиқ Эркин шайдосидур жамолинг,
Муҳаббатдан тўйганим йўқ, тўймайман.

* * *

Севгисиз юракнинг вафоси йўқдир,
Булбулсиз чаманнинг навоси йўқдир.
Дилрабога ишқинг тушса мабода,
Ошиқ Эркин, билгил, давоси йўқдир.

* * *

Завқим менинг дарёдур васлингни куйлаб, эркам,
Мастона севганимни оламга сўйлаб, эркам.
Тонгларни улар тонгга шайдойи Ошиқ Эркин,
Сенга атаб мислсиз зўр қўшиқ ўйлаб, эркам.

* * *

Юракларга кўчирсам булбулларнинг навосин,
Адо айлаганим шу қалбимнинг муддаосин.
Мардона карам айлаб, ўзинг қодир худойим,
Ҳайрона ошиқларнинг вожиб этгил дуосин.

* * *

Эй, гулчеҳра қуёш, қамар — меҳри рўй,
Қомати шамшоду адлу сарв бўй,
Тенгсиз бахтиёрман, чун сени кўрган
Ҳар куним байрамдир, ҳар туним бир тўй.

* * *

Юракларга илҳом берган гул сара,
Чин юракдан кимни севсанг — шул сара,
Бир умрга йиғлаб ўтар ҳаётдан,
Кимки деса севги эмас — пул сара!

* * *

Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлса ҳамки азалдан,
Яшар мангу жой олиб номи қўшиқ, ғазалдан.
Ишқ домига илинган ошиқ борки, умрбод
Садоқатдан йироқ, деб нолиб келар гўзалдан.

* * *

Муҳаббат, биламан, сенинг кўзинг кўр,
Йўлимга қўйганинг нуқул тузоқ, тўр,
Мен-ку дош берарман, аммо қилмагил
Мендан ўзганинг ҳам пешонасин шўр.

* * *

Маҳкам боғлиқ бўлса ҳиммат камари
Олдиндан кўринур орзу самари.
Тилсим риёзатсиз очилмас, Эркин,
Барча мўъжизалар — илм гавҳари.

* * *

Жондан ҳам шириндир дўстнинг суҳбати,
Ақлга озиқдур доно ҳикмати.
Эркин, икковидан ола билсанг наф
Кун-бакун ошгуси дилнинг рағбати.

* * *

Қуртга ем дарахтнинг юмшоқ пўстлиги,
Саноқли дўстнинг ҳам бекам-кўстлиги.
Ошиқ Эркин, фақат ёмон кунингда
Билинар дўстингнинг содиқ дўстлиги.

* * *

Дилхуш яшайин десанг, дўстим, феълингни кенг тут,
Майда икир-чикир кўп, куйма, дилингни кенг тут.
Ҳаётнинг муқомлари минг йилгию турфаранг,
Ошиқ Эркин каби бўл — икковини ҳам тенг тут.

* * *

Одобдан яхши роз бўлмас,— деди, ҳақ устоз,
Камтарину одоблидур эл ичра мумтоз.
Сен ҳам одоб риштасин тут, эй Ошиқ Эркин,
Калта қўл ҳам одоб бирла бўлғай кўп дароз.

* * *

Йўқ жаҳонда нозу неъмат нондин азиз,
Нондир, ахир инсон учун жондин азиз.
Иккови ҳам азизликда бебаҳодур,
Аммо Эркинга йўқдир, имондин азиз.

* * *

Ўз элингда ҳар бир йил оғир бўлса ҳам аъло,
Ҳатто мушкул дамда ҳам топарсан дардга даво.
Минг беҳиштдан афзалдур она-юрт, Ошиқ Эркин,
Жудоликдаги кундан ёмони бўлмас асло.

* * *

Юртим, хизматингга шайман ҳар нафас,
Менга ёт ҳавойи, бегона ҳавас.
Фидойилар аро борлигим ҳақи,
Эркин ҳам фидойи ўғлим десанг бас.

* * *

Заминнинг ҳар зарраси тўтиёйи аслдур,
У гавҳарга айланган бирор ўтмиш наслдур.
Одамзод тупроқ билан тирикдур, Ошиқ Эркин,
Унга бир зарра бўлмоқ қонуни муттасилдур.

* * *

Бир ҳовуч тупроқда дунё мужассам,
Мужассам турфаранг бойликлари ҳам.
Шу тупроқда унган ноз-неъмат, Эркин,
Ҳаётнинг лаззати — жонларга малҳам.

* * *

Ташқарида қиш кезар, дилимда баҳор,
Атрофга чойшабин ёйган оппоқ қор.
Инжу ҳисларингдур бу, Ошиқ Эркин,
Қалбинг осмонидан ёғилган ашъор.

* * *

Билимнинг зийнати ақлдур азал,
Илмсиз бўлғуси даврада ўсал.
Ақлингни чархламоқ истасанг, Эркин,
Дониш ҳикматин бил дастуриламал.

* * *

Бир кафт тупроқда дунёни кўргум,
Йилт этса гар учқун — зиёни кўргум.
Хуш сўзлаб, хуш юрса, элга берса наф,
Шу одамда, Эркин, зуккони кўргум.

* * *

Юртимнинг ташвиши менинг ташвишим,
Не наф фарзандликдан, йўқ эса ишим.
Элини суйганлар азиздир элда,
Эл билан баҳордур ҳаттоки қишим.

* * *

Нопок дилли ғанимлар узоққа ярамаса,
Юртдошларим юзидан табассум аримаса.
Кўҳна Турон элида ҳур ҳаёт гаштин суриб,
Хандон яшаса дўстлар, ҳеч бири қаримаса.

* * *

Етмоқ бўлсанг муродинг гавҳарига,
Чидайбергил машаққатнинг барига.
Эркин, қўлга киритсанг қолма ғофил,
Чиқиб кетса кетар кўздан нарига.

* * *

Элга манзур ширинсухан, хуш одатлик,
Асл одам меҳнат билан саодатлик.
Бардамсану руҳинг тетик, Ошиқ Эркин,
Шу уч хислат туфайлидан саломатлик.

* * *

Қариб қолса саман от — ўринбосар той бўлар,
Тинмай мавж уриб оқса арикча ҳам сой бўлар.
Эзгу мақсад йўлида шошма, собитқадам бўл,
Ахир, мақол бор, Эркин: "Сабрли қул бой бўлар".

* * *

Ким ишлаб етибди яхши якунга,
Бахту саодатлар мукофот унга.
Текин тишлаб, текинхўрлик касб этган
Албат қолиб кетар афсусли кунга.

* * *

Ниятинг ушалмагай орзу билан,
Кам етишган мақсада инжу билан.
Ошиқ Эркин, сен ҳалол меҳнатни сев,
Ўтгай умринг шўху шан кулгу билан.

* * *

Дунёга келмоқнинг ўзи хуш ҳолдир,
Эр етиб, эл севсанг — ҳаётинг болдир.
Яхши хулқу сўзу иш билан, Эркин,
Шу кўҳна саройда яхши ном қолдир.

* * *

Ирода ва қудрат бирикса агар,
Тўфонларни даф этиши муқаррар.
Орзуйинг йўлида собитқадам бўл,
Мақсадга етарсан шунда, биродар.

* * *

Пешона терингдан яшнаса тупроқ,
Туҳфа қилар эҳсон кутгандан кўпроқ.
Меҳнат билан безат умринг китобин,
Пешонанг офтобдай бўлур ярқироқ.

* * *

Билинг, ялқов саодатга, бахту иқболга ёр бўлмас,
Гар ишдан қочса ким — ғирром, унингдекларда ор бўлмас.
Фидойилардан ўрнак ол, тоширгил ғайратинг, Эркин,
Меҳнатнинг баридан тутган икки оламда хор бўлмас.

* * *

Ўзга очган қўриққа даъво қилма, дўстгинам,
Шуҳрат тожин меҳнатсиз кийиб бўлмас сира ҳам.
Ошиқ Эркин, эл ичра мумтоз бўлай десанг сен,
Биллур каби соф бўлу, ҳалол тер тўк чинакам.

* * *

Бахтиёрдур кимки гар ҳимматлидур,
Ҳиммати бирла киши шуҳратлидур.
Ошиқ Эркин, барчасидан эл учун
Бахш этилган пок умр ибратлидур.

* * *

Меҳмонхонанинг тўри яхшиники азалдан,
Иззат-икромнинг зўри яхшиники азалдан.
Бас, яхши бўлай десанг касб этгил яхшиликни,
Эркин, юракнинг қўри яхшиники азалдан.

* * *

Замин кўкартирмас ҳар нав-ниҳолни,
Инсон яхши билар бу "қийлу қол"ни.
Бу ҳикмат мағзин онгла, Ошиқ Эркин,
Осонмас тамаддиқ айламак болни.

* * *

Ҳалол тер тўкканлар доим ҳалол ер,
Заминни ардоқлар элин севган эр.
Меҳнат қилиб, кунда минг бор эгилиб
Эъзозлаганларни ардоқлагай ер.

* * *

Бахту зебу зийнатинг — меҳнатингдан,
Обрў, қадру қимматинг — меҳнатингдан.
Элу юртга бахшида эт қудратинг,
Бил, нуфузу ҳурматинг — меҳнатингдан.

* * *

Жанжал, ғавғолардан ким кўп йироқдур,
Доноликдур, шунча кўп яхшироқдур,
Эркин, ким бадфеълу бадгуфтор бўлса
Орттирган "дунёси" доим фироқдур.

* * *

Учраб турар ҳаётда фисқу фасод ва риё,
Пуч туҳмату маломат жаллоддек бўғар гўё.
Агар чин инсон эсанг мардона умр кечир,
Зероким, Ошиқ Эркин, беш кунлик эмас дунё.

* * *

Зиқна бўлма, бўлгин очиқ қўл,
Шунда тошар давлатинг мўл-кўл.
Ҳотамликда ҳикмат кўп, Эркин,
Олтин куздай саховатли бўл.

* * *

Боғбон моҳир бўлса мева берар боғ,
Дуркун ҳосил билан элни қилар чоғ.
Ким касбин улуғлар, ўзи ҳам улуғ,
Ҳунарин севганнинг кўкси доим тоғ.

* * *

Суюк ном қолдирмас нокас, томтешар,
Буни яхши билар муаззам башар.
Эркин, эл дилида эзгулик билан
Дилбар қўшиқ бўлиб қолганлар яшар.

* * *

Ҳимматли эл ичра ардоқли мудом,
Карамсиз бўлса ким қучмас яхши ном.
Ҳотамлик — фазилат, бил, Ошиқ Эркин,
Саховат аҳлига барча эҳтиром!

* * *

Дўсти номувофиқдан қутилмоқ бўлсанг илло,
Зикру зиёратига бормайин қўйгил асло.
Ошиқ Эркин, ундайнинг миннатли луқмасидан,
Жонинг оғриб есанг ҳам таъна тоши минг аъло.

* * *

Тил — жавоҳир, қадрини билган — заргар,
Дурлар ёғдирар у ва қанду шакар.
Фақат қўрғонига огоҳ бўл, Эркин,
Балога қолдирар ланг очсанг магар.

* * *

Молу дунё тўпламоқни қилма ҳавас,
Бил, бойликка ҳирс қўймоқлик ўта абас.
Эркин, элга бахшида эт топганингни,
Битта майиз қирқ кишига етган-ку, бас.

* * *

Ўзгаларга сузмагил хуштор этиб кўзингни,
Давраларда билиб айт гапиргувчи сўзингни,
Ўрнагу андоза бил босган ҳар бир қадамни,
Ёмон ишлардан, Эркин, тийиб юргил ўзингни.

* * *

Ҳунари ноёбу қўли гул меъмор
Ҳатто юртлар оша топгай эътибор.
Инсонни касбу кор улуғлар, Эркин,
Номини шуҳратга безар бешумор.

* * *

Хусуматдан йироқ эса ким агар
Оқиллиги аён эрур муқаррар.
Ҳасад қилган тарихда ҳам кўп, аммо
Муродига етганми ҳеч, биродар?

* * *

Дунёда энг ёмон одат — бахиллик,
Оқибати фисқу фасод, жоҳиллик.
Ошиқ Эркин, икковидан минг авло
Соат сайин камол топган аҳиллик.

* * *

Одамлар зийнати яхшилик, ҳаё,
Доною мард эса яна ҳам аъло.
Фазилат аҳлига садқа бўлсин жон,
Шулар, Ошиқ Эркин, азал бебаҳо.

* * *

Бебаҳо эрурки, бармоқда юрар
Узукнинг кўзига жо бўлган гавҳар.
Юракдан жой олурсан, Ошиқ Эркин,
Сен ҳам шу гавҳардай бўлолсанг агар.

* * *

Нокаслар мақтови юракданмас, бил,
Пасткаш яхшилиги — ёмонлик буткул.
Рағбат қила кўрма уларга, Эркин,
Ўқувчи дўстга ҳам насиҳатим шул.

* * *

Бировга берсанг-у шодлансанг хушҳол
Ва миннат қилмасанг, юрсанг бемалол.
Энг ҳақиқий Ҳотам сендирсан, Эркин,
Сахий қалблар аро етук, баркамол.

* * *

Хушомадгўй ва очкўз, хасисдан қилгил ҳазар,
Охир албат улардан дилингга етар озор.
Ундайлар, Ошиқ Эркин, жиғилдони учун дўст,
Биринчи бўлиб шулар қулатмоққа чоҳ қазар.

* * *

Вужудингни чулғаб олса ранж, алам,
Нолон бўлиб ўксимагил сира ҳам.
Эркин, ойнинг ўн беш куни қоронғу,
Ўн беш куни равшан ахир чинакам.

* * *

Ёрдам бермас беақлга оқилнинг насиҳати,
Қанча қилсанг панду ўгит — бир пулчадир қиммати.
Ошиқ Эркин, ундайларга иши кўп табиатнинг
Зуваласин пишитмоққа етмай қолган ҳиммати.

* * *

Тама қилган хор бўлур, қаноат қилган азиз,
Текинхўрдан қолганми яхши ному яхши из.
Куч-қувватда каминг йўқ, Алпомишдайсан, Эркин,
Силланг қуриб қолсанг-да, тамагир бўлма ҳаргиз.

* * *

Кутилмаган даҳшатдур дўстинг қилса хиёнат,
Хиёнат этган дўстдан излаб юрма диёнат.
Ўксимагил сира ҳам, бардам бўл, Ошиқ Эркин,
Бир дўст йўқотган билан бўла қолмас қиёмат.

* * *

Чин инсонда бўлур тўртта фазилат:
Одобу Донолик, Ақлу Муҳаббат.
Бундай хислатлилар асл Одамдир,
Ҳаёт шулар билан касб этар зийнат.

* * *

Ҳимматдан юксак не бор бу жаҳонда,
Ҳимматлининг боши доим осмонда.
Нечоғлик бебаҳо фазилатдур бу,
Беҳимматлар эса доим армонда.

* * *

Мажлисларда яхши гап оз бўлсину соз бўлсин,
Нотиқлар маърузаси соз бўлсину оз бўлсин.
Ишқ аҳлида кўп ширин ноз бўлсину роз бўлсин,
Ошиқ Эркин ваъзларинг роз бўлса ҳам рост бўлсин.

* * *

Яхши сўз турганда ёмон не даркор,
Хуш сўзу хуш феъллик топгай эътибор,
Бад сўзлаб, бад юрма, бил, Ошиқ Эркин,
Эзгу ном қолдирмас асло бадгуфтор.

* * *

Асрлар тирикдур элда эзгу от,
Фидойи меҳнат-ла қолар у фақат.
Келтиргани учун, Эркин, элга наф
Яшаб келишмоқда Арасту, Суқрот.

* * *

Мақсудим эшитмоқ сендан доно байт,
Таоминг ўзингга, ширин бир сўз айт.
Эркин инсонликдан чиқди деябер
Ёлгиз дастурхонинг учун келган пайт.

* * *

Гўдак қўлидан ҳам келар ёмонлик:
Гоҳида тимдалаб, бермас омонлик.
Мард эсанг яхшилик қил, Ошиқ Эркин,
Ҳар қўлдан ҳам келмас бу қаҳрамонлик.

* * *

Асло тўлмас тамагирнинг ўпқони,
Мингбаъд ҳаром тама бирла топгани.
Қирққил, Эркин, текинхўрнинг пайини,
Ҳеч қаён йўл тополмасин чопгани.

* * *

Истак билдирганда баъзи бир "шер"лар
"Топганинг тўйингга буюрсин" дерлар.
Гоҳо ҳаром билан топилганни ҳам
Ўзлари тўпланиб, шу тўйда ерлар.

* * *

Ҳаёт кўп имтиҳон қилар кишини,
Меҳнатда ўтказар ёзу қишини.
Эркин, ором нима, билмай одатда
Кеч онглаб юрамиз дунё ишини.

* * *

Бойликка тўймайди одамнинг кўзи,
Фойдани кўзлайди ҳар битта сўзи.
Бекам-кўст эрса-да, Ошиқ Эркин,
Бахтим тугал, деган бормикан ўзи?

* * *

Таъқиб этса агар ҳасад ва бўҳтон,
Мажруҳ этмагунча қўймайди омон.
Кўролмаслик, ёлгон, туҳмат, Ошиқ Эркин,
Ўт ва сувнинг балосидан ҳам ёмон.

* * *

Энг ожиз — очкўздир, яхши биламан,
Озга қаноат қил, кўпни тилама.
Дунёча бойлиги бўлса ҳам асло
Хасислар бошини сира силама.

* * *

Зарга ружу қилган бўлар дарбадар,
Мол-дунёнинг кўпи кўп кони зарар.
Саломатликдадир ҳаёт лаззати,
Бойликмас, соғликни ўйла, бигодар.

* * *

Қаноатли бахтиёр, сабрли доно,
Икковида тўла ҳикмат ва маъно.
Мақол бордир, Эркин, "тамагир хору
Сабрли азиздир элда доимо".

* * *

Одобли, камтарин, мулойимсан гар,
Иззатинг ошмоғи элда муқаррар.
Бахилу золиму такаббур бўлсанг
Нафрат бўлажак сен орттирган самар.

* * *

Тама бирла тошса гар кимнинг сўзи,
Ўлмагунча тўлмас нафсининг кўзи.
Борингни баҳам кўр, эй Ошиқ Эркин,
Қаноатдан яхши бойлик йўқ ўзи.

* * *

Ота-онангга гар қилсанг ёмонлик,
Кутма фарзандингдан сен ҳам омонлик.
Яхшиликка яхшилик қайтар, Эркин,
Ахир, боқ, таёқ ҳам икки томонлик.

* * *

Гулистоннинг ўзи бир жаҳон, билсанг,
Ҳар гулда бир дунё сир ниҳон, билсанг.
Табиат серҳикмат хазина эрур,
Бағрида ҳали кўп дур пинҳон, билсанг.

* * *

Илҳом — қушдир, қанотлари унинг зар,
Дуру жавоҳирлар кўтариб учар.
Ҳолатингга қараб ранглар тўкар-у,
Кабутардек лип келар-да лип кетар.

* * *

Кунда минг бор таъзим қилиб ерга эгилар деҳқон,
Эгилгани сайин замин кўкка кўтарар чандон.
"Меҳнат қилган — элда азиз", нақлига сен амал қил,
Яхши ишинг, Ошиқ Эркин, қадрлангай бегумон.

* * *

Деҳқон чарчаш билмас ва билмас ҳордиқ,
Маъмурлик йўлида тер тўкар ортиқ.
Эркин, ундан ўргангил сен ризқ учун
Жону жаҳонни ҳам қилмоқни тортиқ.

* * *

Жонлар аро жавоҳирдир муҳаббат,
Ёниқ кўзларда зоҳирдир муҳаббат.
Вафодорни улуғлар, бебурдга ҳам
Жазо бермоққа моҳирдир муҳаббат.

* * *

Лабларингни ёндирмаса баногоҳ,
Оловлатмаса ё жону жаҳонинг,
Бил, бўса сеҳридан эмассан огоҳ,
Севги оташидан жўшмаса қонинг.

* * *

Севгинг хираланган чироқ бўлмасин,
Висолнинг ораси йироқ бўлмасин.
Висолга чора бор, айриликқа йўқ,
Ҳижроннинг охири фироқ бўлмасин.

* * *

Ишқ ила йўғрилмаса жон бирла тан,
Ундайин тан, билки, булбулсиз чаман.
Севгинг оташи билан ёқдинг мени,
Ошиқ Эркин дер: "Тасанно, гулбадан!"

* * *

Севгисиз юракда аҳд қайдан бўлсин,
Жўшқинлик, ҳаяжон, шаҳд қайдан бўлсин.
Муҳаббат — йўлчи юлдуз, Ошиқ Эркин,
Шу юлдуз бўлмаса бахт қайдан бўлсин.

* * *

Садоқатдир лутфу карам кошонаси,
Меҳр эрур сафоли ишқ нишонаси.
Муҳаббатда ким вафодор бўлса, унинг
Севги қуёшидан порлар пешонаси.

* * *

Қалбингни яшнатувчи зар нурли қуёш — ишқдур,
Ҳам минг шамли чароғу ҳам дурли қуёш — ишқдур.
Саодат ошиёнин олтин калитидур ул,
Ошиқ Эркин, умрбод сурурли қуёш — ишқдур.

* * *

Жаҳонни сиғдирган шу жажжи юрак
Сени сиғдириши муқаррар, бешак,
Сенга жой бўлмаса Эркин дилида,
Оламни жойламоқ унга не керак?

* * *

Шамол увиллайди, увиллар тўфон,
Довуллар қутирар, қутирар бўрон.
Улардан қудратлидир, Ошиқ Эркин,
Ошиқ юракларда қўзғалган туғён.

* * *

Айролиқ доғининг озори оғир,
Ўртаниб кетадир юрак ва бағир.
Чидаб келмоқдасан, чидайбер, Эркин,
Сабрли қул хор бўлмаган-ку, ахир.

* * *

Дилим ташналигин қондиргил, эркам,
Майли, ўт олдиргил танамни буткул.
Жоним керак бўлса сўнгги дамда ҳам
Битта бўсанг учун берардим, эй гул.

* * *

Сени ўйлайман, нигор, ётганда ҳам, юрганда ҳам,
Севгимиз мисли баҳор ётганда ҳам, юрганда ҳам.
Ошиқ Эркин васлинг орзусида тонглар орттирар,
Жисми-жоним беқарор ётганда ҳам, юрганда ҳам.

## ТУЮҚЛАР

Ҳаёл кўзгусида жонланиб ўтмиш
Неки кўрдим, кўзим олдидан ўтмиш.
Тушга ўхшаб кетди умримнинг ярми,
Босиб ўтган йўлим оловмиш, ўтмиш.

* * *

Ҳисларим қилди хитоб: оҳ, иста лаб,
Дил уйига кирди ёр оҳисталаб.
Кетди ўт жисмим аро гулхан бўлиб,
Қўйганимда лаб уза оҳиста лаб.

* * *

Севги отлик гулшанда барқ урган турфа гул — сиз!
Тасаввур қилиб бўлмас гулшанни турфа гулсиз.
Кимки сайрга кирмиш хушбўй чаман оралаб,
Чиқмас ул, Ошиқ Эркин, чамандан турфагулсиз.

## ҚАЙД

**Баъзи бошлар бор харсанг тош ёрар,**
**Баъзи тошлар бор — урсанг бош ёрар.**

## ВАТАНДОШГА

**Миллатинг ўлдирсанг ўлганинг яхши,**
**Узилган гул каби сўлганинг яхши.**
**Ва сақлай олмасанг она тилингни**
**Минг бора қора ер бўлганинг яхши.**



## *РАНГИН ОҲАНГЛАР*

### ТАРОНА

Соғиндим, офтобим, сени,
Ҳулкарим, моҳтобим, сени.
Бўсалари жон малҳами,
Хушбўй майинобим, сени.
Шулдир сенга юрак сўзим,
Бир кўрмакка зордир кўзим.

Кўчангдан минг ўтганим рост,
Йўлингта кўз тутганим рост,
Соғинч тўла аламларни
Ичларимга ютганим рост.
Шулдир менинг юрак сўзим,
Бир кўрмакка зордир кўзим.

Висолингта етай яйраб,
Рақиблар қолсин тиш қайраб.
Олқишласин шўх булбуллар,
Бахтимизни хандон сайраб.
Шулдир менинг юрак сўзим,
Бир кўрмакка зордир кўзим.

Сенинг тожу тахтинг бўлай,
Шараф-шонинг, бахтинг бўлай.
Меҳру имоним бахш этиб,

Хазинаи нақдинг бўлай.
Шулдир сенга юрак сўзим,
Бир кўрмакка зордир кўзим.

Сўзинг ширин, нашъалидир,
Мисоли май асалидир.
Ошиқ Эркинни яйратган
Пок муҳаббат машъалидир.
Бахтим ўзинг, чиндир сўзим,
Бир кўрмакка зордир кўзим.

## САОДАТИМСАН МЕНИ

Кел, умримга ҳамдам этай мен сени,
Севмас эсанг, гулим, нетай мен сени.
Истамасанг бу жойларда юришни,
Узоқларга олиб кетай мен сени.
Саодатли муҳаббатимсан мени,
Садоқатли муҳаббатимсан мени.

Рози эсанг зар либосга ўрайман,
Сарви қаддинг қучоғимда кўрай ман.
Рухсатингни, жоним, ота-онангдан
Ўзим бориб, ёлбориблар сўрайман.
Саодатли муҳаббатимсан мени,
Садоқатли муҳаббатимсан мени.

Ҳижронингда кун-бакуну ой сайин,
Гулим, севиб ёнганимни айтайин.
Ерга сиғмай, кўкда учиб юрибман,
Рози эсанг қучоғингга қайтайин.
Саодатли муҳаббатимсан мени,
Садоқатли муҳаббатимсан мени.

Вафо билан безаб севги боғини,
Даф этайлик юракларнинг доғини.
Раҳмат дер элимиз ишқ саройининг
Гулларга буркасак сўлу соғини.
Саодатли муҳаббатимсан мени,
Садоқатли муҳаббатимсан мени.

Вафоли бўл, эй қадди-бўйи шамшод,
Бевафонинг иши доимо фарёд.
Орзу-умидларинг ушалгай, эркам,
Ошиқ Эркинга дил берсанг умрбод.
Саодатли муҳаббатимсан мени,
Фароғатли муҳаббатимсан мени.

## БУЛБУЛ ГУЛГА ЗОР БЎЛМАСИН

Чаманлар кўрки гул билан,
Хуш наволи булбул билан.
Шундай гушанда сайр этсанг
Кўнглингдаги сунбул билан.
Гул булбулга зор бўлмасин,
Булбул гулга зор бўлмасин.

Диллар айро тушса ёмон,
Севги ўти ўчса ёмон.
Бошинг осмонга етганда
*Иқбол қушинг учса ёмон.*
Дил булбулга зор бўлмасин,
Булбул дилга зор бўлмасин.

Сунбулсиз боғни найларман,
Булбулсиз боғни найларман.
Юракка ором бермаган
*Кўнгилсиз боғни найларман.*
Кўнгил гулга зор бўлмасин,
Гул кўнгилга зор бўлмасин.

Гулларнинг сафоси яхши,
Булбулнинг навоси яхши.
Ошиқ юракларга малҳам
Гулшаннинг ҳавоси яхши.
Булбул гулга зор булмасин,
Гул булбулга зор бўлмасин.

**Сен гул бўлсанг, мен булбулинг,**
**Хуш бўйлар сочса сунбулинг.**
**Жондан севган Ошиқ Эркин**
**Навога тўлдирса дилинг.**
**Эркин гулга зор бўлмасин,**
**Гул Эркинга зор бўлмасин.**

## ҲАЛОВАТСИЗДИР СЕНСИЗ БУ ДУНЁ

Муҳаббатингдан мунаввар олам,
Ишқсиз юракни нобуд этар ғам,
Ёрсиз кўнгилнинг ҳар куни мотам,
Ҳеч кимса ёрсиз бўлмасин асло,
Тароватсиздир, ҳаловатсиздир,
Садоқатсиздир сенсиз бу дунё.

Сен бирла ойдин қоронғу тунлар,
Сен бирла доим шод ўтар кунлар,
Қўшиққа менгзар ҳаттоки унлар,
Ҳеч кимса ёрсиз бўлмасин асло,
Тароватсиздир, ҳаловатсиздир,
Садоқатсиздир сенсиз бу дунё.

Армонлари кўп дилбарсиз дилнинг,
Ҳасратла ўтгай ҳар куни йилнинг,
Мадори йўқдир жононсиз белнинг,
Ҳеч кимса ёрсиз бўлмасин асло,
Тароватсиздир, ҳаловатсиздир,
Садоқатсиздир сенсиз бу дунё.

Умрингни файзи нозик адолар,
Севгида тенгдур шоҳу гадолар,
Ардоқла ёринг, қилма хатолар,
Ҳеч кимса ёрсиз бўлмасин асло,
Тароватсиздир, ҳаловатсиздир,
Садоқатсиздир сенсиз бу дунё.

Қалбингда севги мўл, Ошиқ Эркин,
Мангу вафоли бўл, Ошиқ Эркин,
Шудир энг тўғри йўл, Ошиқ Эркин,
Ҳеч кимса ёрсиз бўлмасин асло,
Ҳаловатсиздир, тароватсиздир,
Садоқатсиздир сенсиз бу дунё.

## МЕНГА ҲАМ ЕТДИ НАВБАТ

Етиб менга ҳам навбат тонглар отди сафоли,
Кўнгиллар топди роҳат оромижон, наволи.
Кўргач бир-биримизни бошларимиз айланди,
Дилларимиз риштаси бир-бирига бойланди.
Севгинг билан бошимни осмон этган ёримсан,
Ўргулай бўйларингдан, ўлиб етган ёримсан.

Ғунча муҳаббатингга қурбон қилай ўзимни,
Қадрингга етмасам гар ишқ кўр қилсин кўзимни.
Васлингга-ку етишдим, дўст ҳам, душман ҳам лолдир
Ағёрни энди, жоним, вафода ҳайрон қолдир.
Севгинг билан бошимни осмон этган ёримсан,
Ўргулай бўйларингдан, ўлиб етган ёримсан.

Рақиб олдидан доим мардона юриб-кечким,
Биздай ошиқ-маъшуқни кўрмаган ҳали ҳеч ким.
Қуёш бўлиб чақнасин саодатдан оразинг,
Олқишлагай бахтимиз бахти кулган Хоразм.
Таралсин десанг ёғду иқболимиз йўлидан,
Ўлгунича маҳкам тут Ошиқ Эркин қўлидан.

Севгинг билан бошимни осмон этган ёримсан,
Ўргулай бўйларингдан, ўлиб етган ёримсан.

## МЕҲРИМНИ СЕЗСА ЗОРА

Бўлмоқда бора-бора
Севгим элга ошкора.
Ақлу ҳушим олди у
Шайдо этиб тобора.
Қуралай кўзли нигора
Меҳримни сезса зора.

Гар сўрсангиз ёшини,
Чимириб қарар қошини.
Арзир оёқларига
Ҳар ким қўйса бошини.
Меҳримни сезса зора
Қуралай кўзли нигора.

Нур ёғилар юзидан,
Кулиб турган кўзидан.
Яйрайди жисми-жоним
Бол томган ҳар сўзидан.
Қуралай кўзли нигора
Меҳримни сезса зора.

Кўксидаги нормикан,
Севгимга ул зормикан,
Билмадим, уни мендай
Жондан суйган бормикан?
Шаҳло кўзли нигора
Меҳримни сезса зора.

Хипчабел, дўмбоққина,
Қаймоқдан ҳам оққина.

Боқишлари мулойим,
Бирам хушчақчоққина.
Қуралай кўзли нигора
Меҳримни сезса зора.

Севиб қолдим, биларман,
Энди мен не қиларман.
Сезмаса-да меҳримни,
Мен унга бахт тиларман.
Қуралай кўзли нигора
Бир боқса бас мен зора.

Сочлари мушки анбар,
Чеҳраси мисли анвар.
Ошиқ Эркин юраги
Ишқи билан мунаввар.
Қуралай кўзли нигора
Меҳримни сезса зора.

Бўлибдир бора-бора,
Севгим элга ошкора.
Уялтириб қўймасдан
Энди ўзинг топ чора.
Васлинг йўлида нолон
Бўлмоқдаман тобора.
Жондан ширин нигора
Меҳримни сезса зора.

## "ЛАЗГИ" ТУШИНГ, ВОҲАЙ-ВОҲАЙ

Созандалар, бўлинглар-ай,
Торни қўлга олинглар-ай,
Тонг отгунча ўйноғали,
"Ўйноли"ни чолинглар-ай.
Давра олиб, оҳай-оҳай,
"Лазги" тушинг, воҳай-воҳай.

Мастона қизлар ўйнасин,
Дўстона қизлар ўйнасин,
Йигитларни доғда қўйиб,
Дурдона қизлар ўйнасин.
Давра олиб, оҳай-оҳай,
"Лазги" тушинг, воҳай-воҳай.

Ўн беш ёшга ёшартирар
Яйраб олган лаззатингиз.
Чайқалингиз дарё бўлиб,
Ўйнаб-ўйнаб ҳаззатингиз.
Давра олиб, оҳай-оҳай,
"Лазги" тушинг, воҳай-воҳай.

Муҳаббатни куйланг тошиб,
Кетманг лекин ҳаддан ошиб.
Йигитларнинг ёнсин кўзи,
Асал қизларга қарашиб.
Давра олиб, оҳай-оҳай,
"Лазги" тушинг, воҳай-воҳай.

Ошиқ Эркин сизлар билан,
Юзлари қирмизлар билан.
Ўйнаса илҳоми тошар
Ойдай гўзал қизлар билан.
Давра олиб, оҳай-оҳай,
"Лазги" тушинг, воҳай-воҳай.

## ЖОНИМ ГИРИФТОР

Ёдинг билан яшайман,
Ёринг бўлишга шайман.
Таклифим рад этиб, сўнг
Қилиб юрма пушаймон.
Бўлсанг содиқ ёр менга,
Жоним гирифтор сенга.

Ярашмас ишқда фармон,
Сенсан юракда армон,
Лайлим, қанийди бўлсанг
Дардимга ўзинг дармон.
Бўлсанг содиқ ёр менга,
Жоним гирифтор сенга.

Сенга деб гуллар терсам,
Қувониб кўкрак керсам,
Нарвон қўйиб осмонга
Юлдузни олиб берсам.
Бўлсанг содиқ ёр сенга,
Жоним гирифтор сенга.

Юрагим меҳр кони,
Ўзингсан дури они.
Энди сеники бўлар
Хиванинг бор дўкони.
Бўлсанг содиқ ёр менга,
Жоним гирифтор сенга.

Ошиқ Эркинни шод эт,
Умрин хушу обод эт.
Жоним, сенингман, дея
Юракдан қасамёд эт.
Бўлсанг содиқ ёр менга,
Жоним гирифтор сенга.

## БОҒИМ-БАҲОРИМ, КЕЛА ҚОЛ

Боғим-баҳорим, кела қол,
Сўлим наҳорим, кела қол,
Ҳаётимнинг гултожи, ҳей
Ардоқли ёрим, кела қол.
Қурбониман юришларинг,
Гавҳар сочиб кулишларинг.

Бир-бир босиб келсанг нетар,
Муштоқлигим билсанг нетар,
Жумла-жаҳонни яшнатиб
Кулсанг нетар, кулсанг нетар.
Қурбониман кулишларинг,
Товус каби юришларинг.

Мастона кел, хумор боқай,
Қалбингга ишқ ўтин ёқай.
Меҳри дарё Тоҳир бўлиб,
Меҳринг дарёсинда оқай.
Қурбониман юришларинг,
Гавҳар сочиб кулишларинг.

Элни ҳайрона этиб кел,
Яйраб, сайрона этиб кел,
Рақибларнинг, ўйнаб-ўйнаб
Дилин вайрона этиб кел.
Қурбониман кулишларинг,
Товус бўлиб юришларинг.

Сунбулга ўхшайсан юрсанг,
Булбулга ўхшайсан кулсанг.
Ошиқ Эркин учун, эркам,
Байрам бўлиб кетар келсанг.
Қурбониман юришларинг,
Гавҳар сочиб кулишларинг

## СЕВГИ БИЛАН ЧАРОҒОНДУР КОИНОТ

Севги билан чароғондур коинот,
Ишқ мулкига султон эрур паризод,
Дил саройи садоқат бирла обод,
Муҳаббатим агар айласанг барбод,
Ерлар уриб дод соламан, яна дод.

Вафосизлик ёмон, яхши биларман,
Сочларингни меҳр билан силарман,
Сенга иқболдан тожу тахт тиларман,
Муҳаббатим агар айласанг барбод,
Ерлар уриб дод соламан, яна дод.

Ўзинг юрагим бўл, дардинг олайин,
Бахтинг уйин садоқатдан солайин,
Ўлгунимча жонинг бўлиб қолайин,
Муҳаббатим агар айласанг барбод,
Ерлар уриб дод соламан, яна дод.

Имоним байроқдур, маҳваш, йўлингда,
Чарх урайин ҳам ўнгинг, ҳам сўлингда,
Ҳаётим, мамотим сенинг қўлингда,
Муҳаббатим агар айласанг барбод,
Ерлар уриб дод соламан, яна дод.

Ошиқ Эркинингни бахтиёр этгил,
Ҳиммат ила саодатга ёр этгил,
Ҳаётдан бир умр миннатдор этгил,
Муҳаббатим агар айласанг барбод,
Ерлар уриб дод соламан, яна дод.

## ҒОЛИБ ТОНГ НАШИДАСИ

Бир минг тўрт юз ўн саккиз кун
Давом этди улуғ жанг,
Ватан учун ёвга шердек
Ташландилар ўғлонлар.
Айладик биз манфур душман —
фашистларнинг ҳолин танг,
Ғалабага бошлайверди
Тўкилган қутлуғ қонлар.

Миллионлар қирғин-барот
Жангнинг бўлди қурбони,
Босқинчини ер тишлатмоқ
Бўлмади ахир осон.
Минглаб қишлоқ, шаҳарларнинг
Кўкка чиқди тўзони,
Бир минг тўрт юз ўн саккиз кун
Зулматда қолди осмон.

Ва ниҳоят, ўз уйида
Таслим бўлди олчоқ ёв,
Совет халқи зарбасидан
Бўлди шарманда-шомин.
Адолатнинг ҳукми эди
Душман учун беаёв:
Гўрга тиқдик Гитлер бошлиқ
Қаттол фашизм номин.

Шараф тонги шафақ нурлар
Тараб отди ўшал кун,
Ўшал кунни фахр билан
"ҒАЛАБА" деб атадик.
"Ғалаба" деб бўлган эди
Ахир бизнинг бағир хун,
Ғолиблик байроғин шул кун
Рейхстагга қададик.

Қирқ беш йилки, юракларда
Ғолибликнинг сурури,
Қутлуғ кунда бўлурми ҳеч,
Дўстлар, ўйнамай-кулмай.
Қалбимизда шоён бир мавж —
Буюк зафар ғурури,
Муборак сенга, Ватандош,
Машҳур Тўққизинчи май.

## ИККИМИЗНИНГ МУҲАББАТГА

Нурлар ёғилур ёноқларингдан сенинг,
Ҳикмат тўкилур дудоқларингдан сенинг.
Жилва қилиб кўзларимни ёндирган
Лоларухсор сақоқларингдан сенинг.

**Нақорат:**

Бу дунёда топилмас деб,
Арзийди қилсак ҳайрат;
Иккимизнинг муҳаббата
Данг галажак муҳаббат.

Ҳушимни олиб қўйибсан нозинг билан,
Наввот каби ширин-шакар розинг билан.
Севгимизнинг мадҳи юртга таралди,
Дилларни забт этган шўх созинг билан.

**Нақорат:**

Ошиқ Эркин тўлиб-тошиб қутлар бизни,
Бир-бирини жондан севган йигит-қизни.
Бир умрга жони бўлсам ярашмасми
Садоқатли сендай лаблари қирмизни.

Нақорат:

Бу дунёда топилмас деб,
Арзийди қилсак ҳайрат:
Иккимизни муҳаббата
Данг галажак муҳаббат.

## АЛИМ АЛИНГА ДЕЙГАНДА[1]

Ой нигорим, кел ёнима,
Ўзинг жон бўлгин жонима.
Жон бўлмасанг сен жонима
Қолишинг аён қонима.
Ўт бўлиб энди жаҳоним
Алим алинга дейганда.
На бўлар, айт, эрка хоним,
Мен сени ёниб суйганда.

Қайси бир чаман гулисан,
Кимни сочи сунбулисан.
Менинг иқболимни куйла
Бўлиб боғим булбули сан.
Ўт бўлиб энди жаҳоним
Алим алинга дейганда.
На бўлар, айт, эрка хоним,
Мен сени ёниб суйганда.

Этма ёрим бир ҳол мени,
Қаймоғим бўлиб қол мени.
Ўзинг гуллат оғушимни,
Турган-битганим бол мени.
Ўт бўлиб энди жаҳоним
Алим алинга дейганда.
На бўлар, айт, эрка хоним,
Мен сени ёниб суйганда.

---

1 Қўлим қўлингга текканда.

Севиб қолдим бир кўрганда,
Боғим яшнатиб юрганда.
Кўкка юбориб етгай бошим
Сочларингни қирқ ўрганда.
Ўт бўлиб энди жаҳоним
Алим алинга дейганда.
На бўлар, айт, эрка хоним,
Мен сени ёниб суйганда.

Тўғри келиб ой ва йиллар,
Бир-бирини топди диллар.
Бугун сенга Ошиқ Эркин
Жўр бўлиб сайрар булбуллар.
Ўт бўлиб энди жаҳоним
Алим алинга дейганда.
На бўлар, айт, эрка хоним,
Мен сени ёниб суйганда.

## ИШОН, ЭРКАМ

Лабларинг жомидан узатиб гулоб,
Айладинг ҳолимни забуну хароб.
Айтгил, бундан хушбўй бормикан шароб,
Болдай азобингдан ширин бир азоб,
Ойдай висолингдан яхши бир висол.

Сеҳрлаб қўйдингми, айланди бошим,
Ўт бўлиб ёнмоқда ичим ҳам тошим.
Айтгил, борми, бағри момиқдек тошим,
Болдай азобингдан ширин бир азоб,
Ойдай висолингдан яхши бир висол.

Ҳар гал ўтганингда дилимни ғашлаб,
Қолурман изингдан нигоҳим ташлаб.
Топмасман чопсам-да кўзимни ёшлаб,
Болдай азобингдан ширин бир азоб,
Ойдай висолингдан яхши бир висол.

Баҳор келиб, дилдан чекинди алам,
Ишқимнинг саройи сен бирла кўркам,
Ошиқ Эркинга йўқ, ишонгил, эркам,
Болдай азобингдан ширин бир азоб,
Ойдай висолингдан яхши бир висол.

## ТУРНАЛАР

Осмонимдан учиб ўтган турналар,
Кўрдингизми, севар ёрим бормикан?
Келарми деб кўз тутарман йўлига,
Йўлларимга ул ҳам интизормикан?

Тезроқ келгин дея нома йўлладим,
Саҳарларда висолини ўйладим,
Орзуларим юлдузларга сўйладим,
Висолимга ул ҳам интизормикан?

Гўзалликда ягонадир диёрим,
Булбулларга ошиёндир гулзорим.
Висол чаманига келсин дилдорим,
Ул ҳам мени бир кўрарга зормикан?

Пахтазорда жавлон уриб ишлашиб,
Садоқат боғида қўллар ушлашиб,
Юрайлик чаманда кўнгил хушлашиб,
Кўнглимга муносиб яхши ёрмикан?

Осмонимдан учиб ўтган турналар,
Кўрдингизми, севар ёрим бормикан?
Келарми деб кўз тутарман йўлига,
Йўлларимга ул ҳам интизормикан?

## ҚИЗЛАР КЎЗЛАРИМНИ ЁҚАР БЎЛДИЛАР

Бугун ўн саккизга кирдим саломат,
Қизлар кўзларимни ёқар бўлдилар.
Бари хушлатофат, бари аломат,
Юрагим ўйнатиб боқар бўлдилар.

Ёнган вужудимга ларзалар солиб,
Дамда мафтун этиб, дамда хуш олиб,
Меҳрим, муҳаббатим куй қилиб чолиб,
Ҳисларим дарёдай оқар бўлдилар.

Ором қайда дейсиз, дўстлар, бу ёшда,
Бўсалар орзуси чарх урар бошда,
Гўзаллар жамолин товлаб қуёшда,
Сурмали қошларин қоқар бўлдилар.

Бу қандай тилсимдир, бу қандайин сир,
Ўн саккизда қизлар айласа асир,
Ўйноқи нигоҳим ёқиб бирма-бир,
Қўлларин бўйнимга тоқар бўлдилар.

Севмоқ-севилмоқнинг хуш мавсуми бу,
Нурли муҳаббатнинг табассуми бу,
Ошиқ Эркинга ҳам бахш этиб ёғду,
Қизлар кўзларимни ёқар бўлдилар.

## ЭЙ, МЕҲРИБОН ЮРАКЛИМ

Варслинг билан банд ўйим, тенгдир бўйингга бўйим,
Тинмай хаёл сурарман қачон бўлар деб тўйим.
Эй, меҳрибон юраклим,
Сенсан менинг кераклим.

Гўзаллар ичра зебо, меҳрим сенга бир дунё,
Висолга талпинишни мендан ўргансин дарё.
Гулдай нозик билаклим,
Сенсан менинг кераклим.

Орзуларим бир олам, тарк этсин дилни волам,
Етар йўлингда чеккан фарёду ўтли нолам.
Эй, покиза тилаклим,
Сенсан менинг кераклим.

Юлдузмисан осмонда, қундузмисан уммонда,
Сунбулмисан ё, жоним, чаманларда, бўстонда.
Ёниб турган кўйлаклим,
Сенсан менинг кераклим.

Гул тақибсан қулоққа, меҳринг ўхшар булоққа,
Розиман борсам ҳатто, ёр, сени деб узоққа.
Эй, дур, тилло зираклим,
Сенсан менинг кераклим.

Аҳдинг барқарор бўлсин, тахтинг барқарор бўлсин,
Ошиқ Эркин бахтига бахтинг барқарор бўлсин.
Эй, меҳрибон юраклим,
Сенсан менинг кераклим.

## СЕН МЕНИ ДЕСАНГ НОЗЛАНИБ

Юракларим тошиб кетар,
Кайфиятим ошиб кетар,
Ағёр бошин қошиб кетар,
Меҳринг бериб, пардозланиб,
*Сен мени десанг нозланиб.*

Хандон кулар дилда баҳор,
Чандон кулар дилда баҳор,
Ҳар он кулар элда баҳор,
Барчиндай бўлиб ғозланиб,
Сен мени десанг нозланиб.

Ёзим, кузим, қишим-да сен,
Ўн икки ой тушимда сен,
Доим ақлу ҳушимда сен,
Кўксингга уриб, розланиб
Сен мени десанг нозланиб.

Сенсан дилимнинг дилбари,
Ором йўқ кўргандан бери,
Очсанг қучоғинг мен сари —
Кетгай ишларим созланиб,
Сен мени десанг нозланиб.

Ошиқ Эркин доим омон,
Сени ёмон деган ёмон.
Ишқинг-ла яшнар бу макон,
Умринг кечар эъзозланиб,
*Сен мени десанг нозланиб.*

## ДИЛОРОМ

Кўзлар тушса сеҳрлайсан дилларни,
Турфа чаманларда бор сунбулларни,
Орзусин ушатгил зор кўнгилларни,
Ўйнаб-ўйнаб юракларга бер ором,
Хива маликаси — гўзал дилором.

Меҳрингни қуёш қил, зоринг исинсин,
Бемеҳр рақиблар кўриб қисинсин,
Вер-беринг тутганнинг қўллари синсин,
Ўйнаб-ўйнаб юракларга бер ором,
Хива маликаси — гўзал дилором.

Завқ оламан — сўзларингни боли бор,
Гул юзингни кўз ўйнатар холи бор,
Агёрга дил берма — қийлу қоли бор,
Ўйнаб-ўйнаб юракларга бер ором,
Хива маликаси — гўзал дилором.

Бахтдур сенга Ошиқ Эркин тилаги,
Сени кўрганларни ўйнар юраги,
Ўзингдурсан чин ошиқнинг кераги,
Ўйнаб-ўйнаб юракларга бер ором,
Хива маликаси — гўзал дилором.

## ТИНЧГИНА ЯШАШГА НЕ ЕТСИН

Эҳтироси тошган одамлар,
Ўйлаб кўриб бир фикр этсин:
Бежо қўйилмасдан қадамлар,
Тинчгина яшашга не етсин.

Осойишта шу ҳур ҳаётнинг
Қадриятин билмасак агар,
Остида қолурмиз уятнинг,
Қилар биздан келажак ҳазар.

Барча миллат якдил, дўст, иноқ,
Аҳил яшаш тоғдай буюк бахт.
Ўйлаб кўринг буни яхшироқ,
Аҳилликда яшнар тожу тахт.

Ўйлаб кўринг: дўстлик туфайли
Фашизмни тор-мор этдик биз.
Бўстонларга айланди чўллар,
Саҳроларни гулзор этдик биз.

Меҳр билан, оқибат билан
Ардоқлайлик бир-биримизни.
Жаҳон аро достон этайлик
Қудратини шууримизнинг.

Ошиқ Эркин, тошқин одамлар
Ўйлаб кўриб бир фикр этсин.
Бежо қўйилмасдан қадамлар,
Тинчгина яшашга не етсин.

## СЕН БИРЛА ЮРСАМ ЁНМА-ЁН

Юртим менинг жаннатмакон, унда ўзинг бахтим, инон,
Йўқ сен каби қоши камон, илҳом келар ғунчамиён
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

Таъзим этар боғларда гул, хуш бўйидан яйрар кўнгил,
Мадҳинг тошиб куйлар булбул, шаҳло кўз,
эй ғунчамиён,
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

Ҳар ён боқиб хумор-хумор, тарқаб кетар дилдан
ғубор,
Тошгай юракда ифтихор, эй ол ёноқ, ғунчамиён,
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

Сарҳад билмас бу тор жаҳон, сайронга биз чиққан
ҳамон,
Осмон бўлар бошим, инон, эй дилбари ғунчамиён,
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

Минглар дилин хушлаб қолар, кўплар бармоқ тишлаб
қолар,
Агёр юрак ушлаб қолар, эй маҳваши ғунчамиён,
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

Ошиқ Эркиннинг жонисан, сабза гулу хандонисан,
Маҳшаргача жононисан, йўқдир ғамим, ғунчамиён,
Сен бирла юрсам ёнма-ён.

## КУНДА КЕЛ, ЁР, КУНДА КЕЛ

Кундуз офтобим менинг, тунда моҳтобим менинг,
Сенсиз йўқ тобим менинг, энди жоним, кунда кел,
Хоҳ кундуз, хоҳ тунда кел, тошсин десанг қувончим
Бунда келди, ёр, бунда кел.

Кўнглимиз тоғдир энди, юраклар чоғдир энди,
Рақиблар доғдир энди, энди жоним, кунда кел,
Хоҳ кундуз, хоҳ тунда кел, тошсин десанг қувончим
Бунда кел, ёр, бунда кел.

Нурга белаб саҳарни, яшнат лайли наҳорни,
Бахш этарман баҳорни, энди жоним, бунда кел,
Хоҳ кундуз, хоҳ тунда кел, тошсин десанг қувончим,
Кунда кел, ёр, кунда кел.

Лол этсин элни ҳайрат, Ошиқ Эркинни яйрат,
Қилиб мардона ғайрат, бунда кел, ёр, бунда кел,
Хоҳ кундуз, хоҳ тунда кел, тошсин десанг қувончим
Кунда кел ёр, кунда кел.

## ДИЙДОРИНГГА ТЎЙМОҚ ЙЎҚ

Дилнавозим, ҳам қуёшсан, ҳам ойсан,
Лоларанг чамандай чиройга бойсан,
Неча йил деганда бошимга қўнган
Менинг иқбол қушим, мисли ҳумойсан.
Бу дунёда сенинг каби қаймоқ йўқ,
Қанча боқмай дийдорингга тўймоқ йўқ,
Ой юзингдан яйраб баҳра олай деб,
Хумор-хумор термулишни қўймоқ йўқ.

Кўзлари тушса гар ҳуснингга ҳурлар
Изларингдан ҳайрон қараб қолурлар.
Порлаб юришларинг мисли товусдек,
Гўзаллик боғига ғавғо солурлар.
Бу дунёда сенинг каби қаймоқ йўқ,
Қанча боқмай дийдорингга тўймоқ йўқ.
Ой юзингдан яйраб баҳра олай деб,
Хумор-хумор термулишни қўймоқ йўқ.

Қайдаки гўзал ёр мадҳи — ўшал сен,
Кел, баҳорим, йўлингга гул тўшалсин.
Армонларга тўла Ошиқ Эркиннинг
Юракдаги орзулари ушалсин.
Бу дунёда сенинг каби қаймоқ йўқ,
Қанча боқмай дийдорингга тўймоқ йўқ.
Ой юзингдан яйраб баҳра олай деб,
Хумор-хумор термулишни қўймоқ йўқ.

## ТЎЙ ҚУТЛОВИ

*(Висол оқшомида ўқилган шеър)*

Тўйга келдик биз бугун, юзлаб йигит-қиз бугун,
Чақчақлашиб тонгтача ўйнаб-кулинг сиз бугун.
Соҳиби хонадонлар тўйларингиз муборак,
Бу тўйларни ўйлаган ўйларингиз муборак.

Қизлар, яйрангиз бул кун, чеҳралар ёниқ, гулгун,
Нурафшон ёноқларда, лабларда шакар кулгу.
Юзлари дурафшонлар, тўйларингиз муборак,
Шу тўйларга ярашган бўйларингиз муборак.

Юрагисиз куёвнинг, керагисиз куёвнинг,
Яхши-ёмон кунинда тирагисиз куёвнинг.
Келинпошша, бахтингиз — тўйларингиз муборак.
Шу тўйларга ярашган бўйларингиз муборак.

Кўкда куёвнинг боши, ёнинда қаламқоши,
Жонона шул ёрининг ўн саккиз ахир ёши.
Куёв тўра, бахтингиз — тўйларингиз муборак,
Ёрингизга ярашган бўйларингиз муборак.

Кўп юракни ёқдингиз, маҳкам бўлсин аҳдингиз,
Бирга қўша қаринглар, бузилмасин тахтингиз,
Ўйнаб-кулиб шон тилар сизларга Ошиқ Эркин,
Фарзанд кўринг бир этак, чарақласин бахтингиз.

Қутлаб келдик биз бугун, тўйларингиз муборак,
Шу тўйларга ярашган бўйларингиз муборак.

## ЁТМАСИН БАХТИНГ СЕНИ

Тарихи мозийга туташган халқим,
Ўтмишда сени кўп буташган, халқим.
Бугун саховати тоғ ошган халқим,
Юртга армуғондир бор нақдинг сени,
Ётмагай ҳеч, ўзбегим, бахтинг сени.

Ташна эрдик — нур сари қўйдик қадам,
Кўп баланд довонлар ошдик дамба-дам.
Етмагай шаънинг санашга бор рақам,
Доимо зафарга ёр шаҳдинг сени,
Ётмагай ҳеч, ўзбегим, бахтинг сени.

Севиб сени, сармаст юрган ўғлингман,
Кенг сафларда мен ҳам борман — туғлингман,
Элга содиқ, юрак-бағри чўғлингман,
Дўстларинг бирла гўзал тахтинг сени,
Ётмагай ҳеч, ўзбегим, бахтинг сени.

Эртаю кеч ўйлаганинг ҳимматдир,
Сенинг учун биродарлик қимматдир,
Меҳрингдан баҳраманд не-не умматдир,
Меҳрибонлик энг буюк баҳдинг сени,
Ётмагай ҳеч, ўзбегим, бахтинг сени.

Меҳмоннавозлигинг оламга достон,
Юз неъматга тўлар ёзсанг дастурхон,
Ошиқ Эркин кўкси сен бирла осмон,
Ўзлигинг гаштин суриш жаҳдинг сени,
Ётмагай ҳеч, ўзбегим, бахтинг сени.

# ОРОЛИМ

Баҳра олиб эл неча аср шарофатингдан,
Воҳамда ҳаёт гулгун эрди тароватингдан.
Қолмай борадур энди нишон гўзал отингдан,
Бахшида сенга танда шафақ қоним, Оролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Дарёларни ўзимиз саҳролар сари йўллаб,
Дариғ тутдик меҳримиз, турмадик сени қўллаб,
Берган сувимиз етмас турмоққа лабинг ҳўллаб,
Воҳамда ўзинг бирсан, эй уммоним — Оролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Не кечар ҳоли элнинг ўлиб қолсанг сен агар,
Тузга кон ўрнинг бўлар саҳро билан баробар,
Тўлиб-тошсанг умримиз яна бўлғай мунаввар,
Жавлон ургай теграngда сонминг оҳу, моролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Кечирмас бизни тарих сени сақлай билмасак,
Сўзда эмас, амалда бирон тадбир қилмасак,
Армон билан ўтармиз мавж урганинг кўрмасак,
Бизнинг ёрдамга муҳтож, бағри куюк, яролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Кўплар билмас — сўз билан тўлдириб бўлмас сени,
Қуриб борар йил сайин сатҳинг бўйи ва эни,
Элнинг ноласин ёздим, наҳрим, тинглағил мени,
Ошиқ Эркин, сув сўраб, юр, Помирга бороли,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

## НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ

*(Хоразм оҳангларида)*

Шодлигим чексиз мени, жоним, камола етдингиз,
Сиз бугун кундай чарақлаб, ўн саккиздан ўтдингиз,
Севги боғидан менинг кўнглим қушини тутдингиз,
Хуш олиб, мафтун қилиб, ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Гуркираб тилло замин узра кўкатлар ундилар,
Яйрашиб, чақчақлашиб, гулзора қушлар қўндилар,
Ҳам кийиб барқут либос боғлар, чаманлар кулдилар,
Нозланиб бўстон аро ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Ҳар тараф атрин сочиб, бир бошқача эсди сабо,
Ўн саккиз ёш бирла қутлаб бўй таратди хушнаво,
Кенг очиқдур сизга бағрим, навбаҳорим, марҳабо,
Кўзларим ёнди кўриб, ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Ҳайрат ичра қолди лол ағёр деганнинг нечаси,
Энди нурсиздир уларнинг кундузи, ҳам кечаси,
Севгингиз бирла ушалди Ошиқ Эркин режаси,
Зўр қилиб ҳимматни сиз, ай, ҳаммани лол этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

## ОРОЛИМ

Баҳра олиб эл неча аср шарофатингдан,
Воҳамда ҳаёт гулгун эрди тароватингдан.
Қолмай борадур энди нишон гўзал отингдан,
Бахшида сенга танда шафақ қоним, Оролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Дарёларни ўзимиз саҳролар сари йўллаб,
Дариғ тутдик меҳримиз, турмадик сени қўллаб,
Берган сувимиз етмас турмоққа лабинг ҳўллаб,
Воҳамда ўзинг бирсан, эй уммоним — Оролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Не кечар ҳоли элнинг ўлиб қолсанг сен агар,
Тузга кон ўрнинг бўлар саҳро билан баробар,
Тўлиб-тошсанг умримиз яна бўлғай мунаввар,
Жавлон ургай теграңгда сонминг оҳу, морол͏им,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Кечирмас бизни тарих сени сақлай билмасак,
Сўзда эмас, амалда бирон тадбир қилмасак,
Армон билан ўтармиз мавж урганинг кўрмасак,
Бизнинг ёрдамга муҳтож, бағри куюк, яролим,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

Кўплар билмас — сўз билан тўлдириб бўлмас сени,
Қуриб борар йил сайин сатҳинг бўйи ва эни,
Элнинг ноласин ёздим, наҳрим, тинглағил мени,
Ошиқ Эркин, сув сўраб, юр, Помирга бороли,
Тарк этма диёримни маним жоним Оролим.

## НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ

*(Хоразм оҳангларида)*

Шодлигим чексиз мени, жоним, камола етдингиз,
Сиз бугун кундай чароқлаб, ўн саккиздан ўтдингиз,
Севги боғидан менинг кўнглим қушини тутдингиз,
Хуш олиб, мафтун қилиб, ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Гуркираб тилло замин узра кўкатлар ундилар,
Яйрашиб, чақчақлашиб, гулзора қушлар қўндилар,
Ҳам кийиб барқут либос боғлар, чаманлар кулдилар,
Нозланиб бўстон аро ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Ҳар тараф атрин сочиб, бир бошқача эсди сабо,
Ўн саккиз ёш бирла қутлаб бўй таратди хушнаво,
*Кенг очиқдур сизга бағрим, навбаҳорим, марҳабо,*
Кўзларим ёнди кўриб, ҳолим паришон этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

Ҳайрат ичра қолди лол агёр деганнинг нечаси,
Энди нурсиздир уларнинг кундузи, ҳам кечаси,
Севгингиз бирла ушалди Ошиқ Эркин режаси,
Зўр қилиб ҳимматни сиз, ай, ҳаммани лол этдингиз,
Гулбадан наврўз келиб, эркам, ёмона гетдингиз.

## СЕН ЖАЛЛОДСАН, ТАБИАТ

*(Арманистонда 1988 йилнинг декабрида юз берган дахшатли зилзила муносабати билан)*

Дилга тушган ларзалардан жунбушга келди жонлар,
Бунинг каби фожеани эшитган эмас жаҳон.
Ҳушёрки бор, ҳушдан кетди хабар топгани онлар,
Зилзиладан вайрон бўлмиш қардошим Арманистон.

Не учун сен, эй табиат, бешафқатсан, тошбағир,
Ахир, она дегани ҳам қаттол бўлурми шунча?
Бу даҳшатга чидам бериш оғир, қанчалар оғир,
Виждонингни тарк этдими "меҳр" деган тушунча?

Неча минглаб жонларнинг сен ёстиғини қуритдинг,
Вайрон этдинг сонияда ўнлаб қишлоқ, шаҳарни.
Ўз фарзандинг эканини ахир наҳот унутдинг,
Қайдан олдинг сен бундайин шафқатсиз бир қаҳрни.

На гўдак, на қизу жувон, на кексага раҳм этдинг,
Ногаҳонда бағринг силкиб, босдинг девор остига.
Кўз очгунча бўлмай туриб, барин баҳридан ўтдинг,
Бобо тарих эшитмаган жаллод бўлдинг, ростига.

Кировакан, Ленинакан, яшнаб турган Спитак
Вайронага ўхшар бугун, юрак-бағри тўла қон.
Кечагина мавжли эди, бунда ҳаёт хушчақчақ,
Бугун эса минглаб ҳаёт шум бағрингда берди жон.

Неча бирни талвасада банди қилдинг, қийнадинг,
Уларни сен тирик босдинг иморатлар остига.
Сен юз минглаб гуноҳсиз, пок тақдир билан ўйнадинг,
Тирик ажал бўлиб чиқдинг неча минг жон қасдига.

Табиат, сен юракларни айлаб қўйдинг бурдалар,
Зуғумингни даф этмоққа белин боғлади жаҳон.
Ҳануз ковлаб олинмоқда вайронадан мурдалар,
Ҳануз озод этилмоқда ер тагидан тирик жон.

Дўстлик қўлин чўзмиш бугун неча эл, неча миллат,
Қадрдонлар кулфатига шерикдирмиз баримиз.
Йиллар ўтиб унут бўлар бу фожеа, бу қисмат,
Мадад олар қардошликдан арман биродаримиз.

Қондош-жондош совет халқи арман билан биргадир,
*Улуғ бирлик ғоялари бизга йўлчи, мададкор.*
Буюк дўстлик ҳар қандайин кулфатни ҳам енгадир,
Ахир, бизнинг оила бир, дилда имон байроқдор.

## ХОРАЗМДАН СИЗГА САЛОМ КЕЛТИРДИК

*(Қорақалпоқ дўстларга)*

Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга,
Она юртим Хоразмнинг саломини келтирдик.
Қўшиқларда меҳримизни изҳор этмоққа сизга,
Диллар тўла эҳтирому каломини келтирдик.
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Ал-Хоразмий, Ал-Беруний камол топган ўлкадан,
Ёниқ меҳру муҳаббатдан жамол топган ўлкадан,
Меҳнатидан бахт, саодат, иқбол топган ўлкадан,
Заминидан дур ундирган ҳам бол топган ўлкадан.
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Бугун жаннат каби яшнар Жайҳуннинг ўнг ёқаси,
Минглаб тилда таронадир нурли Аму воҳаси,
Юксалмишдир ривож топиб ҳар жабҳа, ҳар соҳаси,
Ўлкам гулгун жамолига кўзлар ёниб боқаси,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Жаҳонларга донғи кетган ҳур элнинг дилбандимиз,
Мангуберди, Абулғозий, Огаҳий фарзандимиз,
Хозиқ замин — Хоразмнинг асалимиз, қандимиз,
Дастурхони тўкин-сочин, меҳмоннавоз, тантимиз,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Қорақалпоқ ёронларга тасаддуқдир жонимиз,
Буюк Бердақ, Ажиниёз бизнинг ҳам имонимиз,
Диллар яйрар Кунхўжани қўлга олган онимиз,
Ботир Маман, Ойдўстларнинг шони бизнинг шонимиз,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Жапақ бахши жирларини севармиз биз жуда ҳам,
Қурбон жиров ёди дилда туғён урар чинакам,
Соғинтириб қўйган эди бизни Ибройим акам,
Ойимхоннинг қўшиқларин кўрайлик дея баҳам,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Қувонармиз: юртлар ошди "Қорақалпоқ достони",
Жўлмирзанинг қўшиғига тўла Нукус осмони.
Жумамурод шеърияти — лириканинг бўстони,
Порлаб чиқди Улмамбети, Кенесбой, Гулистони,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Кўп қадимдан оға-ини Қорақалпоқ — Хоразм,
Қудағаймиз қўш соҳилда, бирга кечар тўй-базм,
Икки халқмиз, лек бир тилда жаранглар бизнинг назм,
Ён қўшнимиз — жон қўшнимиз, дўстлик туфайли азим,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

Дўстлар, сизга бахшидадир санъатимиз, созимиз
Дилбар қўшиқ, дилбар ўйин, оромижон ризимиз,
Жонажонлар даврасида шўх янграр овозимиз,
Ошиқ Эркин дер: жўш урсак кўтарарсиз нозимиз,
Қабул айланг, меҳмон бўлиб келдик диёрингизга.

## ҲЕЙ ТОҒЛАР, БАЛАНД ТОҒЛАР

Ҳей тоғлар, баланд тоғлар,
Миннатдор сиздан боғлар,
Чўққингиздан оқ қорлар
Сув бўлиб оққан чоғлар.

Ҳей тоғлар, баланд тоғлар,
Тиззадан қор ҳар ёқлар.
Не соз, оби-зилолга
Тўлиб-тошса булоқлар.

Ҳей тоғлар, баланд тоғлар,
Бағрингизда йўқ зоғлар.
Меҳрингиздан завқ олиб
Яйрар диллар, қароғлар.

Ҳей тоғлар, баланд тоғлар,
Оппоқдир сўлу соғлар.
Бебаҳосиз, гўзалсиз
Ям-яшил бўлган чоғлар.

Ҳей тоғлар, баланд тоғлар,
Сизга интизор боғлар.
Бахш айлангиз меҳрингиз,
Гуллаб кетса тупроғлар.

## ТОНГ ЖИЛОЛАРИ

Пахтазорда кутдим мен тонгни,
Ором олдим тун бўйи бедор.
Уфқ ёниб, таралган рангни
Қучай дедим хумор ва хумор.

Чаноқларнинг олтин нури-ла
Йўғриларкан ёқут зиёлар,
Қалбим тўлди шўх сурур ила,
Қучган каби қошлари ёлар.

Камалакдай хуш жилвалардан
Нурга тўлиб кетди ҳар тараф.
Сутдай тошди дур жилғалардан,
Келтирай деб деҳқонга шараф.

Пахта каби беғубор бир шеър
Ёзсин, дея илҳом париси,
Ўша тонгда қалбимга бир-бир
Сочиб кетмиш нурнинг барисин.

## ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ

Сир эмаски, ҳаётда баъзан
Шундай гаплар бўлиб туради:
Йўлбарс бўлиб кетар айрим зан,
Эрин жиққамуштлаб уради.

Эру хотин жанжалини гоҳ
Ён қўшниси тинчитиб олар.
Дока рўмол тез қуриб, ногоҳ
Юзқаролик қўшнига қолар.

"Гап олишмай" қўшни болалар
Бир пасгина қилиб олар "жанг".
Сурон қилар ота-оналар,
Маҳалласи ажратар аранг.

Баъзан қиёматлик икки дўст
Бир жононни севиб қолади.
У-чи, дўстлар аро ташлаб "пўст",
Учинчига тегиб олади.

Гоҳо шундай: минг йиллик улфат —
Қадрдонинг мартаба қучар.
Тезда бўлар бегонасифат,
Номинг ҳам тез дилидан ўчар.

Баъзи бирлар бойиса ногоҳ
Босар-тусарини билмайди.
Бундайлардан бўлингиз огоҳ,
Улар сизга шафқат қилмайди.

## ШУНДАЙ СЕВИШАЙЛИККИ...

Биз шундай севайликки бир-биримизни, жоним,
Муқаддас бу севгимиз
Ҳеч бир ошиқ севгисига ўхшамасин.
Биз шундай севайликки бир-биримизни, хоним,
Бизнинг серҳикмат севги
Ҳеч бир маъшуқ севгисига ўхшамасин.

Биз шундай севайликки ёниб бир-биримизни,
Ёниқ севгимиз мадҳин
Ҳар боби бир "Хамса"дай достон бўлсин тилларда.
Биз шундай севайликки қониб бир-биримизни,
Оташин бу муҳаббат
Осмонларни ёритгувчи қуёш бўлсин дилларда.

Биз шундай севайликки, севсак бир-биримизни
Буюрмасин бўлак ишқ,
Бир умр бирга кечсин боқий бўлиб баҳори.
Биз шундай севайликки, сафоли севгимиздан
Фараҳбахш бўлсин ҳаёт,
Рангин нурларга тўлсин ҳар тонги, ҳар наҳори.

Биз шундай севайликки, маҳваш, бир-биримизни,
Севишганларнинг бари
Тилда достон севгимизни кўриб армон қилсинлар.
Биз шундай севайликки, яшариб кетсин дунё,
Қаттиқ севишни биздан
Ўрганмоққа буюк ҳавас, аҳду паймон қилсинлар.

Биз шундай севайликки, дилдор, бир-биримизни,
Бизнинг серёғду севги

На Фарҳод, на Мажнуннинг, на Баҳром, на Тоҳирнинг
Севгисига сира-сира ўхшамасин.
Биз шундай севайликки, бизнинг ноёб севгимиз
На Ширин, на Лайлонинг, на Дилором, Зуҳронинг
Севгисига сира-сира ўхшамасин.

Шундай севишайликки,
Шундай севишайликки,
Ҳатто ўлгандан сўнг ҳам
Руҳларимиз
Бир-бирини севиб яшасин.

## МУҲАББАТ

Сен менинг юлдузимсан, тунлари кундузимсан,
Оқшомлари ҳилолим, чиройда қундузимсан.
Сенинг меҳри домингга бойланайин, муҳаббат,
Айланайин, муҳаббат.

Қалбимдаги қуёшсан, мунча ҳам қаламқошсан,
Менинг шўх сарвинозим, гўзаллар ичра бошсан.
Сенинг меҳри домингга бойланайин, муҳаббат,
Айланайин, муҳаббат.

Бошдин-оёқ симу зар, сочларинг мушки анбар,
Зар кокилли нигорим, ишқим кўкида анвар.
Сенинг меҳри домингга бойланайин, муҳаббат,
Айланайин, муҳаббат.

Чаманимнинг сафоси, гулшанимнинг навоси,
Сендан ўзга тополмас юрагимнинг давосин.
Сенинг меҳри домингга бойланайин, муҳаббат,
Айланайин, муҳаббат.

Энди ўзинг топ чора, малҳам бўлгин мен зора[1]
Яйрасин Ошиқ Эркин жамолингдан тобора.
Сенинг меҳри домингга бойланайин, муҳаббат,
Айланайин, муҳаббат.

---

[1] Зора — зорга.

## ШОШМАЙ ТУР

Соҳибжамол дилбарим, бир сўзим бор, шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.
Юрагимнинг оҳуси, севикли ёр, шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.

Сен чаманлар раъноси, қизлар ичра доноси,
Танҳоси, энг аълоси, сўзим эшит, шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.

Севгим боғидаги гул, сенга ҳавасда булбул,
Боқ, хиром этар сунбул, бир сўзим бор: шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.

Орзуйим сенга етмоқ, шаънингга ғазал битмоқ,
Юрагингни забт этмоқ, севикли ёр, шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.

Ошиқ Эркин зорингдур, ишқинг — навбаҳорингдур,
Инон, вафодорингдур, илтимосим: шошмай тур,
Ўн саккиздан ошмай тур.

## АЖОЙИБСИЗ, АЖОЙИБ

Мадҳингиз битай деб қўлга олсам соз,
Қўшиққа айланар дилимдаги роз,
Шартмас сизга қилмоқ пардозу андоз,
Гўзалсиз, танҳосиз, хушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб.

Сиз парисиз, сиз каби ҳур кўрмадим,
Инжу кўрдим, сиздайин дур кўрмадим,
Сиз қамарсиз, сизга тенг сур кўрмадим,
Гўзалсиз, танҳосиз, хушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб.

Гуллар кўриб, чеҳраси ол қолурлар,
Сарвлар ўртаниб, беҳол қолурлар,
Кўзлар ёниб, ҳайрону лол қолурлар,
Гўзалсиз, танҳосиз, хушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб.

Яйраб қўлга олай зулфи торингиз,
Бахтимдур ҳаётда сизнинг борингиз,
Ўлгунимча бўлай сизнинг ёрингиз,
Гўзалсиз, танҳосиз, ҳушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб.

Ошиқ Эркин хандон юрар сизни деб,
Сарвиравон, юзлари қирмизни деб,
Сиз ҳам, жоним, қучоқ очинг бизни деб,
Гўзалсиз, танҳосиз, хушрўй, ғаройиб,
Ажойибсиз, ажойибсиз, ажойиб.

## ОФАРИН

Бир боқишда севиш ёлғон дер эдим,
Бир боқишда мафтун этдинг, офарин.
Бир қараш-ла шайдо бўлмасман, дедим,
Бир қарашда ёқиб кетдинг, офарин.

Қиё боқиб аста дединг: "Ассалом",
Илк бор шунда кўрдим сени, вассалом,
Ақлу хушим олиб қўйди хуш калом,
Дилга ўчмас ўтми отдинг, офарин.

Бир дамгина учрашганда нигоҳлар,
Камалакранг нурга айланди оҳлар.
Гулгун яшнадилар сен кирган боғлар,
Эрка бир куй чалиб ўтдинг, офарин.

Шундан буён олам гўзал, фарахбахш,
Шундан буён бошим осмон, қаламқош,
Омон бўлсин сени яратган наққош,
Гул узатган қўлим тутдинг, офарин.

Сенинг шаҳло кўзларингда меҳр бор,
Дилни дилга боғлайдиган сеҳр бор,
Ошиқ Эркин севгинг билан бахтиёр,
Бир умрга бахтли этдинг, офарин.

## ДИЙДОРИНГГА ТЎЙСАМ ЭДИ

Ногаҳон бахтим кулиб, умрим нурафшон айладинг,
Дур сочиб тийра дилимни анбарафшон айладинг,
Тошди меҳрим, сен уни Жайхун, Зарафшон айладинг,
Эркам, ой юзда инжу холингга лаб қўйсам эди,
Бир умр ором олиб, дийдорингга тўйсам эди.

Гуркираб кўклам келиб, боғларда гуллар кулдилар,
Нозли сунбуллар ила жонон кўнгиллар кулдилар,
Яйрашиб, хандон кулиб, эрка сингиллар кулдилар,
Эркам ой юзда инжу холингга лаб қўйсам эди,
Бир умр ором олиб, дийдорингга тўйсам эди.

Севгидан шодон кўнгилнинг ҳусни оли ўзгача,
Ўзгача лутфу карам, тўти мақоли ўзгача,
Қирмизи лаблардаги шаккару боли ўзгача,
Эркам, ой юзда инжу холингга лаб қўйсам эди,
Бир умр ором олиб, дийдорингга тўйсам эди.

Мунча ҳам оромижонсан ҳам меҳрда бебаҳо,
Бир кўриб, манман деган ошиқлар ҳам тутгай яқо,
Ошиқ Эркиннинг вафоси сен учундир мутлақо,
Бир умр ўйнаб-кулиб, ҳолингга лаб қўйсам эди,
Завқ олиб маҳшаргача, дийдорингга тўйсам эди.

## НОМАРДЛАРГА АСЛО ИШИНГ ТУШМАСИН

Дўстлар, жоним фидо менинг мардларга,
Ҳаётда устивор, аҳли дардларга,
Доим амал қилинг доно фардларга:
"Номардларга асло ишинг тушмасин".

Номардлар ҳаётнинг гарди, доғидур,
Ҳуснбузар қарғасидур, зоғидур,
Ботир ўғлонлари — юксак тоғидур,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Элнинг сўзи ҳақдир, тўғридир ҳикмат,
Номард берган ошнинг охири миннат,
Тўкин дастурхони бир пулга қиммат,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Мард билан номарднинг иши қовушмас,
Хасиснинг муҳтожга ичи овушмас,
Донолар паст билан улоқ қувишмас,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Номарднинг дўсти йўқ, ўзини ўйлар,
Ўртага тушса гар бузилар тўйлар,
Ундайлар инсофсиз, ёлғонни сўйлар,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Ғараздур бахилнинг турган-битгани,
Берган омонатинг беиз кетгани,
Иши ўнгмас кўчасидан ўтганнинг,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Одамнинг номарди ишинг битирмас,
Яхшиларни муродига етирмас,
Сенинг яхши кунинг ўйлаб ўтирмас,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Номард пойлаб оғу қўшар ошингга,
Қора кунлар солар доим бошингга,
Суянчиқ топмассан бир кун лошингга,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Беҳимматлар чўзмас ёрдам қўлини,
Ҳақин олмай кўмдирмаслар ўлини[1],
Бериб кет, деб тўсиб чиқар йўлини,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Ёмонлар доимо қасдингда бўлар,
Иш битгунча оёқ остингда бўлар,
Ҳатто тубан кетар, пастингда бўлар,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Ёмон фарзанд онасин ҳам аямас,
Отасини не ишларга таямас,
Ношуд ўғил номард эрур — ой эмас,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

Ғуборсиз ери йўқ ёмон дилининг,
Бошга бало заҳар бўлса келининг,
Оқибати нохуш эрур феълининг,
Бад келинга асло ишинг тушмасин.

Нокасу номарддан минг бор алҳазар,
Ёмоннинг юзига солмангиз назар,
Инсофсиздан қочинг бериб симу зар,
Ноинсофга асло ишинг тушмасин.

---

1 ..

Мунофиқнинг доим сўзлари илиқ,
Кулиб туриб кўрсатар ул пес қилиқ,
Ундайлардан сира кутманг яхшилик,
Мунофиққа асло ишинг тушмасин.

Ошиқ Эркин мард бўлгин сен эрта-кеч,
Номардга ҳам ёмонлик айлама ҳеч,
Номарднинг чорасин ҳикмат билан еч,
Номардларга асло ишинг тушмасин.

## ДИЁРИМ

Жон ичра жон диёрим,
Бахшида сенга борим.
Меҳрим камалак айлай,
Чертиб сеҳрли торим.
Элга булбулдек сайраб,
Шодлик улашай яйраб.

Дурафшондур, эй санинг
Нурга тўла гулшанинг.
Куйласам адо бўлмас
Минглаб қўшиқда шаънинг.
Ватаним, шан диёрим,
Сенга бахшида борим.

Барча дилда доимо
Тинчлик эрур муддао,
Равшан тортар кўнглимиз
Бўлса олам дилрабо.
Эй, шаъни улуғворим,
Саодатли диёрим.

Ором тўла баҳримсан
Уммонимсан, наҳримсан,
Ошиқ Эркин имони,
Она-юртим — фахримсан.
Менинг мангу баҳорим,
Бахти порлоқ диёрим.

## ОЛМАХОН КУЙЛАГАНДА

Санъатсевар элнинг жон ила дили,
Кўнгилларни шайдо айлаган гули,
Дейсиз, чаманларнинг хушхон булбули —
Яйраб-яйраб Олмахон куйлаганда.

Дилларни тўлдириб нур сочар қуёш,
Олам-жаҳон ором олар кекса-ёш,
Дарёдай мавж уриб, кўкка етар бош
Қайнаб-тошиб Олмахон куйлаганда.

Қўшиқлари мискин дилларнинг ёри,
Чекингай юракнинг оҳи-ла зори,
Булбул бўлиб сайрар қўлларда тори,
Ўзбек қизи Олмахон куйлаганда.

Ҳар бир хонадонда ардоқли меҳмон,
Давраларнинг файзи, дўсту қадрдон,
Шодликларга тўлар ер бирла осмон
Ўйнаб-кулиб Олмахон куйлаганда.

Ноз қўшилар раққосалар нозига,
Эллар мафтун дилрабо овозига,
Гулчеҳралар ўйин тушар созига —
Эл булбули — Олмахон куйлаганда.

## СОҒИНЧ ҚЎШИҒИ

Сtowards

Севарман, сенинг ҳам севишинг сездим,
Сени ёниб излаб, боғларни кездим,
Тенгсиз сувратингни юракка чиздим,
Шаҳло кўзларингни соғиндим, эркам,
Ширин сўзларингни соғиндим, эркам.

Гуллар, чечакларга бердим мен савол:
Дедим: "Айтинг, қайда ул соҳибжамол?"
Қаршимда кокилин ёйди мажнунтол,
Сунбул сочларингни соғиндим, эркам,
Қундуз қошларингни соғиндим, эркам.

Орзу этдим кунда минг йўл кўрай деб,
Хизматингда эртаю кеч турай деб,
Ётганингда тушларингга кирай, деб,
Ширин тушларингни соғиндим, эркам,
Инжу тишларингни соғиндим, эркам.

Тенгсиз бахтдир дилдан севилган чоғлар,
Яшнаб кетар, гулим, сен кирган боғлар,
Ҳуснингдан завқ олиб яйрар қароғлар,
Асал тилларингни соғиндим, эркам,
Нозик белларингни соғиндим, эркам.

Изларингдан яйраб, хумор боқарман,
Оҳларимдан осмонларни ёқарман,
Умид дарёсида яйраб оқарман,
Дарёдек меҳрингни соғиндим, эркам,
Ром этган сеҳрингни соғиндим, эркам.

Кулганингда жунбушга келар жонлар,
Мавж уриб тошадир томирда қонлар,
Яйрар Ошиқ Эркин кўргани онлар,
Товус юришларинг согиндим, эркам,
Хандон кулишларинг согиндим, эркам.

## ЎХШАШИНГ ЙЎҚ

Бахтинг қутлаб, порлаб чиқди қуёшинг,
Кўзларим ёқарлар қайрилма қошинг,
Омон бўлсин, жоним, қундузсоч бошинг,
Дилимга ўт солди ўн саккиз ёшинг,
Ўхшашинг йўқ, ўхшашинг йўқ, ўхшашинг.

Бебаҳосан гўзалликда, маликам,
Сенингдек париваш бу жаҳонда кам,
Дилдан севиб қолдим кўзим тушган дам,
Дилимга ўт солди ўн саккиз ёшинг,
Ўхшашинг йўқ, ўхшашинг йўқ, ўхшашинг.

Олтин олтин эмас, ўзинг олтинсан,
Кумушдан, гавҳардан, дурдан олдинсан,
Мафтун этиб хаёлимни олдинг сен,
Дилимга ўт солди ўн саккиз ёшинг,
Ўхшашинг йўқ, ўхшашинг йўқ, ўхшашинг.

Қуёшимсан, нур ўйнайди юзингда,
Лол этувчи сеҳр бордир кўзингда,
Шўх қўшиқдай хуш оҳанг бор сўзингда,
Дилимга ўт солди ўн саккиз ёшинг,
Ўхшашинг йўқ, ўхшашинг йўқ, ўхшашинг

Ҳушим олган чеҳрангдаги хандадур,
Ошиқ Эркин жамолингга бандадур,
Энди ўлгунимча жоним сандадур,
Дилимга ўт солди ўн саккиз ёшинг,
Ўхшашинг йўқ, ўхшашинг йўқ, ўхшашинг.

## БАҲОР ҚЎШИҒИ

Баҳор, кетма менинг боғимдан,
Туғён урсин ўтли наволар.
Дилбаримга салом йўллайин,
Элтиб қўйсин эрка саболар.

Баҳор, кетма менинг элимдан,
Чечаклансин чаман турфаранг.
Ошиқлари сармаст бўлсинлар,
Дилда тошсин дилнавоз жаранг.

Баҳор, қолгин менинг бағримда,
Дарё бўлсин ёниқ ҳисларим.
Алвон-алвон бўлиб кулсинлар
Гуллолалар унган изларим.

Баҳор, яшнат муҳаббатимни,
Заррин нурлар сочсин қуёшим.
Баҳраманд эт мурувватингдан,
Қойил қолсин қайрилма қошим.

Ошиқ Эркин, яйрат баҳорни,
Юрагингга мангу жойлагил.
Фаслларнинг маликасига
Садоқатинг изҳор айлагил.

## ШУ ЙИГИТГА БЕРИНГ МЕНИ

*(Қиз қўшиғи)*

Бир йигитга кўнгил бердим шу кузак,
Ўтлар тушиб, ёнди, тўлғанди юрак,
Энди тўғри сўзни айтмоғим керак:
Бўлмасин десангиз қизимиз хафа,
Шу йигитга беринг мени, жон опа.

Мени кўрса жовдирайди кўзлари,
Болдир унинг жон олғувчи сўзлари,
Қуёш бўлиб нур тарайди юзлари,
Бўлмасин десангиз қизимиз хафа,
Шу йигитга беринг мени, жон опа.

Бахтимга мен шу ёр билан етарман,
Бермасангиз ёлғиз яшаб ўтарман,
Сиз топганни гар севмасам нетарман,
Бўлмасин десангиз қизимиз хафа,
Шу йигитга беринг мени, жон опа.

Ғубори йўқ юрагида ёримни,
Изҳор этдим мен ҳам дилда боримни,
Нола қилдим эшитинг деб зоримни,
Бўлмасин десангиз қизимиз хафа,
Шу йигитга беринг мени, жон опа.

Муносибдир унинг бўйи бўйимга,
Номин айтсам нур ёғилар уйимга,
Ошиқ Эркин бош бўладир тўйимга,
Бўлмасин десангиз қизимиз хафа,
Шу йигитга беринг мени, жон опа.

## ДИЛДАН СЕВСАНГ, СЕВИЛСАНГ

Боши осмон эрур, кўнгли мудом ёз
Ҳар кимнинг сен каби дилдори бўлса.
Асалдур юракдан айтилган ҳар роз,
Ошиқнинг сен каби гулнори бўлса.

Роҳат-фароғатда, хуш ўтар ҳар дам,
Бегонадир алам, бегонадир ғам,
Нурларин аямай сочгай қуёш ҳам,
Йигитнинг сен каби ғамхори бўлса.

Қадри доим баланд қирмизи гулнинг,
Армонлари йўқдир хандон кўнгилнинг,
Хушнаво таралгай куйи булбулнинг
Ёқимли, хушҳаво гулзори бўлса.

Олий бахтдур дилдан севсанг, севилсанг,
Шодон яшаб, бир умрга севинсанг,
Ҳар қадамда ол гулларга кўмилсанг,
Дилда саодатнинг бисёри бўлса.

Садоқатдан нурга тўлар кенг жаҳон,
Вафодор ёр билан обод хонадон,
Ошиқ Эркин дилин тарк этар армон
Сенингдек хуршидюз рухсори бўлса.

## ЭРКАМ, МЕНИНГ ЮРАГИМ ЁНИҚ

Булбул бўлиб қўлимда созим,
Сунбулларга сўйладим розим,
Энди элга айтмоғим лозим:
Эркам, сени севаман аниқ,
Ахир менинг юрагим ёниқ.

Севганимни гуллар билдилар,
Ял-ял яшнаб, хиром қилдилар,
Тарғунчалар хандон кулдилар,
Эркам, менинг юрагим ёниқ,
Ахир, сени севаман аниқ.

Қўкатларнинг тилида шу сўз,
Гулнинг турфа хилида шу сўз,
Қумриларнинг дилида шу сўз:
Эркам, сени севаман аниқ,
Ахир, менинг юрагим ёниқ.

Милтиллашиб кўкда юлдузлар,
Зуҳроларга севгимдан сўзлар,
Кўзим ёлғиз висолинг кўзлар,
Эркам, сени севаман аниқ,
Ахир, менинг юрагим ёниқ.

Етиб сенинг каби жононга,
Меҳрингни жойладим мен жонга,
Ошиқ Эркин сиғмас жаҳонга,
Ахир, сени севаман аниқ,
Эркам, менинг юрагим ёниқ.

## СЕНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН

Севгим торин сайратиб чалиб қўйдинг, дилором,
Юрагимни сеҳрлаб олиб қўйдинг, дилором,
Не куйларга, билолмам, солиб қўйдинг, дилором,
Ер ўпиб тан оларман, севгимдан ҳеч тонмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Вужудим чўғдай ёниқ — ёндирган сенинг ишқинг,
Зор дилимни меҳрдан қондирган сенинг ишқинг,
Беҳис завқдан, ҳавасдан тондирган сенинг ишқинг
Мен ўзгадан бахтимни топишга ишонмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Мени ўтларга солган хумор кўзингдир, билсанг,
Жоним, жонимни олган гулгун юзингдир, билсанг.
Дил мулкида порлаган шан юлдузингдир, билсанг,
Севгим, сенга тараф йўқ, сендан кўз ололмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Мастонаман, ишонгил, оби-зулолларингдан,
Гулчеҳра юзингдаги қундуз ҳилолларингдан,
Узолмасман нигоҳим чеҳраи олларингдан,
Хумор-хумор боқарман, боқиб сира толмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Хонамга сен лоладай бўлиб келдинг ўшал кун,
Юзда кумуш табассум, кулиб келдинг ўшал кун,
Умримга севги бўлиб кириб келдинг ўшал кун,
Ўшал кун қайдан чиқди қуёш — била олмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Ошиқлар оромгоҳи тоза қалбдур азалдан,
Ишқ сармаст этган диллар жой олғуси ғазалдан,

Ҳаётда чин муҳаббат ширин бўлар асалдан,
Севги отлиқ гулшанда ёлгиз кеза олмайман —
Сенсиз яшай олмайман.

Жонлар аро ёқутсан, жавоҳирсан, муҳаббат,
Чеҳраларда, кўзларда сен зоҳирсан, муҳаббат,
Вафони ардоқлашга энг моҳирсан, муҳаббат,
Мен асло муҳаббатсиз, ишқсиз бўла олмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Ўзингсан менинг Каъбам ҳам Маккаи Мадинам,
Ўзинг менинг давлатим, ҳеч туганмас хазинам,
Сиғингувчи маъбудам, дилимдаги ганжинам,
Ўзга илоҳий кучни мен сира тан олмайман —
Сенсиз яшай олмайман.

Йўлларимда машъалдек порлар вафоли ишқинг,
Сурурли истиқболга чорлар наволи ишқинг,
Оловсиз, нурсиз ишқдан орлар сафоли ишқинг,
Ишқинг йўлида йиллаб йўл юрсам ҳам толмайман
Сенсиз яшай олмайман.

Билурсан, ошиқ дилнинг армонлари қат-қат,
Орзуларим ушалгай ўзинг қўлласанг фақат,
Метин қанот бер менга эй ҳур, дилкаш муҳаббат,
Ахир ўз қанотимни жуфт қилмай учолмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Жоним нисор этарман, маҳбубам, бер қўлингни,
Сенсиз жонни нетарман, маҳбубам, бер қўлингни,
Сен-ла мақсад етарман, маҳбубам, бер қўлингни,
Сенсиз дам уролмайман, даврон ҳам суролмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

Дарди дилимга малҳам, дармон бўлгин сен ўзинг,
Ҳам умримга ҳамдаму ҳам жон бўлгин сен ўзинг,
Жоним аро қуёш, ой, жаҳон бўлгин сен ўзинг,
Сенсиз бахт эшигининг қулфини очолмайман,
Сенсиз яшай олмайман,
Сенсиз яшай олмайман.

## ЎЙЛАМАГАН КУНИМ ЙЎҚ

Чароғондир муҳаббатим юлдузи,
Ёдимдасан кечасию кундузи,
Меҳрим уммонининг ноёб қундузи,
Тоза юракдандир ошиғинг сўзи,
Сени ўйламаган куним йўқ ўзи.

Илинжим йўқ нозик адодан бўлак,
Ганжинам йўқ мени вафодан бўлак,
Муҳаббат қўшиғи — наводан бўлак,
Тоза юракдандир ошиғинг сўзи:
Сени ўйламаган куним йўқ ўзи.

Шайдосиман бир умр жамолингни,
Қиёси йўқ, эркам, ҳусни олингни,
Инъом этгил менга лабда болингни,
Тоза юракдандир ошиғинг сўзи:
Сени ўйламаган куним йўқ ўзи.

Садқа бўлсин сенга жоним, жаҳоним,
Севгим осмонида меҳри рахшоним,
Ишқимдан ҳайроним, сарви равоним.
Тоза юракдандир ошиғинг сўзи:
Сени ўйламаган куним йўқ ўзи.

Сафоли умримнинг чароғбони бўл,
Боғларим сўлмасин, сен боғбони бўл,
Жасорат қил, Ошиқ Эркин жони бўл,
Тоза юракдандир ошиғинг сўзи:
Сени ўйламаган куним йўқ ўзи.

## МЕНГА ЮРАГИНГДАН ЖОЙ БЕРГИЛ, ЭРКАМ

Менга юрагингдан жой бергил, эркам,
Ёниқ севгимиздан лол қолсин дунё.
Чамандай сафоли, баҳордай кўркам,
Қуёш меҳримиздан завқ олсин дунё.

Менга юрагингдан жой бергил, жоним,
Кўриб ёқа тутсин ҳайратдан жаҳон.
Ғанимни жунбушга келтирсин шоним,
Бундай бахт кўрмасин агёр ҳеч қачон.

Менга юрагингдан жой бергил, гулим,
Ол мени гул каби кўнглингга жойлаб.
Ишқда инқироздан афзалдир ўлим,
Изимдан ажаллар юрмасин пойлаб.

Рақибга қасдма-қасд юрагингга ол,
Ғолиблик сururин сурайин мен ҳам.
Вафоли ёрим бўл, ишқда баркамол,
Иқбол деганларин кўрайин мен ҳам.

Эркам, юрагингдан ўрин бер менга,
Унда бир умрга яшаб қолайин.
Бахту саодатлар бахш этиб сенга,
Жону жаҳонларга довруғ солайин.

## ДИЛ ДИЛДАН ЗАВҚ ОЛСА...

Элга достон бўлса бизнинг севгимиз,
Дил дилдан завқ олса, дудоқ дудоқдан.
Гулларга бурканса ўнгу сўлимиз,
Гул гулдан завқ олса, ёноқ ёноқдан.

Пайванд бўлиб кетса жонимиз бизнинг,
Айрилмаса бир дам сақоқ сақоқдан.
Мавж урса юракда дилхуш наволар,
Кўз кўздан завқ олса, қароқ қароқдан.

Бир умр лол қолса ағёр деган зот,
Қалб қалбдан завқ олса, қучоқ қучоқдан.
Кўнгилдан кўнгилга бир сеҳр ўтса,
Қош қошдан завқ олса, қапоқ қапоқдан.

Мен сени, сен мени шундай севсакки,
Сира айрилмаса ёноқ ёноқдан.
Ошиқ Эркин, бахтли бўлинглар, деган
Қутлуғ садо келса узоқ-узоқдан.

Элга достон бўлса бизнинг севгимиз...

## ЁРИМНИ КЎРМАСАМ БЎЛМАС

Дилдор билан суҳбат қурмасам бўлмас,
Маҳшаргача даврон сурмасам бўлмас,
Ишқ боғида бирга юрмасам бўлмас,
Мен бугун ёримни кўрмасам бўлмас,
Шакар лабларидан сўрмасам бўлмас.

Соғинганман — муштоқман жамолига,
Гул яшнаган тарғунча камолига,
Талпинурман дудоқдаги болига,
Мен бугун ёримни кўрмасам бўлмас,
Шакар лабларидан сўрмасам бўлмас.

Ёр юрган чаманнинг ҳавоси яхши,
Булбуллар таратган навоси яхши,
Ошиқ дилга малҳам давоси яхши,
Мен бугун ёримни кўрмасам бўлмас,
Шакар лабларидан сўрмасам бўлмас.

Жамолини кўрсам меҳрим қонади,
Кўзлар тушгандаёқ дил қувонади,
Келмайин қолса гар ичим ёнади,
Мен бугун ёримни кўрмасам бўлмас,
Шакар лабларидан сўрмасам бўлмас.

Бир сония айрилмасам ёнидан,
Арзир минг эврилсам унинг жонидан,
Ошиқ Эркин бахт кутар жононидан,
Мен бугун ёримни кўрмасам бўлмас,
Ширин лабларидан сўрмасам бўлмас.

## МЕН УМРИМНИ БИР ГЎЗАЛГА БАХШ ЭТДИМ

Мен умримни бир гўзалга бахш этдим,
Феруза осмонда чапак чалди ой.
Ҳуснин мақтаб Зуҳро билан баҳс этдим,
Вафо чаманида чарх урди ҳумой.

Мен умримни бир гўзалга бахш этдим,
Таъзимдан эгилди ергача бошим.
Шу гўзал меҳрини дилга нақш этдим,
Юракка нур бўлиб кирди қуёшим.

Мен умримни бир гўзалга бахш этдим,
Қутладилар чах-чах уриб булбуллар.
Ёримга меҳримни мисли Вахш этдим,
Меҳр дарёсидан қонди кўнгиллар.

Мен умримни бир гўзалга бахш этдим,
Лол қолдилар кўриб қоши қаламлар.
Ошиқ Эркин, умрим фарахбахш этдим,
Чекинди юракдан ғамлар, аламлар.

## СЕВИБ ҚОЛСАНГ

Севиб қолсанг бир жононни ногаҳон
Ғамлар барбод бўлар, кўнгил шод бўлар.
Камалак рангларда товланар жаҳон,
Номи тилда қўшиқ каби ёд бўлар.

Садоқатдур бахту иқбол асоси,
Катта давлат эрур кўнгилга моси,
Дилда пинҳон бўлса ёрга қасоси,
Ундай дилдор оқибатда ёт бўлар.

Муҳаббатда ағёр ихтиёр этма,
Ҳуснингга ишониб, ўзингдан кетма,
Бевафолик кўчаси бўйлаб ўтма,
Бевафонинг умри нола, дод бўлар.

Бамисоли шахмат ўйиндир ҳаёт,
Қалтис қўймас қадамини саман от,
Ўйин қоидасин билмаган, ҳайҳот,
Ора йўлда қолиб, тезда мот бўлар.

Ошиқ Эркин бино қўймас ўзига,
Ёмонларни берар икки кўзига,
Амал қилмас эсанг доно сўзига,
Икки оламинг ҳам, бил, барбод бўлар.

## АГАР СЕН МЕНИ СЕВСАНГ

Дурлар сочар қуёшим,
Осмонга етар бошим,
Эй, зебо қаламқошим,
Агар сен мени севсанг.

Дилда қўшиқ бўларман,
Тилда қўшиқ бўларман,
Элда қўшиқ бўларман
Агар сен мени севсанг.

Зиё таратиб меҳрим,
Навога тўлар умрим,
Қувноқ булбулим, қумрим,
Агар сен мени севсанг.

Ғамлар даф бўлиб ёддан,
Тўймасман куй, баётдан,
Шод ўтарман ҳаётдан
Агар сен мени севсанг.

Қучарман тоғдай иқбол,
Бахтим бўлар баркамол,
Топмасман, жоним, завол,
Агар сен мени севсанг.

Ошиқ Эркин шон тилар,
Севгимиз достон қилар,
Даврим-давроним кулар
Агар сен мени севсанг.

## СЕНГА КЎНГИЛ БЕРДИМ

Сенга кўнгил бериб дилдан
Севиб қолсам майлими?
Ишқим-ла лол этай бирдан
Чин ошиқлар хайлини.

Кўриб ёқа чок этсинлар
Чаманларда ғунчалар.
Ошиғингда меҳру вафо
Бор экан деб шунчалар.

Сарв гуллар боғда яйраб
Шивир-шивир қилсинлар.
Сенга кўнгил берганимни
Сунбуллар ҳам билсинлар.

Кўкдан туриб таъзим этсин
Рашкдан ёнган тўлин ой.
Мадҳимиз Зуҳрога етсин,
Олқиш келтирсин ҳумой.

Ошиқ Эркин муҳаббати
Машъал бўлсин йўлингда.
Энди менинг ёруғ бахтим
Фақат сенинг қўлингда.

## ЯХШИ ҚЎШИҒИНГНИ СОВҒА ҚИЛ

Яхши қўшиғингни совға қил менга,
Наволарга тўлиб кетсин юрагим.
Қўшиқ учун қалбим бахш этай сенга,
Жоним, энг зўр қўшиқ менинг керагим.
Яхши қўшиғингни совға қил менга.

Фарахбахш таралсин тошқин наволар,
Меҳринг жилолансин ҳар бир сатрида.
Кўкларга уфирсин саррин саболар,
Диллар баҳра олсин гуллар атридан.
Фарахбахш таралсин тошқин наволар.

Куйла, гўзал, жўшиб куйлаш пайтингдир,
Боғлар тароватин бахш эт юракка.
Мени шайдо этган ёниқ байтингдир.
Меҳрингни сеҳрлаб нақш эт юракка.
Куйла, гўзал, жўшиб куйлаш пайтингдир.

Ғанимларим рашк ўтида ёнсин-эй,
Дилрабо қўшиғинг аяма мендан.
Жисми-жоним ҳимматингдан қонсин-эй,
Офтобим, моҳтобим, не кетди сендан.
Ғанимларим рашк ўтида ёнсин-эй.

Баҳра олсин куйингдан Ошиқ Эркин,
Арши аълоларга етказ бошини.
Бахтим, сен доимо ёмондан беркин,
Тўғри қўй ҳаётнинг тамал тошини.
Баҳра олсин куйингдан Ошиқ Эркин.



*ДОСТОНЛАР*

*(Болалар учун)*

## ИСКАНДАРНОМА

Ушбу достонни Хоразмнинг машҳур фарзанди, донгдор пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсовнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

*Муаллиф*

I

Машҳур бир хўжалик бор
Бизнинг Боғот томонда.
Битта Хоразм эмас,
Донгдор ҳатто Туронда.

Мен шу колхоз ҳақида
Қисса сўзлаб берайин.
Дарғасининг шаънини
Достон этиб кўрайин.

Эли жуда меҳнаткаш,
Жавлон урар саҳардан.
Қишлоқлари қолишмас
Ободликда шаҳардан.
Далалари серҳосил,
Дуркундир боғлари ҳам.

Пахта, чорваси асл,
Деҳқонлари муҳтарам.

Маҳоратда тенг эмас
Манман деган миришкор.
Воҳада кам улардек
Ишбилармон, тадбиркор.

"Наримонов", деса бас,
Юртда ҳамма билади.
Кўрмоқ учун сайёҳлар
Чет элдан ҳам келади.

Бир талайдир бу ерда
Замонавий кошона.
Дейсиз: бари обида
Кўркамликдан нишона.

Тарихий бир ёдгорлик
Дейсиз Санъат саройин.
Қилгинг келар томоша
Уни кўрганинг сайин.

Гўзалликда бебаҳо,
Бирам обод, муҳташам.
Нақшлар жимжимадор,
Бетакрор тенгсиз ҳашам.

"Дружба Народов"дан
Қолишмайди саҳнаси.
Бир бор кўрганни юз йил
Очилади баҳраси.

Янграйди кеча-кундуз
Бунда қўшиқ, тарона.
Сайёҳ борки, кўриб донг
Қотиб қолар ҳайрона.

"Қалдирғоч"нинг навоси
Таралар узоқларга.
Ашулаю куйлари
Хуш ёқар қулоқларга.

Раққоса, ҳофизлари
Элда машҳур санъаткор.
Хуш кўришар концертин
Эшитиб такрор-такрор.

Яна қанча савлатли
Иморатлар бунда саф.
Минг хил гул, чечак очган
Хиёбондир ҳар тараф.

Ўн мактаб бор қишлоқда,
Деса ишонмас ҳеч ким.
Боз устига, тўрттаси
Бир сўзда айтсам: "кечки".

Санъат, спорт мактабин
Бу ҳисобга қўшсак гар,
Иккита билим юрти
Шунда ҳам четда қолар.

Бешариқ кўчалари
Юрсанг роҳат — озода.
Ҳавосидан симириб
Яшаш бирам маза-да.

Боғларин айтмайсизми,
Кам эмас жаннатдан ҳам.
Юз хил меваси бордир
Кўрмоқ бўлсангиз баҳам.

Кулолу чиннисозлик
Цехларин кўрсангиз гар,

Ишчи синфи санъати
Лол қолдирар муқаррар.

Шу ерда чиқар, дея
Сира келмас хаёла:
Нақшинкор чинни лаган,
Гулгун чойнак-пиёла.

Фабрикасида турфа
Кийим тикиб бежирим,
Элга сотишдан колхоз
Қилар минг-минглаб кирим.

Ойнаванд далаларда
Бунёд бўлган лимонзор
Боғни кўрсангиз, бешак,
Қулф урар дилда баҳор.

Ойнаванд далаларда
Етишар турфа неъмат.
Эл дер: "Уни яратган
Бунёдкорига раҳмат!"

Уйларда "яшил олов",
Қувурдан борар сув ҳам,
Хонадонлар фаровон,
Ўзига тўқ чинакам.

"Ойнайи жаҳон"сиз бир
Оила йўқ қишлоқда.
Уч-тўрт мол. Еганлари
Нуқул сут, ёғ, пишлоқ-да.

Кажавали мотоцикл,
Бирдан машин ҳар уйда.
Чакки юрмайди ҳеч ким
Беҳуда кўча-кўйда.

Кексалари доимо
Терғаб юрар ёшларни.
Шу боисдан қишлоқда
Кўрмайсиз бебошларни.

Бешариқ довруғининг
Бош омили меҳнатдир.
Тўлиб-тошган ғайрату
Матонатдир, ҳимматдир.

Жамоага дарға ким,
Деб сўрсангиз ногаҳон,
Искандар ота, дея
Жавоб беришар шодон.

II

Ўн олтинчи йил эди,
Фарзанд кўрди Дўст ака.
Қувониб деди хушхол:
"Топсин камол, барака".

Маслаҳат қилган эди —
Рози бўлди хотини:
Искандар, деб аташди
Ўғилчасин отини.

Лекин қувонч-севинчи
Етмай қолиб узоққа,
Кўп ўтмасдан танини
Берди ота тупроққа.

Ғамхўридан айрилиб
Кўп фарёд чекди она.
Ўн саккизда тул қолди,
Шундай экан пешона.

Бешга тўлиб-тўлмасдан
Искандар қолиб сағир,
Тоғасининг қўлида
Кечди ҳаёти оғир.

Мол боқди, ер агдарди,
Ишлаб тиним билмади.
Тенгқур болалар билан
Сира ўйнаб-кулмади.

Маҳзун кечди ўсмирлик,
Кеча-кундуз иш билан.
Баҳор, ёз, куз, ҳаттоки
Иши бўлмай қиш билан.

Тоғасининг қўлида
Она билан баробар,
Аста улғая борди
Етим қолган Искандар.

Йўқ, тоғаси сира ҳам
Бермасди озор, зуғум.
Меҳнат қилишдан ўзи
Тўхтамас эди бир зум.

Гоҳо ўтин таширди
Узоқ қумдан, тўқайдан.
Оёқяланг, ялчимай
Ҳатто оддий чўқойдан.

Ўн бир, ўн икки ёшда
Бошқариб от-арава,
Далага гўнгташиди
Катталар-ла баравар.

Етмаса ҳам бўй-басти,
Аравага, бояқиш

Чарчамай гўнг ортарди,
Жадал борар эди иш.

Момоталоқ бўлса-да
Бел ушламоқдан кафти,
Тиним билмай ишларди,
Терларга ботиб афти.

Ўн тўртга кирганида
Ташкил топди илк колхоз:
Ҳамқишлоқлар номини
Ййраб отадилар: "ТОЗ"[1].

Ширкатга аъзо бўлиб
Ёзилди Искандар ҳам.
Аста юришиб кетди
"ТОЗ"да ишлар чинакам.

Йиллар ҳам ўта борди,
Ошди ширкатлар сони.
Жамоа бўлиб ишлаш
Деҳқоннинг экан жони.

Ҳамма бир бўлиб пахта
Эрки учун курашди,
Йиллар ўтгани сари
"Оқ олтин" қадри ошди.

Кўпая борди қўлда
Элнинг ҳам сармояси.
Иқтисод ошганининг
"Ширкат" эди дояси.

Қарашсаки, ишлар беш,
Ўзар экан бирлашган.

---

1 "Т О З" — товарищское обработка земли.

Кўпчилик бўлиб ишлаб,
Ўзаро тадбирлашган.

Бирликда экан ҳикмат,
Ўйлашиб янги тадбир —
Қўшни майда ширкатлар
Йириклашдилар бир-бир.

Ўқиб, билим ҳам олган
Ўсмирмасми Искандар,
Этишди уни колхоз
Комсомолига раҳбар.

"Қизил милиция" деб
Аталган бу жамоат,
Намойиш эта берди
Якдил бўлиб жасорат.

Довруғ таратди ҳар ён
Воҳа бўйлаб кун-бакун.
Ютуқлари ошди кўп —
Салмоқли эди якун.

Искандарни, биласиз,
Ёшларга эди саркор.
Бўлиб қолди колхозга
Бир ғазначи ҳам даркор.

Бу ишни ҳам зиммага
Тезда юклаб қўйдилар.
Боз, устига-устак, деб
Омборчи ҳам қилдилар.

Ёш бошига уч юмуш,
Чарчамасди югуриб.
Севиб қолишди уни
Элдошлари хуш кўриб.

Ўттиз тўққиз эди йил,
Боз маслаҳат солдилар.
Искандарни колхозга
Раис қилиб олдилар.

Масъулият ошди кўп,
Ошди ғайрат ҳам чунон.
Тадбиркорлиги боис
Кела берди элга шон.

"Қизил милиция"га
Қўшилди қўшни колхоз.
Йириклашди жамоа,
Бирлашмоққа бериб сўз.

Наримонов номли деб,
Атай бошлашди уни.
Ташвишга тўлди яна
Искандарнинг ҳар куни.

Тўлиб борди йил оша
Ғазна — пул, омбор — донга.
Раис туфайли элнинг
Етди оғзи ош-нонга.

Тилларга тушиб қолди
Илғор, деб колхоз номи.
Мақташди қаламкашлар
Тошиб кетиб илҳоми.

Кулиб боқди шон-шуҳрат
Бешариқлик деҳқонга.
Тажрибасин ёйдилар
Бутун Ўзбекистонга.

Искандар Дўсовнинг ҳам
Эди бу бахт — омади.

Уни мақтаб ёзмаган
Газет-журнал қолмади.

Кўрсаткичлар ҳузурбахш,
Мадҳу санога қойим.
Ахир, планлар юздан
Ошмоқда эди доим.

Кўришсаки, Искандар
Ишлай билар эл билан.
Йўл топар юракларга
Болдай ширин тил билан.

Бир йил ўтгач орадан
Катта ишга жойлашди:
Қишлоқнинг Шўросига
Раис қилиб сайлашди.

Каттакон амал эди
Ўша пайтлар бу мансаб.
Ҳаммага қонун эди
Шўро айтган ҳар бир гап.

*Колхозлар даргасин ҳам*
Тайинларди Шўролар.
Жамоанинг тақдири
Шўролардан сўралар.

Бешариқда беш колхоз
Шўрога қарар эди.
Ҳаммасига Искандар
Кунда ўн борар эди.

Ҳаммага бирдай одил,
Ҳаммасига меҳрибон,
Йўл-йўриқ кўрсатарди,
Эринмасди ҳеч қачон.

"Ер тўймайин эл тўймас",
Нақлига қилиб амал.
Тўйинтиришди гўнгга
Далаларни мукаммал.

*Заҳкашларни қазиб чўнг,*
Қувиб ер зардобини,
Очдилар пайкалларнинг
Чеҳрасини, тобини.

Ҳамкор бўлиб чиқаргач
Ҳамма бир ёқадаан бош,
Хирмонлар ҳам йил сайин
Босаберди оғир тош.

Колхоз иши юксалиб,
Жадал кетганда қуриш,
Манфур фашизм билан
Бошланиб қолди уруш.

III

Юртнинг бир чеккасида
Жанг кетарди беаёв.
Чидолмади Искандар
Босиб келабергач ёв.

Қирқ иккинчи йил, кузак
Урушга йўл олди у.
Ғазабнок юрагида
Мавж уриб битта туйғу:

"Хуш қолинг, ҳамқишлоқлар,
Хуш қолинг, онажоним.
Ватан ҳимоясига
Бахшида энди жоним.

Элимга жангтоҳлардан
Йўллаб тураман хабар.
Биродарлар, ишонинг,
Бизники бўлар зафар.

Юз миллат қондош бўлиб
Бериб душман додини,
Кўкларга чиқаргаймиз
Нолаю фарёдини.

Вайрон бўлган ўлкани
Поклаб уруш чангидан,
Қардошлар диёрини
Яшнатармиз янгидан".

Тилда қасос, дилда ўч,
Отланди жангтоҳ томон.
Ўт-оловли жабҳага
Ташлашди борган замон.

Оғир эди топшириқ,
Алоқачи-да, ахир.
Қилиб қўйишди уни
Етти мардга командир.

Алоқа йўлларини
Тиклар эди шоввозлар.
Тинмас бошлари узра
Вишиллаб ўқ овозлар.

Олдинги линияни
Штабга улаб чаққон,
Куч сафарбар қилмоққа
Яратардилар имкон.

Баъзан душман симига
Улаб олишарди сир.

Ҳайиқмасдилар ёвга
Бўлиб қолишдан асир.

Борар эди Россия
Тупроғида оғир жанг.
Воронежни душмандан
Тозалардилар аранг.

Ҳар бир қарич ер учун
Шердек олишардилар.
Гоҳо эса жиққа мушт
Бўлиб солишардилар.

Алоқачи эмасми,
Разведкачи ротага,
Искандарлар жўнарди
Сир олгани жўрттага.

Бу — ўлимдан қочиб ҳам
Қутилмайсан, деган гап.
Шарти: ёвга ҳам тирик
Тутилмайсан, деган гап.

Саратов йўналиши,
Калаж, Сталинград...
Бу йўллар жанг даҳшатин
Қилиб бўлмас сира рад.

"Ё ҳаёт, ё ўлим!" — деб
Бизникилар қилар жанг.
Бўлмоқда эди ёвнинг
Зарбамиздан ҳоли танг.

Қирқ учинчи йил, июль,
Йигирма биринчи кун
Жасур Искандар учун
Топди бирдан жанг якун.

Новошахтинскка
Чиқишганда кечаси,
Взводни ўққа тутди
Душманнинг бир нечаси.

Яқингинага ногоҳ
Снаряд тушди келиб.
Портлади-ю, уч йигит
Шу ерда қолди ўлиб.

Келганида ҳушига
Бизнинг жасур Искандар,
"Полевой"да ётарди
Ўлгандан бўлиб баттар.

Кейин билса уни тез
Санитарлар олибди.
Шундан ёвнинг қўлига
Тушмай омон қолибди.

Зарб кириб парча темир
Кўкрак қафаси аро,
Юракка жиндек етмай
Қилмиш кўнгилни яра.

Жойлашиб ўпка ичра,
Қисиб нафас йўлини,
Шу осколька берибди
Озорларнинг мўлини.

Доғистонда тўққиз ой
Даволанса-да алҳол,
Тузалмади соғлиғи,
Нафас оларди беҳол.

Яроқсиз деб топишди
Уни ҳарбий ҳолатга.

Қирқ тўртинчи йил, ёзи
Қайтаришди Боготга.

Лаънати темир парча
Шу-шу — ўпкада қолди.
Танда жароҳат билан
Бешариққа йўл олди.

Киришиб кетди аскар
Яна колхоз ишига.
Муҳтож эди жамоа
Искандардай кишига.

"Касалман мен, мазам йўқ",
Деганига қарамай,
Раис қилиб сайлашди
"Наримон"га кўп ўтмай.

Қийнаса-да осколька,
Қисилса-да нафаси,
Тиним билмай ишлашга
Баланд эди ҳаваси.

Меҳнатдан топиб таскин,
Унутиб жароҳатни,
Йиғиштирди четкага
Ором билан роҳатни.

Машъум уруш туфайли
Ўтирганди кўп тармоқ.
Қадди чўккан колхозни
Лозим эди кўтармоқ.

Меҳнатга эл дилида
Оловлатди иштиёқ.
Саранжомланиб қолди
Интизом-ла ҳаммаёқ.

Бунёдкорлик кураши
Авж олиб кетди роса,
Ўнглай бошлади колхоз
Қаддини тиклаб расо.

— Ерни севингиз, ундан
Чиқар бари ноз-неъмат.
Ардоқлангиз юракдан,
Аяманг сира ҳиммат.

Маҳаллий ўғитларни
Кўпроқ элтиб тўкинглар.
Ҳосилдор бўлмаса ер,
Майли, мени сўкинглар.

Ишлов беринг экинга
Тузукроқ, сидқидилдан.
Ҳосил мўл бўлар сўзсиз,
Ортар хирмон йил-йилдан.

Агротехник талабга
Риоя қилсангиз гар,
Пахта, шоли, полиз ҳам
Мўл бўлиши муқаррар.

Тўлиб-тошиб ётмаса
Фермамизда ем-хашак,
Юксалтириб бўлмайди
Чорвамизни ҳам бешак.

Боғ-роғларга парвариш
Бермоқ керак жадалроқ.
Кўп етилса меваси,
Пул бўлар жароқ-жароқ".

Ташвиқ қилар Искандар,
Эл оралаб, чарчамай.

Еганингиз бўлар, дер,
Эрта-индин ғарчча мой.

Бригадалар аро
Кураш кетар дўстона.
Самимий беллашувлар
Бера бошлар нишона.

Ўша йили пахтадан
Кўтарилиб бой хирмон,
Даромад кўпайди-ю,
Бўлди омбор тўла дон.

Полиз, мева-мастон ҳам
Гўшт ҳам, сут ҳам бўлди мўл,
Яхши ҳақ олди деҳқон,
Қайга чўзса етди қўл.

Дастурхони қайтадан
Тўлиб-тоша бошлади.
Колхознинг довруғи ҳам
Тағин оша бошлади.

Буюк Ғалаба йили
Боз ошиб тоғдай довон,
Бўлиб қолди хўжалик
Номи тилларда достон.

Ҳар сафар шараф билан
Уддаларкан аҳдини,
Мақтаб, куйлай бердилар
Куй, қўшиқда мадҳини.

Йиллар ўтиб, галма-гал,
Бўлди колхоз довруғдор.
Тўлди раис кўкси ҳам
Орден, нишонга қатор.

Эллик олтинчи йилда,
Айни тўкин-сочин куз
Искандар кўкрагида
Порлади Олтин Юлдуз.

Бу — бунёдкор меҳнатга
Берилган баҳо эди.
Қаҳрамонлик нишони
Жуда бебаҳо эди.

Обрў орттирди беҳад
Қаҳрамон раис ота.
Иттифоқ Кенгашига
Депутат бўлди ҳатто.

КПСС съездига
Делегат ҳам бўлди у.
Камтар номин буркади
Шону шарафга мангу.

Колхознинг ҳам шуҳрати
Ошиб, чулганиб шонга,
Муяссар бўлди юксак
Чўғдай олий нишонга.

Меҳнат Қизил Байроқдир
Ушбу орденнинг номи.
Бу — машъал хўжаликка
Иттифоқ эҳтироми.

Юрт фахри, ифтихори,
Донгдор ёшулли—раис,
Қолдирди узоқ ишлаб
Ўзидан ёрқин бир из.

Ахир, салкам қирқ йилча
Бўлиб дарға қишлоқда.

Таратди мўътабар ном
Улкан бир Иттифоқда.

Оддий деҳқон фарзанди,
Ўзи ҳам оддий чунон.
Куйлай берсанг таърифи
Тугамайдиган достон.

Гурунглашиб қолсангиз
Ўзи билан агарда,
Эрта бошланган суҳбат
Тугамайди саҳарда.

Ундайин зўр суҳбатдош
Топмогингиз маҳолдир.
Айтган ҳар сўзи ҳикмат,
Ҳар каломи мақолдир.

Навоий, Махтумқули
Севган адаби унинг.
Эркин, Абдуллани ҳам
Яйраб ўқир ҳар куни.

Бу — катта, бу — кичик, деб
Ўтирмайди сира ҳам.
Ҳатто болалар билан
Гурунглашар чинакам.

Элда ҳамма-ҳамманинг
Гўё тани-жони у.
Чеҳрасидан доимо
Ёгилар майин ёгду.

Етказган шогирдларин
Юзлаб санаса бўлар.
Рўйхат қилсангиз агар
Тўрт-бешта дафтар тўлар.

Зариф Қурбон, Розия
Меҳнат Қаҳрамонидир.
Ҳожи катта совриндор,
Хоразмнинг шонидир.

Бунда машҳур заршунос,
Чорвадорлар кўп жуда.
Устозига муносиб
Шогирд дегани шу-да.

Ҳаммасининг кўксида
Ўнлаб нишон порлайди.
Қайноқ суҳбат қурмоққа,
Мулоқотга чорлайди...

## V

Тўққизинчи ноябрь,
Етмиш олтинчи йил. Куз.
Оғир хасталикдан сўнг
Машҳур ўғлон юмди кўз.

Абадият уйқуси
Чулғаб олди жисмини.
Эл қалбида қолдирди
Шонга тўла исмини.

Оғир эди йўқотиш,
Воҳа юм-юм йиғлади.
Аза тўла кўксини
Нидо билан тиғлади.

Искандар Дўст Туроннинг
Шунқори эди азим.
Сўнгги йўлга кузатди
Уни бутун Хоразм.

Сиғмай кетди қишлоққа
Йиғлаб келган кекса-ёш.
Ҳатто ўша кун юзин
Беркитиб олди қуёш.

Искандарни она-Ер
Олди совуқ қаърига.
Киндик қони тўкилган
Энг муқаддас бағрига.

Шундан буён орадан
Ўтса ҳамки ой, йиллар.
Ота номин эъзозлаб
Тепмоқдадир кўнгиллар.

## VI

Ҳа, ўлмади ул сиймо,
Номи боз топди сайқал.
Тирикликда қўйган у
Ўзига ўлмас ҳайкал.

Эргашиб кадхудолар
Эл билдирган ниятга,
Дахлдор айладилар
Номин абадиятга.

Бир жамоа хўжалик
Бугун қўшни қишлоқда
Машҳур Искандар Дўсов
Номи-ла аталмоқда.

'скандар Дўсов деган
'ча бор Урганчда ҳам.
эашар хонадонлар
тилга олган дам.

Дўсов, дея аталган
Мактаб ҳам бор, билсангиз.
Эшиги доим очиқ
Гар кўрмоққа келсангиз.

Бешариқнинг "Шон-Шуҳрат"
Музейин кўриб бир бор,
Дилдан таҳсин ўқийсиз
Бу элга такрор-такрор.

Оппоқ, мармар бюстда,
Музей олдида сизни,
Ота кутиб олади,
Нурафшон қилиб юзни.

"Наримонов" тарихи
Шу ердадир мужассам.
Жамоа босиб ўтган
Шонли йўл, нурли из ҳам.

Музеймисан, музей-да,
Бунақаси кам жуда.
Минг хил экспонат бор
Хоналарнинг ичида.

Ўтган қайноқ йиллардан
Сўзлар бунда ҳар далил.
Савратлар — жонли гувоҳ,
"Шундоқ бўлган", дер дадил.

Музейнинг бир хонаси
Тортиб диққат-эътибор,
Чулғаб олар ҳушингни,
Илҳом бериб бешумор.

Бу — Искандар Дўсовга
Бағишланган хонадир.

Кўздан кечирган сари
Дил меҳрга қонадир.

Тўрт тарафга қадалган
Неча сувратдан раис,
Сизга боқиб турибди
Гоҳи шод, гоҳи маъюс...

Ана, нақ Кремлнинг
Съездлар Саройида у.
Маъруза тингламоқда,
Кўзларида ним кулгу.

Ана, ойнаванд қути,
Ичи ҳужжат — бир дунё.
Сонсиз орден-медаллар,
Қилиб қўяр маҳлиё.

Жажжи бахмал ёстиқда
Олтин Юлдуз ярақлар.
У — Қаҳрамонлик рамзи,
Гўё кундек чарақлар.

Ана, гувоҳномалар,
Шахсиятнинг белгиси.
Мадҳ этилган газетнинг
Билмам, неча йилгиси.

Ана, қўш тигли милтиқ,
Овчилигидан нишон.
Шикор чиқарди ахир
Бўш пайтлар аҳён-аҳён.

Дўсов шаъни битилган
Ўнлаб журнал ва китоб.
Сайёҳларнинг дилига
Нур сочар мисли офтоб.

Ота кийган либослар
Осиғлиқ турар, ана.
Бари оддий, бари жўн,
Деҳқонча, бефасона.

Музейга ҳар йил минглаб
Сайёҳ келар хориждан.
Америқодан, Лондондан,
Япония, Париждан.

Жаҳон аро сайёҳлик
Йўлининг бир нуқтаси —
Алла қачондан буён
Шу музейдир муттасил.

Хотира китобида
Сероб улар дастхати.
Меҳр билан битилган
Шаҳри, эли ва оти.

Демак, жаҳонга машҳур
Искандар Дўсов номи.
Шу боис бахшидадир
Дунёнинг эҳтироми.

Жуда ҳам аниқ билар
Жаҳондаги бор башар:
Эл-юртга хизмат қилган
Дилларда мангу яшар.

Эзгулик ила пок ном
Қолдирганга не етсин.
Минг яшаш истаса ким,
Ватанга хизмат этсин.

Яшаш билан яшашнинг
Бекиёс фарқи бордир.

Ёмон деб ном қолдирмоқ
Донолар учун ордир.

Қутайба, Чингизхонни
Ҳеч ким яхши демайди.
Талончилиги боис
Башарият севмайди.

Асрларким, уларга
Тавқи лаънат босилган.
Номлари тарихларга
Қора билан ёзилган

Босқинчи бўлса номи
Босқинчи бўлиб қолар.
Келажакда уни эл
Нафрат-ла тилга олар.

Қон қақшатгач эл-юртни
Неча бор Боту, Жўжи
Ҳануз кўринар кўзга
Мисоли қашқир, бўжи.

Кўп мамлакат, кўп юртни
Темур ҳам зир титратган.
Яксон қилиб халқини
Чор тарафга бутратган.

Искандар Зулқарнайн
Деб ном олган ёвуз зот,
Мудҳиш қирғинлар билан
Ном қолдирган-да, ҳайҳот.

Ер юзининг ярмини
Босиб олган жаллод у.
Шу боисдан юзига
Қора чапланган мангу.

Ўтиб кетган эса-да
Орадан неча замон,
Бераҳм, дея эллар
Лаънатлар уни ҳамон.

Бизнинг Искандар эса
Буюк зотдир батамом.
Қуриш, яратиш билан
Қолдирди ўзидан ном.

Меҳнат билан яшнатиб
Кичкина бир қишлоқни,
Куйлатиб қўйди элга
"Феруз" билан "Ушшоқ"ни.

Ота шарофатидан
Шаҳар бўлди Бешариқ.
Гулгун яшнаб кўчалар.
Гулга тўлди Бешариқ.

Дур, маъданга айланди
Ҳар қарич ер, тупроғи.
Қолишмайди Эрамдан
Жаннатга қиёс боғи.

Дастурхонлар доимо
Тўла бунда асалга
Юраклар ҳам тўладир
Қувноқ қўшиқ, ғазалга.

Эъзозда ота қабри
Аримас пойидан гул.
Унинг пок руҳи билан
Тепмоқдадир ҳар бир дил.

"От ўрнини той босар",
Ажойибдир бу мақол.

Бугун ўғли Абдулла
Хоразмга оқсоқол.

Колхознинг донгини у
Жаҳон аро таратди.
Ўн тўрт йил раис бўлиб,
Ўзи мактаб яратди.

Тажрибасин ўрганиб
Баъзи олимлар ҳатто
Профессор бўлишди,
Пахта илмида аъло.

Отасига тортди-да
Тадбиркорликда ўғли.
Доно, баркамол, дилкаш,
Юраги доим чўғли.

Яна тоғ, уммон ошди
"Наримонов" довруғи.
Қўллаб турмоқда уни
Мўътабар ота руҳи.

Ким қолдирса ўзидан
Искандардек қутлуғ от,
Замонлар ўтса ҳамки
Яшар номи умрбод.

Зеро, элга яхшилик
Қилганлар кам бўлмайди.
Хоразм ёшуллиси
Демак, сира ўлмайди.

Сиз ҳам, укажонларим,
Отадан ўрнак олинг.
Меҳнатда шон таратиб,
Дилларда яшаб қолинг.

Бағишламоқ бўлсангиз
Элга жон ила танни,
Бунинг учун, аввало,
Севмоқ керак Ватанни.

## ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса
Вайронадур кошона ҳам.

*Эркин Воҳидов*

Кўп қадим замонларда,
Хоразм томонларда,
Зарур бўлса мабодо
Тўғрироғи Хивада —
Шаҳарнинг ҳам четида,
Кунгайсизроқ бетида,
Кўриб саксон баҳорни,
Қўндириб бошга қорни,
Соқол-мўйлови оппоқ,
Кумуш каби ярқироқ:
Юпун ҳолда ҳойнахой,
Яшар экан бир бобой,
Яна нимасини дей?
Қадди бирам букик-эй.
Юрса қўлинда асо,
Мункиллаб қолган расо,
Боқишни жуда ҳам
Босиб қўйиб ғам-алам,
Ташлабди шалдиратиб,
Ўлгудай шалвиратиб.
Бари гапим чиппа чин:
Юзини босиб ажин
Қочиб нури кўзининг,
Куч қуввати ўзининг,

Энди битди, деб йўлим,
Мурод этибди ўлим.
Ёлгиз экан бояқиш,
Уйдан чиқмай ёзу қиш,
Жоним чиқса, деб, шояд,
Ўқиб ётибди оят:
"Еб тугатдим ошимни,
Яшаб бўлдим ёшимни.
Кўриб нуқул ташвиш, ғам.
Кўп кўргулик ва ситам,
Букилиб қадди-бўйим,
Сарғайди ранги-рўйим.
Бўлармидим қози ман,
Энди ўлсам розиман..."

Бобой шундай дебди-ю,
Бир қарорга кепти-ю,
Роса чарчаб-толибди,
Таппа ётиб қолибди.
Бекиниб олиб уйга,
Чиқмаган кўча-кўйга.
Ёлғизликда кун-бакун
Кечибди умри маҳзун.
Зерикибди бир ўзи,
Қатъийлигидан сўзи,
Мағрур ётаверибди.
Кунлар ўтаверибди.
Бўлмай ажалдан дарак,
Бошини қилиб сарак,
Депти ўзига ҳайрон:
"Тугаркан умрим қачон?"
Лекин ажал келмабди,
Бобойжон ҳам ўлмабди.
Беҳуда суриб хаёл,
Ётибди у бемажол.

Ногоҳ келиб бир куни,
Кимнингдир саси — уни,
"Тақ-тақ" этиб дарвоза,
Безовта қилди роса.
— Ким у,— сўради бобо,
Мунча дагдага, товба?
— Мен,— кўчадан келди сас,—
"БАХТ" бўламан-муқаддас.
Эшикни очсангиз гар,
Сочай уйга симу зар.
Икков яшасак, алҳол,
Асло кўрмайсиз завол.
Дурга тўлар уйингиз,
Нурга тўлар уйингиз.
Тошиб давлатингиз ҳам,
Тарк этади сизни гам.
Ёлгизлик не — билмайсиз,
Сира ҳам инжилмайсиз.

Бобо ўйланиб бир оз,
Қилди шундай эътироз:
— Мен нотавон ва беҳол,
Мункиллаб қолган бир чол,
Ёш ўтиб, етиб галим,
Яқин эрса ажалим.
Шундай экан, бетайин
Бахтни энди нетайин?
Шул боисдан азизим,
Сўрайман сендан изн:
Бу даргоҳдан кета қол,
Бошқани шод эта қол.
Бўлса бир ёш бахтиёр,
Ҳимматингдан миннатдор,
Шунинг ўзи бахт менга,
Тенгсиз тожу тахт менга,
Шундай экан, ранжима,
Етгин дема ганжима.

Бошлаб келсанг-да кимни,
Очмайман эшигимни.

Бахт эшитиб бў сўзни,
Чанг босмасин, деб изни.
Қайтиб келган йўлига
Қарамай ўнг-сўлига,
Ёшни излаб кетибди
Ва муродга етибди.
Бобо уйда кимсасиз,
Яшаб қолибди ёлғиз.
Эскича ўтиб кунлар,
Ечилмабди "тугун"лар,
Кутса ҳамки бетоқат,
Келмабди сўнгги соат.
*Ажал ўрнига бир кун,*
Эшитилмиш янги ун.
"Тақ-тақ" этиб дарвоза
Безовта қилмиш роса.
— Ким у?— сўради бобо,
Мунча дағдаға, товба?
— Мен,— сас келмиш нозланиб,
Майин-майин розланиб.—
МУҲАББАТМАН, бобойжон,
Сурайлик бирга даврон.
Биласиз-ки, азал ман,
Фариштаман, гўзалман.
Нур ёғилар юзимдан,
Зўр жонон йўқ ўзимдан.

Эшикни тезроқ очинг,
Йўлимга тилло сочинг.
— Раҳмат ташрифинг учун,
Қариб, йўқолган кучим.
Таклифингни шул боис,
Қолдирурман мен беиз.
Йўқ дилда ўт — шарорим,
Ишқ тарк этган қарорим.

Саксондан ошган бир чол,
Муҳаббат билан хушҳол
Ўлгунча яшаб токим,
Бахт қучганин кўрган ким?
Сен бориб, эй ширин тил,
Бир ёшни бахтиёр қил.
Муҳаббат изига қайтиб,
Бобойга раҳмат айтиб,
Излаб топиб бир ёшни,
Пойига қўйиб бошни,
Иқболга ёр этибди,
Кўп бахтиёр этибди.

Бобойжон боз кимсасиз,
Яшаб қолибди ёлғиз.
Кутган куни келмапти,
Аксига, ҳеч ўлмабди.
Ғамда оқшому туни,
Ўтаверибди куни.
Хира ҳам тортиб кўзи,
Зерикибди бир ўзи.
Кўнгли истаб мулоқот,
Тугабди сабру тоқат.
Яшаб бир ўзи, ёху,
Ким билан сўзлашсин у.
Бори-йўғи бўлса ёр—
Тўрт тарафда тўрт девор.

Ёлғиз яшаса одам,
Еб ташлар экан мотам.
Ичингдан бўлиб адо,
Юраркансан доимо.
Ортиб манглай чизиғи.
Қолмас яшаш қизиғи.
Тарк этиб юзинг кулгу,
Ёмон эзар бир туйғу;
Бу — ёлғизлик изоси,
Яккалик васвасаси.

Халқумга келганда жон,
"Тақ-тақ" қилиб ногаҳон,
Дарвозадан келмиш сас,
Сас эмас — ширин нафас.
— Ким у?— сўради бобо,
Сасинг мунча дилрабо?
Ким бўласан, айта қол,
Гумроҳ бўлсанг — қайта қол.
— Мен,— мағрур келди нафас,—
Ҳамма қилгувчи ҳавас,
ДЎСТ эрурман, бirодар,
Вафодор маҳшар қадар.
Иккимиз иноқ-аҳил,
Бўлмасдан сира бахил,
Яшасак, дея келдим,
Чопдим, югурдим-елдим.
Дардингни ўзим олай,
Сен билан яшаб қолай.
Рози бўлсанг, жилмай сан,
Ҳеч пушаймон қилмайсан.
Узоқ ўйланиб, хушҳол,
Депти:— Майли, бирга қол.
Ғам-андуҳли бу уйда,
Маъюс, нотавон кўйда,
Ёлғиз ўтгандан кўра.
Бирга яшайлик, жўра.

Чин дўст бўлиб яшайлик,
Не топсак бир ошайлик.
Бўлсак бир-бирга ҳамдам,
Тарк этар дилни алам.
Ўзи, меҳрибон, лазиз,
Садоқатли ва азиз,
Ҳимматда тоғдай буюк,
Ҳамма-ҳаммадан суюк,
Бир дўстга зор эдим мен,
Ночору хор эдим мен.
Тинглаб, шундай депти ДЎСТ:

— Бўлса бизда каму кўст,
Гапни қўйиб бир ерга,
Тузатиб икков бирга,
Кўрсак боримиз баҳам,
Тўқ яшаймиз жуда ҳам.
Шундай қилиб бобойжон
Дўст билан дўст бўп чунон,
Бирга яшаб тинч, иноқ,
Умр кўрдилар узоқ.

Қиссадан ҳисса шулки,
Ошиб икки дўст мулки,
Ғамни даф этган уйга —
Ўхшаб кетиб зўр тўйга,
Аввал кириб келиб БАХТ,
Қилиб каму кўстни тахт,
Ёруғ қилиб савлатдан,
Инъом этиб давлатдан,
Қўнгандек бошга ҳумой,
Қилди икки дўстни бой.
Кўп ўтмай бу хонадон
Яшнади яна чандон.
Кириб келди МУҲАББАТ
Ва яшаб қолди абад.
Бўлиб диллар нурафшон,

Боз ёришди кенг жаҳон.
Икки дўст кўришди чин
Дўстликнинг буюк кучин.
Эркин ака ҳақ минг бор:
Дўсти борлар бахтиёр.
Дўст билан янграр куйинг,
"Дўст билан обод уйинг".
Дўст-ла гуллар чинакам
"Гар бўлса вайрона ҳам".
Лозим ул уй шом деса,
"Дўст қадам қўймас эса".
Бўлмаса дўсти ҳамдам,

"Вайрона кошона ҳам".
ДЎСТ топгали қилсанг шаҳд,
Пешвоз чиқар сенга БАХТ.
Қизлар хушторинг бўлар —
МУҲАББАТ ёринг бўлар.
Хулоса қилсам агар,
Дўстлик тенгсиз симу зар.
Дўстликда барча ҳикмат,
ДЎСТЛИК — олтиндан қиммат.
ДЎСТЛИК туфайли ҳуррам,
Бўлмиш бизнинг бобой ҳам.

## МУНДАРИЖА


Ғазаллар . . . . . . . . . . . . .

Мухаммаслар . . . . . . . . . . . . 1(

Мураббаълар . . . . . . . . . . . . 2(

Тўртликлар . . . . . . . . . . . . 28

Рангин оҳанглар . . . . . . . . . . 32

Достонлар

Искандарнома . . . . . . . . . . . 410

Дўст билан обод уйинг . . . . . . . . 438

*Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси*

Литературно-художественное издание

Ошык Эркин (Эркин Мадрахимов)

НЕ ДАЁТЕ ПОКОЯ МНЕ

Стихи

Художник А. Мамаджанов

Ташкент, издательско-полиграфическое
объединение им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов)

ҚЎЙМАДИНГИЗ, ҚЎЙМАДИНГИЗ

Шеърлар

Муҳаррир Ж. Сувонқулов
*Расмлар муҳаррири* О. Немировский
Техн. муҳаррир Р. Рахматуллина
Мусаҳҳиҳ Ш. Назарова

ИБ №4957

Босмахонага 08.05.91. да берилди. Босишга 03.06.92.да рухсат этилди. Бичими 70x90/32. 2-чи босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. 16,38 шартли босма тобоқ. 16,38. шартли бўёқ нусхаси. 12,35 нашр босма тобоғи. Жами 10.000 нусха. 65. буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 17-91 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Эркин, Ошиқ.

Қуймадингиз, қуймадингиз: Шеърлар ва достонлар.—Т.: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.—448 б.

Чиқиш маълумотларидан авт.: Ошык Эркин (Эркин Мадрахимов).

Ҳар бир шоир аввало ўзи туғилиб ўсган ўлка фарзандидир — ижодида унинг бешигини тебратган муҳит, табиат, одамлар панжаси излари бўлади. Зотан, Ошиқ Эркин ғазалларини, мухаммаслари ва бошқа асарларини ўқиган китобхон буни дарҳол сезади — қон-жонига шеърга, қўшиққа, ҳазил-мутойибага ошиқлик туйғуси сингиб кетган қадимий Хоразм ғазалнависларининг яна бир издоши билан мулоқот қилаётганига иқрор бўлади.

Ошиқ Эркин (Эркин Мадраҳимов) кўп йиллардан буён ўзбек шеърхонларига таниш ва қадрдон. Зеро, шоир ғазаллари ва шеърларининг бир юз элликтадан кўпроғи деярли ҳар куни диёримиз радио ва "ойнаи жаҳон" тўлқинларида, кўпгина ижодий жамоалар саҳналарида озарбойжонлик машҳур санъаткор — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Шермат Файзуллаев, Каримбой Раҳмонов сингари ўнлаб хонандалар томонидан завқ-шавқ билан ижро этиб келинаётгани ҳам унинг ёр ва диёр, муҳаббат ва садоқат ҳақидаги қўшиқлари аллақачон оммалашиб кетганидан ёрқин далолатдир. Келинг, уларни ўзингиз ўқиб, гувоҳи бўлинг.

Эркин О. Не даёт покоя мне: Стихи.

Ўз2